

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси

ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

Общество и управление / Society and Administration

2024
1 (103)

1997 йилдан нашр этилади

Тошкент – 2024

ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

Бош муҳаррир:
Бекмуродов А.Ш.

Таҳрир хайъати:
Азизов Х.Т.
Умаров А.Ю.
Сатторов С.А.
Хамроходжаев Н.Я.
Хусанов О.Т.
Бекмуродов М.Б.
Раҳимова Д.Н.
Жалилов А.Т.
Юлдашев А.Э.
Хамидулин М.Б.
Хайитов Х.С.
Асадов Ш.Ф.
Холов А.Х.

Таҳририят:
Масъул муҳаррир:
Боймуродова Ш.Ш.

Муҳаррирлар:
Кабулова Д.Б.
Абдуллаева Г.Л.
Раҳимов Д.Ф. (инг.)

Мусахҳих:
Шорихсиева А.Ф.

Бадий муҳаррир:
Бобоҷонов Б.С.

Таҳририят манзили:
100066, Тошкент,
Ислоҳ Каримов кўчаси, 45.
e-mail: jurnal95@dba.uz
ISSN 2181-7340

Журнал Ўзбекистон
Республикаси Матбуот
ва ахборот агентлиги
томонидан 2013 йил
10 апрелда 0201-сон
билан рўйхатга олинган.

Мақолалардаги
маълумотлар тўғрилиги
учун муаллиф жавобгар.

Бичими 60x84 ¹/₈.
Нашр босма табағи 13,25.
Адади 70 нусха.
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви
академияси босмаҳонаси.
Гувоҳнома № 10-3723.
21.06.2016 й.

Муассис:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

Журнал Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан ижтимоий-иқтисодий фанлар йўналиши бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижалари асосида ёзиладиган илмий мақолаларни нашр этишга тавсия этилган оммавий ахборот воситалари жумласига киритилган.



**2024 йилда бозор иқтисодиёти
пойдеворини қуришнинг барча
жараёнларини яқунлаб, 2025 йилда
миллий иқтисодиётимизни сифат
жиҳатидан мутлақо янги даражага
олиб чиқишимиз шарт.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ

МУНДАРИЖА

Ректор минбари

- 4** Адхам Бекмуродов. **Давлат бошқаруви тизимида ислохотлар: давлат сиёсатининг натижадорлиги маҳалла аҳлининг розилиги билан ўлчаниши ислохотлар самарадорлигининг бош мезонига айланмоқда**
- Давлат бошқарувининг ҳуқуқий асослари*
- 15** Абдуманноб Рахимов. **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ўзаро муносабатлари**
- Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти янги босқичда*
- 24** Озод Хусанов. **Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллиги – самарадорлик кафолати**
- 29** Хушвақт Хайитов. **Марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вазифа ва функцияларининг тақсимланиши: Ўзбекистон ва АҚШ тажрибаси мисолида**
- 37** Фуломжон Сапаев. **Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари**
- 43** Бахтиёр Шодмонов. **Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий масалалари**
- 50** Мансур Юнусов, Жамолiddин Исмаилов. **Маҳаллий давлат бошқарувида оммавий ахборот воситаларининг иштироки**
- 58** Умид Фозилов. **Маҳаллий бошқарув самарадорлигини оширишда раҳбар кадрларнинг бошқарувга оид кўникмаларини ривожлантириш масалалари**
- Номарказлаштириш – сифатли бошқарувнинг асосий мақсади*
- 65** Мансур Бекмуродов. **Номарказлаштириш шароитида ижтимоий ривожланиш ва инсон тараққиётини жадаллаштириш**
- 73** Алишер Эшанкулов. **Номарказлаштириш – давлат бошқарувини ислох қилишнинг муҳим омили**
- 81** Фируз Махмудов. **Давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувининг назарий-ҳуқуқий таҳлили**
- 88** Лола Инагамова. **Ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари касбий компетенцияларини баҳолаш**
- 96** Алишер Маматов. **Номарказлаштириш шароитида ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш истиқболлари**
- 104** Гузал Саъдиева, Олтиной Мамирова. **Номарказлаштиришнинг назарий жиҳатлари ва уларнинг талқини**
- 111** Музоффор Кайимов. **Номарказлаштириш шароитида маҳалла бюджетини такомиллаштириш имкониятлари**
- 117** Ситора Негматова. **Давлат бошқарувини номарказлаштириш шароитида давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари**
- Жамоатчилик назорати – самарали бошқарув омили*
- 124** Виктория Алексеева. **Измерение общественного мнения как средства общественного контроля в обеспечении открытости деятельности органов государственной власти и управления**
- 130** Шухрат Бафаев. **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – жамоатчилик назоратининг субъекти**
- 136** Қудрат Садуллаев. **Инсон ҳуқуқларини таъминлашда жамоатчилик назорати**
- 141** Шухрат Турдикулов. **Коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик ролини ошириш – Янги Ўзбекистоннинг муҳим стратегик вазифаларидан бири**
- Миллий маънавиятга эътибор*
- 146** Сарвар Отамуратов, Ойбек Рашидов, Санжарбек Шойимов. **Миллий маънавиятга эътибор – миллат келажагининг гарови**
- 152** Алишер Муминов. **Ўзбекистонда бағрикенглик тамойилларининг намоён бўлиши**
- 160** Акмал Абдуллаев. **Давлат бошқарувидаги этактик тузилмаларнинг сўфийлик таълимотидаги талқини**
- Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлида*
- 167** Игорь Бутиков. **Проблемы повышения уровня финансовой грамотности населения и профессионализма специалистов рынка ценных бумаг**
- 179** Умида Иманова. **Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий бюджетлар ва молиявий ресурсларни бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари**
- 186** Нодирбек Мусурманов. **Ташкилотларда ижтимоий бошқарув хусусиятлари ва усуллари**
- 195** Nadirzhan Maksumov. **Importance of implementing a career model**
- Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти*
- 199** Сайфиддин Жўраев. **Ўзбекистоннинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотидаги иштироки ва ҳиссаси**
- 208** Азимжон Пулотов. **Жаҳон иқтисодий форумининг Саёҳат ва туризмни ривожлантириш индекси ва унда Ўзбекистоннинг баҳолаши истиқболлари**

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ИСЛОҲОТЛАР:

ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ НАТИЖАДОРЛИГИ МАҲАЛЛА АҲЛИНИНГ РОЗИЛИГИ БИЛАН ЎЛЧАНИШИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ БОШ МЕЗОНИГА АЙЛАНМОҚДА



Адхам БЕКМУРОДОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Аннотация: давлатимиз раҳбари томонидан бир неча бор таъкидланганидек, “ҳар бир давлат органининг, ҳар бир давлат амалдорининг самарадорлиги ва натижадорлиги унинг фаолиятдан аҳолининг розилиги билан ўлчанади” ва бу мезон тўлалигича давлат сиёсати ва бошқаруви тизими қон томирларига синдирилмоқда. Маҳалла ободлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш самарали давлат бошқаруви тизимининг асосий индикаторига айланмоқда. “Самарали давлат” концепцияси давлат хизматчиларидан инновацияларга очиқликни, янги ғоялар ва имкониятларни бошқарув тизимида қўллай олишни, илғор давлатлар ва ўз тажрибамиздан ҳам ўрганишга тайёрликни талаб қилади.

Калит сўзлар: давлат бошқаруви тизимида ислоҳотлар, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси, глобал рейтинглар ва индекслар, “Самарали давлат” концепцияси, “вазирлик – қўмита – агентлик – инспекция” ягона бошқарув тизими, “давлат – маҳалла – фуқаро” мулоқоти.

Реформы в системе государственного управления: измерение результативности государственной политики через удовлетворённость жителей махалли становится основным критерием эффективности реформ

Адхам Бекмуродов,
Ректор Академии государственного управления
при Президенте Республики Узбекистан,
доктор экономических наук, профессор

Аннотация: как неоднократно заявлял глава нашего государства, “эффективность и ответственность каждого государственного органа, каждого государственного чиновника измеряются степенью удовлетворённости населения”, и система государственной политики и управления полностью проникнута этим критерием. Обеспечение процветания махалли и благополучия народа становится главным показателем эффективной системы государственного управ-

ления. Концепция “эффективного государства” потребует от госслужащих быть открытыми к инновациям, использовать новые идеи и возможности в системе управления, а также учиться у передовых стран и собственного опыта.

Ключевые слова: реформы в системе государственного управления, стратегия “Узбекистан – 2030”, глобальные рейтинги и индексы, концепция “эффективного государства”, единая система управления “министерство – комитет – агентство – инспекция”, диалог “государство – махалля – гражданин”.

Reforms in the public administration system: measuring the effectiveness of state policy by life satisfaction of mahalla’s population has been becoming the main indicator of the effectiveness of the reforms

Adkham Bekmurodov,

Rector of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Economic Sciences, Professor

Халқаро тараққиётнинг кейинги ўн йиллигида, Ўзбекистоннинг сиёсий лидери Шавкат Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, дунё анча турбулент ва таҳликали ривожланиш фазасига кириб бормоқда. Жаҳон хомашё, технология, профессионал ишчи кучи ва капитал бозорларида, товарлар экспорти ва транспорт коридорларида, халқаро кооперация ва интеграция занжирларида мисли кўрилмаган сиёсий таранглик кузатилмоқда.

Жаҳон сиёсати ва иқтисодиётнинг глобал иштирокчилари халқаро муносабатларнинг анъанавий услуб ва тамойилларидан четланиб, ўз миллий манфаатларини илгари суришнинг муросасиз йўлларида ўтиб олмоқдалар. Бу эса, илғор иқтисодий ривожланиш траекториясига чиқиб олган Ўзбекистондек динамик ривожланаётган давлатлардан глобал рақобатда самарали иштирок этиш ва ўзига муносиб ўринга эга бўлишнинг энг замонавий ҳамда креатив драйверларини излаб топишни тақозо этмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг давлат бошқаруви тизими мана шундай стратегик ноаниқлик ва глобал воқелик шароитида 2030 йилга қадар бўлган ўз миллий тараққиётининг мақсад ва

Abstract: as our leader of country has often stated, “the effectiveness and efficiency of each state body, each state official are measured by life satisfaction of population”, and the system of public policy and administration are fully infused with this criterion. Ensuring the prosperity of mahallas and the well-being of the people has been becoming the main indicator of the effective public administration system. The concept of “Effective state” requires civil servants to be open to innovation, to use new ideas and opportunities in the public administration system, and to learn from advanced countries and our own experience.

Keywords: reforms in the public administration system, the strategy “Uzbekistan – 2030”, global ratings and indices, “Effective state” concept, the unified management system of “ministry – committee – agency – inspection”, the dialogue of “the state – the mahalla – the citizen”.

марраларини ишлаб чиқиб, тобора илдамлаб бормоқда.

Дунёда кечаётган чуқур трансформацион жараёнлар ҳар бир мамлакатда давлат сиёсати ва бошқаруви тизимида самарали ислохотлар олиб борилишини, давлатнинг рақобатбардош ва самарали бошқарув институти сифатида фаолият юритишини, шунингдек, давлат хизматчиларининг ўз касбига садоқатли, энг замонавий ва профессионал билим ҳамда малакаларга эга бўлишини, ўз фаолиятида юқори натижадорликка эришишини тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг раҳбарлигида олиб борилаётган ислохотлар стратегияси шуни англатадики, давлат сиёсатининг пировард мақсади – бу ислохотлар натижасида ҳар бир маҳаллада, ҳар бир хонадонда ва ҳар бир фуқаро ҳаётида ижобий ўзгаришлар сезилиши, уларнинг фаровонлиги ва ҳаётининг орзу-умидларининг ушалиши, натижада эса, халқнинг давлатдан розилиги ва унинг сиёсатини қўллаб-қувватлашида акс этишида кўринишидан иборат.

Давлат раҳбари томонидан бир неча бор таъкидланганидек, “ҳар бир давлат ор-

ганининг, ҳар бир давлат амалдорининг самарадорлиги ва натижадорлиги унинг фаолиятдан аҳолининг розилиги билан ўлчанади” ва бу мезон тўлалигича давлат сиёсати ва бошқаруви тизими қон томирларига сингдирилмоқда. Соҳибқирон Амир Темурнинг “Куч адолатдадур” тамойилига ҳамоҳанг олиб борилаётган бундай давлат сиёсати асрлар илми ва тажрибасига таянаётгани шак-шубҳасиздир.

Бундай давлат сиёсатини амалга ошириш, бир томондан, самарали давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини тақозо этса, иккинчи томондан эса, мазкур соҳадаги ислохотлар ўз касбига садоқатли ва профессионал давлат хизматчиларини тайёрлаш, уларнинг салоҳиятини мунтазам ўстириб боришни кун тартибининг энг муҳим масаласи сифатида қўймоқда.

Самарали давлат концепцияси:

Илмий-услубий контекст ва глобал амалиёт. Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнларининг тобора чуқурлашиб бориши, замонавий технология, товар ва хомашё ҳамда молиявий ресурслар бозорларида рақобатнинг янада кескинлашуви, табиийки, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, хусусан, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви масаласида самарали ислохотларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Самарали давлат концепцияси иқтисодчилар орасида узоқ даврдан буён, жумладан, Англия классик иқтисодий мактаби асосчилари Адам Смит ва Давид Рикардодан бошлаб, қарийб тўрт асрдан буён мунозара ва муҳокамалар объекти бўлиб келмоқда.

Мазкур концепция охириги 30 йилдан буён Бутунжаҳон иқтисодий форумининг ва бошқа халқаро ташкилотларнинг бош масаласига айланган. Америкалик таниқли иқтисодчи олимлар, хусусан, Гарвард университети (АҚШ) профессорлари – Жеффри Сакс, Пол Кругман ва Майкл Портерлар бу борада қатор илмий мақолалар чоп этиб, ўз назарий қарашларини баён этганлар.

Бутунжаҳон иқтисодий форуми концепциясига кўра, *давлатлар ёки компанияларнинг глобал рақобатбардошлиги уларнинг*

ишлаб чиқариш омиллари (хомашё, ишчи кучи, капитал ёки технология) билан қай даражада таъминланганлиги билан эмас, балки миллий экспортёрларнинг глобал бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида давлатлар қандай самарали институтлар ва инструментлар яратаяётгани билан баҳоланади.

Бу кўрсаткич эса, Бутунжаҳон иқтисодий форуми томонидан ҳар йили эълон қилинадиган Глобал рақобатбардошлик бўйича маърузада қатор индикаторлар орқали ҳисобланадиган Глобал рақобатбардошлик индекси сифатида баҳоланади. Мазкур индекс давлатларнинг иқтисодий ўсиш ва ўз фуқаролари фаровонлигини таъминлай олиш салоҳиятини кўрсатибгина қолмай, биринчи навбатда, ҳар бир давлатнинг иқтисодий сиёсати самарадорлигига баҳо беради.

2017 йилдан бошлаб, Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан илк бор илгари сурилган ва унинг раҳбарлигида кенг юритилаётган давлатнинг очиқлик сиёсати мамлакатимизнинг глобал сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, инновацион ҳамда бошқа рейтинг ва индекслардаги позицияларини тобора мустаҳкамлаб келмоқда (1-жадвалга қаранг).

Глобал рейтинглар ва индексларда юқори натижанинг қайд этилиши, авваламбор, давлат иқтисодий сиёсатининг сифати ва рақобатбардошлигининг инъикоси ҳисобланади. Шу ўринда табиий танлаш назарияси асосчиси, буюк инглиз олими Чарльз Дарвиннинг икки юз аввал айтган сўзларини эслаш жозиздир: *“Энг кучлилар ёки энг ақллилар эмас, балки ўзгаришларга энг тез мослаша оладиганларгина омон қоладилар”*. Табиат олами тўғрисида айтилган бу гаплар бугун инсоният жамияти учун ҳам тўла мос келади. Қайд этиш лозимки, Янги Ўзбекистоннинг давлат сиёсати феномени, аввало, дунёдаги энг муҳим таҳдидларга қарши тура олиш, жаҳон бозорларидаги ҳар қандай ўзгаришларга олдиндан тайёргарлик кўра олиш қобилиятида намоён бўлмоқда.

Албатта, самарали давлат концепцияси давлатнинг фақат иқтисодий регулятор сифатида қандай рақобатбардош институтлар

**Ўзбекистон Республикасининг 2015-2023 йиллар давомида
глобал рейтингларда эгаллаган ўрни бўйича таҳлилий маълумот**
(масъул ташкилотлар ва дастурларнинг интернет маълумотлари асосида тузилган)

Индекслар	Йиллар кесимида эгаллаган ўрни			
	2015 йил	2017 йил	2020 йил	2023 йил
Глобал инновацион индекс	122	–	93	82
Рақамли ҳукумат индекси	100	80	87	69
Қонун устуворлиги индекси	81	91	92	78
Инсон тараққиёти индекси	114	109	106	106
Коррупцияга қарши курашиш индекси	153	157	146	121
Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси	–	158	155	148
Иқтисодий эркинлик индекси	160	148	111	109
Барқарор ривожланиш индекси	–	45	66	69

Маълумот учун. Сўнгги беш йилда Ўзбекистон турли йўналишлар бўйича халқаро рейтинг ва индексларда ўз ўрнини мустақамлаб бормоқда. Хусусан, Heritage Foundation нинг 2023 йил маълумотларига кўра, Ўзбекистон Иқтисодий Эркинлик Индексида 184 та давлат ўртасида 109-ўринни эгаллаб, 2022 йилга нисбатан (117-ўрин) ўз позициясини 8 поғонага яхшилаган. Коррупцияни идрок қилиш индекси бўйича эса, 2023 йилги ҳисоботда Ўзбекистон 180 та мамлакат ичида 121-ўринни эгаллаган, яъни 2022 йилга нисбатан (126-ўрин) 5 поғонага кўтарилган. Open Data Inventory (ODIN) очиқ маълумотлар рейтингиди Ўзбекистон 70 балл билан 195 та давлат орасида 30-ўринга кўтарилиб, Марказий Осиё давлатлари ўртасида 1-ўринга чиқди.

Шу билан бирга, Жаҳон банкининг Логистика самарадорлиги индексида давлатимиз олдинги 2018 йилдаги ҳисоботга нисбатан ўз кўрсаткичини 11 поғонага яхшилаб, 5 баллдан 2,6 балл тўплади ва 88-ўринни эгаллади. (Индекс бўйича ҳар икки йилда бир марта ҳисобот бериб борилади.) БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари давлатлараро рейтингиди 2023 йил ҳисоботида кўра, Ўзбекистон 71,1 балл билан 166 та давлат орасида 69-ўринни эгаллаган, 2022 йилга нисбатан (77-ўрин) 8 поғонага кўтарилди (масъул ташкилотлар ва дастурларнинг интернет маълумотлари асосида тузилган).

ва регулятив инструментлар яратиши билангина баҳоланмайди. Токи давлат нафақат иқтисодиёт, балки жамият ҳаётининг барча жабҳаларида иштирок этар экан, “самарали давлат концепцияси” тушунчаси ниҳоятда кенг мазмун-моҳият орқали ифодаланади. Аммо бу масала катта бир тадқиқотни тақозо этиши боис, бу борадаги фикрларимизни юқоридаги тезислар билан чегаралаймиз.

Давлат бошқаруви сифати глобал индексларда акс этади... Ҳар бир ташки-

лот томонидан қўлланиладиган баҳолаш усулларининг хилма-хиллигига қарамай, Бутунжаҳон иқтисодий форумининг: Глобал рақобатбардошлик индекси (Global Competitiveness Index), Қонун устуворлиги индекси (Rule of Law Index), Коррупцияни қабул қилиш индекси (Corruption Perception Index), БМТнинг Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси (E-Government Development Index), Инсон тараққиёти индекси (Human Development Index) кабилар алоҳида эъти-

борга лойиқ. Давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, натижага йўналтирилган давлат аппаратини шакллантириш мақсадида самарали маъмурий ислохотларни амалга ошириш шунчаки абстракт жараён бўлмай, у аниқ ва тегишли индикаторлар орқали баҳоласа бўладиган ҳаракатлар мажмуидир. Маълумки, бу борада Ўзбекистон кейинги 3-4

бўйича 37-ўринда, Бошқарув сифати индикаторлари бўйича – 58,5 балл, Қонун устуворлиги индекси бўйича эса 65-ўринда. Аммо бор-йўғи 16 та вазирликка эга бўлган Сингапур мазкур индексларда, мос равишда, 4-ўринда, 100 балл билан 1-ўринда ва 17-ўринда. Худди шундай таҳлилий ҳолатни бошқа давлатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

2-жадвал

Давлат бошқаруви органлари сони ва мамлакатнинг глобал индекслар ва рейтинглардаги ўрни ўртасидаги боғлиқлик

(масъул ташкилотлар ва дастурларнинг интернет маълумотлари асосида тузилган)

Давлат бошқарувида айрим кўрсаткичлар	Давлатлар номи										
	АҚШ	Бирлашган Араб Амирликлари	Буюк Британия	Венгрия	Германия	Жанубий Корея	Озарбайжон	Қозоғистон	Сингапур	Туркия	Ўзбекистон
Вазирликлар сони	15	19	23	8	15	18	17	21	16	17	21
Глобал рақобатбардошлик индекси	9	10	29	46	22	28	55	37	4	47	–
Бошқарув сифати индикатори: ҳукумат самарадорлиги рейтинги	86,6	88,7	85,8	68,9	88,2	90,1	50,9	58,5	100	43,9	38,2
Қонун устуворлиги индекси	26	37	15	73	5	19	103	65	17	117	78
Барқарор ривожланиш мақсадлари индекси	39	79	11	22	4	31	53	66	64	72	69

йилда анча фаоллашиб, энг жадал ислохотлар олиб бораётган давлатларнинг биринчи илғор бешталигида қайд этилмоқда.

Қуйидаги 2-жадвалда дунёнинг қатор давлатларида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, хусусан, вазирликлар, давлат регулятив функциялари ва давлат хизматчилари сонининг қисқариши давлат бошқаруви, аниқроғи, самарали давлат тизими шаклланишига қандай боғлиқлигини кўриш мумкин.

Масалан, Қозоғистон Республикасида вазирликлар сони 21 та бўлиб турган бир вақтда, Глобал рақобатбардошлик индекси

Европада давлат бошқаруви тизимида ислохотлар перманент давом этмоқда...

Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳам давлат бошқаруви ва давлат хизматларини кўрсатиш соҳаларида қатор ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунда, асосан, қуйидаги йўналишларга катта эътибор қаратилмоқда:

очиқ ҳукумат ташаббуслари ва ташқи шаффофликни мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар, масалан, ахборот эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, очиқ маълумотлар, харидлар бўйича ислохотлар ва коррупцияга қарши органларни ташкил этиш;

давлат хизматчиларининг сони ва харажатларини қисқартириш, меритократияни кучайтириш, иш фаолиятини баҳолашни такомиллаштириш ва штатлардаги қисқартириш чораларига эътибор қаратган ҳолда давлат хизматини ислоҳ қилиш;

давлат хизматларини кўрсатишни яхшилаш мақсадида порталлар ва электрон имзо ечимларини ташкил этиш, онлайн хизматларни жорий этиш ва (one-stop-shops) “ягона дарча” марказларини ривожлантириш каби электрон ҳукумат чора-тадбирлари;

ҳукуматнинг мувофиқлаштириш маркази салоҳиятини кучайтириш бўйича ислохотлар ва идоралар/муस्ताқил органларни бирлаштириш;

самарадорликни бошқариш ва натижага йўналтирилганликни кучайтириш ҳамда самарадорликни оширишга қаратилган ислохотлар. Бизнес соҳаси ва фуқаролар зиммасига тушадиган маъмурий юкни камайтириш;

тартибга солиш таъсирини баҳолаш, олдинги баҳолаш ёки манфаатдор томонлар билан маслаҳатлашиш каби воситалар орқали далилларга асосланган бошқарув (Evidence-based management)ни ва яхшироқ тартибга солишни кучайтириш ва бошқалар*.

Қайд этиш жоизки, Европа Иттифоқидаги давлат сиёсати ва бошқаруви тизимидаги трансформацион жараёнлар, хусусан, уларнинг самарадорлигини ошириш борасида очиқлик, рақамлаштириш, коррупцияга қарши кураш, кенг аҳоли қатламлари иштироки каби замонавий ёндашувларга Ўзбекистонда давлат бошқаруви қонунчилиги ва амалиёти ривожига кенг ўрин берилмоқда.

Давлат бошқаруви тизимида ислохотлар: илмий-услубий моҳият ва миллий тажриба. Илмий-услубий жиҳатдан, шунингдек, илғор хорижий тажрибага асосланган ҳолда қайд этиш жоизки, давлат бошқаруви тизимини ихчам, профессионал ва самарали қилиб шакллантириш мақсадида уни ислоҳ этишнинг турли йўналишлари мавжуд.

Биринчидан, энг муҳим масала – бу қо-

нунларнинг амалиётга тўғридан-тўғри татбиқ этилишини таъминлаш, уларни барча (давлат органлари, корхона ва ташкилотлар ҳамда фуқаролар) бирдек тушуниши ва ҳурмат қилишини таъминлаш лозимлиги. Жумладан, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа қонуности ҳужжатлар ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни самарали тартибга солибгина қолмай, шунингдек, давлат бюджетига қўшимча асоссиз харажат юкини келтириб чиқармаслиги лозим.

Бу масала Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилдан буён амалга ошириб келаётган давлат сиёсатида энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Шу билан бирга, ушбу йўналишда ҳали қилиниши лозим бўлган бир қатор вазифалар борлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2024 йил 19 февралда имзоланган “Қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини ҳамда норма ижодкорлиги жараёни сифатини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-75-сонли қарори кўрсатиб турибди.

Мазкур қарорда таъкидлаб ўтилганидек, “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг қабул қилиниши миллий қонунчиликни такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш, тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларнинг қабул қилиниши амалиётини кенгайтириш, шунингдек, ҳуқуқий тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш бўйича бир қатор вазифаларни кун тартибига қўймоқда”.

Хусусан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг “Норма ижодкорлиги фаолиятининг ислохотлар билан уйғунлигини таъминлаш ва давлат ҳуқуқий сиёсатининг институционал асосларини ривожлантириш” номли 80-бандига мувофиқ:

“Тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларни қабул қилиш амалиётини кенгайтириш, уларнинг улушини камида 60 фоизга етказиш;

* Public Administration Reform in Europe: Conclusions, lessons learned and recommendations for future EU policy. Alexander Heichlinger, Nick Thijs Gerhard Hammerschmid and Karin Attström July – 2018.

Ҳуқуқ тизими рақобатбардошлигини ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун қулай бўлган содда ва ихчам қонунчилик тизимини яратиш” каби аниқ стратегик мақсадлар белгилаб берилган.

Қабул қилинаётган қонунларимизнинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш борасида кейинги йилларда анча сезиларли силжишлар кузатилмоқда. Қайд этиш жоизки, қайси соҳада фармонлар, қарорлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кўп қабул қилинар экан, бу аввало, шу соҳадаги қонунларимизда давлат бошқарувининг регулятив функцияси, яъни механизми етарли даражада очиб берилмаганлигини кўрсатади.

Оддий мантиқ: тўла ишламаётган қонунлар янгидан-янги давлат бошқаруви органларини тақозо этади – давлат бошқаруви органлари, ўз навбатида, давлатнинг қўшимча регулятив функцияларининг лозимлигини исботлашга уринади – давлат бошқаруви органлари сонининг ошиши давлат хизматчилари сонини кўпайтиради – буларнинг барчаси давлат бюджети харажатларини оширади, натижада эса, давлат бошқаруви харажатлари ошиб, унинг сифати ва самарадорлиги пасаяди.

Бу мантиқий занжирни узоқ давом эттириш мумкин, аммо хулоса оддий – бизга тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунлар керак, улар давлат бошқаруви самарадорлигини оширади ва давлат бюджети харажатларини камайтиради. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, бундай “давлат бошқаруви тизими ихчам, самарали ва натижадор” бўлади.

Иккинчидан, давлатнинг иқтисодий, ижтимоий соҳалар ва жамият ҳаётининг бошқа жараёнларини мувофиқлаштириш ваколатларини, жумладан, регулятив функцияларини тобора либераллаштириб бориш талаб этилади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлат сиёсати феномени – бу, авваламбор, барча соҳада очиқлик, жумладан, давлатнинг иқтисодий, ижтимоий соҳалар ва умуман, ижтимоий ҳаётга аралашувини асосланган даража-

да қисқартириб бориш, ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштириш, иқтисодий либераллаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини тубдан трансформация қилиш орқали ривожлантириш бугунги давлат сиёсатининг энг муҳим таянчи бўлиб қолмоқда.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тўғрисида қайғурар эканмиз, аввало, давлатнинг иқтисодийга аралашувини оптималлаштириш, унинг регулятив функциялари таъсири доирасини босқичма-босқич қисқартиб бориш лозим. Бу борада Ўзбекистонда лицензиялаш, бизнесга рухсат бериш, давлат хизматларини рақамли технологиялар орқали кўрсатиш борасида қилинаётган ишларни алоҳида қайд этиш лозим.

Бугунги кунда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар доирасида давлат идораларининг бир-бирини такрорлаётган 500 дан ортиқ функциялари қисқартирилмоқда, иқтисодий фаолиятни лицензиялаштириш ва турли рухсатномалар бериш амалиёти ҳам тубдан либераллаштирилмоқда. Шунингдек, Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатилаётган давлат хизматларига нисбатан Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилаётган электрон давлат хизматларининг улуши 2022 йилда 60 фоиз бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2030 йилга бориб, 90 фоизга етиши режалаштирилган.

Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Бутунжаҳон савдо ташкилоти, Бутунжаҳон иқтисодий форуми ва глобал иқтисодий институтлар томонидан ҳисобланадиган рейтинглар ва индексларнинг индикаторларига алоҳида аҳамият бериш лозим. Уларда иқтисодий ўсишга, яъни пировард мақсадга эришишнинг энг муҳим йўлларида бири сифатида иқтисодийга давлат аралашувини камайтириш, унга таъсир этишнинг устувор равишда бозор механизмларига кўпроқ эътибор бериш тавсия этилади.

Давлатнинг регулятив функциялари қисқартирилиши, албатта, давлатнинг иқтисодийга ортиқча аралашувига барҳам бериб, бизнес субъектлари самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг иқтисодий сиёсатида ушбу масала доимо кун тартибидан бўлиб, тадбиркорлар учун қулай иқтисодий шароитлар яратиш борасида ўнлаб фармонлар ва қарорлар қабул қилинган, тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри мулоқот формати жорий этилганига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Учинчидан, давлат бошқаруви органлари сонини оптималлаштириш, улардаги номақбул такрорланишлар ва параллел функцияларни бартараф этиш, маъмурий тартиб-таомиллар тизимини янада такомиллаштириш бугунги кундаги маъмурий ислохотларимизнинг бош йўналиши бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги 269-сонли Фармонида мамлакатда давлат бошқаруви тизимини ислох этишнинг бош мезони сифатида ихчам, профессионал ва натижага йўналтирилган давлат аппаратини шакллантириш масаласи қўйилди. Ушбу талаб бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини ташкил этиш ҳамда уни баҳолашнинг энг муҳим индикатори сифатида шаклланиб, барча даражадаги давлат хизматчилари учун асосий ҳаракат драйверига айланди.

2022 йил 20 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида: "...Очиқ айтиш керак – ҳозирги кунда давлат аппаратида такрорланишлар кўп, кераксиз штатлар бор. Марказлашув юқори. Оқибатда бугунги мураккаб масалаларга тўғри ечим топиш учун ортиқча вақт, куч ва ресурс сарфланмоқда", деб алоҳида таъкидлаган эди.

Маъмурий ислохотларнинг дастлабки муҳим муваффақиятидан бири – бу илғор хорижий тажрибага асосланган ҳолда ижро этувчи ҳокимият органлари ягона мантикий-функционал таркибининг тасдиқланишидан иборат. Ижро этувчи ҳокимият органининг **"вазирлик – қўмита – агентлик – инспекция"** ягона бошқарув тизими сифатида белгилаб қўйилиши қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашга анча

самарали таъсир кўрсатаётгани қайд этилмоқда. Бу борада дастлабки ижобий натижалар билан бирга, амалга оширилиши лозим бўлган ислохотлар ҳам давом эттирилмоқда.

Давлат бошқарувини такомиллаштиришнинг мазкур йўналишига "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур дастурнинг "Давлат бошқаруви органлари фаолиятини "Халқ хизматидаги давлат" тамойили асосида ташкил этиш" номли 78-бандида давлат функцияларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, хусусан, давлат бошқарувини номарказлаштириш каби ниҳоятда муҳим ва демократик ислохотлар бошлаб юборилди. Жумладан:

"Давлат бошқарувида мавжуд бўлган 5 мингга яқин функцияни амалга ошириш жараёнларини 100 фоиз рақамлаштириш;

Давлат бошқарувини номарказлаштириш сиёсати доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органларининг камида 30 фоиз вазифа ҳамда функцияларини маҳаллий ижро органларига ўтказиш;

Давлат органлари раҳбарларининг ўзи раҳбарлик қилаётган идора ёки тизим фаолиятида йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликлар учун сиёсий жавобгарлиги институтини жорий қилиш" каби вазифалар алоҳида қайд этилган.

Тўртинчидан, давлатнинг бошқарув функциялари ва регулятив ваколатларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари бўғинлари орасида самарали тақсимлаш мамлакатда олиб борилаётган маъмурий ислохотларнинг янги босқичи бўлиб шаклланди. Бунда, давлат ҳокимияти тизимини номарказлаштириш билан бирга, давлатнинг бошқарув институти сифатида функцияларини номарказлаштириш ҳам кўзда тутилмоқда.

Янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатда давлат ҳокимиятини номарказлаштириш борасида жуда муҳим нормаларни ўз ичига олганки, бугунги кунда улар Ўзбекистоннинг мутлақо янги ижтимоий-сиёсий ва маъмурий-ҳуқуқий қиёфасини яратмоқда.

Мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 феврал-



даги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-28-сонли Фармонининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий даражада вакиллик ва ижро этувчи органлараро қайта тақсимланиши мустақил миллий давлатчилигимизда давлат қурилишининг янги босқичи сифатида шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 мартдаги “Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-49-сонли Фармони билан давлат бошқаруви органларининг юқори раҳбар кадрлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) орқали баҳолаш тизимининг самарали механизмлари тасдиқланди.

Мазкур ҳужжат юқори мартабали давлат хизматчилари фаолияти индикаторларига аниқлик киритиб, уларнинг фаолияти натижадорлигини баҳолашнинг янги тизимини шакллантирибгина қолмай, балки давлат бошқарувининг турли бўғинларида мавжуд бўлган функциялар такрорланишининг олдини олади, натижада, давлат бошқаруви сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бешинчидан, албатта, давлат бошқаруви самарадорлигини таъминлашнинг юқорида қайд этилган барча йўналишларининг энг муҳим шарт сифатида давлат хизматчиларининг ўз касбига садоқати, профессионал ва натижадор фаолияти, унга юкланган давлат вазифаларини ўз вақтида ва сифатли бажариш салоҳиятининг мавжудлигига алоҳида ўрин берилиши лозим (бу масалага кейинроқ янада кенг тўхталиб ўтамиз).

Маҳалла ободлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш самарали давлат бошқаруви тизимининг асосий индикаторига айланмоқда... Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “**Инсон қадри учун**” ва “**Янги Ўзбекистонни бир-галикда қурамыз**” номли сайловолди дас-

турларининг янги умуммиллий қадрият шиори остида ўтганлиги мамлакатнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ландшафтини кескин ўзгартириб юборди.

Аввалроқ, Президент Шавкат Мирзиёевнинг мутлақо янги сиёсий-ҳуқуқий концепциясини ўзида акс эттирган ҳолда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва унинг қонуний манфаатлари устуворлигини қонуний жиҳатдан тасдиқлаб, уларни ислоҳотларнинг бош мезони сифатида белгилаган эди.

Маҳалланинг ободлиги ва фуқаролар фаровонлиги, мамлакатда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг маҳаллада яшаётган ҳар бир хонадон ва ҳар бир фуқаро ҳаётининг яхшиланишида акс этиши, Давлат раҳбари таъбири билан айтганда, ислоҳотларимиз самарадорлигининг бош мезонига айланиб бормоқда. Ҳеч бир муболағасиз таъкидлаш мумкинки, нафақат давлат бошқаруви ёки давлат хизмати самарадорлигининг, балки барча тоифадаги тармоқ ва ҳудудий ривожланиш дастурлари натижадорлигининг бош мезони – бу маҳалла ҳаётининг тубдан яхшиланиши, унда инсонларнинг муносиб яшаши учун энг муҳим шарт-шароитларнинг юқори сифат даражасида ташкил этилиши билан белгиланмоқда.

Маҳалла институти ўз тарихи ва анъаналарига кўра, давлат бошқаруви тизимида кирмаса-да, бугун у бутунлай давлат сиёсати самарадорлигини таъминлаш маконига айланиб қолди.

2021 йил декабрь ойидан бошлаб, бирин-кетин қабул қилинган Президент фармонлари ва қарорлари давлат бошқаруви тизимини маҳаллага қадар туширмаган бўлса-да, қатор давлат органлари маҳалла даражасида масъул давлат хизматчилари қатламини шакллантириб, давлат хизматларини кўрсатишни “ҳар бир маҳаллага, ҳар бир хонадонга ва ҳар бир фуқарога етказиш” тамойили асосида ташкил этмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал

этишда биринчи бўғин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сонли Фармонига мувофиқ маҳалла ҳаётида **“давлат – маҳалла – фуқаро” мулоқотининг** моҳият ва сифат жиҳатидан бутунлай янги муносабатлар тизими шакллана бошлади.

Давлат бошқаруви органлари фаолиятини маҳалла даражасига қадар тушириш, ҳар бир маҳалла (ёки маҳаллалар) кесимида масъул давлат хизматчилари қатламининг шаклланиши, бир қарашда, давлат бюджети томонидан молиялаштириладиган кўплаб янги лавозимларни келтириб чиқараётган бўлиб кўринса-да, аслида, аксинча, бу давлат бошқаруви тизимини номарказлаштириш йўналишида жадал ва самарали ислоҳотлар бошланганининг яққол ифодасидир.

Бизнинг фикримизча, давлат ва жамият муносабатларида жадал шакллана бошлаган янги “Маҳалла еттилиги” тизими самарадорлигини таъминлаш давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини номарказлаштириш, жумладан, давлат функциялари ва регулятив ваколатларини тезроқ қўйи бошқарув босқичларига тушириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга аралашув механизмларини янада либераллаштириш ҳисобидан амалга оширилиши лозим. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам ушбу тамойил кўзда тутилган.

Биз “Маҳалла еттилиги” тизимини давлат ва жамият бошқарувининг қандайдир вақтинчалик муаммоларини ҳал этиш учун ташкил этилган институт сифатида эмас, балки давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини номарказлаштириш ва либераллаштириш борасида самарали ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида тушунишимиз лозим.

Масалан, мазкур тизимнинг жорий этилиши оқибатида шаклланган қўшимча давлат хизматчилари штатлари, ўз моҳиятига кўра, давлат бюджетига яқин муддатларда қўшимча юк сифатида намоён бўлаётган бўлса-да, ўрта ва узоқ муддатларда эса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини номарказлаштириш ва либераллаштириш ислоҳотлари давомийлиги оқибатида, давлат бошқаруви

натижадорлиги сифатида намоён бўлиб боради.

Давлат бошқарувини номарказлаштириш орқали энг қўйи давлат бошқаруви бўғинларида самарали давлат хизматларини кўрсатиш тизимини яратиш борасида Германия ва Жанубий Корея давлатларининг илғор тажрибалари маълум. Ўзбекистонда эса маҳалла даражасида давлат-хусусий ва давлат-ижтимоий шерикчилигининг ажойиб ва бетакрор амалиёти жорий этилаётганлиги ҳатто энг илғор мамлакатлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда маҳалла аҳолисининг ижобий кайфияти, обод ва фаровонлик кўзгуси, хавфсизлик ва тараққиёт маскани экани боис давлат бошқаруви органлари хусусий сектор ва ижтимоий институтларга таянган ҳолда, ва ўз навбатида, уларга ҳар томонлама кўмак бериш орқали давлат сиёсатини самарали рўёбга чиқарилишида катта натижаларга эришмоқдалар. Том маънода, давлат сиёсати ва бошқаруви натижадорлиги маҳалла аҳлининг давлатдан розилиги ва унинг сиёсатини қўллаб-қувватлаши билан ўлчаниши ислоҳотлар самарадорлигининг бош мезонига айланмоқда.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини номарказлаштириш ва либераллаштириш борасида қатор ислоҳотлар мантиғидан келиб чиқиб, деярли барча турдаги давлат хизматларининг ҳар бир маҳаллада кўрсатилишини таъминлаш лозимлиги нуқтаи назаридан, “Маҳалла еттилиги” тизимини бундан кейин ҳам янада кенгайтиришни кўриш мумкин бўлади, ва табиийки, шундай бўлиши мақсадга мувофиқ.

Давлат сиёсатига садоқатли ва профессионал давлат хизматчиси – ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашнинг бош омили...

Давлат раҳбарининг юқорида қайд этилган сиёсати давлат хизматчиси ўзига юкланган вазифани сидқидилдан, сифатли ва ўз вақтида амалга ошириши учун етарли билим ва малакага эга бўлишини, унинг профессионал компетенциялари даврий равишда оши-

риб борилиши таъминланишини талаб этади. Давлат эса, бу борада барча шароитлар ва ресурсларни яратиб қўйган.

Маълумки, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 81-бандида: “Давлат фуқаролик хизматини меритократия, ҳалоллик ва профессионаллик тамойиллари асосида ташкил этиш” каби муҳим стратегик мақсад белгилаб берилди. Жумладан, “давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз малака ошириб бориш тизими билан қамраб олиш даражасини 100 фоизга етказиш; Миллий кадрлар захирасида раҳбарлик лавозимларига номзодлар сонини камида минг нафарга етказиш” каби муҳим вазифалар қўйилди.

Албатта, қонунлар ўз-ўзидан самарали ишламайди, уларнинг самарали амал қилишини таъминловчи профессионал билим ва малакага эга бўлган раҳбар кадрлар, давлат хизматчилари ва соҳа мутахассислари лозим. Қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар, қарорлар ва дастурлар ижроси самарадорлиги ва натижадорлиги, биринчи навбатда, уларни тўғри тушунадиган, самарали амалга оширадиган, ижроси мониторингини аниқ юритадиган давлат хизматчилари ва соҳа мутахассисларига боғлиқ.

Бу ерда Германиянинг биринчи канцлери Отто фон Бисмаркнинг машҳур сўзларини эслаш жоиздир: *“Ёмон қонунлар ва яхши амалдорлар билан мамлакатни бошқариш мумкин. Аммо амалдорлар ёмон бўлса, энг яхши қонунлар ҳам ёрдам бермайди”*.

Давлат хизматчилари белгиланган тартиб ва қоидаларга ўзгармас қолип сифатида амал қиладиган классик бюрократия тизимида давлат бошқарувида бирон-бир янгилик киритиш, ислохотлар олиб бориш анча мушкул масаладир. Шу сабабли, “Самарали давлат” концепцияси давлат хизматчиларидан инновацияларга очиқликни, янги ғоялар ва имкониятларни бошқарув тизимида қўллаш олишни, илғор давлатлар ва ўз тажрибамиздан ҳам ўрганишга тайёрликни талаб қилади. Шу билан бирга, хорижий муваффақиятли моделларга кўр-кўрона тақлид қилмаслик, балки ижобий ва салбий томонларини ҳи-

собга олган ҳолда, мамлакат шароитларига мос келадиган фаровонликни яратишнинг энг самарали усулларини диққат билан танлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда, инсон ресурсларини бошқариш жараёнларига узлуксиз билим олиш маданиятини сингдиришни жадаллаштириш, давлат хизматчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, шунингдек, уларнинг профессионал компетенцияларини оширишга қаратилган махсус дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни замонавий халқаро стандартлар асосида амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, самарали давлат бошқаруви тизимига эришиш узоқ муддатли стратегик ислохотлар жараёни бўлиб, у давлат, жамият ва иқтисодиётнинг ўзаро мақсадли консолидациясини тақозо этади. Бу жараёнда умумий стратегик механизмни йўл-йўлакай, объектив ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга мос равишда, тўғри-лаб бориш талаб этилади.

Мазкур мақолада биз Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ва самарали давлат механизминини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари ва функционал йўналишларини қамраб олдик, холос. Табиийки, бугун дунё тажрибасида кенг ом-малашиб бораётган механизмларни янада тўлиқ қамраб олиш кенгроқ тадқиқотлар ва таҳлилларни талаб этади.

Жумладан, “Самарали давлат” концепциясини давлат бошқарувида тўлиқ амалга ошириш ва самарали йўлга қўйишга тўсқинлик қиладиган коррупция омилини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бундан ташқари, рақамли ҳукумат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг ажралмас қисми сифатида самарали давлат бошқаруви тизимини шакллантириш ҳамда мониторинг қилишнинг замонавий воситаси ҳисобланади.

Бундай механизмларни қатор келтириш ва изоҳлаш мумкин, аммо умид қиламизки, улар кейинги мулоҳазаларимиз предмети бўлиб қолади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ МАЖЛИСИ ПАЛАТАЛАРИНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ



Абдуманноб РАХИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси мустақил
изланувчиси, юридик фанлар номзоди

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ўзаро муносабатлари, қонун ижодкорлиги ва парламент назоратидаги ҳамкорлик, унинг ҳуқуқий асослари ривожланиши, палаталар ўртасида тенглик асосида тузиладиган келишув комиссия фаолиятининг моҳияти, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Олий Мажлис, Қонунчилик палатаси, Сенат, Конституция, қонун ижодкорлиги, келишув комиссияси, ҳамкорлик, ўзаро муносабатлар.

Взаимоотношения палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан

Абдуманноб Рахимов,

самостоятельный исследователь Академии
государственного управления при Президенте
Республики Узбекистан

Аннотация: в статье рассматриваются вопросы взаимодействия в осуществлении законодательства и парламентского надзора, анализируются динамика развития, правовые основы их сотрудничества, сущность деятель-

ности согласительных комиссий, функционирующих на паритетной основе, формулируются практические рекомендации и предложения.

Ключевые слова: Олий Мажлис, Законодательная палата, Сенат, Конституция, законотворчество, согласительная комиссия, сотрудничество, взаимоотношения.

Interactions of the chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan

Abdumannob Rakhimov,

Independent researcher of the Academy of Public
Administration under the President of the Republic
of Uzbekistan, PhD (in Law)

Abstract: the article discusses the mutual relations of the chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, cooperation in law-making and parliamentary control, the development of its legal foundations, the nature of the work of the agreement commission between the chambers on the basis of equality, as well as the further improvement of their legal foundations.

Keywords: Oliy Majlis, Legislative Chamber, Senate, Constitution, law making, conciliation commission, cooperation, mutual relations.

Илмий адабиётларда бикамерализм – парламентнинг икки палатали бўлиши қонунчилик қарорларини қабул қилишда вазминлик ва мувозанатни таъминлашга ёрдам бериши ҳақли равишда қайд этилади [1]. Шунини ҳисобга олиш керакки, парламентнинг юқори палатаси қуйи палатадан фарқли равишда, аҳолининг тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан тузилмайди, у кўпинча, нафақат сайланган, балки тайинланган шахслардан ҳам иборат бўлади [2]. Бу юқори палатанинг, кўпинча, ижро ҳокимияти позициясига яқин позицияларни эгаллашига олиб келади, у муайян консерватизм ва эҳтиёткорлик билан ажралиб туради [3].

Профессор Р.Р.Ҳақимов ҳозирда жаҳон оммаси илмий ва сиёсий доираларида парламентнинг бир ёки икки палатали тузилишининг кайси бири афзаллиги бўйича ўзига хос баҳс-мунозаралар мавжуд эканлигини инкор этмаган ҳолда, давлат тузилиши шаклидан катъи назар аксарият давлатлар парламентлари икки палатадан иборатлигини эътироф этмоқда [4]. Парламент юқори палатасининг мавжудлиги сабаблари: ҳудудий вакиллик (ҳудудлар манфаатларини ифодаловчи), қонунчилик жараёнини рационализация қилиш (қуйи палатанинг қонун чиқарувчи функциясини назорат қилиш), кадрларни тайинлаш (сайлаш) функцияларини амалга ошириш (сайлаш, тасдиқлаш ёки муайян мансабдор шахсларни тайинлаш) ва бошқалар [5].

Шунини ёдда тутиш керакки, қуйи палаталар – сиёсий институтлар, юқори палаталар эса, ҳудудий, гендер ва миллий вакиллик институтлари манфаатлари муштараклигидир. Шу билан бирга, палаталарнинг юрисдикциялари ўртасидаги муносабатлар қуйи палаталарнинг тўғридан-тўғри сайловлар йўли билан, юқори палаталар эса, давлат раҳбари томонидан тайинлангани ёки меросхўрлик асосида ёхуд ҳар икки шаклда шакллантирилгани ёки бошқарилганлиги билан фарқланади [6]. Бироқ, замонавий парламентлар (ҳатто монархияли мамлакатларда ҳам) палаталар ўртасидаги муносабатларни келишув тартиб-қоидалари асосида қурадилар. Шундай қилиб, Япония парламенти де-

путатлари, агар улар келишувга эришмаса, келишувга эришишга имкон берадиган зарур тузатишлар киритиш учун иккала палатанинг келишув қўмитаси йиғилишини чақиришлари мумкин [7].

Профессор О.З.Мухамеджанов икки палатали парламент тузилмаси ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасида янада барқарор мувозанатни сақлаши, у палаталардан бири зиддиятга киришган тақдирда ҳукумат томонидан анча енгил ва осон муросага келиштириш имкони яратилишини таъкидлайди [8]. Фикримизча, икки палатали парламент шароитида қонун ижодкорлиги жараёни муайян даражада мураккабласса-да, қонунларнинг сифати ва асосланганлиги таъминланади. Шунингдек, минтақаларнинг манфаатлари ҳамда иродаси тўлиқроқ ифодланади.

Парламент палаталари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик мазмунини ҳисобга олган ҳолда, А.А.Минасян ва Л.И.Никонов бунини уларнинг ваколатлари амалга ошириладиган, мақом белгиларининг бир-бирини тўлдиришидан манфаатдор бўлган ва давлат ҳокимияти ягоналигини таъминлайдиган умумий мақсадга асосланган фаолиятнинг норматив усули сифатида талқин қилишни таклиф этадилар [9]. Мазкур ўринда парламент бирлигини таъминлаш механизмига аниқлик киритишга ҳаракат қиламиз.

Икки палатали парламентни ташкил этиш палаталар ўртасидаги муносабатларнинг икки хил моделига асосланиши мумкин: палаталарнинг тенг ҳуқуқлилиги; ёки юқори ва қуйи палаталарнинг мавжудлиги принципи.

Дастлаб, тенглик моделини кўриб чиқайлик. Яъни парламент палаталарининг ҳуқуқлари тенглиги, бунда уларнинг муносабатлари қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

- қоида тариқасида, ҳар иккала палатанинг аъзолари тенг ёки тахминан бир хил миқдордаги аъзоларга эга, бир хил "вазн";

- палаталар бир вақтда, параллел равишда ишлайди, парламент иши эса, умуман олганда, ҳар иккала палатанинг қўшма мажлиси ёки уларнинг сессиялари алоҳида бўлса-да, бир вақтнинг ўзида очилиши ва

кейинчалик уларнинг мажлислари бир вақтнинг ўзида яқунланиши билан ифодаланади;

- ҳар иккала палатанинг умумий бир хил кун тартиби: бир палата томонидан кўриб чиқиладиган масалалар бошқа палатанинг кун тартибига киритилган бўлиши. Бундан ташқари, палаталарнинг ҳар бири ўз мавзуи ва ваколатига эга бўлиши мумкин;

- палаталарнинг қўшма мажлислари каби иш шаклидан кенг фойдаланиш, бунда ҳар икки палата аъзолари масалаларни биргаликда муҳокама қиладилар ва қарорлар қабул қиладилар (бу ҳолда ҳар бир палата бўйича алоҳида овоз бериш ёки овозларни алоҳида санаш амалга оширилиши мумкин);

- палаталарнинг биргаликдаги фаолияти уларнинг имкониятлари ва манфаатлари тенглигининг яққол намоён бўлиши билан тавсифланади. Шундай қилиб, қўшма мажлислар палаталар раҳбарлари томонидан навбатма-навбат раислик қилиши тарзида ўтказилади, мунозарада ҳар бир палатадан тенг миқдорда маърузачилар қатнашади ва ҳоказо;

- палаталар, кўпинча, қўшма комиссияларни (парламент текшируви, алоҳида аҳамиятли тадбирларни ўтказиш ва ҳоказо) тенг паритет асосида тузадилар. Бу ҳар икки палата аъзоларининг тенг вакиллиги, уларнинг ҳуқуқ ҳамда ваколатларининг тенглигини акс эттиради. Масалан, икки палата Олий Мажлисда парламент текшируви учун махсус комиссия – паритет асосда, палаталарнинг тенг вакиллиги билан тузилиши мумкин [10];

- палаталар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этиш механизми қонуний йўлга қўйилган. Қоидага кўра, палаталар умумий ечим топадилар (келишув комиссияси) ёки парламентнинг бир палатасини (кўпинча, қуйи палатани) ёки иккала палатаси тарқатилиши ёки ўзини-ўзи тарқатиши мумкинлиги.

Шундай қилиб, палаталарнинг тенг ҳуқуқлилиги моделида парламент ягона организм сифатида биргаликда ҳаракат қилади, кўплаб масалалар биргаликда (ташкилий характердаги айрим масалалардан ташқари) ҳал этилади.

Иккинчи модель палаталарнинг алоҳида ишлаши ва мустақил равишда қарор қабул

қилиши билан ажралиб туради [11]. Баъзан бу юқори ва қуйи палаталар деб аталадиган палаталарнинг номларида аниқ ифодаланади. Ушбу модель қуйидагилардан фарқ қилади:

- қоида тариқасида, палаталар биргаликда ишламайди, улар алоҳида залларда ўтиришади. Шу билан бирга, палаталар ҳар қандай тадбирларни (давлат раҳбарининг мурожаатини эшитиш, хорижий давлатлар делегациялари раҳбарларининг чиқишлари ва бошқалар) ўтказиш учун баъзан йиғилишлари мумкин;

- ҳар бир палата ўзига хос (баъзан мутлақ деб аталади) ваколатларга эга, бошқа ҳеч қандай орган уларни амалга оширишга ҳақли эмас; бу ваколатлар бир-бирига мос келиши мумкин (масалан, қонун ижодкорлиги фаолияти доирасида), лекин бир-бирини такрорламайди ёки бир-бирининг фаолиятига, ваколат доирасига аралашмайди;

- ҳар бир палата мустақил равишда ўз кун тартибини шакллантиради, гарчи бу масалалар бир хил мавзуларга тегишли бўлса ҳам, уларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш палаталар томонидан мустақил равишда амалга оширилади;

- палаталарнинг ишлаш режими ҳар хил – қоида тариқасида, бир палата доимий асосда ишлайди, иккинчиси сессияда ишлайди, унинг аъзолари йилига бир неча марта маълум вақт давомида йиғилишади;

- палаталар доимий қўшма органларни ташкил қилмайди.

Олий Мажлис палаталари ўртасидаги муносабатларни қандай модель тизимига киритиш мумкин? Бизнингча, парламентимиз палаталари ўртасидаги муносабатлар мураккаб боғлиқлик ва тартиблар билан ажралиб туради, шунинг учун уни юқорида тавсифланган моделлардан бирига қатъий малакалаш мақсадга мувофиқ эмас. Бироқ, биз умуман олганда, у иккинчи моделга яқинроқ эканлигини эътироф этамиз. Ушбу позициямизни қуйидагича исботлаш мумкин.

Биринчидан, ҳар бир палата фақат ўзи томонидан амалга ошириладиган ва бошқа палата томонидан амалга оширилмайдиган бир қатор мутлақ ваколатларга эга.

Иккинчидан, ҳатто палаталарнинг биргаликдаги ваколатига кирадиган масалаларни ҳам кўриб чиқиш қонунга мувофиқ, аввало, Қонунчилик палатасида, кейин эса, Сенатда кўриб чиқилади.

Учинчидан, палаталарнинг умумий ваколат масалаларига тааллуқли, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган соҳалардаги муносабатлари маълум чегара билан ажралиб туради. Шундай қилиб, Конституцияга кўра, масалан, Ҳисоб палатаси Олий Мажлиснинг ҳар икки палатасига ҳисобот беради [12], бироқ Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш, асосан, Қонунчилик палатаси зиммасидадир. Шу билан бирга, Давлат раҳбарининг Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш Сенатнинг ваколатига киради. Бу шуни кўрсатадики, палаталар бир-биридан ташкилий ва функционал мустақилликка эга, уларнинг муносабатлари ўз ваколатлари доирасидаги масалаларни автоном ҳал қилишга асосланади.

Шу билан бирга, икки парламент комиссияси (Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар ижросини мониторинг қилиш ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларга риоя этиш бўйича) фаолиятининг ноёб тажрибаси Парламентлараро иттифоқ томонидан алоҳида баҳоланган [13].

Шунингдек, Олий Мажлис палаталари ўртасидаги муносабатлар уларнинг биргаликдаги фаолиятининг турли шакллари, масалан, парламент назорати соҳасида ҳам характерлидир. “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунга кўра [14], палаталар парламент текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин, у ҳар бир палатанинг алоҳида қарори ёки палаталарнинг қўшма қарори шаклида бўлиши мумкин (18-модда). Парламент текшируви бўйича махсус комиссия палаталар учун умумий бўлиб, депутатлар ва сенаторлар орасидан тенг (паритет) асосда тузилади. Ушбу комиссия ишининг натижалари ҳар бир палата томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши керак, акс ҳолда улар юридик аҳамиятга эга бўлмайди. Шу билан бирга, қонунда парла-

мент текширувидан ташқари парламент назоратининг бошқа қўшма шакллари назарда тутилмаган.

Шуни таъкидлаш керакки, “юқори палата” ва “қуйи палата” атамалари хорижий ва маҳаллий юридик адабиётларда кенг қўлланилади [15]. Бу Сенатнинг “юқори” палата сифатида “қуйи палата” деб аталадиган Қонунчилик палатасидан юқори мақомга эга эканлигини англатадими? Бизнинг фикримизча, иккала палата ҳам тенг ҳуқуқий мақомга эга, бу уларнинг муносабатларида тенгликни назарда тутати. Бу ерда, бизнинг фикримизча, ҳуқуқшуносликда шартли, аммо мустаҳкам ўрнатилган терминология ҳақида сўз боради.

Палаталар учун бу ном тарихан шаклланган, кенг тарқалган ва бизнингча, ушбу анъанани бузишга ҳожат йўқ. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида қонун ижодкорлиги жараёни ҳақиқатда бошланадиган палата “қуйи” палата, қонунни маъқуллаш ва тасдиқлаш жараёни амалга ошириладиган палата эса, “юқори” палата деб аталади. Юқори палатанинг рад этиш ҳуқуқига эга эканлиги, яъни қуйи палата томонидан қабул қилинган қонунни тасдиқламаслик унинг устунлигини англатмайди. У қуйи палата устидан турмайди, уни бошқармайди. Юқори палатанинг аввал қайд этилган ваколатлари парламент палаталари ўртасидаги “меҳнат тақсимоти”нинг тасдиғи, уларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги ваколатлари чегараланиши ва аниқланишидир.

Палаталар ўртасидаги муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ўзаро муносабатларини конституциявий тартибга солиш билан белгиланадиган уларнинг биргаликдаги фаолият кўрсатиш соҳалари ва шакллари мажмуи сифатида кўриб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Келинг, парламент палаталарининг ўзаро ҳамкорлиги соҳаларини батафсил кўриб чиқсак.

Қонунчилик нормаларини таҳлил қилиш асосида, шунингдек, палаталар фаолиятининг функционал тақсимоти асосида процессуал шакллар ва тартиблар асосида шаклланадиган муносабатларининг иккита

соҳасини (қонунчилик ва назорат йўналишларини) ажратиш мумкин.

Люксембурглик Д.Кумбс парламент палаталарига оид қуйидаги функцияларни белгилайди: ҳукуматга таъсир кўрсатиш (ишончсизлик вотуми, вазирлик масъулияти ҳамда ҳисоботлари ва бошқалар); қонунларни қабул қилиш ва нашр этиш; бюджетни тасдиқлаш; маъмурият устидан назорат (депутатлик сўрови, махсус комиссиялар ва бошқалар); парламент ишини ташкил этиш [16]. Франциялик олим М.Дюверже: қонун чиқарувчи, молиявий, ташқи сиёсий, ижро этувчи, маъмурий (ижро этувчи ҳокимият органларини тайинлаш ёки сайлаш, улар устидан назорат қилиш ва ҳоказо), суд (юқори суд органлари судьяларини сайлаш) ва бошқа функцияларни белгилаб беради [17]. Бироқ, парламентнинг ҳуқуқий мақомини, моҳиятини белгиловчи асосий функция ягона бўлмаса ҳам, барибир қонун чиқарувчи функция – устувор вазифадир.

Икки палатали парламентда узвий бирликка, одатда, иккала палата қонун чиқарувчи функцияларни амалга ошириши, парламент томонидан қабул қилинган қонун эса, уларнинг келишилган, уйғунлашган иродаси натижасини ифода этади [18]. Палаталарнинг ўзаро ҳамкорлигининг ҳосиласи сифатида қонунчилик соҳаси устувор ҳисобланади, чунки ҳар иккала палатанинг асосий вазифаси қонунларни қабул қилиш ва тасдиқлашдан иборат. Қонунларни қабул қилиш тартиби ва таомили Конституцияда, қонунларда ва Олий Мажлис палаталарининг норматив ҳужжатларида мустаҳкамланган. Шу билан бирга, мазмунан қуйи палатанинг қонун чиқариш ваколатлари Сенатнинг шу каби ваколатларига қараганда кенгроқдир, чунки қонун ижодкорлиги жараёни, асосан, Қонунчилик палатасида амалга оширилади. Бундан ташқари, палаталарнинг қонунни кўриб чиқиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш ваколатлари парламентнинг иккала палатаси томонидан келишилган қарорда ҳам ифодланади. Палаталарнинг регламентларида улар аъзоларининг келишув комиссияси доирасида қонунларни кўриб чиқишда иштирок этиш имконияти назарда тутилган.

Айрим экспертлар ҳатто парламент палаталарининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш ва улар томонидан қабул қилинаётган қонунлар сифатини ошириш мақсадида қонун лойиҳаларини қуйи палатада кўриб чиқиш босқичидаёқ Сенат аъзоларига кўриб чиқиш учун тақдим этишни ҳам таклиф қилмоқдалар [19]. Бироқ, профессор Ҳ.Одилқориев ва И.Тулътевлар ҳам буни шарт эмас, деб ҳисоблайдилар. Чунки юқори палата қонунчилик фаолиятида ўзига хос “фильтр” бўлиб хизмат қилганда, бу тартиб парламент икки палатилик ғоясига зарар етказди. Бизнингча, юқорида келтирилган биринчи фикр тўғри. Ваҳоланки, ҳар икки палатанинг мақсади қонунларни сифатли қабул қилиш экан, Сенат аъзоларига қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун тақдим этиш, фойдадан холи бўлмайди. Қолаверса, бундай амалиёт Франция парламенти томонидан амалда қўлланилади. Буни юридик адабиётларда “моки усули” деб айтишади.

Олий Мажлис палаталари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг яна бир функционал йўналиши – бу уларнинг назорат фаолиятидир. Фикримизча, парламент назорати парламентнинг вакиллик хусусиятидан келиб чиқадиган муҳим функциядир. Бу ерда кадрлар, ташкилий ва молиявий соҳаларда амалга ошириладиган ваколатларни мисол тарзида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Палаталарнинг кадрлар соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги давлат органларини шакллантириш ва мансабдор шахсларни лавозимга тайинлаш жараёнида амалга оширилади. Шундай қилиб, Конституциянинг 93-моддасига биноан, ҳар иккала палата ҳам Марказий сайлов комиссиясини тузишда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)ни сайлашда иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини қабул қилишда, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда палаталарнинг ўзаро ҳамкорлиги тизимли характерга эга бўлиб, унда ҳар икки палатанинг ихтисослаштирилган қўмиталари иштирок этади. Парламент палаталарининг ташкилий фаолият соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги парламент текши-



рувларини амалга оширадиган муваққат ва махсус комиссиялар тузишни назарда тутди. Шунингдек, палаталарнинг улар ўртасида юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш жараёнида ўзаро ҳамкорлиги – яраштириш (келишув) комиссиялари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Парламент тергови бўйича махсус комиссия парламентнинг назорат функциясини яққол кўрсатиб турибди, уни палаталарнинг ўзаро ҳамкорлигисиз амалга ошириб бўлмайди. Назоратнинг ушбу шакли биринчи марта конституциявий даражада мустақамланган бўлиб, “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонун [20] қоидалари билан ҳам тартибга солинади (18-модда). Парламент текшируви институти парламентга нафақат назорат функциясини амалга ошириш, балки Конституция бузилишининг сабаблари ва шартларини аниқлаш, тегишли давлат органларига уларни бартараф этиш чораларини (тавсия) таклиф этиш имконини беради [21].

Парламент тергови институти Буюк Британия, АҚШ, шунингдек, бир қатор МДХ давлатларининг (Озарбайжон, Арманистон, Россия Федерацияси, Грузия, Украина) миллий қонунчилигида назарда тутилган. Масалан, Озарбайжон Миллий Мажлисининг тергов комиссияси депутатлар умумий сонининг камида тўртдан бир қисмининг талабига биноан, Миллий Мажлис ваколатига кирадиган ва жамоат манфаатларига тааллуқли масалалар бўйича фактларни аниқлаш учун тузилади. Шу билан бирга, тергов комиссиясидаги ўринлар фракцияларга киритилган депутатлар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Тергов комиссиясига сўров юборган депутатлардан бири бошчилик қилади (Озарбайжон Конституциясининг 108-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ҳар икки палатанинг қарори билан паритет асосда махсус комиссиялар тузилади. Бу ҳолат палаталар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг императив хусусиятини таъкидлайди. Бироқ, парламент текширувини ўтказиш тартиби, шакллари, усуллари ва таомилини тартибга солиш учун “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг фақат битта моддаси етарли эмаслиги аниқ,

Бу ерда аниқ ва батафсил тартибга солишни талаб қиладиган кўплаб масалалар мавжуд. Шу боис, бизнинг фикримизча, ушбу муносабатларни ҳар томонлама тартибга солувчи “Парламент текшируви тўғрисида”ги алоҳида қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Таъкидлаш лозимки, ушбу соҳани қонунчилик билан тартибга солишда масалан, Россия Федерациясида ижобий хорижий тажриба мавжуд [22].

Палаталар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлигининг моҳияти ҳақида россиялик мутахассис профессор П.А.Федосов томонидан қизиқарли фикр билдирилган: “Бир палатанинг бошқа палата қарорларига вето қўйиши нима? Бу қонун ижодкорлиги жараёнини тўхтатиш эмас ва қонун ижодкорлиги жараёнини тўсиб қўймаслиги керак ва бўлишга ҳам ҳаққи йўқдир... агар қонун рад этилса, деярли ҳар доим, айрим ҳолатлар бундан мустасно, келишув комиссиясини тузиш мумкин” [23]. Кўриниб турибдики, келишув комиссияси парламент палаталари ўзаро ҳамкорлигининг ёрқин шакллари билан бирдир.

Албатта, икки палатали қонун чиқарувчи органда палаталар ўртасида низолар ва ҳатто қарама-қаршилик, можаролар юзага келиши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди, бу эса бутун парламентнинг муваффақиятли фаолиятига путур етказиши мумкин. Конституция қонунни кўриб чиқишда бундай вазият юзага келган тақдирда низони ҳал қилиш имкониятини назарда тутди (99-модда). Ушбу қоидада кўра, Сенат томонидан рад этилган қонунга мувофиқ, палаталар юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун ҳар икки палата аъзолари орасидан паритет асосда келишув комиссиясини тузадилар. Агар палаталар ушбу комиссиянинг таклифларини қабул қилсалар, қонун одатдаги тартибда кўриб чиқилади ҳамда қабул қилинади.

Бундай масалаларни тартибга солувчи махсус ҳужжат мавжуд [24]. Бироқ, ушбу ҳужжатнинг предмети фақат қонун чиқарувчи функцияни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган низо ва келишмовчиликлардан иборат бўлиб, парламент фаолиятининг бошқа соҳалари ушбу ҳужжат билан қамраб олинмайди. Маҳаллий ва хорижий амалиёт-

ни ҳисобга олган ҳолда, юқоридаги ҳужжатни палаталар фаолиятининг бошқа йўналишларидаги низо ва келишмовчиликларни ҳал этиш шакллари ҳамда тартиби тўғрисидаги қоидалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бундай келишмовчиликлар мавжуд бўлганда палаталар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмини ойдинлаштириш улар ўртасидаги низоларни маданиятли, маърифий тарзда ҳал этишга, шунингдек, уларнинг келишилган фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Палаталарнинг ўзаро ҳамкорлиги шакллари ойдинлаштириш учун шунини эслатиб ўтиш лозимки, Конституцияда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисларини мамлакат Президенти қасамёд қабул қилганда, Олий Мажлис Қонунчилик палаталаридаги маърузаларида ўтказиш имконияти белгиланган (96-модда); бундан ташқари, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим масалалари, мамлакат ички ва ташқи сиёсати (Ўзбекистон халқи ва парламентга Мурожаатномаси), хорижий давлатлар раҳбарларининг нутқларини тинглаш учун палаталарнинг келишувига биноан бошқа масалалар бўйича ҳам қўшма мажлислар ўтказилиши мумкин. Биз ушбу масалалар палаталарнинг Регламентида лозим даражада бевосита акс эттирилмаганлигини таъкидлаймиз. Шу сабабли уларда палаталарнинг қўшма мажлислари ўтказилиши шарт бўлган масалалар рўйхатини бирлаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Олий Мажлис палаталари фаолиятининг моҳияти ва аҳамияти ҳақида гапирганимизда, ЕХХТ Парламентлараро Ассамблеяси раиси, Италия парламенти Депутатлар палатаси аъзоси Риккардо Миглиорининг ушбу сўзларини келтириш жоиз: "...Парламент кучли бўлса, демократия ҳам кучли бўлади. Халқ ўз ҳокимиятини, парламент ўз ҳокимиятини амалга оширишдан кўра парламент орқали амалга оширади" [25]. Дарҳақиқат, Олий Мажлиснинг ҳар икки палатаси катта тажриба тўплаган, улар қонун ижодкорлиги марказига айланиб улгурди, бу ерда депутатлар ва сенаторлар томонидан парламент фаолиятининг барқарор қоидалари ва анъаналари шакллантирилган.

Мамлакатимиз Конституциясида Олий Мажлис икки палатадан иборатлиги белгиланган (91-модда). Бироқ, бу қонун чиқарувчи органнинг умумий номи; унинг палаталарини бирлаштирувчи ягона нарса – бу уларнинг биргаликдаги юрисдикцияси масалалари (ва улар, асосан, палаталар томонидан алоҳида кўриб чиқилади – 96-модда) [26]. Умуман олганда, айтиш мумкинки, парламент ўзининг "соф шаклида" давлатнинг ягона органи сифатида ишламайди [27].

Иккала палата ҳамкорлиги нуқтаи назардан таҳлил юритганда, баъзи ҳолларда бир палатанинг хатти-ҳаракатлари бошқа палатанинг ҳаракатлари учун имконсиздир (шунинг учун Қонунчилик палатаси қонун қабул қилмагунча, Сенат уни кўриб чиқа олмайди). Бу ҳар бир палата ўз функция ва вазифаларини бажаришини яна бир бор тасдиқлайди. Шунинг учун ҳар қандай палатанинг устуворлиги ёки устунлиги ҳақида гапиришнинг маъноси йўқ. Агар палаталар ўзаро алоқада бўлса ва ишини мувофиқлаштирса, ҳар бир палата ўз вазифаларини тўлиқ бажара олади. Масалан, 2022 йилда Сенат Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган "Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги (12 апрель, 2022 № 2015–IV), "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги (15 июль, 2022 № 2305–IV), "Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўйича келишув комиссиясини тузиш ҳақида (13 сентябрь, 2022 № 2469–IV) ва "Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган. Палаталар ўртасида юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш мақсадида тузилган Келишув комиссияси қонунлар бўйича келишмовчиликларни бартараф этишга ёрдам берди [28]. Келишув комиссияси қонунлар бўйича келишмовчиликларни бартараф этишга ёрдам берди.



Олий Мажлис палаталари қонунлар қабул қилиш, давлат бюджетини тасдиқлаш, солиқ ва молия тизимлари параметрларини белгилаш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати йўналишларини белгилаш ҳамда қонунларни қабул қилиш парламент назоратини амалга ошириш жараёнида (ҳар бири ўзига берилган ваколатлар доирасида) биргаликда иштирок этади. Давлатнинг бошқа органлари ушбу ваколатларни бажара олмайди.

Парламент палаталарининг фаолияти халқни бирлаштиради, чунки Олий Мажлис

унинг манфаатларини ифодалайди. Ҳар икки палата у ёки бу даражада давлат функцияларини амалга оширишда иштирок этади. Парламент палаталари ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида бир-бирининг ваколоти ва мустақиллигига дахл қилмасдан, муайян шаклларда ўзаро ҳамкорлик қилади, бир-бирига ёрдам беради. Уларнинг ўзаро таъсири ҳар доим ҳам махсус ташкилий шаклларга эга бўлмаслиги мумкин, лекин у доимо уларнинг муносабатларида намоён бўлади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Турдиев Х. Давлат бошқаруви тизимида замонавий парламентнинг роли ҳамда функциялари // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 07 (2022). DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss7/S-pp104-113>
2. Разграничение предметов ведения и полномочий в системе публичной власти: / под ред. А.М.Осавелюка. – М.: Норма: ИНФРА-М, 2021. – С. 184. – URL: <https://znanium.com/catalog/product/1303022>, дата обращения 3 апреля 2023 года.
3. Yonatan T. Fesha. Second chamber as a site of legislative intergovernmental relations: An African federation in comparative perspective /<https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/13597566.2019.1690997>, дата обращения 21 ноября 2023 г., <https://doi.org/10.1080/13597566.2019.1690997>
4. Ҳакимов Р.Р. Давлат ҳокимияти тизимида парламент: назария ва амалиёт муаммолари. Монография. Масъул муҳаррир: ю.ф.н. Ф.Э. Мухамедов. /Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти нашриёти. – Т., 2012. – 23 б.
5. Шашкова А.В. Курс лекций по конституционному праву зарубежных стран. – М.: ООО Изд-во "Линкор", 2008. – С. 136-137.
6. Нурмухамедова Д. Правовое положение палат парламента в зарубежных государствах: соотношение статуса и юрисдикций. //Обзор законодательства Узбекистана, 2018. № 1, 18-23. <https://inlibrary.uz/index.php/uzbek-law-review/article/view/12714>, дата обращения 24 мая 2023 г.
7. Парламент Японии. Палата посланников. /<https://www.sangiin.go.jp/eng/pamphlet/pdf/russian/202207-all.pdf>, дата обращения 24 мая 2023 г.
8. Мухамеджанов О.З. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш: юрид. фанлар докт. дис. автореферати. – Т., 2004. – 23-28 б.
9. Минасян А.А., Никонова Л.И. Взаимодействие палат Федерального собрания России: понятие и правовые формы // Наука и образование: хозяйство и экономика; предпринимательство; право и управление. – 2017. № 3 (81). – С. 68.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелдаги "Парламент назорати тўғрисида"ги ЎРҚ-403-сонли Қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 141-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 23.05.2019 й., 03/19/540/3167-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон, 10.12.2019 й., 03/19/590/4129-сон; 10.08.2020 й., 03/20/631/1153-сон; 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон.
11. Constitutionalism and Role of Parliaments. Edited by Katja S Ziegler, Denis Baranger, Anthony W Bradley. – Hart Publishing Oxford and Portland, Oregon, 2007. – 275 p.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 июлдаги "Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида"ги ЎРҚ-546-сонли Қонуни / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.07.2019 й., 03/19/546/3359-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон,

26.08.2021 й., 03/21/711/0825-сон, 28.08.2021 й., 03/21/712/0828-сон, 29.12.2021 й., 03/21/740/1209-сон; 01.05.2023 й., 03/23/836/0232-сон; 18.07.2023 й., 03/23/856/0489-сон; 29.11.2023 й., 03/23/880/0905-сон.

13. Саидов А. Вместе изменить мир к лучшему / <https://parliament.gov.uz/ru/articles/1577>, дата обращения 2 августа 2023 г.

14. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелдаги “Парламент назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-403-сонли Қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 141-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 23.05.2019 й., 03/19/540/3167-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон, 10.12.2019 й., 03/19/590/4129-сон; 10.08.2020 й., 03/20/631/1153-сон; 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон.

15. Одилқориев Х.Т., Исломов З.М., Саидов А.Х., Мухамеджанов О.З., Хакимов Р.Р. ва бошқ. асарлари.

16. Coombs D. Introduction aux etudes sur les parlements nationaux // Simposium sur les integration europeenne. Luxembourg, 1974. – P. 5.

17. Duverger, M. Droit publique. Paris, 1957. – P. 53.

18. Абрамова А.И. Взаимодействие палат российского парламента в современном законодательном процессе // Журнал российского права. 2008, № 7. – С. 31.

19. Конюхова И.А. Двухпалатность как принцип организации национальных парламентов: опыт России и мировая практика // Журнал российского права. 2004. № 1. – С. 63.

20. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелдаги “Парламент назорати тўғрисида”-ги ЎРҚ-403-сонли Қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 141-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 23.05.2019 й., 03/19/540/3167-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон, 10.12.2019 й., 03/19/590/4129-сон; 10.08.2020 й., 03/20/631/1153-сон; 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон.

21. Зубарев А.С. Взаимодействие Государственной Думы Федерального Собрания Российской Федерации с Уполномоченным по правам человека в Российской Федерации как форма парламентского контроля // Актуальные проблемы российского права. 2016. No 7. – С. 49-59.

22. Федеральный закон от 27 декабря 2005 года № 196-ФЗ “О парламентском расследовании Федерального Собрания Российской Федерации”// https://www.consultant.ru/document/cons_docLAW_57347/, дата обращения 16 мая 2022 г.

23. Федосов П.А. Чему учит мировой опыт бикамерализма. Роль и место верхних палат парламентов в современных государствах // М., 2017. Аналитический вестник № 10 (667). – С. 13.

24. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг келишув комиссиясини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш” тартиби / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005 йил 8 ноябрдаги 152-І-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 3 декабрдаги 112-І-сонли қарори билан тасдиқланган.

25. Современный парламентаризм и будущее демократии. // Материалы первого Международного парламентского форума. – М.: Издание Государственной Думы. 2013. – С. 24.

26. Шу билан бирга, палаталарнинг биргаликдаги юрисдикциясига тааллуқли масалалар, қоида тариқасида, аввало, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади.

27. Баъзи мамлакатларда парламент палаталари қўшма мажлис билан иш бошлашлари шарт. Масалан, Қозоғистонда парламент сессияси Сенат ва Мажлиснинг қўшма мажлисларида очилди ва ёпилади. / Конституционный закон Республики Казахстан от 16 октября 1995 года № 2529 “О Парламенте Республики Казахстан и статусе его депутатов” / https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=1003961

28. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг жорий архиви.

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ – САМАРАДОРЛИК КАФОЛАТИ



Озод ҲУСАНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси профессори,
юрidik фанлар доктори

Аннотация: мақола маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган иш-хотлар ва қилиниши лозим бўлган масалаларни тадқиқ этишни мақсад қилган. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳаллий давлат ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган қоидалар аҳамияти, Конституция нормаларини амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг мазмун-моҳияти таҳлил қилиниб, тадқиқот натижасида, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: янги таҳрирдаги Конституция, давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари, маҳаллий ижро органлари, ҳоким, халқ депутатлари Кенгашлари, давлат органларининг мустақиллиги, ҳисобдорлик.

Независимость местных органов государственной власти – гарантия эффективности

Озод Хусанов,

профессор Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан, доктор юридических наук

Аннотация: целью статьи является исследование реформ, которые реализуются и

должны быть реализованы в целях повышения эффективности работы органов государственной власти на местах. Проанализировано значение положений, направленных на обеспечение органов государственной власти на местах в новой редакции Конституции Республики Узбекистан, сути Указа Президента, направленного на реализацию норм Конституции. В результате исследования были разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию деятельности органов государственной власти на местах.

Ключевые слова: Конституция в новой редакции, представительные органы государственной власти, органы местной исполнительной власти, хоким, Кенгаш народных депутатов, независимость государственных органов, подотчетность.

Independence of local state authorities is a guarantee of efficiency

Ozod Khusanov,

Professor of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Science in Law

Abstract: the article aims to research the issues that are being implemented and should be implemented in order to improve the efficiency of local government bodies. The importance of the provisions

aimed at ensuring the independence of local state power in the new version of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the essence of the Presidential Decree aimed at implementing the norms of the Constitution have been analyzed. As a result of the research, proposals and recommendations have been

developed to improve the activities of local state authorities.

Keywords: *constitution in the new version, representative bodies of state power, local executive bodies, hokim, Councils of People's Deputies, independence of state bodies, accountability.*

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, давлат ҳокимияти тизимини, давлат бошқарувини мустақил белгилаш имконияти вужудга келгач, маҳаллий давлат ҳокимиятини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки кўплаб инсонларнинг тақдири, яшаш шароитининг қандай бўлиши, экологик вазият қандай бўлиши, фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш даражаси, хавфсизлик, барқарорлик масалалари фақат марказий органлар фаолиятига эмас, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳам боғлиқлиги жаҳон давлатчилиги тажрибасидан маълум.

Шу туфайли 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямизда маҳаллий миқёсда: вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг икки тури: вакиллик органлари – халқ депутатлари Кенгашлари, ижро ҳокимияти органлари – ҳокимлар ташкил қилиниб, конституциявий даражада мустақамланди. Ҳар икки ҳокимият органларига ҳокимларнинг бошчилик қилиши белгилаб қўйилди [1]. Лекин аввалги Конституциянинг лойиҳаси муҳокамасида ва ҳозирги кунгача амалга оширилган илмий тадқиқотларда, илмий мақола ва мунозараларда ушбу масала юзасидан баҳс-мунозаралар давом этиб келди.

Бунда бир гуруҳ олимлар, маҳаллий миқёсда ҳокимият бўлиниши принципини қўллаш шарт эмас, деб ўз фикрини исботлашса, бир гуруҳ олимлар маҳаллий миқёсда ҳам ҳокимият бўлиниши принципи зарур, шунинг учун ҳокимларнинг вакиллик ҳокимиятига ҳам раҳбарлик қилиши бу давлат органлари мустақиллигига тўсқинлик қилади, деган фикрларни билдириб келдилар.

Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайлангач, давлат бошқаруви, ҳокимият тизимининг ислоҳига тегишли кўрсатмалари билан бу баҳсга якун ясалди. Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президентининг Фармони билан 2017 йил 8 сентябрда тасдиқланган Маъмурий ислохотлар концепциясида ҳокимнинг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг раҳбари сифатидаги мақомини унда ижро этувчи ҳокимият раҳбари сифатидаги мақомини сақлаган ва халқ депутатлари Кенгашларининг котибиятини тузган ҳолда қайта кўриб чиқиш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлаш кўрсатилди [2].

Ўзбекистон Республикаси Президенти бу масалага 2017 йил 17 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида: "...очиқ тан олишимиз лозим, ҳокимларнинг ҳам маҳаллий Кенгашларга, ҳам ижро ҳокимиятига раҳбарлик қилиши демократик принципларга мос келадиган, деб бўлмайди", – деб масалага ойдинлик киритди [3].

Концепция ва Президент кўрсатмасини амалиётга жорий этилишини таъминлаш мақсадида 2018 йил 17 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Бу Фармон давлат бошқарув амалиётида мутлақо янгилик бўлди. Унга асосан, Тошкент шаҳар ва туман халқ депутатлари Кенгашларида депутатлардан иборат, Кенгаш котиби бошчилик қиладиган доимий асосда иш юритувчи Кенгаш котибияти ташкил қилинадиган бўлди ва унга аввал ҳоким амалга оширган Кенгаш фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ вазифалар юкланди [4].

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг муҳокамаси даврида, ҳокимларни халқ депутатлари Кенгашларига бошчилик қилишига барҳам

бериш тўғрисидаги Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ҳам муҳокама объекти бўлиб, у Конституцияда ижобий ҳал қилинди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тартибга солиш доирасининг кенглигидан ташқари, унинг нормаларини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг кенг қамровлиги билан ҳам характерланди. Бу иш тизимли тартибда олиб борилмоқда. Конституцияни амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони Конституциявий ривожланиш тажрибасида янгилик бўлиб, Конституцияни амалга оширишни таъминловчи механизмларни белгилаб берган бўлса [5], Президентнинг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларини ҳаётга татбиқ қилишни мақсад қилиб қўяди [6].

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасида, юқорида қайд қилингандек, халқ депутатлари Кенгашларига ҳокимлар бошчилик қилиши белгиланган эди. Бу қоида асосида икки мустақил (вакиллик ва ижро ҳокимияти) ҳокимиятга бир кишининг бошчилик қилиши, бу давлат органларининг самарали ишлашига, ҳокимларнинг вакиллик органларига ҳисобдорлик принципини рўёбга чиқишига тўсқинлик қилди. Ҳокимларнинг Кенгашлардан устун турувчи тузилма бўлишига шароит яратди. Мамлакатимизда маҳаллий миқёсдаги вакиллик ҳокимияти органлари фаолияти пасайиб борди.

Давлат бошқаруви амалиётидаги, ҳокимият тизимидаги бу камчилик янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (120-модда)да халқ депутатлари Кенгашига депутатлар орасидан сайланадиган раис бошчилик қилиши тартиби белгиланиши би-

лан ҳал қилинди. Конституциянинг 121-моддасига асосан эса, тегишли ҳудуддаги ижро ҳокимиятига вилоят, туман ва шаҳар ҳокими бошчилик қиладиган бўлди. Конституциянинг 122-моддасида халқ депутатлари Кенгашларининг, 123-моддасида ҳокимларнинг ваколатлари белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эса, айнан Конституциянинг шу моддаларини ҳаётга, амалиётга татбиқ қилишни назарда тутди ва шу асосда маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Фармонда қайд қилинишича, кейинги пайтларда халқ депутатлари Кенгашларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ваколатлари кенгайтирилди, назорат функцияси кучайтирилди. Лекин буларни тўлиқ амалга ошириш учун Кенгашлар мустақиллиги, ижро ҳокимиятидан холилиги зарур эди. Бундан ташқари, ижро ҳокимияти ҳамда вакиллик ҳокимиятининг ажратилганлиги, ҳокимият бўлинишининг Конституциявий принципига ҳам мос бўлди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришдан мақсад:

вакиллик ҳокимияти органларини ҳақиқий халқ вакиллигига – халқнинг ҳақиқий “овозига” айлантириш;

маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини реал такомиллаштириб, ҳудудий бошқарувини “аҳоли манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил қилиш. Бу талаблар “Ўзбекистон – 2030 стратегияси” талабларига мос келади. Шу асосда мамлакатимизда замонавий, оптимал давлат бошқаруви вужудга келади.

Фармонга кўра, Ўзбекистон Конституцияси нормаларига асосланиб, жамият ва давлат ҳаётининг, аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасидаги муҳим масалаларни ҳал қилишдаги вакиллик органлари ролини кучайтириш мақсадида, давлат органларига тегишли 33 та функция ҳамда ваколатлар халқ депутатлари Кенгашларига ўтказилди.

Жумладан:

давлат боғча ва мактабларини ташкил этиш;

атмосфера ҳавосига таъсир этувчи корхоналарни қуриш жойларини, чиқиндилар қўмиб ташланадиган жойларни белгилаш;

йўловчи, юк ташиш тарифлари, жумладан, фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун имтиёзли тарифларни белгилаш;

табiiй объектларга, транспорт ва муҳандислик-техника тузилмалари объектларига ном бериш ва бошқалар.

Халқ депутатлари Кенгашининг давлат органлари ҳисобот (ахборот)ларини эшитишга доир ваколатлари тизимлаштирилди.

Фармон маҳаллий Кенгашлар ваколатларини кенгайтириш билан чекланмай, уларнинг эркин, мустақил фаолият юритишининг кучли ва самарали кафолатларини ҳам белгилади.

Жумладан, эндиликда, маҳаллий Кенгашлар зиммасига вазифа ва функциялар фақат қонун ҳужжатлари билан юкланади. Бошқа тарзда уларга вазифа ва функциялар юклаш хоҳ вақтинча, хоҳ доимий бўлсин, мумкин эмас.

Яна бир муҳим кафолат – эндиликда, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг аралашувига йўл қўйилмайди. Амалга ошириладиган ишлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида ташкил этишни таъминлайди.

Фармоннинг яна бир муҳим аҳамияти, у маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга асос бўлади.

Унга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда 2024 йил 1 октябрга қадар Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси юкланди. Унда:

маҳаллий Кенгашлар, уларнинг органлари ҳамда депутатларнинг назорат фаолиятини такомиллаштириш, самарали назорат тизимини шакллантириш;

маҳаллий Кенгашлар томонидан ҳудуд манфаатларига оид муҳим ва долзарб масалалар юзасидан Олий Мажлис Сенатига таклифлар киритиш механизмини белгилаш;

маҳаллий Кенгашларнинг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш;

маҳаллий Кенгашлар қарорларини ишлаб чиқишда жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлаш;

маҳаллий Кенгашлар депутатларининг мақоми ва фаолиятининг асосий кафолатларини янада кучайтириш;

маҳаллий Кенгашлар фаолиятида ўзаро ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

маҳаллий Кенгашлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, бюрократияга қарши чораларни белгилаш каби муҳим чоралар белгиланди.

Фармонда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига 2 ой ичида маҳаллий Кенгашлар фаолиятига тегишли ўз қарорларини тўлиқ хатловдан ўтказиш; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига 2024 йил 1 майга қадар маҳаллий Кенгашлар ваколатлари, вазифалари ва функциялари реестрини ишлаб чиқиш ва юритиш; маҳаллий Кенгашлар қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича ягона амалиётни жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси юкланди.

Албатта, ҳар қандай ташкилот, муассаса, органнинг муваффақиятли иш юритишида, бино, жиҳозлар, тегишли техника ва бошқа воситаларнинг талаб даражасида бўлиши ҳам роль ўйнайди. Шундан келиб чиқиб, фармонда Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларига биргаликда, 2024 йил 1 апрелга қадар:

маҳаллий Кенгашлар биноларини хатловдан ўтказиш;

Сенат билан биргаликда маҳаллий Кенгашлар биноларига ва уларни моддий-механик жиҳатдан жиҳозлашга доир ми-

нимал талабларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Шу оддий нарса – яъни халқ депутатлари Кенгашларининг ўз биноси бўлиши ҳам улар мустақиллигини таъминловчи ҳолатлардан биридир.

Фармонда белгиланган барча ҳолатлар ўз ифодасини топиши, албатта, маҳаллий Кенгашларнинг ҳам, ижро ҳокимияти – ҳокимларнинг ҳам иш фаолиятини ривожлантиради ва уларнинг ҳокимият органлари тизимидаги мавқеини кучайтиради, маҳаллий аҳамиятга эга, аҳоли манфаати билан боғлиқ масалаларни тезкор ҳал қилиш имкониятини яратади. Бу эса, замонавий бошқарув тизими талаби бўлиб, натижада, ушбу органларнинг фаолияти самарадорлиги кучаяди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ишлар шу билан тугамайди ва давом этади. Эндиги вазифа, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларни Конституцияга мослашдир.

2017 йилда қабул қилинган Маъмурий ислохотлар концепциясида “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги янги Қонун қабул қилиш вазифаси белгиланган эди. Шу вазифани бажаришнинг айна вақти келди, деб ҳисоблаймиз. Ўтган йилларда

“Халқ депутатлари Кенгашлари тўғрисида”ги ва “Маҳаллий ижро ҳокимияти тўғрисида”ги алоҳида-алоҳида қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, муҳокамага қўйилган эди.

Конституция устида ишлаш ва қабул қилиш ҳамда бошқа сабаблар қонунни охирига етказишга йўл қўймади. Энди шу ишни охирига етказиш, вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари тўғрисида алоҳида-алоҳида қонун қабул қилиш учун шароит – конституциявий асос мавжуд.

Қонунда халқ депутатлари Кенгашларининг фаолияти самарадорлигини ошириш чоралари белгиланиши керак. Жумладан, туман, шаҳар, вилоят Кенгашлари депутатлари сони бир хил бўлишидан (30 та ва 60 та) воз кечиш ва депутатлар сонини туман, шаҳар, вилоят ҳудуди, аҳоли сони, ишлаб чиқариш даражасига қараб белгилаш, депутатларнинг бир қисмини доимий депутатлик фаолияти билан шуғулланиши тартибини ўрнатиш ва уларга ҳақ тўлаш, маош олмай ишлайдиган депутатларни ҳам рағбатлантириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Буларнинг барчаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдида қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш, улар фаолиятини самарадорлигини оширишга имконият яратади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/3331174>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 23 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги “Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида”ги ПФ-5515-сонли Фармони // <https://lex.uz/uz/docs/3871315>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-67-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/6461609>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-28-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/6789350#6791279>

МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ВАЗИФА ВА ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА



Хушвақт ХАЙИТОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири,
юримдик фанлар доктори, профессор

Аннотация: мақолада мамлакатимизда давлат бошқаруви органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, вилоятдан туман (шаҳар) давлат ҳокимияти органларига ўтказишни назарда тутган ҳолда, давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш ислохотларининг мазмун-моҳияти, маъмурий номарказлаштириш тўғрисидаги турли илмий ёндашувлар ёритилган. Шунингдек, давлат бошқарувини демократлаштиришда марказий ҳамда маҳаллий давлат бошқаруви органлари ваколатлари тақсимланиши зарурати ва ҳуқуқий асослари очиқ берилган. Шунингдек, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органлари ваколатлари чегаралари Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари тажрибаси асосида таҳлил этилиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини самарали ташкил этишга оид таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: давлат, ижтимоий давлат, маъмурий ислохотлар, вазирликлар, номарказлаштириш, маҳаллий давлат бошқаруви органлари, маҳаллий Кенгаш, ҳоким, ўз-ўзини бошқариш органлари, маҳалла, оммавий ҳокимият, маҳаллий бошқарув.

**Распределение задач и функций
центральных и местных органов
государственной власти: на примере опыта
Узбекистана и Соединенных Штатов Америки**

Хушвақт Хайитов,

заведующий кафедрой Академии
государственного управления при Президенте
Республики Узбекистан, доктор юридических
наук, профессор

Аннотация: в статье раскрыты содержание и сущность реформы постепенной децентрализации государственного управления в нашей стране, а также различные научные подходы к административной децентрализации, предполагающие передачу полномочий органов государственного управления органам государственной власти на местах, от областных к районным (городским) органам государственной власти. Также в статье раскрывается необходимость и правовые основы разделения полномочий между центральными и местными органами государственного власти в процессе демократизации государственного управления. На основе опыта Республики Узбекистан и Соединенных Шта-



тов Америки были проанализированы пределы полномочий органов центрального и местного самоуправления, а также разработаны предложения по эффективной организации деятельности органов местного самоуправления.

Ключевые слова: государство, социальное государство, административная реформа, министерства, децентрализация, органы местного самоуправления, местные Кенгаши, хоким, органы самоуправления граждан, махалла, публичная власть, местное самоуправление.

The Division of Tasks and Functions between Central and Local Authorities: The Experiences of Uzbekistan and the United States of America

Khushvakt Khayitov,

*Head of department of Academy of Public
Administration under the President of the Republic
of Uzbekistan, Doctor of Science in Law, Professor*

Abstract: *the article presents the content and essence of the reform of gradual decentralization of public administration in our country, as well as various scientific approaches to administrative decentralization, which imply the transfer of powers of public administration bodies to local public authorities, from regional to district (city) public authorities. Moreover, the article shows the necessity and legal basis for the separation of powers between central and local public administration bodies in the process of democratization of public administration. On the basis of the experience of the Republic of Uzbekistan and the United States of America the limits of powers of central and local self-government bodies are analyzed and proposals for the effective organization of the activities of local government bodies are developed.*

Keywords: *state, social state, administrative reform, ministries, decentralisation, local government, local kengash, khokim, local government bodies, mahalla, public authority, local government.*

Давлат бошқаруви органларининг самарали ва сифатли фаолият юритиши ҳар қандай мамлакат тараққиётининг асосий таянчи ҳисобланади. Шу боис, сўнги йилларда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини ўзаро уйғун ва натижадор ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони асосида тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида давлат бошқарувидаги муаммоларни бартараф этиш, инновацион ривожланишнинг замонавий умумжаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ошириш устувор мақсад этиб белгиланган.

Ушбу йўналишда сўнги йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, хусусан, "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида Давлат бошқаруви органлари фаолиятини "Халқ хизматидаги давлат" тамойили асосида ташкил этиш стратегик мақсадлардан этиб белгиланган. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида белгиланганидек, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади этиб белгиланган. Ушбу мақсадга эришиш учун

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари зиммасига ҳаётий муҳим мажбуриятлар юклатилган.

Давлат бошқарувида оид ислохотлар давлат ва жамият ривожланишига мутаносиб равишда, мамлакат ички ва ташқи ҳаётидаги ўзгаришларни инobatга олган ҳолда амалга ошириб борилади. Зеро, "Давлат бошқарувини такомиллаштириш динамик ва диалектик жараён бўлиб, у жамият ривожининг эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бинобарин, чуқур янгилаш ва модернизациялаш жараёнларини бошдан кечираётган ҳар қандай мамлакатда давлат бошқаруви органлари фаолиятини замонавий талаблар даражасига кўтариш ҳаётий заруратдир. Давлат бошқаруви органлари тизими – давлат механизмида тутган ўрни ва фаолиятининг мазмунига кўра, динамик ривожланиб ва ўзгариб боровчи ҳодиса" [1].

Мамлакатимизда давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштиришга оид ислохотларнинг мазмун-моҳияти, маъмурий номарказлаштириш тўғрисида турли илмий ёндашувлар, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органлари ваколатлари чегараларини ёритишда Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари тажрибасининг ўзига хос жиҳатлари, норматив-ҳуқуқий ҳуж-

жатлар талаблари ва мажбуриятлар тақсимотини ҳисобга олган ҳолда тизимли таҳлил, анализ, синтез, таққослаш, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, ҳуқуқий, мантиқий таҳлил ва бошқа бир қанча тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Сўнги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, нормарказлаштириш асосида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш имкониятлари юқори деб баҳоламоқда. Чунки, давлат ҳокимияти қанчалик марказлашган ҳолда бошқарилса, кўп вақт ва ресурслар сарфланиши, қаттиқ бюрократия ҳисобига ушбу органлар фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Давлат бошқарувини номарказлаштириш мавзуси кўпгина тадқиқотчилар томонидан чуқур таҳлил этилиб, унинг мазмуни, афзаллик ва камчиликлари кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган. Жумладан, тадқиқотчи Ҳ.М.Жўрабекованинг қайд этишича, “Нормарказлаштириш юқори бошқарув органлари ваколатларининг бир қисмини қуйи ва маҳаллий органларга бериш, шу асосда қуйи бошқарув органлари мустақиллигини таъминлашдан иборат. Нормарказлаштириш натижаси ўлароқ, қуйи бошқарув органлари фаолиятини самарали тарзда амалга ошириш, бошқарув жараёнини аҳолининг ўсиб бораётган манфаатларига қаратиш имкониятини беради, фуқаролик жамияти қуриш учун шарт-шароитлар яратади” [2]. С.Сафаевнинг фикрича, “Нормарказлаштириш тушунчасини содда қилиб тушунганда давлат бошқарувидаги айрим функцияларни қуйи бўғиндаги тузилмаларга, яъни маҳаллий ҳокимият органларига берилиши (делегияланиши) тушунилади” [3].

Тадқиқотчи Т.Фаллетининг фикрича: “Нормарказлаштириш – биринчи навбатда, давлат томонидан амалга ошириладиган ҳокимият, давлат тизимини ислоҳ қилишнинг ва марказий ҳукумат ваколатлари, ресурслари ҳамда вазифаларини маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган барча жараёнлар йиғиндиси” [4]. Шунингдек, давлат бошқаруви соҳасидаги олим Жан-Бенуа Альбертинининг фикрига кўра, “Нормарказлаштириш – бу давлат бошқарувида марказий ва маҳаллий давлат ҳокимиятлари ўртасидаги ваколатларнинг самарали амалга оширилиши нуқтаи назаридан оптимал равишда тақсимлашга қаратилган сиёсатдир” [5].

Тадқиқотчи Д.Бекчановнинг фикрича, номарказлаштириш жараёнлари – давлат бошқаруви соҳасида XX асрнинг ўрталаридан бошлаб кенг татбиқ этиб келинаётган бошқарувни ривожлантириш стратегиялардан бири. Ушбу стратегия, асосан, ҳокимиятнинг қуйи даражаларида демократлашув оқибатида жорий қилинмоқда. Бугунги кунда ривожланиш стратегияси сифатида номарказлаштириш сиёсати кўпчилик экспертлар ва олимлар томонидан эътироф этилмоқда. Давлат бошқаруви соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларда давлат бошқарувини номарказлаштириш барқарор ривожланишга эришишнинг муҳим шарти ҳамда сифатли бошқарувнинг (Good governance) асосий мақсади сифатида тилга олинади [6].

Ф.Бейлей, Р.А.Чапман ва М.Шиханлар фикрича, “...номарказлаштириш унитар ва федератив давлатларда қўлланиладиган – ваколатларни қуйига узатиш маъмурий техника сифатида кўринадиган – бир сиёсий тизим ичида қарорлар қабул қилиш ваколатини олий ва юқори органлардан қуйи ва маҳаллий органларга узатишдир” [7]. Қайд этиш зарурки, федератив давлатларда федерал субъектлар кенг ҳуқуқ ҳамда ваколатларга эга бўлиб, бу ҳудудлар ривожланишида ижобий роль ўйнайди. Мисол учун АҚШда штатлар ва маҳаллий маъмуриятга бошқарувда кенг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлар берилган. Бироқ айрим унитар давлатларда марказлашувнинг юқори даражаси бошқарув сифатининг ёмонлашишига сабаб бўлиши мумкин.

Қайд этиш лозимки, барча унитар давлатларда ҳам марказлашув даражаси юқори эмас. Масалан, Франция Конституциясининг 1-моддасида: “Унинг тузилиши марказлаштирилмаган” ҳолда ташкил этилиши белгиланган [8]. “Маҳаллий бошқарув” номли дарслиқда марказий ҳокимият билан маҳаллий ҳокимият идоралари ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб,

унитар давлатлар: марказлашган, нисбий марказлашган ва марказлашмаган турларга бўлиниши эътироф этилади [9].

Ўз навбатида, номарказлаштириш ислохотларини, мазмунига кўра, бир қанча турларга бўлиб таснифлаш мумкин. Баъзи олимлар ижроия ҳокимияти органларини номарказлаштиришни учта: сиёсий, маъмурий ва фискал турлари, баъзи олимлар тўртта: деволүция, ваколатларни узатиш, деконцентрация ва дивестиция каби турларини тавсифлайди [9]. Кўпгина манбаларда, номарказлаштиришнинг маъмурий, иқтисодий ва молиявий кўринишда амалга ошиши кенг эътироф этилади [10].

Олимларнинг изланишлари натижасида давлат бошқарувидаги номарказлаштириш ислохотларининг амалга ошиш шакллари, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари таҳлил этилган. Ўз навбатида, мазкур ислохотлар ҳудудлар эҳтиёжларига мос, давлат органлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимолини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши зарур.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, номарказлаштириш жараёни марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вазифа ва функцияларининг тақсимланишига жиддий таъсир кўрсатади. Унинг намоён бўлишини Ўзбекистон ва АҚШ тажрибасини қиёсий таққослаган ҳолда кўриб чиқамиз. Назарий нуқтаи назардан давлат бошқарув органлари: умумий ваколатли давлат бошқаруви органлари (ҳукумат ва маҳаллий бошқарув органлари) ҳамда махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари (вазирлик, департамент ва идоралар)га бўлиб тавсифланади. Биз ушбу мақола, асосан, умумий ваколатли органларга эътибор қаратамиз.

Ушбу давлатларнинг конституцияларида марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатлари аниқ келтириб ўтилган. Бироқ конституциявий нормалар номарказлашувга оид барча нормаларни қамраб ололмайди. Шу сабабли, уларнинг ваколатларини батафсил ўрганиш учун ушбу органлар ҳақидаги махсус қонунларга мурожаат қилиш зарур.

Ўзбекистонда марказий ҳукумат ваколатлари "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонунда белгиланган бўлса, маҳаллий бошқарув органлари ваколатлари "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунда ҳамда бошқа қонунларда белгиланган. Эътиборлиси, барча республика ижро этувчи ҳокимият органларининг қарийб 5 мингга яқин функциялари мавжуд бўлиб, "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида ушбу функцияларни 2030 йилгача тўлиқ рақамлаштириш назарда тутилган. Шунингдек, давлат бошқарувини номарказлаштириш сиёсати доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органларининг камида 30 фоиз вазифа ва функцияларини маҳаллий ижро органларига ўтказиш мақсад қилинган.

Ушбу йўналишда амалга оширилган сўнгги ислохотлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосида жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда маҳаллий вакиллик органларининг ролини ошириш мақсадида, 33 та функция ҳамда ваколатлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказилди. Масалан, давлат боғча ва мактабларни ташкил этиш, атмосфера ҳавосига таъсир этувчи корхоналарни қуриш жойларини, чиқиндилар кўмиб ташланадиган жойларни белгилаш, йўловчи ва юк ташиш тарифлари, жумладан, фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун имтиёзли тарифлар, табиий объектларга, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларига ном бериш ва бошқалар [11].

Юқорида қайд этилган ваколатлар марказий давлат бошқаруви органларига тегишли бўлиб, ҳудудларда ушбу йўналишда ишларни сифатли ташкил этишда сансалорлик ҳолатлари мавжуд эди. Эндиликда, ушбу масъулиятли ваколатларнинг маҳаллий Кенгашларга ўтказилиши соҳалар ривожига ягона ёндашув ва масъулликни вужудга келтиради.

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ҳамда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг қирққа яқин вазифалари белгиланган. Бироқ ўнлаб қонунлар ва юзлаб қонуности ҳужжатларда уларнинг юзлаб

вазифа ва мажбуриятлари белгиланган. Бугунги кунда ушбу вазифа ва мажбуриятларни тизимлаштириш ҳамда оптималлаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-447-сон қарорида республика ва ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органлари функцияларининг очиқ реестрини шакллантириш ва уни доимий юритиш амалиётини йўлга қўйиш белгиланди [12]. Ушбу тажриба ривожланган давлатларда, хусусан, АҚШда ҳам кенг қўлланилади.

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда халқ депутатлари Кенгашлари ва тегишли ҳудуддаги ижро этувчи ҳокимиятга бошчилик қиладиган ҳокимларнинг ваколатлари ажратилгани, ҳокимларнинг маҳаллий Кенгашларга раҳбарлик ваколати бекор қилингани, халқ депутатлари Кенгашларининг мустақиллиги ва ваколатлари кенгайтирилгани ҳудудларни самарали бошқаришга бевосита таъсир этади. Эндиликда, махсус қонун ва қонуности ҳужжатларда ушбу ўзгартиришлар акс этмоқда ва 2024 йилдан халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг навбатдаги сайловлари яқунлари бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар вакиллик ва ижро этувчи давлат ҳокимияти органлари алоҳида фаолият юрита бошлайди. Ушбу тартиб туман ҳамда шаҳар вакиллик ва ижро этувчи давлат ҳокимияти органларига нисбатан 2026 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

Юқоридагилардан маълумки, мамлакатимизда маҳаллий ва маҳаллий ижро органлари тизимида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотларни илмий жиҳатдан асослашда ривожланган мамлакатлар

амалиётини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга. Шу боис, қуйида АҚШнинг маҳаллий давлат бошқарув тизимига доир айрим масалаларга тўхталиб ўтамиз.

АШҚда маҳаллий бошқарувни ташкил этишда давлат органлари ваколатлари тақсимооти ҳақида тўхталишдан олин АҚШнинг давлат бошқарув тизими ҳақида маълумот бериш мақсадга мувофиқ. АҚШда федерал ҳукумат (учта алоҳида ҳокимият тармоғи: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти), 50 та штат ҳукуматлари (губернаторлар, штат қонун чиқарувчи органи, судлар) ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари: округлар, туман, шаҳар мэрлари ва шаҳар кенгашларига бўлинишини қайд этиш зарур. Бутун тизим ҳар бир ҳукумат даражасида – Оқ уйдан тортиб, қишлоқ ҳокимиятигача бўлган даражадаги молиявий, сиёсий ваколатлар ва жавобгарликка эга.

АҚШ Конституциясининг 2-моддаси ижро ҳокимияти органлари мақомини белгилашга бағишланган. Шунга мувофиқ, ижро этувчи ҳокимият АҚШ президенти томонидан амалга оширилади. У тўрт йил давомида худди шу муддатга сайланган вице-президент билан ўз ваколатларини амалга оширади [13].

Президент Қўшма Штатлар армияси, флоти ҳамда Қўшма Штатларнинг ҳақиқий ҳарбий хизматида чақирилган ҳолларда мустақил штатларнинг полициясига бош қўмондонлик қилади; у ижро этувчи департаментларнинг ҳар бир юқори мансабдор шахсидан уларнинг мансабига оид ҳар қандай масала юзасидан фикрини ёзма равишда баён этишини талаб қилиши мумкин, шунингдек, у ҳукми ижро этиш муддатини кечиктириш ҳамда импичмент ишларидан ташқари, Қўшма Штатларга қарши жиноятлар учун афв этиш ҳуқуқига эга.

Шу билан бирга, Президент қонунларининг виждонан бажарилишига кафил бўлиб, Қўшма Штатларнинг барча мансабдор шахслари ваколатини белгилаб беради. Маълумки, АҚШ марказий ижро органлари функцияларини: федерал департаментлар, федерал агентликлар, комиссиялар, кенгашлар, ташкилотлар, бюролар, маъмуриятлар, хиз-



матлар каби бошқарув органлари амалга оширади. Турли штатлардаги ижроия органлари ҳам шу каби турли номларга эга.

Маҳаллий бошқарувда округлар (графликлар), туман, шаҳар мэrlари ва шаҳар кенгашлари муҳим ўрин эгаллаганлиги сабабли уларнинг ваколатлари тақсимотига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ҳар бир штат ўз юрисдикцияси доирасидаги маҳаллий бошқарув органларининг ваколатлари, тузилиши ва функцияларини белгилайдиган ўз конституцияси, қонунлар, низомлари ва қоидаларига эга. Ўз навбатида, марказий ва маҳаллий органлар ўртасидаги ҳамкорлик самарали йўлга қўйилган. Зеро, “Замонавий федерализм миллий, штат ва маҳаллий ҳукуматлар ўз кучларини умумий мақсадларга йўналтирадиган ҳамкорлик келишувига айланди” [14]. Бундан шароитда маҳаллий ҳукумат вакиллари ўзларининг шахсий ролларини ҳукуматнинг бошқа даражаларида худди шундай тарзда шуғулланадиган мансабдор шахслар билан мувофиқлаштириши керак бўлади.

АҚШ Конституциясига биноан, барча штатларда АҚШ Конституцияси ва уларни ижро этиш мақсадида чиқариладиган қонунлар мамлакатнинг бутун ҳудудида олий қонунлар ҳисобланиб, барча томонидан бажарилиши шарт. Масалан, Калифорния Конституциясининг 3-бўлим 1-моддасида кўрсатилишича: Калифорния Америка Кенгаши (Союзи)нинг ажралмас қисми бўлиб, АҚШ Конституцияси мамлакатнинг олий қонуни ҳисобланади. Штатларда фақатгина бошқарувнинг республика шаклини амалга оширишлари мумкин.

АҚШда муниципал маъмурият тизимининг мураккаблиги штатлар қонунчилиги, маҳаллий органларни шакллантириш билан боғлиқ масалаларни мустақил ҳал қилиши сабаб қилиб кўрсатилади. АҚШда, маҳаллий бошқарув аппаратининг ўзига хос хусусияти ижроия аппаратининг таъсирини оширувчи “тийиб туриш ва текшириш”-дир. Масалан, мансабдор шахслар, кўпинча, аҳоли томонидан сайланади ва Кенгашга хоҳлаганча раҳбарлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Умумий ваколатга эга ижро-

ия органлар шаҳар ва қишлоқ бошқарувида ҳам мавжуддир.

Штатлар губернатори давлат ишларини бошқаришдаги марказий мансабдор шахсдир. Губернатор дастурлар ишлаб чиқади ва уларни амалга оширади, қонун чиқарувчи органга раҳбарлик қилади, асосий мансабдор шахсларни лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод қилади; штат ва унинг халқи манфаатини ифода этади.

АҚШ шаҳарларида ижро бошқарув органларига мэр раҳбарлик қилади. Мэр – кенгаш аҳолиси 5 мингдан ортиқ шаҳарларнинг 3/5 тасида қабул қилинган. Муниципалитетлардаги мэrlарни ваколатларига кўра: кучли ва заиф ваколатларга эга бўлганларга ажратиш мумкин. Заиф ваколатли мэр муниципал Кенгаш томонидан сайланади. У Кенгашга раҳбарлик қилади. Кенгаш муниципал ишларни алоҳида соҳавий қўмиталар орқали ҳал қилади.

Бунда Кенгаш томонидан сайланган мэрдa реал ҳокимият бўлмайди. Унинг ваколатлари расмий характерга эга. Ижроия ҳокимият Кенгаш томонидан тузилган махсус комиссия тайинлаган бошқарувчи кўлида бўлади. Бошқарувчи, одатда, профессионал тайёргарликка эга бўлади ва маъмуриятни тўлалигича бошқаради. Ушбу мансабдор қобилиятли шахслар орасидан танлаб олинади. У деярли барча муниципалитет шахсларини тайинлайди, кенгашга таклифлар ҳам киритади. Кенгаш амалда бошқарувчини назорат қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Кучли мэр халқ томонидан сайланади. У якка ўзи муниципалитет амалдорларини тайинлайди, маҳаллий Кенгаш чиқарган актларга вето келтириш ҳуқуқига эга. Нью-Йорк, Филадельфия каби шаҳарларда мэр билан бирга, маъмурият раҳбари, кўп ҳақ оладиган менежерлар ҳам тайинланади. Менежерлар ташкилий бошқарув фаолияти билан шуғулланади, молия ва турли коммунал хизматлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

Юқорида қайд этилганидек, маҳаллий давлат органларининг ваколат ҳамда вазифалари Конституция ва қонунларида белгиланади. Масалан, 1938 йилда қабул қи-

линган Нью-Йорк штати Конституциясининг 10-моддасида маҳаллий ҳокимият органларининг асосий ҳуқуқлари ҳамда вазифалари белгиланган. Ушбу моддада маҳаллий ҳокимиятнинг мазкур Конституциянинг бошқа моддаларида назарда тутилганидан ташқари, бир қанча алоҳида ҳуқуқлари, ваколатлари, имтиёзлари ва иммунитетига оид нормалар келтирилган [15].

Умуман олганда, маҳаллий бошқарув органларининг ваколат ва функцияларига қуйидагилар киради:

давлат хизматлари ва инфратузилмани молиялаштириш бўйича ҳамда қонунчиликка мувофиқ бошқа солиқларни ундириш;

ердан самарали фойдаланиш ва инфратузилмаларни ривожлантиришни тартибга солувчи қоидалар ишлаб чиқиш;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш, шунингдек, полиция ва ўт ўчириш бўлимлари, фавқулодда хизматларни ташкил қилиш;

маҳаллий соғлиқни сақлаш ва мактаб ишларини бошқариш, таълим сиёсатини амалга ошириш;

меҳнатни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимоя ва меҳнатни ташкил этишга оид меъёрларни ўрнатиш;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизликни камайтириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш;

жамоат инфратузилмани ривожлантириш, яъни маҳаллий йўллар, парклар, коммунал хизматлар ва бошқа жамоат объекларини ривожлантириш ва назорат қилиш.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат бошқаруви марказий органларининг ваколатларини босқичма-босқич ҳудудлардаги маҳаллий бошқарув органларига ушбу ислохотлардан кутилаётган ижобий жиҳатлар сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

биринчидан, марказий ва маҳаллий ижроия ҳокимият ҳамда унинг тузилмаларининг ўзаро алоқалари ва муносабатларининг номарказлаштирилиши фуқароларнинг бошқарув жараёнида фаоллашуви, аҳолига

давлат хизматларини кўрсатишга ажратилган давлат бюджети маблағлари тежалишига олиб келади;

иккинчидан, ваколатларнинг бир қисми маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ўзини ўзи бошқариш тузилмаларига босқичма-босқич берилиши натижасида кенг жамоатчилик манфаатларига дахл қиладиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқароларнинг бевосита иштирок этишига шароит вужудга келади;

учинчидан, давлат хизматлари кўрсатишнинг халққа янада яқинлашиши натижасида жамиятнинг янада ривожланиши, фуқароларнинг ўсиб бораётган манфаатлари ва талабларини янада кўпроқ қондиришга эришилиши мумкин;

тўртинчидан, ижроия ҳокимияти бошқаруви самарасининг ошиши, оптимал ва оқиллона бошқарувнинг фуқаролик жамияти қуриш учун қулай шарт-шароитлар яратишига имкон яратади.

Мамлакатимизда ушбу кутилаётган мақсадларга эришишда қуйидаги ислохотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

марказий давлат бошқаруви органларининг вазифа ҳамда функцияларини босқичма-босқич маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказиш ва унинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш;

ҳокимликларнинг ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришдаги роли ва жавобгарлигини ошириш. Марказий органлар томонидан уларнинг фаолиятига аралаштириш имкониятларини чеклаш;

ҳокимликларнинг ҳудудларда амалга оширилаётган вазифалар (функциялар) бўйича "ваколатлар реестри"ни тасдиқлаш ва уни доимий равишда такомиллаштириб бориш;

марказий давлат бошқаруви органларига тегишли айрим вазифаларни бажаришни маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан талаб қилиш амалиётидан воз кечиш;

вилоят ва туман (шаҳар) даражасидаги ҳокимликлар маҳаллалар вазифа ва функцияларининг аниқ чегарасини белгилаш.



Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Умаров Б.А. Номарказлаштириш концепцияси ва унинг давлат бошқарувини демократлаштиришдаги ўрни // – Т.: Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили / Uzbek law review / Обзор законодательства Узбекистана. 2018. № 3. – 21 б.
2. Жўрабекова Ҳ.М. Ўзбекистонда давлат бошқарувини номарказлаштириш жараёни (хорижий ва миллий тажрибалар қиёсий таҳлили): Сиё. фан. ... фал. докт. (PhD) дис. автореф. – Т., 2019. – 13 б.
3. Сафаев С. К вопросу о децентрализации совершенствования государственного управления // Жамият ва бошқарув. 2013. № 1. – 25 б.
4. Falleti T.G. Decentralization and Subnational Politics in Latin America. – Cambridge: Cambridge University Press, 2010. – P. 34.
5. Albertini J.B. La deconcentration: l'administration territoriale dans la reforme de l'Etat. – Paris: Economica, 1997. – P. 210 etc. Pratiques de la gestion publique en France: Le statut du fonctionnaire. La responsabilite de l'administration. L'audit et le controle dans le secteur public. – Paris, 1999. 351 p. – P. 17.
6. Бекчанов Д. Маҳаллий давлат ҳокимияти: Япония ва Ўзбекистон. – Т.: Akademiya. – 2015. – 57 б.
7. Bealey F, Chapman R.A., Sheehan M. Elements in political science. Edinburgh: Edinburgh University Press, 1999. – P. 265.
8. Конституция Франции // <https://www.conseil-constitutionnel.fr>
9. Маҳаллий бошқарув. Дарслик. О.Турғунов, Ш.Асадов ва бошқ. – Т.: Baktria press. – 2017. – 35 б. – 13 б.
10. Ten Guidelines for Effective Decentralisation Conducive to Regional Development // Making decentralisation work: a handbook for policy-makers © OECD 2019. Cohen J., Peterson S. Administrative Decentralization: Strategies for Developing Countries, Kumarian Press (published for and on behalf of the United Nations), Draft Proof for Publication, June, 1999. – P. 16-20.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-28-сонли Фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.02.2024 й., 06/24/28/0099-сон.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-447-сонли қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.12.2022 й., 07/22/447/1118-сон.
13. The United States Constitution // www.constitutioncenter.org
14. Mahalliy boshqaruv bo'yicha qo'llanma // Манба: <https://dos.ny.gov/system/files/documents/2023/06/localgov>
15. The Constitution of the State of New York // <https://dos.ny.gov>

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ

ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Ўломжон САПАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси доц. в. б.,
фалсафа фанлари доктори (PhD)

Аннотация: ушбу мақолада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятининг асосий йўналишлари, ҳуқуқий асослари, давлат бошқарувини демократлаштириш ва жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли таҳлил қилинган. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш йўлидаги ислохотлар, берилаётган ваколатлар ва келгусидаги истиқболлари миқдорлар ёрдамида кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: Конституция, давлат ҳокимияти, вакиллик органи, депутат, ҳоким, қарор, назорат, сайловчи, мурожаат, рақамлаштириш.

Перспективы совершенствования деятельности представительных органов местной государственной власти

Гулумжон Сапаев,

и. о. доцента Академии государственного
управления при Президенте Республики
Ўзбекистан, доктор философии (PhD)

Аннотация: в данной статье анализируются основные направления деятельности местных Кенгашей народных депутатов, правовые основы, роль народных депутатов в демократизации государственного управления и осуществлении общественного контроля. Также

на примерах указаны реформы, направленные на совершенствование деятельности представительных органов местной государственной власти, данные полномочия и дальнейшие перспективы.

Ключевые слова: Конституция, государственная власть, представительный орган, депутат, хаким, решение, контроль, избиратель, обращение, цифровизация.

Prospects for improving the activity of representative bodies of local state authority

Gulomjon Sapaev,

Acting Associate Professor of Academy of Public
Administration under the President of the Republic
of Uzbekistan, PhD (in Philosophy)

Abstract: this article analyzes the main directions of activity of the local Councils of People's Deputies, their legal basis, their role in the democratization of state administration and the implementation of public control. Also, the reforms aimed at improving the activities of the representative bodies of the local state power, given powers and future prospects are shown with the help of examples.

Keywords: Constitution, state power, representative body, deputy, hokim, decision, control, voter, appeal, digitization.



Демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти органларининг ўзаро тийиб туриш принципи зарурий жараён бўлиб, унда давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари – парламент ва маҳаллий вакиллик органларининг фаолияти катта аҳамият касб этади.

Мустақилликнинг илк йилларидан Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига ажратилиб, бу давлат ҳокимиятини демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш тамойилларга тўла мос келади. Бу бўлиниш мамлакат Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилди: “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади” [1].

Давлат бошқарувида ижро функциясини давлат ҳокимияти органлари, назорати вакиллик органлари томонидан амалга оширилади. Бу, бир томондан, давлат ва жамиятни адолат тамойиллари асосида бошқаришда, умумий назорат ўрнатишда, қонунларни, Президент ва ҳукумат қарорларини ижросини таъминлаш имконини берса, иккинчидан, халқ вакилларида ташкил топган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ижро органи фаолияти устидан назорат ўрнатиш имконини беради.

Бошқача айтганда, бир-бирини тийиб туриш тамойили асосида, маҳаллий ижро органининг ўз вазифа ва мажбуриятларини таъминлашда масъулият юклайди. Зеро, халқ ҳокимият тизимида асосий ўринга эга бўлиб, “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир” [1].

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан ҳозирги кунга қадар давлат бошқарувини демократлаштириш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида бошқарувнинг ўзига хос модели яратилди. Айниқса, маҳаллий давлат ҳокимияти ҳисобдорлиги ва ижро органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати кучайтирилмоқда, бу масалада муҳим институтлардан ҳисобланган маҳаллий вакиллик органларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини оширишга эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (“Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари” боби 120-126-моддалар), 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий Регламенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 31.07.2021 йилдаги қарори билан тасдиқланган “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисида”ги намунавий Низом ва бошқа шу каби норматив ҳужжатларда мазкур институтнинг фаолияти, асосий йўналиш ҳамда ваколатлари белгиланган.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг асосий фаолияти сайловчиларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, ҳал қилиш, улар манфаатлари йўлида халқчил қарорлар қабул қилиш, шунингдек, маҳаллий ижро ҳокимият органлари фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва уларни тийиб туришга қаратилган бўлиб, асосий мақсад халқни рози қилишдир. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганидек, “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” [2].

Бироқ, бугунги амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, айрим масалаларда маҳаллий Кенгашлар лозим даражада фаолият юритмаяпти, сайловчиларни рози қилиш йўлида айрим субъектив ва объектив омиллар таъсир қилмоқда. Шундай экан бугун маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини кучайтириш, уларнинг имконият ва ваколатларини кенгайтиришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ҳуқуқий-сиёсий ислохотлар амалга оширилмоқда, уларнинг давлат бошқарувида таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишда, айниқса, халқнинг чинакам овози ва суянчи бўлишига катта эътибор берилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-

60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 2-мақсади “Халқ депутатлари Кенгашларини ҳудудларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишдаги асосий бўғинга айлантириш”га бағишланган. Президентнинг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони асосида қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида эса, вакиллик органлари ваколатларини кенгайтириш ҳамда ижро ҳокимияти ҳисобдорлигини кучайтиришга оид мақсад ва вазифалар белгиланган.

Масалан, Стратегиянинг 75-мақсадида белгиланган маҳаллий Кенгашлар фаолиятига жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш, улар фаолиятини рақамлаштириш, кенгашлар функцияларига оид қонунларни қайта кўриб чиқиш каби вазифалар “Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини халқнинг чинакам “овозига” айлантириш”га хизмат қилади. Айниқса, ҳокимларнинг маҳаллий кенгашга раҳбарлик қилиш амалиётини бекор қилиш вакиллик органларининг самарали фаолиятини янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

Мазкур муҳим вазифа ҳақида Президентимиз ўз маърузаларида тўхталиб, “ҳокимларнинг ижро ва вакиллик ҳокимияти раҳбари сифатидаги ваколатларини алоҳида-алоҳида ажратиб қўйиш билан боғлиқ” [3], деган эди.

Стратегиядаги: “Маҳаллий давлат ҳокимияти ижро органлари фаолиятини трансформация қилиб, ҳудудий бошқарувни “аҳоли манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида йўлга қўйиш” номли 76-мақсад эса, ижро ҳокимлигига хос бўлмаган айрим функцияларни бекор қилиб, вакиллик органларига ўтказиш, ижро органлари ҳисобдорлигини оширишга оид вазифалар белгиланган.

Бу ислохотлар маҳаллий ижро ва назорат органларининг ўзаро соғлом ва манфатли муносабатлар ривожланишига хизмат қилади, шунингдек, ҳокимиятнинг бўлиниши принципига ва яккабошчилик асосида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг олдини олади. Чунки келгусида “ўта марказлашган бошқарувдан босқичма-босқич воз кечиш лозим” [3].

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида вакиллик органларига ҳокимлар раҳбарлик қилмаслигининг белгиланиши маҳаллий давлат органлари фаолиятида ўзаро тийиб туриш тамойилининг ишлашида муҳим қадам бўлди. Конституциянинг 120-моддасига кўра:

“Халқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланган раис бошчилик қилади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмас” [1].

Ушбу масалада жамоатчиликда муҳим бир савол бўлиши табиий, яъни ҳокимнинг Кенгашга раис бўлмаслиги нима беради ёки ижобий жиҳати нимада? Гап шундаки, айти бир шахснинг ҳам ижро, ҳам назорат органида раҳбари бўлиши ҳокимиятнинг бўлиниш принципига тўғри келмайди ва бир-бирини тийиб туриш тамойили амалда ишламайди.

Шу сабабли ижро ҳокимияти фаолияти ва улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар устидан самарали назорат сезилмайди. Масалан, Адлия вазирлиги маълумотларига кўра, тегишли вакиллик органлари томонидан кўриб чиқилган бўлишига қарамасдан, 2022 йилда ҳокимларнинг 4000га [4] яқин қарорлари бекор қилинган. Шу сабабли давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатида: “... ҳокимнинг айти вақтда Халқ депутатлари Кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсатишига доир тартиб бекор қилиниши лозим”, [5] – деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-28-сон Фармони [6] халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришда, давлат бошқаруви ва жамият ҳаётидаги ролини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Фармон билан маҳаллий вакиллик органлари ҳуқуқ ҳамда ваколатлари кенгайтирилди, ижро ҳокимияти органларига хос бўлмаган функциялари қисқартирилиб, ҳисобдорлик масъулияти янада оширилмоқда. Чунки



асосий мақсад халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини халқнинг ҳақиқий “овозига” айлантириш ва ижро ҳокимияти органлари фаолиятини “аҳоли манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида йўлга қўйишдир.

Очиқ айтиш керакки, шу пайтга қадар маҳаллий ҳокимликлар зиммасида кўплаб вазифалар бўлган. Амалда уларнинг айримларини объектив ва субъектив сабабларга кўра бажариш имконсиз эди. Бу ҳақда Президентимизнинг 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Амалдаги қонун ҳужжатларида ҳокимликларнинг 300 га яқин вазифа ва функциялари назарда тутилган. Шундан 175 таси, мазмун-моҳиятига кўра, ҳокимларнинг асосий вазифалари тоифасига кирмайди ва турли идораларнинг функцияларини такрорлайди” [7], – дея таъкидланган.

Эндиликда, ижро ҳокимиятига тегишли 30 дан ортиқ ваколатларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ўтказилиши, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда жойларда вакиллик органлари нуфузининг ошишига хизмат қилади.

Масалан, шу пайтга қадар таълим, экология, атроф-муҳит ва чиқинди, транспорт хизмати, бандлик билан боғлиқ маҳаллий даражадаги масалаларни кўриб чиқиш ҳамда тегишли қарорлар қабул қилиш ижро ҳокимияти ваколатларига кирган. Эндиликда, бундай масалалар, масалан, давлат таълим муассасаларини ташкил этиш, тугатиш, шаҳарсозлик объектларини тартибга солиш, чегараларини белгилаш, ичимлик суви тарифларига оид қарорлар маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан кўриб чиқилади.

Ижро ҳокимияти зиммасида бўлган ушбу масалаларнинг депутатлар билан келишган ҳолда кўриб чиқилиши ва якуний қарор Кенгаш томонидан қабул қилиниши, биринчидан, ҳудудий аҳамиятга молик норматив ҳужжатларнинг адолатли ва халқчил бўлишига хизмат қилади. Иккинчидан, ҳудудларда халқ манфаатларига хизмат қилувчи маҳаллий бошқарувнинг самарали фаолияти йўлга қўйилади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, маҳаллий бошқарув ва ижрочилик фаолияти учун те-

гишли ҳудуд ҳокимлари масъулдир. Бу тўғрида асосий Қомусимизнинг 125-моддасини эслаш ўринли: “Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширади ҳамда ўзи раҳбарлик қилётган органларнинг қарорлари ва ҳаракатлари учун шахсан жавобгар бўлади” [1].

Назарий жиҳатдан маҳаллий бошқарув – бу давлатнинг ҳудудий бирликлари негизида қонун ҳужжатларига асосан тартибга солиш фаолияти ҳисобланиб, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан ҳудуд манфаатларини инobatга олган ҳолда олиб бориладиган ижрочилик ва фармойиш бериш фаолиятидир [8].

Маҳаллий вакиллик органлари ваколатларининг кенгайиши, нафақат улар фаолиятининг такомиллашувига, балки депутатларнинг сайловчилар олдидаги роли ва ишончининг ортишига хизмат қилади. Чунки депутат бу халқ билан давлат ўртасидаги сиёсий кўприк, у орқали сайловчининг фикри, муносабати ва хоҳиш-истаклари намоён бўлади, қолаверса, фуқаролар ўз мурожаат ва муаммоларини сайлаган вакили орқали ҳал қилишни истайди, депутат эса, масалани ижро ҳокимлиги олдида кўндаланг қўйиши лозим.

Албатта, бундай ваколат ва билдирилган ишончнинг масъулияти ҳам юқори. Бугунги депутат халқнинг фикри ва муаммоларини, хоҳиш-истакларини яхши билиши, мурожаатларини эшитиб, уларни ҳал этишда шижоатли ва ташаббускор бўлиши лозим. Президентимиз таъбири билан айтганда: “Депутат, аввало, ҳамиша халқ дарди билан яшаши, одамларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш учун фидойилик кўрсатиб бошқаларга ўрнатилган бўлиши лозим” [2].

Маҳаллий вакиллик органлари функцияларининг тизимлаштирилиши, хусусан, жамоатчилик назоратига оид ваколатларнинг аниқ белгиланиши, Кенгашларнинг режали ва самарали фаолият юритишига ҳамда сифатли қарорлар қабул қилишларига ёрдам беради. Чунки олдинги амалиётда қайси даврда, кимларнинг ҳисоботи ёки ахбороти тинглаш зарурлиги бўйича аниқ мезонлар бўлмаганлиги туфайли, ҳар бир Кенгаш тур-

лича йўл тутган ва сессияларда кўплаб ҳисоботлар эшитилган. Қисқа вақт ичида ҳисобот ёки ахборотларни жиддий кўриб чиқишга имконият бўлмайди, натижаси эса, сезилмайди.

Эндиликда, депутатлар қачон, кимнинг ахбороти ёки ҳисоботини эшитишлари, қайси даврда қандай масалаларни муҳокама қилишлари белгиланди. Бу эса, Кенгаш иш режаларини шакллантириш ва депутатлик назорати фаолиятини тўғри тақсимлашга, ҳисоботи ахбороти эшитиладиган мансабдорларни аниқлаштиришга ёрдам беради.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг жамоатчилик назоратига оид фаолиятининг тизимлаштирилиши маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ишини “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида ташкил этишга замин яратади. Чунки Кенгашнинг кучи депутатлик назорати, ҳокимнинг депутатлар олдидаги масъулияти ва ҳисобдорлиги билан, ҳокимнинг самарали фаолияти ҳудудий масалаларни ҳал этишдаги ташаббускорлиги билан белгиланади.

Шу ўринда айтиш керакки, фуқароларни ўйлантираётган ва қийнаб турган шундай масалалар ҳам борки, улар маҳаллий даражада эмас, балки республика даражасида, қонунчилик доирасида ҳал қилиниши мумкин. Албатта, аҳоли билан мунтазам мулоқотда бўлаётган маҳаллий Кенгаш депутатлари жойлардаги муаммо ва долзарб масалаларни, уларни ҳал қилиш йўлларини Парламент депутатларидан кўра яхшироқ биладилар.

Шу нуқтаи назардан маҳаллий Кенгашларга ҳудуд манфаатларига оид муҳим ва долзарб масалалар юзасидан Олий Мажлис Сенатига таклиф киритиш ҳамда норма ижодкорлигига оид фаолиятини такомиллаштириш бўйича янги ҳуқуқий асослар яратилмоқда. Бу эса ҳудудлардаги муаммоларни тизимли ўрганиш ва самарали ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда халқчил қонунлар ишлаб чиқишида муҳим роль ўйнайди.

Чунки бугунги кунда маҳаллий Кенгаш депутатлари сайловчилар билан учрашув ва мулоқотларда, қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини тушунтириш жараёнида фуқаролар томонидан ўринли фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилади. Бу жара-

ёнда ҳар бир фуқаронинг саволи ва эътирозини ўрганиш, реал муаммолар юзасидан берилаётган таклиф ва фикрларини эътиборга олиш адолатли қарор ва халқчил қонунлар ишлаб чиқишда муҳимдир. Мазкур масалада ҳам депутатлар ташаббускор бўлиши лозим. Президентимиз таъбири билан айтганда, “депутатлар муҳокамага киритилган ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича ўзининг мустақам позициясини кўрсатган тақдирдагина, сайловчилар ишончини оқлай олади” [2].

Бугун иш фаолиятимизни ахборот ва рақамли технологияларсиз, интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар нафақат ижтимоий ҳаётимизнинг бир қисми, балки мавжуд муаммо ва олдимиздаги вазифаларни тезда ҳал қилишда кўмакчи ҳам бўлмоқда. Айниқса, ахборот олиш, етказиш, хизматлар кўрсатиш, муайян масалани ўрганишда жуда ҳам қўл келмоқда. Демак, бугун маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштиришда замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш муҳим. Зеро, “Сайловчи ва депутатнинг ўзаро муносабатларига ахборот технологияларини кенг жорий этадиган вақт келди” [2].

Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг 2024 йил 2 февралдаги ПФ-28-сон Фармонида маҳаллий Кенгашлар фаолиятини рақамлаштириш ва бюрократияга қарши чоралар белгилаш вазифалари белгиланди. Бу нафақат депутатларнинг сайловчилар билан мулоқотини, балки Кенгашлар фаолияти очиқлигини, унда кўрилаётган масалаларнинг ошкоралиги ва демократик қарорлар қабул қилинишини таъминлайди.

Чунки депутат билан сайловчи ўртасидаги мулоқотлар, мурожаат ва таклифлар ҳамда муҳокамалар реал вақт режимида электрон шаклда ҳам амалга оширилишига имкон бўлади. Ўз навбатида, вакиллик органлари фаолиятида ортиқча қоғозбозлик, вақт ва маблағ сарфланишига, бюрократик тўсиқларга барҳам бериб, тезкор ишлашига ҳисса қўшади. Чунки давлат ва жамият бошқаруви, унинг ривожига тўсиқ бўлаётган иллатлардан бири коррупция бўлса, иккинчиси унинг “дўсти” – тизимдаги бюрократиядир [9].

Қўшимча сифатида таъкидлаш керакки, бундан кейин халқ депутатлари маҳаллий



Кенгашлари муайян масалани муҳокама қилишда ва аҳоли манфаатларига хизмат қилувчи қарорлар қабул қилишда сиёсий партиялардан ташқари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларини ҳам таклиф қилишлари, уларни эшитишлари лозим. Чунки бугунги кундан нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз олдига аҳолининг қайсидир бир қатламини, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилишган. Масалан, ногиронлиги бўлган шахслар ҳаётига дахлдор дастур, қонун лойиҳа муҳокамаси ёки қарорлар қабул қилишида, бундай жамоат бирлашмаларининг фикрларини эшитиш мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг самарадорлигига ҳисса қўшади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, айтадиган бўлса, бугун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига янги вазифалар берилиб, ваколатлари янада кенгайди, жамият олдигаги масъулияти ошди. Бу эса, Кенгашнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органларини тийиб туриши ва самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишга хизмат қилади. Айниқса, ижро органига масъул бўлган ҳокимларнинг ўзлари ҳисобдор орган – Кенгашга раҳбарлик қилмаслиги бошланган демократик ислоҳотларимизнинг самарасини тезлаштиради.

Иккинчидан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва депутатларининг сайловчиларни ўйлантираётган долзарб масалалар ечимига қаратилган адолатли қарор қабул қилишда, халқчил қонунлар ишлаб чиқишда-

ги роли ошмоқда. Бу уларга садоқат ва фидойилик билан ишлашларига маънавий куч, сиёсий ирода берса, бошқа жиҳатдан сайловчилар олдигаги масъулиятини оширади.

Учинчидан, маҳаллий вакиллик органлари фаолиятининг такомиллашуви нафақат депутатларнинг, балки фуқароларнинг давлат бошқаруви ва жамият ҳаётидаги иштирокини таъминлайди. Чунки мамлакатни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги муҳим ислоҳотлар, ҳар бир шахснинг фикри ва овозини эшитишда, ўз муносабатини билдиришда, хоҳиш-истаклари ва иродасини намоён этишда, айниқса, жамият ҳаётининг барча соҳаларида жамоатчилик назоратининг бевосита иштирокчиси бўлишга имкон беради. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганидек, “Жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти устидан назорат эмас, балки жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришнинг муҳим омилларидан биридир” [2].

Мамлакатимизда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва давлат ҳокимиятига доир қонунлар, марказий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши, маҳаллий бошқарувга оид масалаларни ҳал қилиш, аҳоли қонуний манфаатларини эътиборга олган ҳолда, шунингдек, мавжуд молиявий ресурслар асосида ҳал қилиш ва мақсадларидан келиб чиқиб ташкил этилди.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. – 80 б.
2. Мирзиёев Ш. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2020.
3. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
4. <https://adliya.uz/uzb/posts/o%CA%BBtgan-yilda-hokimliklarning-4-mingga-yaqin-qarori>
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент. 2018 йил 28 декабрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-28-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/6789350>
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент. 2020 йил 24 январь.
8. Турғунов О., Асадов Ш., Бекчанов Д., Ғайбуллаев О. Маҳаллий бошқарув. Дарслик. – Т.: “Akademiya”, 2017.
9. Ҳайитов О., Абдуллаев Ф., Исмаилова Ш., Сапаев Ғ. Бошқарув маҳорати: асосий тушунча, жараён ва механизмлар. – Т.: “Akademiya”, 2023.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРИ



Бахтиёр ШОДМОНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти

Аннотация: давлатнинг қанчалик ривожланганлиги, иқтисодий фаровонлиги, ўз фуқаролари хавфсизлигини ва қонун устуворлигини қай даражада таъминлай олиши кўп жиҳатдан унинг бошқаруви тўғри йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Давлат бошқарувининг қанчалик тўғри ташкил қилинганлиги эса, унинг таркибий қисми бўлган маҳаллий бошқарувининг самарадорлигига асосланади. Мазкур мақолада Ўзбекистонда маҳаллий Кенгашларни такомиллаштиришнинг ташкилий масалалари ва бу соҳада сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар, қонунчиликда амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: давлат бошқаруви, маҳаллий бошқарув, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий вакиллик органлари, маҳаллий Кенгашлар, маҳаллий ижро органлари.

Организационные вопросы совершенствования деятельности местных советов

Бахтиёр Шодмонов,

докторант Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: уровень развития государства, экономическое благополучие, безопасность его граждан и верховенство закона во многом зависят от его надлежащего управления. Насколько хорошо организовано государственное управление, зависит от эффективности местного

управления, которое является его составной частью. В данной статье анализируются организационные вопросы совершенствования местных советов в Узбекистане и реформы, реализованные в последние годы, а также законодательная работа в этой сфере.

Ключевые слова: государственное управление, местная администрация, местные органы государственной власти, местные представительные органы, местные советы, местные исполнительные органы.

Organizational issues of improving the activities of local councils

Bakhtiyor Shodmonov,

Doctoral student of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: a state's level of development, economic well-being, security of its citizens and the rule of law largely depend on its good governance. How well public administration is organized depends on the effectiveness of local government, which is its integral part. This article analyzes organizational issues of improving local councils in Uzbekistan and the reforms implemented in recent years, as well as legislative work in this area.

Keywords: public administration, local administration, local government bodies, local representative bodies, local councils, local executive bodies.



Янги Ўзбекистонда ислохотлар жараёни бошлангандан буён энг катта эътибор давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштириш ва модернизация қилишга қаратилмоқда. Чунки давлат ва жамият бошқаруви тизимли ва тўғри ташкил этилган бўлса, бундай давлат ўз фуқаролари хавфсизлигини, давлатда қонун устуворлигини, ижтимоий адолат мезонларини, иқтисодий фаровонлик ва фуқаролик жамиятининг ривожланишини таъминлай олади. Давлат бошқарувини такомиллаштириш учун эса, энг аввало, маҳаллий бошқарувни ва маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги кўпгина давлатлар тажрибасида исботланган ҳақиқатдир.

Шу сабабли, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, янгиланган Конституция, қонунлар, ҳукумат қарорлари, Президент фармон ва қарорларида маҳаллий бошқарувни ривожлантириш, хусусан, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш масаласи асосий эътибор қаратилаётган соҳа бўлмоқда.

Юртимизда янги даврга, яъни аллақачон қўл бошқарувидан аниқ натижа учун ишлайдиган тизимли бошқарувга ўтиш фурсати етди. Бу орқали раҳбарларнинг масъуллигини ошириш, уларнинг халқ билан бевосита ишлаш, муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш, берилган вазифаларни астойдил бажариш механизминини кучайтириш лозим. Албатта, кўтарилган масалаларнинг ечими биринчи ўринда давлат ҳокимияти – давлат бошқаруви органлари олдида қўйилган катта вазифа бўлади [1].

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарорлари ва нутқларидан методологик манба сифатида фойдаланилди. Ўзбекистонда маҳаллий бошқарувни такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни таҳлил қилишда, асосан, контент таҳлилидан, шунингдек, илмий билишнинг анализ, синтез, тарихийлик ва мантиқийлик усулларидан фойдаланилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Янги

Ўзбекистонда ислохотлар жараёнининг марказида давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштириш масаласи, хусусан, маҳаллий бошқарув тизимини такомиллаштириш масаласи турибди.

Шу сабабли сўнгги йилларда қабул қилинган муҳим меъёрий ҳужжатлар: “Ҳаракатлар стратегияси”, “Маъмурий ислохотлар концепцияси”, “Тараққиёт стратегияси”, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва янгиланган Конституциямизда давлат ва маҳаллий бошқарувни такомиллаштириш масаласи устувор аҳамият касб этди.

Ўзбекистонда Маҳаллий давлат ҳокимияти конституциявий ҳуқуқий институт ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби шундаки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI боби “Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” деб номланган бўлиб, унда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш тартиблари, ваколатлари, мақоми ҳамда вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳаллий бўғинда икки турдаги – вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари тизими мустаҳкамланган. Маҳаллий даражада давлат ҳокимияти органларининг мавжудлиги ҳокимиятнинг маҳаллий даражада бўлиниш принципини қўллашнинг зарурлигини кўрсатди. Ўз навбатида, икки турдаги маҳаллий давлат ҳокимиятининг фаолият юритиши ҳокимиятлар бўлинишини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлигини келтириб чиқаради. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Конституциясидаги янги ўзгаришлар маҳаллий давлат ҳокимиятини нафақат ваколатлар доираси бўйича, балки ваколатларни амалга оширувчи ташкилотлар ва шахслар доирасида ҳам бўлиш имконини яратади [2].

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ижро ҳокимияти органлари мансабдорларининг ўз Кенгашларида депутат бўлиши Кенгашларнинг ижро органлари фаолияти устидан назоратини сусайтиради. Шахснинг ўзи ҳисоб берувчи органга ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқи билан аъзо бўлиб кириши мантиқан тўғри эмас. Шу жумладан, халқ депутатлари Кенгашларининг сессиясига ҳоким-

ларнинг раҳбарлик қилиши ҳам ҳокимиятнинг бўлиниши принципи талабларига тўғри келмайди. Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилиш, сессияга раҳбарлик қилувчи лавозим жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳаётий тажрибадан маълумки, раислик қилувчи, имконияти борича, ўзига маъқул ҳужжатларнинг қабул қилинишига ҳаракат қилади. Ҳоким сессияга раҳбарлик қилгач, у, аввало, ижро органлари манфаатига мос ҳужжатлар қабул қилинишига ҳаракат қилади. Шунинг учун сессияга холис кишининг раҳбарлик қилиши мақсадга мувофиқдир [3].

2023 йил 30 апрелдаги умумхалқ референдуми натижасида янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “халқ депутатлари Кенгашларига ҳокимлар бошчилик қилиши” ҳақидаги норма чиқариб ташланиб, “Халқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланадиган раис бошчилик қилади” [4] деган норманинг киритилиши демократияни мустаҳкамлаш йўлидаги дадил қадам бўлди, деб эътироф этиш мумкин. Чунки амалдаги Конституциямизнинг 11-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади” [5] деб белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу уч ҳокимият бир-биридан мустақил ҳолда фаолият юритади. Ҳоким тегишли ҳудуддаги ижроия ҳокимиятига бошчилик қилган ҳолда шу ҳудуддаги вакиллик ҳокимияти органи бўлган халқ депутатлари Кенгашларига ҳам бошчилик қилиши бу – демократияда мос бўлмаган ҳодиса эди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 100 ва 101-моддаларида халқ депутатлари Кенгашларининг ваколатлари ва вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди. Аввал халқ депутатлари Кенгашларининг ва вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг ваколатлари умумий қилиб, “Маҳаллий ҳокимият органлари” шаклида талқин қилинган эди. Бу икки орган ваколатларининг ажратиби, аниқ белгилаб қўйилиши ҳам маҳаллий давлат

органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишда муҳим воқелик бўлди.

“Сўнгги йилларда кўп ваколатларни Олий Мажлисга ўтказдик, уларни янада кенгайтиришни ўйлаяпмиз. Янги вазирни тайинлашда ҳам депутатлар иштирок этмоқда, режалари билан танишиб, маъқуллаяпти” [6]. Шунга мос равишда, маҳаллий вакиллик органлари бўлган халқ депутатлари Кенгашларининг ваколатлари кенгайтирилиб, ҳокимларнинг кўпгина ваколатлари Кенгашларга ўтказилиши ҳам ислохотларнинг мантиқий давоми бўлмоқда.

Президентимиз ўзининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Маҳаллий ҳокимлик ва Кенгашлар бундан 27 йил аввал, яъни ҳокимлик институти жорий этилган дастлабки пайтда қабул қилинган қонун асосида ишламоқда. Бу ҳужжат бугунги ислохотларимиз талабларига мутлақо жавоб бермаслигини ҳисобга олиб, уни тубдан янгилаш зарур” [7], деган эди. Янги таҳрирдаги Конституциямизда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига оид нормалар янгиланиб, демократик принциплар янада мустаҳкамланган бўлса-да, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳали-ҳамон 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. Бу эса, янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларга мос келмайди. Шу сабабли, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш учун “Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида” [8] ва “Маҳаллий ижроия ҳокимияти тўғрисида” [9] қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, халқ муҳокамасига қўйилган эди, лекин ушбу қонун лойиҳалари ҳали Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилмади.

“Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бугунги куннинг талабларига мос, демократик принциплар асосида ишлаб чиқилган. Шундай бўлса-да, қонун лойиҳасининг баъзи жиҳатларини янада такомиллаштириш зарурати ҳам мавжуд.

Хусусан, “Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасида халқ депутатлари Кенгашлари раиси ва унинг ўринбо-



сари ваколатлари кўрсатилмаган. Халқ депутатлари Кенгашлари раиси ва унинг ўринбосари янги ташкил этилган институт бўлиб, авваллари халқ депутатлари Кенгашларига ҳокимлар раҳбарлик қилган (бу норма эски таҳрирдаги Конституцияда белгиланган эди).

Қонун лойиҳасида халқ депутатлари Кенгашлари раиси ва унинг ўринбосарининг ваколатлари аниқ қилиб кўрсатилиши лозим. Халқ депутатлари Кенгашлари ҳудудлардаги вакиллик ҳокимияти органлари эканлигини инобатга олсак, давлатимиз олий вакиллик органи бўлган Олий Мажлис Сенати раиси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ваколатлари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида” [10]ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида” [11]ги қонунларда белгилаб қўйилган. Агарда халқ депутатлари Кенгашлари раиси ва унинг ўринбосари ваколатлари қонун лойиҳасида аниқ белгиланмаса, оқибатда, қонунчиликдаги бўшлиққа, халқ депутатлари Кенгашлари раиси ва унинг ўринбосари фаолиятида ваколатларидан четлашишга ёки ваколатларини тўлиқ бажара олмаслигига (бажармаслигига) сабаб бўлиши мумкин.

Қонун лойиҳасида халқ депутатлари Кенгашларининг фаолиятини (7-модда) ва халқ депутатлари Кенгашида доимий асосда ишловчи депутатлар корпусининг (21-модда) молиялаштириш манбалари аниқ белгиланмаган, ушбу молиялаштириш манбалари аниқ белгиланиши керак.

Халқ депутатлари Кенгашлари ўз ваколатларини муваффақиятли амалга ошириши учун молиявий имкониятлар билан тўлиқ таъминланиши лозим. Масалан: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида” [10]ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида” [11]ги қонунларида Сенат ва Қонунчилик палатасининг фаолиятини молиялаштириш “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва ушбу бюджетда алоҳида сатрда назарда тутилади”, деб белгилаб қўйилган. Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини молиялаштириш Давлат бюджетиданми ёки

маҳаллий бюджетдан амалга оширилиши аниқ баён қилиниши зарур.

Қонун лойиҳасининг 6-моддаси: “Маҳаллий вакиллик органларининг Ўзбекистон Республикаси бошқа маъмурий-ҳудудий тузилмалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро муносабатлари” [12] деб номланган. Ушбу моддада халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллий ижроия органлари билан муносабатлари тўлиқ ёритилмаган.

Қонун лойиҳасида халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллий ижроия органлари билан муносабатлари, шунингдек, маҳаллий ижроия органларининг халқ депутатлари Кенгашлари олдида ҳисобдорлиги белгиланиши лозим.

2023 йил 30 апрелдаги умумхалқ референдуми натижаларига кўра, янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 122-моддасида: “халқ депутатлари Кенгашларининг ваколатларига “ҳокимни лавозимга тасдиқлаш, унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш” ва 125-моддасида: “Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоятни, туманни, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этади” [13], деб белгилаб қўйилган. Ушбу нормалар, яъни маҳаллий ижроия органларининг халқ депутатлари Кенгашлари олдида ҳисобдорлиги “Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасида янада тўлиқ акс этиши зарур.

Қонун лойиҳасининг 10-моддасида: “Халқ депутатлари Кенгашининг асосий иш шакли сессиядир. Халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар Кенгашининг сессиялари Кенгаш раиси томонидан заруратга қараб, бироқ йилига камида икки марта чақирилади” [14], деб белгиланган. Бизнингча, йилига камида икки марта сессия чақириш етарли эмас.

Қонун лойиҳасининг 10-моддасида сессия чақириш муддатини камида ҳар чоракда бир марта қилиб белгилаш лозим. Чунки қонун лойиҳасининг 42-моддасида: “Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг

(бўлимларининг) бошлиқлари ҳар чорақда ва уларнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари – ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлимлари (бўлимлари) бошлиқлари ҳар чорақда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ахборотлар тақдим этади” [14], деб белгилаб қўйилган. Ушбу ахборотлар халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида тақдим қилиниши ва депутатлар томонидан муҳокама қилиниши зарур. Шунинг учун ҳам сессия чақириш муддатини камида ҳар чорақда бир марта қилиб белгилаш лозим.

Қонун лойиҳасининг 26-моддаси: “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг халқ депутатлари Кенгашдан мустақиллиги” [14] деб номланган. Фикримизча, “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг халқ депутатлари Кенгашидан мустақиллиги” жумласи ҳоқимиятлар бўлиниши принципига зид. Ушбу моддадаги “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг” сўзини олиб ташлаб, “Суд органларининг халқ депутатлари Кенгашидан мустақиллиги” деб номлаш ва қайта таҳрир қилиш лозим.

Маълумки, суд ҳоқимияти давлат ҳоқимиятининг мустақил тармоғидир, лекин ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар давлат ҳоқимиятининг ижро этувчи ҳоқимият тармоғига тегишли бўлиб, давлат ҳоқимиятининг вакиллик органи бўлган халқ депутатлари Кенгашининг назоратида ва унга ҳисобдор бўлиши лозим.

2023 йил 30 апрелдаги умумхалқ референдуми натижаларига кўра, янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида: “Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида жавобгардир” [15], деб белгилаб қўйилган. Ушбу нормада давлатнинг ижро этувчи ҳоқимиятини амалга оширувчи органи (Вазирлар Маҳкамаси) давлат ҳоқимиятининг вакиллик органи (Олий Мажлис) олдида жавобгарлиги белгилаб қўйилган бўлиб, бу норма маҳаллий даражада ҳам ишлаши лозим.

Президентимиз ўзининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Маҳалла раиси ва унинг ўринбосарлари ваколатларини кенгайтириб, уларга аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш имконини яратишимиз керак. Бунда маҳалла раисига маҳаллий кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритиш ҳуқуқини бериш лозим. Бу орқали муаммоларни тезкор ҳал қилишга эришиш имконияти яратилади” [16] деган фикрни илгари сурган эди. Шу сабабли қонун лойиҳасида маҳалла раисига маҳаллий Кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритиш ҳуқуқи қайд этилиши лозим.

2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинганлиги Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Шу билан бирга, янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш талаб этилмоқда [17].

Шу сабабли, халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида, 2023 йил 11 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг ҳам иккита мақсади айнан маҳаллий бошқарув масаласига бағишланган.

Хусусан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 75-мақсади – “Маҳаллий давлат ҳоқимияти вакиллик органларини халқнинг чинакам “овозига” айлантириш” деб номла-



ниб, унда: ҳокимларнинг маҳаллий кенгашга раҳбарлик қилиш амалиётини тўлиқ бекор қилиб, кенгаш раисининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифа ва функциялари ҳамда жавобгарлик доирасини аниқ белгилаш, маҳаллий кенгашлар фаолиятида жамоатчилик иштироки учун зарур шароитларни яратиш, фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш, уларнинг фаолиятини босқичма-босқич рақамлаштириш, маҳаллий кенгашларнинг 300 дан ортиқ функцияларини қайта кўриб чиқиб, ўзига хос бўлмаганини бекор қилиш, маҳаллий кенгашлар фаолиятига оид 500 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш каби вазифалар белгиланган.

Маҳаллий бошқарувни такомиллаштиришда маҳаллий Кенгашларнинг ролини ошириш, уларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича ваколатларини кенгайтиришга қаратилган ислоҳотлар давом эттирилмоқда. Буни жорий йилнинг 2 феврида эълон қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-28-сонли Президент Фармони мисолида ҳам кўриш мумкин.

Фармонда маҳаллий Кенгашлар зиммасига вазифа ва функциялар фақатгина қонун ҳужжатлари билан юкланиши мумкинлиги ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан маҳаллий Кенгашлар фаолиятига аралаштиришга йўл қўйилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди. Ундан ташқари, маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим масалаларни ҳал қилишдаги ролини ошириш мақсадида, халқ депутатлари Кенгашларининг ваколат ва функцияларини тизимлаштириш, бир қатор ваколатларни маҳаллий Кенгашларга ўтказиш ва “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди [18].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Вазирлар Маҳкама-

си билан биргаликда, 2024 йилнинг 1 октяб-рига қадар Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам қўйилган. Концепцияни ишлаб чиқишда халқаро тажрибани ўрганган ҳолда хорижий давлатларнинг етакчи экспертларини жалб қилиш орқали илғор демократик тамойилларни маҳаллий Кенгашлар фаолиятига сингдириш ва бу орқали Ўзбекистондаги вакиллик демократиясини янада юқори босқичга кўтариш мақсад қилинган.

Хулоса қиладиган бўлсак, Янги Ўзбекистонда ислоҳотлар жараёни бошлангач, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Аксарият ривожланган мамлакатларнинг тажрибасига қарайдиган бўлсак, давлат бошқарувини такомиллаштириш мақсадида маҳаллий бошқарувни, маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини ривожлантириш орқали эришганлигини кўришимиз мумкин. Юртимизда маҳаллий бошқарувни такомиллаштириш изчил, тизимли равишда амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз. Аввал, “Ҳаракатлар стратегияси”, ундан сўнг “Тараққиёт стратегияси” ва жорий йилда қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида маҳаллий бошқарувни, маҳаллий давлат ҳокимияти ижроия ҳамда вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида тизимли ва аниқ режалаштирилган вазифалар белгиланган. 1993 йилда қабул қилинган ва ҳозирги кунгача амалда бўлган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун ушбу вазифаларни самарали амалга оширишга имкон бермайди. 2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериши орқали қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги Конституцияси ва янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитда “Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида” ва “Маҳаллий ижроия ҳокимияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини такомиллаштириб, қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

“Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасига юқорида ўз

таклифларимизни келтириб ўтдик ва қонун лойиҳасининг энг муҳим, эътиборга молик жиҳатларини айтиб ўтадиган бўлсак, булар: ҳокимларни Кенгаш ишига таъсири чекланганлиги, Кенгашга раҳбарлик қилиш учун Кенгаш раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимининг жорий этилганлиги, маҳаллий Кенгашда доимий асосда фаолият юритадиган депутатлар корпусининг жорий этилиши, ҳокимларнинг вакиллик ҳокимиятига ҳисобдорлиги реалликка айланиши ва натижада, маҳаллий даражада ҳам ҳокимиятнинг бўли-

ниши принципи янада самарали ишлашига шароит яратилаётганидир. Бундан ташқари, Кенгаш раиси ва уларнинг ўринбосарлари номзодини кўрсатишда партия гуруҳлари фикрларини инобатга олиш кўзда тутилганлиги сиёсий партияларни маҳаллий сайловларга ҳам кўпроқ эътибор қаратишига сабаб бўлади. Шу сабабли қонун лойиҳаси мамлакатимизда олиб борилаётган маъмурий ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Бекмуродов А. Бизга ихчам ва самарали давлат бошқаруви керак. //“Жамият ва бошқарув” журнали, 2022 йил, 4-махсус сон. – 21 б.
2. Асадов Ш. Жумабоев Л. Янги Ўзбекистон шароитида маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини ислоҳ этишнинг устувор йўналишлари. // “Жамият ва бошқарув” журнали, 2023 йил, 2-сон. – 191 б.
3. Хусанов А. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти асослари: ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТДЮУ. – 1995. – 86 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. // <https://lex.uz/uz/docs/-6445145>
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. // <https://lex.uz/uz/docs/-6445145>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
8. “Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида” қонун лойиҳаси. <https://regulation.gov.uz/oz/d/74612>
9. “Маҳаллий ижроия ҳокимияти тўғрисида” қонун лойиҳаси. <https://regulation.gov.uz/uz/d/74600>
10. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Қонун. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон. // <https://lex.uz/acts/-51799>
11. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Қонун. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон. // <https://lex.uz/acts/-51961>
12. “Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида” қонун лойиҳаси. <https://regulation.gov.uz/oz/d/74612>
13. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. // <https://lex.uz/uz/docs/-6445145>
14. “Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида” қонун лойиҳаси. <https://regulation.gov.uz/oz/d/74612>
15. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. // <https://lex.uz/uz/docs/-6445145>
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон. <https://lex.uz/docs/6600413>
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-28-сонли Фармони. <https://lex.uz/pdfs/6789350>

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ



Мансур ЮНУСОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси кафедра мудири,
PhD, доцент



Жамолиддин ИСМАИЛОВ,
Ўзбекистон-Сингапур қўшма таълим
маркази директори

Аннотация: ушбу мақолада бошқарув кадрларининг коммуникатив компетенцияларини ривожлантириш, Ўзбекистонда раҳбар кадрларда коммуникативликни ошириш, халқ билан мулоқот самарадорлигини ошириш, раҳбарнинг коммуникатив инқироз жараёнида ПР-стратегиялар тузиш ва ундан самарали фойдаланиш масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: дунё, ахборот, бошқарув, кадр, раҳбар, коммуникатив, жамоатчилик билан алоқалар, стратегия, очиқлик, шаффофлик, сўз эркинлиги, раҳбар имиж, ташкилот имиж, халқ билан мулоқот.

Участие СМИ в местном государственном управлении

Мансур Юнусов,

завкафедры Академии государственного
управления при Президенте Республики
Узбекистан, PhD, доцент,

Жамолиддин Исмоилов,
директор Узбекско-сингапурского
образовательного центра

Аннотация: в данной статье значатся развитие коммуникативных компетенций управленческих кадров, повышение коммуникативности руководящих кадров в Узбекистане, повышение эффективности диалога с народом, создание и эффективное использова-

ние PR-стратегий в процессе коммуникационного кризиса руководителя.

Ключевые слова: мир, информация, управление, кадры, руководитель, коммуникативные, связи с общественностью, стратегия, открытость, прозрачность, свобода слова, имидж руководителя, имидж организации, диалог с народом.

Participation of mass media in local government

Mansur Yunusov,

Head of department of Academy of Public
Administration under the President of the Republic
of Uzbekistan, PhD, Associate Professor,

Jamoliddin Ismoilov,

Director of the Uzbekistan-Singapore
Joint Executive Training Center

Abstract: this article includes the development of communication competencies of management personnel, increasing the communicativeness of management personnel in Uzbekistan, increasing the effectiveness of dialogue with the people, creating and effective use of PR strategies in the process of communication crisis of the head.

Keywords: world, information, management, personnel, leader, communicative, public relations, strategy, openness, transparency, freedom of speech, image of the leader, image of the organization, dialogue with the people.

Бугун дунё халқлари ниҳоятда ранг-баранг, шу пайтга қадар жаҳон ҳам-жамияти ўз бошидан кечирмаган ёки аввал мисли кўрилмаган турли-туман мураккаб сиёсий жараёнлар ичида яшамоқда, ривожланмоқда. Одамларнинг сиёсий дунёқараши ва маънавияти ҳам шунга мувофиқ тарзда ўзгармоқда. Бугун мустақил тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистон учун ҳам бундай ўзгаришларнинг таъсир ўтказиши турган гап. Шу жиҳатдан, мустақиллик йилларида давлат бошқаруви органлари тубдан ўзгартирилди. Улар фаолияти мазмун-моҳиятида демократик ва бозор иқтисоди тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топди. Жумладан, “давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади”. Мазкур тамойилни таъминлашда давлат органлари раҳбарлари фаолиятида қатор масъулият ва жавобгарликнинг белгиланиши, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки, фуқаролик жамияти асосларининг кенгайиб боришига хизмат қилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шундай таъкидлайди: “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак”. Дарҳақиқат, бугунги давр раҳбарлардан қатор ахлоқий сифатларни талаб қиладики, бундай талабларсиз раҳбар ўз вазифасини тўлақонли бажара олмайди. Зеро, раҳбар ахлоқи – бу маълум интизом ва тартиблар тизими сифатида бошқарув самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи омиллар қаторига киради.

Буюк аждодларимиз жамиятни адолатли бошқариш мақсадида фикрлар хилма-хиллигига, демакки, жамоатчилик билан алоқалар масаласига жиддий эътибор билан қараганлар. Буни қатор мақоллар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. “Кўпдан кўп фикр чиқади”, “Маслаҳатли тўй тарқамас”, “Етти ўлчаб бир кес”, “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” каби мақоллар замирида ахборот алмашмоқ, фикрлашмоқ, маслаҳатлашмоқ каби маънолар мужассам.

Давлат хизматида ПРнинг ўрнини ошириш ҳозирги давр талабидир. Жамоатчилик билан алоқалар (ПР)нинг асосчиларидан бири Эдвард Бернейс ушбу иборанинг моҳиятини: “жамият манфаатлари йўлидаги ҳаракатдир”, деб таърифлаган. Демак, “АҚШда ПРнинг пайдо бўлиши бевосита сиёсий жараёнлар маҳсули” бўлгани ойдинлашади. Орадан бир аср вақт ўтиб, алоҳида фан сифатида воқеликка айланган ПР тарихи ўша даврдаги ҳодисалардан келиб чиқади.

Демократ арбоб сифатида ном қозонган Томас Жефферсоннинг қуйидаги сўзлари демократия йўлини танлаган қатор газеталар учун шиордек бўлиб қолди: “Агар менга ҳукумат бўлсину газеталар бўлмасин, ёки газеталар бўлсину ҳукумат бўлмасин – бирини танланг, дейишса, мен ҳеч иккиланмай, ҳукумат бўлмаса ҳам, газеталар бўлиши керак, деган бўлардим”.

Жамоатчилик билан алоқалар ғояси Шарқ алломалари ижодида ҳам ўз ифодасини топганини қатор манбалардан ҳам кўришимиз мумкин. Низомулмулкнинг фикрларига эътибор беринг. Олим ва шоир Умар Хайём билан маслақдош бўлган Низомулмулк “Сиёсатнома” асарида шундай ёзган: “Зарурат бўлмаса, олий мажлисдан ҳеч нима ёзилмайди. Фармоннинг ҳурмати ва куч-қуввати шундай бўлиши керакки, ижро этилмагунча уни ҳеч ким қўлидан қўймасин”. Бу қадим сиёсат замирида жамоатчилик билан алоқаларнинг ўзига хос жиҳатлари акс этгани кўриниб турибди. Бу фикрлар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Қадимда аждодларимиз ҳам маслаҳату машварат масаласига алоҳида эътибор билан қараганлари тарихий манбаларда акс этган. Соҳибқирон Амир Темур “Темур тузуклари” китоби аввалида пири Зайниддин Тойёбодийнинг мактубидан шундай парча келтиради: “Салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин, яъни: 1) кенгаш, 2) машварату маслаҳат, 3) қатъий қарор, 4) эҳтиёткорлик. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатнинг барча қилган ишлари ва айтган гаплари нотўғри бўлган жоҳил одамга қиёс қилиш мумкин; унинг айтган сўзлари ҳамда қилган

ишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтиргай”.

Бундан тўғри хулоса чиқарган Соҳибқирон, ўз навбатида: “Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат” билан амалга оширганини таъкидлайди.

Мазкур битиклар замирида жамоатчилик билан алоқалар ғояси мавжуд бўлиб, унинг тарихий илдизлари теран асосланган. Жамоатчилик билан алоқалар амалиёти азалдан Шарқда ҳам бўлганини шундан билиш мумкин.

Жамоатчилик фикри билан ҳисоблашиш масаласи узоқ йиллар турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлгани тарихий манбаларда кўп учрайди. Бу ғояни милoddан олдин яшаган Суқрот илгари суриб, ўз шогирдларини ҳақиқатни билишга ундаган. У ҳақиқатни “баҳс орқали, суҳбат йўли билан билиш, англаш мумкин, деган, суҳбатда асосий эътиборни инсон онги ва тафаккурини таҳлил қилишга қаратиш зарурлигини айтган. Ўз даврида бу усул “Суқрот усули” деб аталган”.

Бугунги кунга келиб, PR жаҳон узра кенг қулоч ёймоқда. Унинг ибратомуз қирралари, ушбу соҳадаги илғор тажрибалар Ўзбекистон олий ўқув юртларида ҳам пухта ўрганилмоқда. Тараққийпарвар мамлакатларда ҳукумат, нодавлат ташкилотларининг фаолиятлари жамоатчилик билан алоқалар асосида ташкил этилади. Испан файласуфи ва публицисти Ортега Гассет ёзганидек, “Дунёни жамоатчилик фикри бошқаради”. Юртимизда ҳам аксарият вазирлик ва ташкилотлар фаолияти жамоатчилик билан алоқалар асосида ташкил этилмоқда. Бугунги кунда жамоатчилик билан алоқалар масаласи ижтимоий воқеликка айланди.

Давлат хизматида жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш бўйича PR стратегиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Чунки ҳар қандай мулоқот жараёнининг самарадорлигига эришиш ва коммуникатив инқирозли шароитларда бу усул жуда муҳим ҳисобланади. PR – маркетингнинг бир қисми. Ушбу тамойилга кўра, PR-стратегия тизимли комплекс маркетинг-стратегиясининг бир қисми ҳисобланади. Давлат бошқаруви

соҳасида PR-технологиялар комплекс маркетинг каби ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, кенг ижтимоий асосларни ўзида ифода этади. Яъни у муайян ҳудуднинг (дунё, мамлакат, федератив давлат субъекти) барча ижтимоий гуруҳларини қамраб олишни назарда тутди. Бозор муносабатларида қўлланиладиган маркетинг билан давлат бошқарувидаги маркетинг методларининг (PR-технологиялар) мақсадлари ўртасида фарқ бор. Бозор муносабатларидаги маркетинг маҳсулот, хизмат турининг муваффақияти ҳамда даромадига йўналтирилган бўлса, давлат бошқарувидаги маркетинг жамият билан самарали мулоқот ўрнатиш орқали кучли сиёсатни амалга оширишни назарда тутди. Бироқ мақсадлар ўртасида тафовут бўлса-да, технологияларни қўллаш усуллари бир-биридан унчалик катта фарқ қилмайди. Шунинг учун қуйида PR-стратегиясини шакллантириш бўйича кўрсатмаларни маркетинг билан боғлиқ умумий тушунчалар ва методлар билан ўрганишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун мукамал жамиятларда маркетинг-стратегиясида қўлланиладиган муҳим тушунчаларни эътиборингизга тақдим этамиз.

Мақсадли аудитория. Бунда мақсадли аудиториянинг барча хусусиятлари, хулқатвор шакллари, афзалликлари, асосий қадриятлари ва мотивлари, хизмат ёки маҳсулот турига нисбатан шаклланган муносабатларини тушуниш муҳим.

Рақобатчилар таҳлили (ёки муҳолифатчилар). Бунда рақобатчилар сизнинг мақсадли аудиториянгиз билан қандай коммуникацияни йўлга қўйганлиги ва уни қайси каналлар орқали амалга оширишини ўрганиш, керак бўлса, бу ишни рақобатчилардан кўра яхшироқ бажаришга эришиш лозим.

Сизнинг позициянгиз. Бунда маҳсулот ёки хизмат тури хусусиятлари (давлат бошқарувида кўпроқ хизмат турига тўғри келади, бироқ истисно ҳолатлар ҳам мавжуд), истеъмолчи (фуқаро) учун ноёб таклиф қандай бўлиши лозимлиги ҳақида кучли билим даражасидаги зарур маълумотга эга бўлиш керак.

Муҳим хабарлар. Бу – PR орқали хабар тарқатишда бошқа алоқа каналлари билан биргаликда ишлашни назарда тутати.

Коммуникация каналлари. Коммуникация жараёнида қайси бошқа каналлар иштирок этаётганини билиш ва улар билан бир тўлқинда (“tone of voice”) умумий мақсад сари ишлашга эришиш лозим.

PR-стратегияни тузишда 9 та муҳим қадамни амалга ошириш лозим.

1-қадам. Қандай вазият ва унинг қайси нуқтасида эканлигини аниқлаб олиш зарур. Бунинг учун, биринчи навбатда, ресурслар ва имкониятларни сарҳисоб қилиб олиш керак. Ҳеч бўлмаганда, тузилаётган стратегияни неча киши амалиётга татбиқ этишини аниқлаб олиш жоиз. Сўнгра медиа майдонни таҳлил қилишга ўтиш мумкин.

Медиа майдонни таҳлил қилишнинг кенг тарқалган усули Google Search ва орқали зарур маълумотларни олиш ҳисобланади.

2-қадам. Стратегик мақсадни аниқлаб олиш. Бунинг учун, масалан, аҳолига хизмат кўрсатиш, мақсадли аудитория билан ишлаш, унинг доирасини кенгайтириш, мамлакатни инвесторлар учун жозибадорлигини кўрсатиб бериш, ташкилот имижини ривожлантиришда SEO-тарғиботини йўлга қўйиш ва ҳ.к.лар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш.

Стратегик мақсадни аниқлаш учун: “Биз нима учун бу ерга тўпландик?”, “Ташкилотнинг PR-стратегиясидан одамлар нимани кутяпти ва бизнинг жамоатчилик олдида келажакдаги ўрнимиз қандай бўлишини хоҳлаймиз?”, деган саволларга жавоб излаш лозим.

3-қадам. Вазифани белгилаб олиш.

Масалан, тузилган лойиҳанинг биринчи вазифаси янги қарор асосида вужудга келган қўшимча хизмат турини ташкиллаштириш механизмини келган фуқароларга тушунарли шаклда етказиб бериш. Бунинг учун коммуникациянинг қайси турларидан фойдаланиш зарурлигини белгилаб олиш зарур.

Вазифаларни шакллантиришнинг миллионга яқин усуллари мавжуд. Улар орасида энг қулай бўлгани SMART ёндашув деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш жоиз, вазифаларни ҳар доим ҳам бир хилда шакллантиришнинг иложи бўлмайди. Аммо уларнинг аниқ формулалар асосида шакллантирилиши келгусида стратегияни амалга ошириш жараёнида ишларнинг чалкашиб кетишидан асраб қолишга ёрдам беради. Яъни тартибсиз хаоснинг юзага келишининг олдини олиш имкони бўлади.

4-қадам. “Tone of voice”. Аудитория олдида шаклланиши керак бўлган қиёфа. Масалан, ташкилот раҳбари ва унинг хизматчилари ёки давлат хизматининг (давлат ташкилоти) қиёфаси жамоатчилик олдида қандай шаклда яратилиши лозим? Ушбу саволга жавоб топиш ҳамда бу борада ишларни режалаштиришда ўзингиз (яъни ташкилотнинг имижини) учун 5 та энг муҳим тушунчани аниқлаб олинг. Ёдингизда тутинг: ушбу 5 та тушунча иш жараёни ва коммуникациянинг барча босқичларида ифода этиши лозим.

5-қадам. Воситаларни (инструментлар) аниқлаб олиш. Ташкилот ёки раҳбар имижини шакллантиришда самарадорлик ҳар доим ҳам ишлатиладиган воситаларнинг сони билан ўлчанмайди. Аксинча, ҳаддан зиёд инструментларни кўп қўллаш тартибсизликни (хаос) ва бажаришни хаёл қилиш мумкин бўлган даражадаги иш ҳажмини юзага келтиради. Шунинг учун ишни бошлашда сизнинг вазиятингизда қайси воситалар самарали натижаларга олиб келишини қуйидаги саволларга жавоб топиш орқали аниқлаб олишингизни тавсия этамиз:

мақсадли аудиториянгиз сиз ҳақингиздаги ахборотларни қайси каналлар орқали қабул қилади (OAB, Telegram, Instagram, Twitter ёки босма нашрлар);

қайси медиа тармоқлар энг кўп ўқилади (мақсадли аудиториянгизнинг қайси медиа тармоққа нисбатан садоқатли, у сўнги хабарларни қаердан олишга ҳаракат қилади, шунингдек, бўш вақтини қаерда ўтказишни афзал кўради ва ҳ.к.);

рақобатчилар (муҳолифлар)нинг бу борадаги фаолиятини таҳлил қилиш, яъни улар зарур воситалардан қандай фойдаланишади;

ҳар бир воситани тизимли ва шу билан бирга, барчасидан бирдек фойдаланиш ҳамда битта хабарни ҳамма каналларда такроран айланишининг олдини олишда улар учун қандай мақсадларни белгилаб олишимиз лозим?

Албатта, ушбу ишни амалга ошириш мураккаб жараён. Бироқ инструментларни комплекс равишда ишлатиш борасида аниқ вазифаларни белгилаб олиш муҳим ўрин тутди.

6-қадам. Воситаларни деталлаштириш. Зарур воситалар аниқлаб олинган, уларни деталлаштириш зарур бўлади. Бунинг учун, масалан, ОАВнинг айнан қайсилари, уларнинг қайси рукнлари ҳамда уларнинг бир ойдаги қамрови ва ҳудудий чегараларини қандай эканлиги билан боғлиқ маълумотлар ажратиб чиқилади. Шундан сўнг, айнан қайси мавзунини уларга тақдим этиш, нимани гапириб бериш ва қайси масалага кўпроқ урғу беришни режалаштириб олиш зарур бўлади. Ушбу босқичда салоҳияти юқори ОАВ ҳақидаги маълумотлар ва уларнинг журналистлари контактларидан иборат медиа-харитани тузиб олиш мақсадга мувофиқ.

Бундай тадбирларни ташкил қилишда қайси форматлар биз учун қизиқлиги, қаерда меҳмон, қаерда спикер бўлиб иштирок этиш, бунинг учун нималар қилиш лозимлигини аниқлаб олиш зарур.

7-қадам. Анти инқироз. Бунда стратегияни амалга ошириш босқичида юзага келиши мумкин бўлган инқирозлар ҳақида олдиндан башорат қилишни ўйлаш лозим. Масалан, инқирознинг юзага келиши мумкин бўлган кўламини қанча (қандай хавф-хатарлар вужудга келади), уларга жавоб бериш вариантлари қандай бўлади, фавқулодда ҳаракатлар режаси ва жавоб бериш бўйича махсус гуруҳ таркиби қандай бўлиши керак, деган саволларга жавоб излаш зарур. Шунингдек, инқирозли ҳолатларни таҳлил қилишда қуйидаги масала муҳим ўрин тутди. Яъни вазият жуда ҳам оғир тус олса, кимларнинг кўмагини олиш мумкинлиги ва бунда фаол бўладиган ОАВ рўйхатини тузиш мақсадга мувофиқдир.

Коммуникатив инқирозли шароитда PR-стратегия

Давлат ва жамият ўртасидаги вазиятни демократлаштириш давлат тузилмалари ва фуқаролар манфаатларини ифода этувчи жамоатчилик ташкилотлари ўртасида мунтазам мулоқотни йўлга қўйишни назарда тутди. Бундай икки томонлама ахборот алмашишнинг узлуксизлиги ижтимоий ҳаётдаги ўзгарувчан, динамик шаклдаги жараёнларни кузатиш ва содир бўладиган воқеликларни олдиндан башорат қилиш ҳамда ҳар қандай вазиятга нисбатан ўз вақтида муносабат билдириш ва жавоб бериш, вазият устидан тегишли назоратни йўлга қўйиш имконини беради. Бу давлат бошқаруви тизимида ис-талмаган салбий ижтимоий оқибатларнинг олдини олиш, яъни турли хавф-хатарлар (низолар, инқирозлар) ҳақида тезкор хабар етказувчи механизм ҳисобланади.

Ҳукумат ўз функцияларини самарали амалга ошириши учун давлат органлари жамоатчилик кўмагига муҳтож. Ушбу бўшлиқ фуқароларнинг давлат ишларида иштирок этиши ва барча қонуний ҳуқуқ ҳамда эркинликларидан унумли фойдаланиши билан тўлдирилади. Таъкидлаш жоиз, давлат ва жамият ўртасида доимий ҳалол мулоқот йўлга қўйилсагина давлат кенг жамоатчилик кўмагига эриша олади.

Бугунги кунда юқори даражадаги ижтимоий-коммуникацион муҳитни шакллантириш ҳар қандай цивилизациялашган жамиятда фаолият юритувчи субъектнинг ҳаётий эҳтиёжига айланиб бормоқда. Давлат бошқарувини шу нуқтаи назардан кўриб чиқадиган бўлсак, у сайловчилар, ОАВ, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва ҳаракатлар, диний конфессиялар, касаба уюшмалари, бизнес тузилмалари, лоббистлар, инвесторлар билан мақсадли алоқаларни йўлга қўйиш ва амалга оширишни назарда тутди.

Инқироз давридаги коммуникация жараёни ҳақиқат ва ҳалолликка асосланган бўлиши лозим. Бироқ PR-стратегияни шакллантиришда интернет ва ижтимоий тармоқлардаги салбий шарҳларнинг таъсири-

ни пасайтириш учун контентни ҳаддан зиёд ижобий фикрлар билан тўлдириб юбориш методини қўллашдан қочиш мақсадга мувофиқ бўлади. Илгари ушбу усул жуда кўп қўлланилган. Бундан ташқари, ушбу усулдан илғор инқирозга қарши PR сифатида фойдаланилган. Лекин ҳақиқатга тик боқадиган бўлсак, ушбу метод ҳеч қачон самарали натижа бермаган. Шу боис ҳам бугунги кунда давлат бошқарувини самарали ташкил этиш учун фуқаролар билан реал мулоқотни йўлга қўйиш энг самарадор усул сифатида қабул қилинмоқда. Сабаби одамлар махсус методикага асосланган ҳолда интернет ва ижтимоий тармоқларга қўйиладиган ижобий шарҳларни бошқаларидан осон ажрата оладилар.

Инқирозга қарши PR-стратегияни яратишда “Инқироз” тушунчаси ташкилот фаолияти учун қандай аҳамият касб этади?”, “Аслида у нимани ўзида ифода этади?”, “Инқирозгача ва инқироз даврида қандай хавф-хатарлар юзага келиши мумкин?” деган саволларга жавоб излаш лозим. Инқироз, ташкилотнинг обрўсини тушириш баробарида, унинг кўтарилиши учун ҳам хизмат қиладиган омил сифатида ўртага чиқиши мумкин. Бунда фақат инқирозга қарши PR-стратегиянинг нечоғли тўғри шакллантирилгани муҳим ўрин тутди.

Энг яхши стратегия очиқлик ҳисобланади. Коммуникатив инқироз даврида дастлабки энг тўғри қадам ахборот очиқлигини йўлга қўйишдир. Чунки давлат бошқаруви органи салбий ҳолат юзасидан, дастлаб, ўзи ахборот бермаса, уни ўрнига бу ишни бошқалар амалга оширади. Инқирозга қарши PR-стратегия давлат хизматчилари ва бошқарув кадрларининг фаолиятига асосланади. Хатони тан олиш ва уни тузатиш жим тургандан кўра яхшироқ самара беради. Лекин бир нарсани ҳамиша ёдда тутиш лозим. Ҳаддан зиёд узр сўраш ҳам жамоатчиликни чарчатиши мумкин. Шунинг учун PR-стратегияни яратиш жараёнида қўлланилаётган усуллар динамикасига алоҳида урғу бериш лозим. Муаммолар ечимини топмай туриб, инқирозга қарши PRни амалга ошириш ман-

тиқсиз уриниш бўлиб қолади. Имкон қадар давлат хизматида қўпол хатоларни олдини оладиган стратегиялар тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун жамоатчилик билан алоқалар чуқур таҳлилларга асосланган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Инқирозга қарши PR самарали бўлиши учун ташкилот, унинг раҳбари ва хизматчилари фаолиятига асосланган стратегия йўлга қўйилиши зарур. Хизмат тури яхшиланганлиги ҳақида аҳолига ахборот берилса, ушбу ваъдани бажариш энг мақбул йўл бўлади. Акс ҳолда давлат хизматида нисбатан фуқароларнинг ишончи йўқолади.

Вазиятни баҳолаш. Инқироз шароитида нима бўлиши, унинг кўлами, уни юзага келтирадиган омиллар ва фактлар иложи бориचा очиқ ва холис баён қилинади.

Мақсадни аниқлаш. Инқирозли вазиятда қандай мақсад учун кураш олиб борилиши, қандай натижаларга эришилиши ва охир-оқибат қайси нуқтага етиб борилиши белгилаб олинади. “Ким гапирди?” ва “Нима деди?” саволларига ҳимоя риторикасини яратишни ҳам унутмаслик лозим.

Баёнот бериш. Максимал даражадаги тезкорлик билан келишилган баёнотни эълон қиламиз. Коммуникация канали инқирознинг миқёсига қараб белгиланади.

PR мутахассиси (менежери), қўлини пульсга қўйгандек, барча шарҳлар, фикрлар, реакциялар назоратини 24/7 соат давомида олиб боради.

Жамоатчилик кўмагидан фойдаланиш. Олдиндан тайёрлаб қўйилган рўйхат асосида жамоатчилик фикридан фойдаланиш механизми ишга туширилади. Бунинг учун мазкур рўйхатга киритилган ОАВ жалб қилинади.

Инқироз пайтида қанчалик тез ҳаракат қилинса, шунча яхши. Ҳамма нарса максимал даражада тезкор ва холис бўлиши лозим.

8-қадам. Самарадорликни баҳолаш. Ташкилотингиз учун PR самарадорлиги нимада акс этиши мумкинлигини аниқлаб олинг. Бунинг учун энг қулай восита KPI бўлиб, у фаолиятнинг асосий кўрсаткичларини баҳолаб олиш имконини беради.



PR учун ушбу кўрсаткич қуйидагиларда намоён бўлади:

- бир ой давомида чоп этилган материаллар;
- бир ой давомида ташкилот ёки унинг раҳбари неча маротаба тилга олинди;
- бир ой давомида қанча ОАВ қамраб олинди;
- ОАВда эълон қилинган материалларга билдирилган реакциялар, шарҳлар (репостлар);
- расмий сайтингизда фойдаланилган трафик;
- интервью/баёнот учун келиб тушган сўровлар сони;
- чуқур таҳлилий интервью (ташкилот фаолиятига доир маълумотларнинг манзилли аудиторияга етиб борганлик даражаси) ва ҳ.к.

Ушбу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Бу ташкилот мақсадидан келиб чиқади.

9-қадам. PR-режа. Мазкур қадам сўнгги босқич бўлиб, унда PR-режа, оддий тилда айтганда, мақсадга эришиш учун вазифалар рўйхати ишлаб чиқилади.

Вазиятдан келиб чиққан ҳолда йиллик, ойлик, ҳафталик режалар тузилиши мумкин. Ойма-ой қилинадиган ишлар батафсил кўрсатилган мустаҳкам йиллик режа тузиб олиш мақсадга мувофиқ. Агар вазият кескин ҳолатларни тақозо қилса, унда қўшимча тезкор ҳафталик режаларни тузиб олиш мумкин. PR-стратегия қанчалик мукамал бўлмасин, ушбу соҳада фаолият юритувчи мутахассис ҳамда ташкилот раҳбари фавқулодда вазиятлар юзага келишига ва уларга зудлик билан тўғри реакция қилишга тайёр туришлари лозимлигини унутмасликлари лозим.

Режани тузишда қуйидагиларга аҳамият қаратиш лозим:

- устувор вазифаларни ажратиб олиб, уларнинг муддатини белгилаш;
- пиар ва маркетинг режасига мувофиқ муҳим хабарларни шакллантириб олиш;
- масъул шахсни тайинлаб, режанинг ба-жарилишини назорат қилиш.

Давлат органларида жамоатчилик билан алоқалар нафақат ривожланган мулоқот қо-

билиятларини, балки ушбу соҳада ишлайдиган мутахассислардан таҳлилий кўникмаларни ҳам талаб қилади. Бу нафақат тингловчиларга маълумотни тўғри етказиш, балки ахборот билан ишлашнинг барча босқичларида тадқиқот усулларини қўллашни талаб қилади: “қидириш ва тўплаш”, “қайта ишлаш, фойдаланиш”, сақлаш.

Медиа ва ахборот саводхонлиги – бу ижодий фаолиятда барча зарур воситалардан фойдаланган ҳолда ахборот ва медиа маҳсулотларини самарали олиш, таҳлил қилиш, танқидий баҳолаш, талқин қилиш, фойдаланиш, яратиш ва тарқатиш имконини берадиган билим, кўникма, муносабат, малака ва амалиётлар мажмуидир. Бугунги кунда дунё оммавий ахборот воситаларида ахборотни танлаш ва тўғри баҳолаш қобилияти долзарб бўлиб қолмоқда.

Хўш, медиасаводхонлик нима? Нега бугун унинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда? Ахборот оқимининг бир неча баробар тезлашиши, ижобий маълумотлар билан бир қаторда, салбий характердаги ахборотнинг кўпайиши медиасаводхонликка эга бўлиш заруратини қўйди. Анъанавий тарзда медиасаводхонлик шахснинг адабий асарларни таҳлил эта олиш ва сифатли матнларни яратишдан иборат бўлган. Бугун медиасаводхонлик – ахборотнинг нега ва нима учун узатилаётганини билиш демакдир. Медиасаводхон инсон ўзига бу ахборотни ким ва нима мақсадда яратган? Ушбу хабар мен учун зарурми? деган саволни бера олиши ва тўғри хулоса чиқариши, унга нисбатан танқидий ёндашиши лозим. Мазкур саволлар нафақат оилангиз даврасида телевизор кўраётган, машинада радио эшитаётган ёки интернетдаги хабарларни кўраётган пайтда берилиши, балки ҳар қандай ахборотни қабул қилаётган ва унга баҳо бераётганда ҳам керак. Бугунги ахборий муҳитни тушунишда медиасаводхонлик муҳим аҳамият касб этади.

Хуқуқий демократик жамиятимизнинг тўлақонли, фаол фуқароси сифатида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини тушуниш;

- ОАВ орқали узатилаётган ва қабул қилинаётган кундалик ахборотни саралаш кўникмаларини шакллантириш;

- ахборот орқали инсон онгини бошқаришга йўл қўймаслик ва ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қилиш;

- инсоннинг визуал образлар таъсири остида ижобий ёки салбий томонга ўзгаришларини таҳлил эта олиш ва визуал хабарлар остида бериладиган кўринмас маълумотларни “ўқий олиш”;

- ОАВ орқали бериладиган матни коммуникациялар моҳиятини таҳлил этиш;

- ахборот қаердан, ким томонидан ва нима мақсадларда узатилаяпти, кимнинг манфаатларини ўзида акс эттираяпти, деган саволларга жавоб топа олиш учун зарурдир. “Медиасаводхонлик” тушунчаси борасида турли фикрлар мавжуд бўлиб, АҚШнинг Жамият хусусидаги халқаро энциклопедиясида қайд этилишича, “Медиасаводхонлик – инсон жамиятдаги фуқаро сифатидаги масъулиятини ҳис қилган ҳолда фаол ва саводли бўлиши, медиаматнларни қабул қила олиши, яратиши, таҳлил эта олиши ва баҳолаши, замонавий медиани ижтимоий-маданий ва

сиёсий мазмунини тушуна олиши демакдир”. Медиасаводхонликнинг мақсади ҳар бир медианинг устуворликлари ва камчиликларини тушунган ҳолда улар томонидан тарқатилаётган ахборотни саралай билиш ва зарурини қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш бўлса, асосий вазифаси инсонлар томонидан истеъмол қилинадиган ҳар қандай ахборотнинг манипулятив кучини англаган ҳолда ундан чегараланишдир. Шунингдек, одамларга ОАВ ҳамда фуқаролик журналистика ролини тушунишга ёрдам беришдир.

Фикримизча, медиасаводхонлик медиа таълимнинг узвий боғлиқ қисмидир. Шу билан биргаликда, унинг кўринишлари кўпаймоқда. Бугунги кунда медианинг таҳлил этилиши натижасида тилимизга кириб келаётган тушунчалар, яъни медиасаводхонлик, медиатаълим, медиани ўрганиш ва бошқалар бир-бири билан боғлиқ бўлса-да, медиаахборотни қабул қилиш, саралаш, таҳлил этиш, баҳолашда “медиасаводхонлик” тушунчаси билан биргаликда, “медиатаълим”, “медиа ни ўрганиш”, “медиамаданият” тушунчалари ҳам қўлланилаяпти.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Антология мировой политической мысли: том 2. – М., 1997. – С. 136-143.
2. Алешина И.В. Паблик рилейшнз для менеджеров и маркетеров. – М.: Тандем, 1997.
3. Аржанова, К.А. Социально-психологический подход к определению персонального имиджа политического лидера / К.А. Аржанова // Вестник университета. – 2015. № 2. – С. 276.
4. Атаманская, К.И. Эволюция дефиниции имиджа в научных исследованиях / К.И.
5. Голубкова Е.Н. Интегрированные маркетинговые коммуникации /Е.Н. Голубкова. – М.: Юрайт, 2020. – С. 363.
6. Миллер Д. Расскажите о своем бренде так, чтобы в него влюбились / Д. Миллер. – М.: Альпина Паблишер, 2020. – С. 232.
7. Назайкин А.Н. Медиариелейшнз на 100 % или искусство управления отношениями с прессой и социальными сетями / А.Н. Назайкин. – М.: Солон-пресс, 2020. – С. 380.

МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҲБАР КАДРЛАРНИНГ БОШҚАРУВГА ОИД КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ



Умид ФОЗИЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
Фарғона ҳудудий филиали директори

Аннотация: мақолада раҳбар кадрларнинг бошқарувга оид кўникмаларини ривожлантириш, раҳбар кадрларнинг фаолият самарадорлигини таъминловчи омил, давлат бошқаруви органлари фаолият самарадорлигини оширишда раҳбар кадрларнинг бошқарув кўникмаларини ривожлантиришнинг аҳамияти каби масалаларни ўрганилган ҳамда сўров асосида ўрганилган раҳбар кадрларнинг бошқарув кўникмалари таҳлиллари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: бошқарувга оид кўникмалар, фаолият самарадорлиги, раҳбар кадрлар, давлат хизматчилари, фуқаролик хизмати, кадрлар салоҳияти, мақсад қўйиш, мотивация, лидерлик, вақтдан самарали фойдаланиш, музокаралар олиб бориш, мустақил фикрлаш, иш юритиш, шахсий режаларини рўёбга чиқариш.

Вопросы развития управленческих навыков руководящего персонала в сфере повышения эффективности местного самоуправления

Умид Фозиллов,

директор Ферганского регионального филиала
Академии государственного управления
при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: в данной статье рассматривается развитие управленческих навыков менеджера, управленческие навыки как фактор обеспечения эффективности управленческого персонала, значение развития управленческих на-

выков управленческого персонала в повышении эффективности деятельности государственных органов, а также анализируются управленческие навыки руководителей.

Ключевые слова: управленческие навыки, эффективность деятельности, лидерство, государственные служащие, государственная служба, кадровый потенциал, целеполагание, мотивация, управление временем, ведение переговоров, самостоятельное мышление, работа, реализация личных планов.

Issues of development of management skills of management personnel in the field of increasing the efficiency of local government

Umid Fozilov,

Director of the Fergana regional branch Academy
of Public Administration under the President
of the Republic of Uzbekistan

Abstract: this article examines the development of management skills of a manager, management skills as a factor in ensuring the effectiveness of management personnel, the importance of developing management skills of management personnel in increasing the efficiency of government agencies, and also analyzes the management skills of managers.

Keywords: management skills, performance efficiency, management personnel, civil servants, civil service, personnel potential, goal setting, motivation, leadership, time management, negotiations, independent thinking, work, implementation of personal plans.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 42-моддасида: “Давлат фуқаролик хизматчисининг касбий компетенциясини узлуксиз равишда оширишдан мақсад унинг самарали фаолият юритиши учун зарур бўлган билимлар, кўникмалар ва малакаларни эгаллаши учун шарт-шароитлар яратишдан иборат” эканлиги айтилади [1].

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида инсон қадрини юксалтириш, халқпарвар давлат барпо этишга оид устувор мақсад ҳамда вазифалар ижросини таъминлаш давлат органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишни талаб этмоқда [2].

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинганда ўзига хос қобилият, билим ва ишбилармонлик сифатларини аниқлаш ҳамда баҳолаш натижаларига кўра, лавозимга танланган ходимларнинг иш натижадорлиги ўртача потенциал танланган номзодларга нисбатан деярли икки баравар юқори бўлиши маълум бўлган. Шу билан бирга, энг самарали ходимларнинг атиги 15 фоизи юқори ва муҳим бўлган лавозимларда муваффақият қозонишлари, янада ривожланишлари ва иш жараёнига мослашишлари мумкин экан [3]. Бу, ўз ўрнида, сифатли баҳолаш тизимини жорий этишни англаиб, айнан ушбу 15 фоиз ходимнинг қайси эканлигини аниқлашга ва уларни тайинлашнинг мақсадга мувофиқлигини асослашга ёрдам беради. Натижада, давлат хизматчиларининг касбий ва шахсий фазилатларини, бошқарува оид кўникмаларини мунтазам ошириб бориш борасида илмий ўрганишлар асосидаги таклифларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бугунги шиддат билан ривожланаётган даврда юқори илмий салоҳиятга эга, замонавий фикрлай оладиган, хорижий тажрибалардан унумли фойдалана оладиган кадрларга нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда талаб тобора ортиб бормоқда.

Кадрлар салоҳияти миллий бойлик ҳисобланади. Унинг аҳамияти ҳам назарий, ҳам амалий томондан юқори бўлиб, давлат кадрлар сиёсатининг ҳозирги замон шароитларида давлат бошқаруви самарадорлиги-

нинг ошишида ҳал қилувчи омил эканлигидан далолат беради [4].

Раҳбар кадрларнинг профессионал маҳоратини юксалтиришга қаратилган илмий изланишлар республикамиз ва чет элларда турли соҳаларда амалга оширилади. Албатта, бу борада менежмент соҳасидаги илмий изланишлар етакчи ўринда турса-да, махсус психологик тадқиқотларда ҳам ушбу масала етарли даражада ўз ечимини топади. Давлат хизмати ва турли хўжалик соҳалари – ишлаб чиқариш ва бизнес соҳасидаги раҳбарларнинг профессионал жиҳатларини ўрганиш ҳамда уларнинг бошқарув малакасини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар асосида хулосалар олиш мумкин ва ушбу хулосалар асосида тегишли маълумотларни шакллантириш мумкин. Шу муносабат билан раҳбар кадрлар профессионализмини тадқиқот жиҳатдан ўрганиш масаласи ўта долзарб аҳамият касб этади. Бундан ташқари, бошқарув профессионализмини такомиллаштиришга оид технологияларни қўллаш ва улардан замонавий раҳбарларни тайёрлаш жараёнида фойдаланиш масалалари ҳам аниқ ифодаланиб, амалиётга татбиқ этилиши муҳим вазифалардан биридир.

Белгиланган мақсадларга эришиш ва ишлаб чиқилган режаларни муваффақиятли амалга ошириш раҳбар кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Раҳбар кадрларнинг касбий муваффақиятини белгилайдиган асосий бошқарув компетенцияларини шакллантириш давлат фуқаролик хизматида фаолият юритаётган ҳар раҳбар кадр учун муҳим аҳамиятга эга.

Давлат хизматчиларининг фаолият самарадорлигини оширишда раҳбарнинг бошқарув компетенцияларини баҳолаш масалалари бўйича хорижлик ва мамлакатимиз олимлари бир қатор изланишлар олиб борганлар.

Ж.Булек ва Л.Мур давлат хизматчилари фаолиятини баҳолашда техник самарадорлик, маълум бир иш ва вазифани бажаришга сарфланган вақт, иш сифати, ноаниқлик шароитида мослашиш қобилияти, ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда оқилона тақсимлаш кўрсаткичларидан фойдаланишни таклиф қилганлар. Бундай ёндашув фуқа-



роларга йўналтирилганликни англатмаса-да, лекин ресурслардан фойдаланишга эътибор қаратиш ва сифат стандартига қатъий риоя этиш каби кўникмаларни оширишга хизмат қилади [5].

Г.Фетисова ва О.Пругула ўз тадқиқотларида маҳаллий ҳокимият органларининг фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш: ҳудудда иқтисодий ўсиш, бандлик ва аҳоли даромадлари, таълим, уй-жой коммунал хўжалиги ва уй-жой қурилиши, фуқаролар ва ташкилотларнинг хавфсизлигини таъминлаш, маҳаллий бошқарув самарадорлигига эришиш билан ифодаланади, деб ҳисоблайдилар. Самарадорликни янада оширишнинг энг муҳим омиллари сифатида эса, маҳаллий ҳокимиятларнинг иши ва ҳудуддаги реал муаммоларнинг ечимлари юзасидан қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга оширишда аҳоли иштирокини фаоллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ўз вазифалари якуний натижалари учун масъулиятини ошириш ҳисобланади [6].

Шунингдек, А.Холов “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш масалалари” номли мақоласида маҳаллий давлат ҳокимияти органларида самарали бошқарув фаолиятини ташкил этиш очиқликка асосланган, самарали қарорлар қабул қилиш тизимининг татбиқ этилганлигига бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлайди [7].


Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда маҳаллий ҳокимликлар фаолияти самарадорлигини оширишда раҳбар кадрларнинг бошқарув кўникмалари таҳлили методик жиҳатдан кам ўрганилган мавзу ҳисобланади.

Мақола мавзуси бошқарув фанининг фундаментал қонунлари, маҳаллий ҳокимликлар фаолияти самарадорлигини баҳолашга доир тадқиқот олиб борган хориж ва юртимиз олимларининг илмий тадқиқотларини ўрганиш, статистик маълумотларни ўрганиш ва таққослаш ҳамда таҳлил қилиш, қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш, анализ ва синтез каби илмий тадқиқот усуллари орқали ўрганилди.

Тадқиқот доирасида айнан раҳбар ходимларнинг бошқарув профессионализмига оид сўровнома ўтказилди. Сўровномада давлат ҳокимияти идоралари ва ташкилотларида фаолият юритувчи раҳбар кадрлардан иборат жами – 400 нафар респондент иштирок этди. Респондентларнинг 170 нафари – 3 йилгача, 109 нафари – 5 йилгача, 121 нафари – 10 йилгача раҳбарлик стажига эга эканликларини маълум қилишган. Иштирок этган раҳбар кадрларнинг аксарияти раҳбарлик фаолиятини бошлаганига ҳали 3 йилдан ошмаган.

1. Бошқарув фаолиятини самарали бажариш учун раҳбарга зарур фазилатлардан яна бири – муваффақиятга интилишдир. Раҳбар ўз олдига мақсад қўя олиши ва уни бажаришга уриниши лозим. Умуман олганда, инсонга хос интилишни икки тоифага бўлиш мумкин: 1) муваффақиятга интилиш; 2) мағлубиятдан қочиш. Бирон-бир қийин ва инқирозли вазият пайдо бўлганда, баъзилар мазкур вазиятни ҳал этиш орқали муваффақиятга эришиш ҳақида ўйласа, бошқа биров эса, талофатга учрамаслик ғамида ўзини, иложи борица, “офат”дан олиб қочади. Бу бир хил вазиятга икки хил ёндашув бўлиб, унинг эгалари турлича характердаги инсонлардир. Бошқарувни самарали олиб борувчи раҳбар эса айнан биринчи тоифага мансуб бўлгани сабабли, у муаммоларни тез ҳал этади ва ўз мақсади сари янада олдинга интилади. Бундай тоифа кишиси, одатда, таваккалчиликка ҳам бориши мумкин. Кези келганда, у катта мақсадни кичик бўлакларга бўлиб, ҳар бир кичик мақсад ортида турган натижани олдиндан тасаввур этади. Бироқ бундай омилни ҳамиша амалга ошириш осон эмас. Бинобарин, раҳбар таваккалга бора оладиган ва хавф-хатардан қўрқмайдиган характерга эга бўлиши лозим. Машҳур бизнесмен ва менежер Ли Якокканинг таъкидлашича: “Баъзида таваккал ҳам маъқул, лекин йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиб кетиш лозим”. Мақсадга эришиш иштиёқи билан яшайдиган одам доимо ўз фаолият натижаларидан хабардор бўлишни истайди. Меҳнат билан боғлиқ вазият эса, фаолиятдан маълумот олиш орқали ўз ҳаёт мазмунини таҳлил этиш имконини беради. Айнан шу тоифага мансуб

шахслардан бирининг айтишича: “Мен учун бизнес фақатгина бойиш воситаси эмас, бойлик орттириш мен учун ҳеч қачон мақсадга айланмаган. Бизнес шунинг учун ҳам менга роҳатбахши, у ҳар кун чексиз муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ақл-идрокимни бир нуқтага жамлашга ундайди”.



1-расм. Раҳбарнинг ўз олдига аниқ мақсадлар қўя олиш қобилияти

“Конкрет мақсадлар қўя оласизми, мақсадга эришиш кўрсаткичларини аниқлай оласизми? Имконият ва чекловлар асосида тўғри танлов қила оласизми?” деган саволга 41 % респондент ўз кўникмасини “аъло” деб ҳисоблайди. 39%и – яхши, 19%и – қониқарли, атига 1 фоизи ёмон деб ҳисоблаган.

Раҳбар меҳнатининг самарадорлиги у сарфлаган шахсий меҳнат натижалари билан бошчилик қилаётган ташкилот ходимлари меҳнати натижаларининг мос келиши ўлчовидир.


2. Амалда барча раҳбарлар ва мутахассислар иш вақти сарфларини ҳисобга олиб бориш зарурлигини эътироф қиладилар. Лекин, тажрибада камдан-кам раҳбарлар бу масалани ўзлари учун ҳал қиладилар, бу эса баъзи бир салбий оқибатларга: ишда шошилишга, чарчашга, меҳнатнинг кам асосланишига, ишдаги режасизликка олиб келади. Раҳбар ва мутахассиснинг иш вақтини оқилона ташкил этиши бажариладиган барча ишларни ҳисобга олиб боришни, ўзининг иш вақтини мунтазам назорат қилиб боришни, иш вақтини сарфлаш тузилмасини ўрганишни талаб қилади. Бу эса, иш вақтидан фойдаланишни таҳлил қилиш, шахсий ишнинг асосли режаларини тузиб чиқишни таҳлил

қилиш имконини беради. Раҳбар ва мутахассиснинг иш вақтидан фойдаланишни ҳисобга олмай ва уни таҳлил қилмай туриб, тузган шахсий иш режалари реал шароитдан ажралиб қолган бўлади.

Бизга, кўпинча, вақт етишмаслигига сабаб – бу вақтдан унумли фойдаланмаслик, уни кераксиз ва муҳим бўлмаган ишларга сарфлашимиз, аниқроғи, қимматли вақтимизни ўғирлайдиган нарсаларга сарфлаймиз. Буларни том маънода “вақт ўғрилари” деса бўлади. Уларга нималар кириши мумкин? Ҳаётимизда энг кўп ва тез-тез учрайдиган баъзи “вақт ўғри”ларига қуйидагилар киради:

- иш вақтини режалаштирмаслик;
- вақтни ҳис қилмаслик;
- бир вақтда бир қанча ишга киришиш;
- барча учун фойдали бўлишга интилиш;
- устуворликларни белгилай билмаслик;
- “йўқ!” дейишни билмаслик;
- иш столидаги тартибсизлик;
- тўлиқ бўлмаган ёки кечиккан ахборот;
- ишларни ёзиб бориш одатининг йўқлиги;
- сусткашлик ва қатъиятсизлик;
- телефон сўзлашувлари ва кераксиз мулоқотлар;
- телевизор кўриш;
- ижтимоий тармоқлардаги мулоқот ва интернет;
- кам дам олиш ва уйқуга тўймаслик;
- муҳим ишларни ортга суриш ва ҳоказо.

Респондентлар раҳбарлик фаолиятида вақтдан унумли фойдаланиш борасидаги хусусиятларни 44%и – яхши, 29%и – аъло, 21%и – қониқарли, 3%и қониқарсиз ва ёмон, деб белгилашган.



2-расм. Раҳбарнинг вақтдан унумли фойдаланиш қобилияти

3. Маълумки, инсоннинг мотивацияси ундаги мавжуд ҳис-туйғуларга, ишонч эса, ақлга боғлиқдир. Мотивация инсонга танлаш имкониятини бериб, уни бирор ишга асло мажбурламайди. У бу ишни ўз ички ҳис-туйғуларидан келиб чиқиб фаол амалга оширади.

Маълумки, ўзбек миллий кураши қадимдан бизга аждодлардан авлодларга мерос бўлиб қолган ва биз учун муқаддас спорт тури ҳисобланади. Ушбу спорт турини тўй, сайл ва байрам тадбирларида ўтишини кузатган бўлсангиз, даврани олиб борадиган баковул томошабинлар учун кураш қизғин ва мазмунли ўтиши учун полвонларнинг келиб чиқиши ва уларнинг полвонлар оиласидан эканлигини оммага баланд овозда таништириб боради. Қайси бир полвон заифроқ ҳаракат қилаётган бўлса, унинг қувватини янада оширишни кўзлаб, у ҳақда мақтовли сўзларни гапира бошлайди. Натижада, мусобақа қизғин кураш остида ўтади ва узоқ давом этади. Баковулнинг полвонлар ҳақида кетма-кет ёғдираётган мақтовли сўзлари мотивация бўлади. Баъзи ҳолларда спортчиларга мусиқа ҳам мотивацион ёрдам беради.

Аксарият ёшлар кино, сериал ёки ўқиган адабиётларидан ўзлари учун қаҳрамон танлаб, унинг гап сўзлари-ю, юриш-туриши, ҳатто, кийинишигача эътибор бериб, ўзларини ўша қаҳрамонга ўхшатишга ҳаракат қиладилар. Бу усулда ҳам мотивацияни кўришимиз мумкин.

Мотивациянинг иккига бўлинишини кўришимиз мумкин. Биринчиси, мотивация инсоннинг бошқалар томонидан кучини оширувчи омил бўлиб хизмат қилаётган бўлса, иккинчиси эса, инсоннинг ким ёки нимадан олган таассуроти орқали мотивация намоён бўлади.

Айрим инсонлар ҳаётдан нолиб, ўзларини тиклаб ололмаётганидан шикоят қилиб қоладилар. Улар мотивациядан олдин ўзларидаги қўрқув, норозилик, уятчанлик, иккиланиш ва ички блокланган хислатларидан холи бўлиш ҳақида қайғуришлари лозим. Ушбу хислатлар мотивациянинг акси бўлиб, инсоннинг мақсад сари интилишларини

йўқотишга хизмат қилади. Мотивация етишмаслигидан азоб чекадиган одамлар кўп ҳолларда хаёлпарастликка берилган, ақллари ишлатишни хоҳламайдиган, ўзларига беъэтибор бўлиб, ёшларига қараганда анча кексайган ва ҳаётга қизиқиши сўнган ноумид инсон бўладилар.

Буюк файласуф Суқрот айтганидек, “Кимда истак бўлса – йўлини қидиради, кимда истак бўлмаса – сабаб қидиради”.

Раҳбарнинг ички мотивациядан холи бўлиши бу унинг ишга муносиб эмаслигини англатади. Чунки раҳбарнинг ўзида етарлича мотивация бўлмаслиги, бу унинг ўз ишига сидқидилдан ёки масъулият билан ёндашмаслиги, ҳаттоки ишончсизлик билан ёндашишини англатади. Раҳбарнинг ўзида мотивация бўлмаса, у қўл остидагиларни қандай қилиб мотивация қила олади?

Навбатдаги сўровда раҳбарлардан: “Сизда ички мотивация ва иш жараёнидаги масалаларни ҳал этиш учун стимул мавжуд деб ҳисоблайсизми?” деб сўралди.

Респондентларнинг 9 %и ўз кўникмаларини “ёмон” деб ҳисоблашса, 42 %и “яхши” деб ҳисоблашган.



3-расм. Раҳбарнинг шахсий мотивацияси

4. Ташкилотнинг ривожланишида раҳбарнинг лидерлик салоҳияти муҳим аҳамиятга эга. Бошқарув соҳасида лидерлик муаммоси ҳамма вақт долзарб бўлиб келган.

Ҳокимият (бошқарув) – бу ҳаракат қилиш имконияти ёки бошқа инсонлар хулқига ёки ҳолатига таъсир этиш қобилияти. Бошқа сўзлар билан айтганда, ҳокимият – бу бошқа одамлар хулқига таъсир ўтказиш имконияти. Таъсир – бир шахснинг иккинчи шахснинг хулқи, муносабатлари ва ҳиссиётларига ўзгартириш киритувчи ҳар қандай ҳаракатдир. Таъсир воситалари турлича, қулоққа шивирлаб айтилган сўздан тортиб, пичоқ ўқталишгача бўлиши мумкин. Шунингдек, бир одам ўз ғоялари билан иккинчи одамга таъсир этиши мумкин. Раҳбарлар шундай таъсир этишлари керакки, бу фақат бир ғояни қабул қилишга эмас, балки ҳаракатга – натижавий меҳнатга олиб келсин. Ўз таъсири ва лидерлигини самарали қўллаш олиши учун ҳар бир раҳбар ҳокимият манбаларини қўллаш керак. Бундай таъсирни, албатта, раҳбар ўз лидерлик қобилиятига таянган ҳолда амалга оширади. Шунинг учун ҳам раҳбарларда лидерлик қобилиятининг мавжудлиги жуда муҳим ҳисобланади.


Лидер сифатида ўз қўл остингиздагиларни муайян мақсад ҳамда вазифа сари бирлаштириш оласизми, уларни ўз ортингиздан эргаштириш оласизми? деган саволга раҳбарларнинг жавоби натижалари қуйидагича бўлган: асосий қисми – 56 %и “аъло” деб ҳисоблаган бўлса, 32 %и яхши деб баҳолашган. Кўриниб турибдики, бугунги раҳбар кадрларнинг аксарияти ўз ходимларини жалб қилиш борасидаги кўникмаларини ижобий баҳолашмоқда.

5. Раҳбар фаолиятининг асосий қисмини мулоқот жараёни ташкил этади. Корхонада қабул қилинган қарорнинг ижросини таъминлаш, ходимлар ва жамоа фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш ва ходимлар фаолиятини рағбатлантириш жараёнлари ҳам мулоқот орқали амалга оширилади. Ходимларга таъсир этиш, уларга ғайрат бағишлаш, ташкилотнинг умумий мақсадлари сари етаклаш каби ташкилий вазифалар ҳам раҳбарнинг малакали мулоқот қобилияти орқали таъминланади. Раҳбарнинг мулоқот малакасини ифодаловчи асосий жиҳат унинг мулоқот соҳасидаги фаоллиги бўлиб, ушбу фаолликнинг мақсадга йўналганлиги, англандан

ган тарзда ва эркин ижро этилиши инсоннинг мулоқот жараёнини қанчалик моҳирлик билан амалга оширишини ифодаловчи асосий белгилардир. Раҳбар мулоқот жараёнининг ички қонуниятларини билиши жуда муҳимдир. Бозор иқтисодиёти даврида раҳбарда коммуникатив қобилият билан бирга, ташкилотчилик қобилиятининг бўлиши ҳам жуда муҳим. Бугунги кун раҳбари ўта уддабурон, ишбилармон, муассаса ёки корхонанинг олдида турган вазифаларини мақсадга мувофиқ, собитқадамлик билан бажаришни уюштириш олиш имкониятига эга бўлиши керак. Ўзи раҳбарлик қилаётган корхонанинг молиявий ва иқтисодий масалаларини тўғри ва оқилона ташкил қилиши, янги ғоялар, йўналишлар, ишлаб чиқариш технологияси, илғор хориж тажрибасини маҳаллий шароитга олиб кириши, тобе кишилар жинси, ёши, ақлий ва жисмоний имконияти, қобилияти ва қизиқишларини ҳисобга олиб, ишни тақсимлаш, ходимлар меҳнатини тўғри баҳолаш олиши, корхона истиқболи ва ходимлар ижтимоий ҳимояси учун ҳамшиша ғамхўрлик қилиши ундаги ташкилотчилик қобилиятининг мавжудлигидандир. Лекин раҳбар айнан ушбу қобилиятини намойиш қила олиши ҳам унинг мулоқот қила олиш қобилиятига боғлиқ. Шу муносабат билан раҳбар ташкилотда иш жараёнларини тўғри ва самарали ташкил қилиши, иш жараёнларини такомиллаштириш олиши ва жамоа ишини тўғри ташкил қилиши учун мулоқот санъати, мулоқот қобилияти, музокаралар олиб бориш маҳоратига эга бўлиши қўл келади.

42 % респондент музокара олиб бориш борасидаги кўникмаларини “яхши” деб баҳолашган, 38 %и эса, “аъло”, 5 %и “ёмон” ва “қониқарсиз” деб баҳолаган.

Раҳбар шахсининг индивидуал психологик хусусиятлари унинг жамоани бошқаришга таъсир кўрсатади. Бошқарувни мақсадга мувофиқ равишда амалга ошириш учун раҳбар идора қилишнинг қайси бўғинида бўлишидан қатъи назар муайян қобилиятга эга бўлиши керак. Раҳбар шахсий фазилатлари, мустаҳкам характери, кучли иродаси, барқарор ҳиссиёти, барча нарсаларга ва



4-расм. Раҳбарнинг музокаралар олиб бориш қобилияти

жабҳаларга нисбатан махсус қобилиятлари билан маълум ҳажмдаги меҳнат жамоаларини бошқара олади. Чунки фан ва техниканинг ривожини одамларда онглилик даражасининг юксак кўрсаткичи ижтимоий тажрибаларнинг таъсирчан кучи, кишиларнинг муайян билимларга эга эканлиги раҳбарнинг комил инсон поғонасига кўтарилишини тақозо этади. Давлат миқёсида юз бераётган ўзгаришлар сўз ва виждон эркинлиги, ўзлигини англаш, ҳуқуқий ҳимояланганлик – фуқаролик онгининг янада юксалишига олиб келди. Ўзгаришлар натижасида уларда мустақил

фикрлаш ва иш юритиш, шахсий режаларини рўйбга чиқариш йўлини излаш имконияти вужудга келди. Бугунги раҳбар ижтимоий ҳаётдаги муносабатлар, уларнинг тузилиши ва моҳияти билан яқиндан таниш бўлиши, бошқарув жараёнида уларни ҳисобга олиши тақозо қилинади. Раҳбар шахси баркамоллиги, қатъий характери, миллий қиёфасидан ташқари бир қатор қобилиятларга эга бўлиши, табиий равишда, обрў қозонишига пухта негиз ҳозирлайди, лавозимнинг кейинги босқичлари учун имкон яратади, истиқбол режаларини рўйбга чиқаради.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-788-сонли Қонуни. 42-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
3. Burke, Schmidt & Griffin (2014). Improving the Odds of Success for High-Potential Programs – Georgia, USA. Talent Report. CEB SHLL Talent Measurement.
4. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ этишнинг ҳуқуқий асослари: давра суҳбати материаллари. – Т.: Baktria press. – 2015. – 3 б.
5. Buleca J., Mura L. Quantification of the efficiency of public administration by data envelopment analysis // Procedia Economics and Finance. 2014. N 15. – P. 162-168.
6. Фетисова Г.В. и Притула О.Д. Оценка эффективности деятельности органов местного самоуправления. // Вестник Новгородского государственного университета. 2014, № 82. – С. 45.
7. Холов А. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш масалалари. // “Иқтисодийёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. 2018, № 1, январь-февраль.

НОМАРКАЗЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ ВА ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ



Мансур БЕКМУРОДОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири,
социология фанлари доктори, профессор

Аннотация: мақолада номарказлаштириш шароитида инсон салоҳиятини рўйбга чиқариш имконияти сифатида уни ижтимоий ривожлантириш имкониятлари тадқиқ этилган. Мамлакатимизда жадал суръатларда амалга оширилаётган Тараққиёт стратегияси орқали яқин ва узоқ истиқболда қўлга киритиладиган катта мақсадларга, асосан, инсон салоҳиятини юксалтириш негизда эришилади. Мақола муаллифи инсон салоҳиятини юзага чиқариш борасидаги мавжуд ҳолат ва имкониятлар, жараёнга таъсир этувчи ресурслар хусусида батафсил таҳлилий маълумотларни келтирган.

Калит сўзлар: ижтимоий, инсон, салоҳият, номарказлаштириш, жадал тараққиёт, ҳам-жиҳатлик, ўзгариш, эскейпизм, прокрастинация, жамият, бошқариш.

Социальное развитие и усиление человеческого прогресса в условиях децентрализации

Мансур Бекмуродов,
заведующий кафедры Академии
государственного управления при
Президенте Республики Узбекистан,
доктор социологических наук, профессор

Аннотация: в статье исследуются возможности социального развития человеческого потенциала в контексте децентрализации. Благодаря стратегии развития, которая осуществляется ускоренными темпами в нашей стране, крупные цели, достигнутые в ближай-

шем и отдаленном будущем, достигаются главным образом на основе повышения человеческого потенциала. Автор статьи привел подробную аналитическую информацию о текущей ситуации и возможностях развития человеческого потенциала, ресурсах, влияющих на процесс.

Ключевые слова: социальный, человеческий, потенциал, децентрализация, быстрый прогресс, солидарность, перемены, эскейпизм, прокрастинация, общество, управление.

Acceleration of social development and human development in conditions of decentralization

Mansur Bekmurodov,
Head of department of Academy of Public
Administration under the President of the
Republic of Uzbekistan, Doctor of Science
in Sociology, Professor

Abstract: the article explores the possibilities of its social development as an opportunity to realize human potential in the context of decentralization. Through the development strategy, which is carried out at an accelerated pace in our country, large goals achieved in the near and far future are achieved mainly on the basis of raising human potential. The author of the article cited detailed analytical information on the current situation and opportunities for the emergence of human potential, resources affecting the process.

Keywords: social, human, potential, decentralization, rapid progress, solidarity, change, eskeypism, procrastination, Society, Management.



Инсон ҳамма нарсани ўзгартиради, инсон ўзгарса, жамият ўзгаради. Замонавий, оқилона бошқарув тизимини жорий этиш – олдимизга қўйган вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ижтимоий ривожланиш деганда, янги ижтимоий мўлжаллар, алоқалар, ўзгарган қадриятлар, янги талаблар ҳамда меъёрларни ўзида ифода этувчи жамиятнинг мазмунан ўзгариши, одамлараро муносабатлардаги яқдиллик ва ҳамжиҳатликнинг сифат даражаси тушунилади. Номарказлаштириш шароитида инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш ва ижтимоий фаоллаштириш одамларни фақатгина давлатнинг имкониятлари билангина эмас, балки жамиятнинг кучи, фуқароларнинг яқдиллиги, ҳамкорлиги негизида юзага келади. Номарказлаштириш шароитида ижтимоий ривожланиш реал тараққиёт жараёни сифатида ўз мазмунида уч хусусият: орқага қайтмас ҳаракат, мақсад сари йўналганлик ва янгича ривожланиш қонуниятларига таяниш тенденцияларини намоён этади.

Ватанимизда амалга оширилаётган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосидаги ислохотлар, моҳият эътиборига кўра, мамлакат ривожини инсон салоҳиятини юксалтириш негизида амалга оширишни назарда тутди. Шу боисдан ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида: **“Инсон ўзгарсагина жамият ўзгаради”**, деган методологик нуқтаи назарни алоҳида таъкидлаганлари бежиз эмасдир. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида инсон салоҳиятини кучайтириш ва ижтимоий ривожланиш жараёнларини янада фаоллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан

қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек, “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу тарихий ҳужжатлар мамлакатимизда инсонни ҳар томонлама ривожлантиришни бош мақсадга айлантиришни кўзда тутувчи фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда уни маънавий, иқтисодий ва сиёсий юксалтириш орқали ижтимоий ривожлантиришга кенг имкон яратади. Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг 2016 йилдан эътиборан инсон салоҳиятини юксалтирувчи – илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга устувор аҳамият бериб келаётгани мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси қилиб тарбиялаш, бир сўз билан айтганда, ижтимоий ривожланиш стратегиясини янги босқичга чиқаришни назарда тутди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инсонни ўзгартириш борасида дунёдаги амалиёт унга киритилаётган инвестиция самарадорлигига боғлиқдир. Агар дунёда инсоннинг 3 ёшидан 22 ёшигача бўлган даврида унга киритилган инвестиция 19-22 марта фойда келтирса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич атиги 4 марта фойда бериши кузатилмоқда. Ҳозирги Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Илгари, яъни 1992 йилдан бери субсидиар сиёсат (субсидиар сиёсат имконияти чекланганлар, етим болалар, ўта кам таъминланган оилаларга давлат томонидан фақат моддий ёрдам бериш тартиби бўлиб, молиявий кўмак олган шахслар давлат ёхуд жамият ташкилотларига бирор-бир тайинли ҳисоб бермаслиги ва жавобгарлик масъулиятини зиммасига олмаслигини ифодаловчи ҳолатни англатади) юргизиб келинган. Бу сиёсат жаҳонда аҳолининг фақат моддий эҳтиёжларини қоплашга йўналтирилган харажатлар бўлгани учун бирор-бир

соҳага “фойда келтирмайдиган харажатлар” деб қаралади. Субсидиар сиёсат бўйича давлат томонидан қилинувчи харажатлар кўп ҳолларда ижтимоий дангасаликка, яъни кўпчилик аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этмасликка ўрганиб қолишига, текин еб-ичишга кўникишига ва меҳнат бозорини ривожлантиришга ўз таклифлари билан иштирок этмасликка одатланиб қолишига олиб келади.

Ўзбекистонда амалга ошириб келинган субсидиар сиёсат ушбу фаолиятни тартибга солувчи асосий халқаро ҳужжат мазмунига, яъни – 1962 йилдаги Халқаро Меҳнат Ташкилоти Конвенциясига мос келмаган. Конвенция ҳужжатида эса, “ҳар қандай ижтимоий сиёсат фуқароларни ижтимоий, интеллектуал ёки касбий ривожлантириш учун рағбатлантиришга йўналган бўлиши керак”, деб белгилаб қўйилган. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат Халқаро Меҳнат Ташкилоти қоидаларига тўла мос келади ва унинг пировард мақсади ҳар бир инсонни касбий ёки интеллектуал ривожлантиришдир. Шу боисдан ҳам инсонни самарали ижтимоийлаштириш ва бу жараённинг сифатини тубдан яхшилаш катта аҳамиятга эга. Сифатий ўзгаришларни кўзлаб амалга оширилувчи ислохотлар, даставвал, таълим ва тиббиёт соҳасига бўлган давлат эътиборини тубдан ўзгартиришни талаб этади. Бугунги кунда таълим ва тиббиётга бўлган давлат эътибори тубдан ўзгарди. Ўқитувчи ва тиббиёт ходимларининг ойлик маошлари оширилди. Ўқувчининг таълим олиш имкониятлари кенгайди. Ижтимоий имкониятлари чекланган аҳоли қатламлари ва ёш оилалар учун арзон уй-жойлар барпо этилмоқда. Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди. Тадбиркорлик фаолиятига одамларни жалб этиш ишлари кенг ижтимоий ҳаракатга айланди. Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Олий таълим муассасаларига давлат томонидан белгиланувчи қабул квоталари бекор қилиниб, олий таълим олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш жа-

раёнларига давлат эътибори юксалганлигини бугунги кунда бутун дунё эътироф этмоқда. Аммо бу жараёнга жамият эътиборини кучайтириш, инсон томонидан ўзини ўзи ривожлантириш ҳолатини тубдан ислоҳ этиш, инсон капиталини такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан.

Шу боисдан ҳам, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Барқарор ривожланиш дастури” ҳамда “XXI учун кун тартиби” дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳаётчанлигини таъминлаш масаласи ҳам, даставвал, турли ҳудудлардаги иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг мутаносиб кечиши, турли томонларнинг ўзаро уйғунлашуви, жамиятдаги ижтимоий қатламлар вакилларининг ҳамжиҳатлиги, давлатлар, ташкилотлар ва шахсларнинг бир-бирига боғлиқлик даражасининг мустаҳкамлигига бевосита алоқадор эканлиги қайта-қайта таъкидланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, XX аср ўрталаридан бошлаб, XXI асрда кенг қамровли жараёнга айланган глобаллашув тенденциялари одамлараро ва давлатлараро муносабатларда ички тарқоқлик, бегоналашув ҳолатларини юзага келтирди. Айниқса, одамларнинг бирламчи ва мустаҳкам боғлиқлик бўғини бўлган оила институти, оилада эр-хотин, ака-ука, опа-сингиллар, яқин қариндошлар ўртасидаги анъанавий меҳр-муҳаббат, садоқат, ўзаро яқдиллик муҳитида ўзаро бегоналашув тенденцияси кузатилмоқда.

Социологик тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, ўтган 50-60-йиллар мобайнида одамлараро меҳр-шафқат, бағрикенглик, ўзаро елкадошлик, садоқат туйғуларининг сусайганлиги, янги ёш авлоднинг катта авлод турмуш тарзига, хусусан, миллий ўзликни англаш, тилимиз софлиги ва муқаддаслигини ҳис этиш учун курашда сусткашлик, ажодларимизнинг минг йиллар мобайнида сақланиб келган миллий қадриятлар, одат ва анъаналарини сақлашдаги эътиборсизлик, улар томонидан қадрланган адабиёт, санъат дурдоналарини ўзлаштиришнинг сусайганлиги, табиатни эъзозлаш ўрнига уни вайрон қилишга мойилликлари ҳолатлари юзага чиқмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан шаклланиб бўлган мавжуд ҳолатдан чиқишнинг ягона йўли сифатида инсон салоҳиятини кучайтириш,



миллий ўзликни англаш даражасини кўтариш, инсон қадрини юксалтириш, одамларни рози қилиш, ўзаро меҳр-муҳаббат муҳитини мустаҳкамлашга эътибор қаратиб, ҳар бир соҳада ҳам институционал, ҳам одамлараро боғлиқлик ва ҳамжиҳатликни кучайтиришга йўналтирилган фаолиятларни фаоллаштиришга устувор аҳамият қаратилди.

Табиийки, бундай ёндашув бежиз бўлмай, тарихий синовларда тобланган йўл саналади. Хусусан, америкалик тадқиқотчи М. Портер ҳар қандай давлатнинг жадал юксалиш мақсадлари, унинг иқтисодий рақобатбардошлиги ва мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий муҳит барқарорлигининг сифати жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар вакиллариининг маънавий-интеллектуал тараққиёт даражаси, касбий фаоллик ҳамда энг муҳими, ижтимоий аҳиллик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятда адолатлилик ва одамларнинг бир-бирига нечоғли маънавий боғланганлик ҳолатига бевосита боғлиқдир, дейди. (Қаранг: М. Портер. Конкуренция. – М.: "Вильямс". – 2006. – С. 608.)

Амалдаги манбаларда ижтимоий жамоаларга уюшмаганлар тоифасига кириши мумкин бўлган аҳоли қатламлари икки йўналишда ўрганилган. Биринчи йўналишда уюшмаган ҳолатини юзага келтириши мумкин бўлган негатив ижтимоий-иқтисодий муҳит таҳлили хусусида фикр-мулоҳазалар илгари сурилган бўлса, иккинчидан, ижтимоий жараёнларга фаол киришишни истамаган одамларнинг субъектив хусусиятлари – маънависизлик, дангасалик, сабрсизлик, ўз-ўзини ортиқча баҳолаш, уқувсизлик, бетайинлик, иродасизлик сингари шахс хислатлари тадқиқ этилган.

Эътиборга лойиқ яна бир жиҳат борки, бу мавжуд илмий-тарихий манбаларда мумкин аксарият ҳолларда позитив асосларда эмас, балки негатив, яъни ижтимоий фойдали бўлмаган мақсадлар асосида бирлашган одамларнинг уюшув шакллари танқид остига олинган. Бундай уюшмалар таркибига: жиноятчи тўдалар, талончилар, қиморбозлар, фоҳишалар, ўғрилар, судхўрлар киритилган. Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асаридан ана шундай ижтимоий зарарли мақсадлар доирасида бирлашган уюшмалар танқид остига олинган, унинг "Мажолис ун-нафоис"

асарида ҳам ўндан зиёд эл орасида таниқли бўлган шахсларнинг ижтимоий зарарли одат ва хусусиятлари танқид қилинади.

Мазкур муҳим ижтимоий муаммо юзасидан хорижий олимлар – З. Фрейд, Э. Дюргейм, Э. Фромм ва бошқалар одамларнинг уюшиш даражаси моҳиятини очиқ нуқтаи назардан, яъни хоҳиш (Фрейд), англаган манфаат (Дюркгейм) ва эҳтиёж (Маслоу) асосида бирлашиш сари фикр билдирганлар.

Ғарб олимлари ҳам жамиятда юз берадиган ижтимоий ўзгаришларга уч хил: биринчидан, давлат ва адолатсиз жамият томонидан ишлаб чиқилган қонун-қоидалар одамларни янги тузилмалар ва янги ижтимоий жараёнлар муҳитида яшашга мажбур қилади, деб талқин этадилар. Иккинчидан, одамларни ўзаро бирлаштирувчи энг кучли омил – хоҳиш, истак, эҳтиёж деб талқин этадилар. Хусусан, Фрейд истак омилини фақат реал, яъни аниқ тасаввур этиладиган, қўл билан ушлаб ҳис этса бўладиган нарсалар ташкил этади, деб асослашга уринган. Учинчи ёндашув эса, ижтимоий ўзгаришларни бошдан ўтказаятган одамларга дуч келадиган ижтимоий жараёнлар моҳиятини, асосан, маданий – руҳий изоҳловчи назариялардир.

Ижтимоий ривожланишни таъминлаш учун Э. Фромм дунёни моддий эмас, маънавий – руҳий тушуниш кўпроқ зарурдир, деган ёндашувни илгари сурди. Бунинг учун эса, ижтимоий жараёнлар, яъни одамларнинг илгари амалда бўлмаган гуруҳларга уюшиши ва ёппасига бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, қудратли шаҳарларнинг оз кучли рақибга таслим бўлиши сабабларини тушунишда шу даврда юз берган психологик ҳолатларни, ўша вазиятда одамларга таъсир этувчи психологик ҳолат ва шу психологик ҳолатни юзага келтирувчи ижтимоий муҳитни атрофлича ўрганиш зарур, деган ҳулосага келади. Ижтимоий жараёнларнинг ижтимоий-маънавий ва руҳий асослари фавқулодда кучлидир, деб изоҳловчи ёндашув тарафдорлари, кўпинча, экзистенциализм назариясига таянадилар. Экзистенция – яшашни, айтилиши вақтда, яшаётганликни англаш ўзгараётган ва ўтаётган замонни руҳияти ва вужудида доимий ҳис этиб яшашни англатади. Экзистенциал ёндашувнинг сусайиши манфаат олиш даражаси юқори бўлмаган жамоаларга

Ўзи англамаган ҳолда қўшилиб кетишни кучайтиради. Экзистенция шахснинг ўз-ўзига берадиган баҳоси, ўз-ўзини қадрлаш даражаси ҳамдир. Демак, шахснинг ўзини ўзи баҳолаш даражаси қанча паст бўлса, унинг ижтимоий фойдали бўлмаган ҳолатларга, жамоатларга интеграция бўлиши шунча юқори бўлади.

Ижтимоий ривожланиш ғоясини ҳаётга жорий этишдаги яна бир ёндашув – эмергентлик назарияси. Эмергентлик – бу юз бераётган ўзгаришлар, шаклланиб келаётган ижтимоий жамоалар, дунёқарашлар, ижтимоий фикр йўналишлари жамиятдаги маънавий-руҳий ҳолатларни ифодалайди. Айни вақтда, одамларнинг аксарияти юз бераётган моҳиятан янги сифат ўзгаришлари жараёнларини теран англамаган ҳолда яшайдиларки, бу ҳолат жамиятга турли негатив ташқи таъсирлар эшигини кенг очиб беради. Экзистенциал ёндашуви султ инсонлар ҳам ташқи стимулларга берилувчан бўладилар. Олиниши мумкин бўлган манфаатлар негизда қандай зарарлар, йўқотишлар бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги инсоннинг чап ярим шаридаги мияча томонидан узатилувчи интуитив тўғри фикрларни ўзларидан узоқлаштиришга интиладилар. Бундай ҳолат фанда эскапистик ёндашув, эскапизм назарияси сифатида талқин этилади (инглиз тилида **“Escape”** – қочиш, узоқлашмоқ деган маъноларни англатади).

Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистондан деярли 3 миллионга яқин фуқаро Россия ва Қозоғистонда норасмий меҳнат миграциясида фаолият юритишмоқда. Бу фуқароларнинг хорижда фаолият юритишларида сиёсий ёки иқтисодий хавф бўлмаса-да, уларнинг Ўзбекистонда юз бераётган кенг кўламли ижтимоий ўзгаришлардан четда эканликлари, аксарият нолегал мигрантлар ўзларини интеллектуал ва маданий ривожлантириш жараёнларида иштирок эта олмаётганликлари муайян ижтимоий хавфни юзага келтиради.

Худди шунингдек, Т. Парсонснинг XXI асрга келиб, дунёнинг бош муаммоси иқтисодий, сиёсий ёки экологик эмас, балки жамиятнинг умумий мақсад ва интилишларидан четда қолувчиларнинг умуминсоний тамойилларга мос бўлмаган хатти-ҳаракатлари, ижтимоийлашган майл-хоҳишлари би-

лан ноилож компромисс қилишдан иборат бўлади, деган башорати бугун ўз тасдиғини топмоқда. Фарб мамлакатларида расмий тус олаётган бир жинсли никоҳлар, чекланган миқдорда наркотиклар истеъмолига рухсат берилиши, гемосексуализм, порнография ва бошқа инсонийликка зид ёндашувлар билан бўлаётган муросалар бунга яққол мисол бўла олади. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, уюлмаган ёшларни мавжуд ҳолатдан норозилик кайфияти бирлаштириб туради. Норозилик эса, ҳар қандай катаклизмлар ва ижтимоий тўс-тўполонларнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Аксарият хорижда фаолият юритувчи ўзбекистонликлар дунёқараш ва турмуш тарзига бу иллатларнинг “юқиши” хавфи ҳам жиддий муаммодир.

Маълумки, одамларнинг миллий-маънавий муҳитдан узоқлашуви, уларда ўзаро интегратив хусусиятнинг сусайишига олиб келиб, ўзига хос “аффект” ҳолатини юзага келтиради. Тадқиқотчи Рене Фокс жамиятда бир ижтимоий қатламга ғамхўрлик қилиниб, яъни позитив юксалишни таъминлаётган одамларга кўпроқ эътибор берилиб, бу жараёнда қатнашмаётган шахсларни эътибордан четда қолдириш, жамиятдаги яшириш шаклланаётган негатив ҳолатларни кўрмаслик, эътиборсиз қолган тоифа аъзоларида “аффект нейтралликка аффект муносабат” ёндашувини таркиб топтиради, дейди. Аффект муносабат эса, жамият тинчлиги, хавфсизлиги ва тараққиётга зид бўлган турли экстремистик оқимларга берилиш, радикализм, ақидапарастлик, беҳаёлик, бепарқлик иллатларига йўл очади.

Шу боисдан ҳам, Президент Шавкат Мирзиёев деярли 25 йил давлат ва жамият эътиборидан четда қолиб келган норасмий меҳнат мигрантларининг хорижий мамлакатлар (Россия, Қозоғистон)даги фаолиятини легитимлаштириш масаласи ҳал қилинишига эришди. Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатлари раҳбарлари ўртасида келишув шартномалари ҳамда меморандумлар имзоланди. Хориждаги ўзбекларнинг Миллий-маданий марказлари, турли нодавлат ташкилотлари билан бевосита алоқалари йўлга қўйилди.

Шу ўринда цивилизация билан боғлиқ ҳолда юзага келган яна бир ижтимоий иллат,

яъни прокрастинация ҳодисаси хусусида ҳам тўхталиш зарур деб ҳисоблаймиз. Прокрастинация феномени инсоннинг бунёдкорлик хусусиятини сусайтирувчи, унинг ялқовлик ва бефарқлик жиҳатларини кучайтирувчи омил сифатида инсон тараққиётини сустлаштириши билан жиддий хавф уйғотади. Бу ҳолат, яъни прокрастинацияга берилиш инсоннинг масъулияти ва тарбияланганлик даражасига бевосита боғлиқ бўлиб, бугунги кунда аксарият ривожланган мамлакатлар фуқаролари маънавиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, инсон томонидан зудлик билан бажарилиши лозим бўлган топшириқ ҳамда зарур ҳаётий вазифаларни ўз вақтида қилмаслик, тез қилиниши керак бўлган ишларни доимий равишда кейинга қолдириш хусусиятининг аввал эпизодик ҳолат, кейинроқ эса, одатланиш ва пировардида, кўникма даражасида шаклланиб қолиши билан хавфлидир. Бугунги кунда мазкур ҳолат ижтимоий иллат сифатида шаклланиб, деярли барча ривожланган мамлакатлардаги корхона ва муассасалар фаолиятида кузатилмоқда. Прокрастинация атамаси, биринчи марта, тадқиқотчи П.Рингенбахнинг 1977 йилда ёзилган “Прокрастинациянинг инсон ҳаётидаги ўрни” китобида қайд этилган. Прокрастинация ҳолатининг сабаблари Н.Милграм, Дж.Батори ва Дж.Моурер каби тадқиқотчиларнинг концепцияларига кўра бешта турга бўлинади:

1. Кундалик маиший турмушга доир ишларда намоён бўлувчи прокрастинацион ҳолатлар. Бунда айрим одамлардаги кундалик рўзғор юритиш билан боғлиқ юмушларни вақтида бажармасдан, ортга ташлаб юриш ҳолатининг турмуш тарзига айланиб қолиши назарда тутилади. Масалан, уй юмушларига доир маиший масалалар вақтида ҳал этилмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилади. “Ҳаммаси эртага бажарилади”, деган ёндашув одатий ҳолатга айланади.

2. Фаолият юзасидан қарор қилишга оид прокрастинация ҳолатлари – бунда бирор хизмат вазифасини бажаришини кейинга қолдириш назарда тутилади. Машҳур ёзувчи Маргарет Митчелнинг “Шамолларда қолган ҳисларим” китобидаги бош қаҳрамон Скарлетнинг шиори: “I’ll think of it tomorrow”, яъни “бу ҳақида эртага ўйлайман!” сўзлари

айрим Ғарб ёшларининг қанотли иборасига айланган.

3. Невротик прокрастинация – бунда шахс ўзининг ички кечинмаларидан келиб чиқиб, зарур ишларни кейинга қолдириши назарда тутилади. Аксарият ҳолларда шахснинг ўзини ўзи бошқара олиш кучининг заифлиги ҳамда унинг табиатида қатъий ишонч ва ғайрат ҳисси пастлиги сабаб бўлади: мен буни эглай олмайман, кучим, салоҳиятим, ақлим етмайди, деган фикрлар иш бажариш асносида унга халал бериб туради.

4. Комппульсив прокрастинация – бунда инсон зарурат туфайли мажбурий тарзда бажариладиган ишларни, онгли равишда, яъни ўзи хоҳламаганлиги учун кейинга қолдиради.

5. Таълимий прокрастинация – бунда ўқиш ва ўзлаштириш жараёнидаги вазифаларни бажаришни ялқовлиги сабабли кейинга қолдириш ҳолатлари назарда тутилади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, одамларнинг ўзаро суст уюшиш даражаси ёки фаол бўлмаган интегратив хусусиятлар ҳам жамиятда ислоҳотлар ва ўзгаришларга эътиборсиз бўлган ёшлар қатламининг таркиб топишига кучли таъсир кўрсатади.

Ижтимоий фаоллашиш йўлида инсоннинг бирламчи бўғиндаги фаоллашиш босқичида оила, яқин дўстлар, дугоналар, маҳалла муҳим ўрин тутуди. Собиқ советлар тузуми даврида ёшларни сохта коммунистик ғояларга интеграция қилишга асосий эътибор қаратилар эди. Яъни, боланинг узлуксиз равишда октябрят, пионер, комсомол бўлиб сиёсий тизимга интеграция бўлиши, уларнинг оилада тарбияланишига йўл қўймаслик, оиланинг миллий-маданий таъсиридан болани ажратишга урғу берилар эди. Ота-оналар таълим-тарбия ишини тўлалигича мактабга юклаб, ўзларини таълимий ва тарбиявий масъулиятдан четда тутишга кўникиб қолган эдилар. Бу ўз асоратини қолдирди. 2016 йилдан буён ўтказиб келинаётган тадқиқотларимизда фаол ота-оналарни ўз фарзандлари билан бевосита мулоқоти вақти 8-10 минутдан ошмай келмоқда. Мулоқот мазмуни ҳам, асосан, маиший йўналишдаги қисқа савол-жавоблардан иборат бўлмоқда. Таълимга, ўзаро муносабатларга, санъат, маданият, адабиётга интеграция бўлиш муаммо-

ларини боладан сўраш ва унинг ечимлари бўйича бамайлихотир маслаҳатлар бериш амалиёти кенг йўлга қўйилмаган.

Иккинчи муҳим субъектив омил – бу ёшларнинг табиий равишда уюшадиган кичик гуруҳлари (илмда “референт гуруҳлар” дейилади)да юз берадиган мулоқотлар мазмунидан на ота-она, на ўқитувчилар, на маҳалланинг хабардорлигидир. Референт гуруҳлар ёш йигит-қизнинг ҳаётини муаммолари, дунёқараши, меҳнатга, ота-онага, ватанга бўлган муносабатини шакллантирувчи ва мустақамловчи ижтимоий бирликдир.

Агар ёшларнинг қандай кичик гуруҳларга уюша бошлагани аввалдан эътиборга олиниб, унга таъсир ўтказилса, фарзанд тарбияси янада позитивлашар эди.

Учинчи субъектив омил оилаларда ёшларга мақсад тарбиясини болалиқдан бошлаб бериш амалиётининг сустигидир. Мақсадга эгаллик 10 ёшда тугалланиши ва шу ёшдан уни қатъий амалга оширишга киришиш аниқ белгилаб олинган мақсадни рўёбга чиқариш даври бўлиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, номарказлаштириш шароитида ижтимоий ривожланишга эришишнинг турли шакл ва усуллари синондан ўтказилмоқда. Жаҳон амалиётида одамларни ижтимоий ривожлантириш учун инсонларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий боғланишларнинг мақбул йўлига эътибор қаратилиб, энг мақбул йўл сифатида кластер моделига уйғунлашиш тавсия этилмоқда. Кластер усули – моҳият эътиборига кўра, боғланиб ҳаракатланиш демакдир. Шу боисдан ҳам кластер усулини нафақат иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, балки ижтимоий соҳаларда ҳам кенг қўллаш имконияти мавжуд.

Айниқса, инсон салоҳиятини юксалтиришга бевосита таъсир кўрсатадиган таълим соҳасида кластерларнинг амал қилиши ижтимоий ривожланиш мақсадларига айнамос келади. Таълим соҳасида кластерли ёндашув муайян бир таълимий ташкилотнинг инсонни ривожлантириш борасидаги ўз фаолиятини бошқа ташкилот ва муассасалардаги фаолият билан бирга, мажмуавий ёндашиб бажаришни зарурат даражасига кўтаради. Ҳозиргача бўлган амалиёт эса, бу борадаги бирор-бир таълимий ташкилот фаолиятининг бошқа муассасаларда амалга

ошириладиган иш билан уйғунлашмаган ва боғланмаган ҳолда кечаётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса, таълим соҳасидаги ишларнинг тизимли тарзда амалга оширилишига монелик қилади. Хусусан, боғчада бажарилган ишнинг мактабдаги бошланғич таълим сифатида, бошланғич мактабдаги таълим-тарбиянинг умумий ўрта таълим мактабидаги фаолиятга умуман таъсир кўрсатмай келишига, бир хил ишни қилаётган турли ташкилотлар фаолиятининг ўзаро алоқадор ва тақозовий тамойил асосида бўлмастлигига олиб келмоқда. Шу боисдан ҳам, ижтимоий кластерлар яратиш ғояси таълим-тарбия жараёнлари самарадорлигига бевосита позитив таъсир кўрсатиш имкониятини яратади. Мамлакатимизда ташкил этилиши режалаштириладиган ижтимоий кластерларнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- болаларда ўзликни англаш ҳаракатини 2-3 ёшдан бошлашга эришиш;

- коммуникатив салоҳият элементларини болаларда уларнинг эрта ёш вақтидан бошлаб шакллантириш ва мақсадли ривожлантириш;

- таълим олиш мотивини таркиб топтириш ва узвий ривожлантириб бориш;

- жамоа муҳитида умумий қоидаларга риоя этиш устуворлиги қадриятини шакллантириш;

- интизомли бўлиш ва тартиб-қоидаларга риоя этиш завқини ҳис этишга ўргатиш;

- вақт қадриятини англаш ва кундалик ҳаётни режали тарзда ўтказиш кўникмасини шакллантириш;

- таълим ва тарбия жараёнларида ижобий фазилатларга эга бўлишда корпоратив муҳитни юзага келтириш;

- истеъдодларни барвақт аниқлаш ва уларни мақсадли ҳамда самарали йўналтириш. Хуллас, номарказлаштириш шароитида ижтимоий ривожланиш масаласининг мақбул ечимлари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

1. Ўзбекистонда давлат томонидан инсонларни ижтимоий ривожлантириш учун яратиб бериладиган қулай иқтисодий, интеллектуал ҳамда сиёсий эркинликларга мос ва мутаносиб даражадаги жамият ҳамда ҳар бир шахснинг фаоллигини таъминлашга эришиш.



2. Турли ижтимоий тузилмаларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган жадал юксалиш жараёнларини ҳар бир инсон кесимида амалга ошишини таъминлаш учун аниқ режа ва “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш.

3. Одамларни ижтимоий ривожлантиришнинг замонавий усули бўлган кластерларга аҳоли турли табақалари вакиллари, хусусан, ёшларни уюштириш орқали уларни фаоллаштириш.

4. Ҳар бир шахс учун ўзини ўзи ривожлантириш бўйича индивидуал тараққиёт дастурларини таркиб топтириш, уни барча мактаблар ўқувчилари, университетларнинг ўқитувчи ва талабалари, турли корхона ва жамоат ташкилотлари ходимлари учун умумий тарзда жорий этиш ва бажарилиши устидан қатъий жамоат назоратини ўрнатиш, мониторингини йўлга қўйиш, ҳар бир маҳалла, оила ва мактаб ҳамкорлигида боланинг 5-7 ёшлигидан бошлаб, аниқ мақсадини, бўлажак касб-соҳа йўналишини шакллантиришга эришиш.

5. Китобхонлик маданиятини вертикал асосларда эмас, балки горизонтал асосларда, яъни “ота китобхон – бола китобхон”, “ўқитувчи китобхон – ўқувчи китобхон”, “ака китобхон – ука китобхон” тарзидаги ёндашувни, яъни ибрат омилини самарали қўллаш орқали китоб мутолааси тарғиботини кучайтириш.

6. Аҳоли турли табақалари вакиллари, хусусан, ёшларнинг замонавий ахборот технологияларини пухта ўзлаштиришлари, хори-

жий тиллар, хусусан, инглиз тилини мукамал ўрганишлари, спорт билан барчанинг доимий тарзда шуғулланишига эришиш.

7. “5 та муҳим ташаббус” ғоясини ҳаётга изчил жорий этиш, ёшларнинг замонавий ахборот технологияларини чуқур билишлари, халқ маданий меросини ўзлаштириши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, мутолаа маданияти кўникмаларига эга бўлиши ҳамда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва ролини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратиш долзарб масалалардан.

Номарказлаштириш шароитида инсон салоҳиятини кучайтиришни назарда тутувчи Президент Шавкат Мирзиёев томонидан асослаб берилган фаол ва масъулиятли шахс концепцияси инсон капиталини ҳам жадал ривожлантириш имкониятини яратади. Зеро, инсон капиталининг қиймати жамият қоидалари ва қонун талабларига монанд яшовчи инсонни ҳамда замонавий талаблар даражасида ишлай оладиган мутахассисни шакллантириш учун давлат томонидан сарф этилган маблағлар миқдори билан белгиланади, деб қайд этилмоқда. Таъкидлаш жоизки, инсон капитали унинг эгасидан ажралмайдиган ва ундан бу капитални ҳеч ким тортиб ололмайдиган мулк саналади. Индивидларга таянишдан ҳар томонлама чуқур билимларга эга шахсларга таяниш тенденциясининг кучайиши жамиятдаги барқарор тараққиётнинг ифодасидир. Шу боисдан ҳам инсон капитали жамиятнинг энг ноёб қадрияти ҳисобланади ва ижтимоий тараққиётнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2022. – 440 б.
2. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017. – 468 б.
3. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2022. – 591 б.
4. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2022. – 507 б.
5. Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаровон бўлади. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2022. – 396 б.
6. Мирзиёев Ш. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2022. – 404 б.
7. Салимов О., Қудбиев Ш., Куранбоев Қ., Азизов Х., Бекмуродов М., Тангриев Л. Бирдамлик халқнинг қудратли кучидир. – Т.: “Ёшлар нашриёт уйи”. – 2020. – 223 б.
8. Янги Ўзбекистон миллий ривожланишнинг янги даври. – Т.: “Akademiya”. – 2023. – 201 б.
9. Бекмуродов М. Замонавий бошқарув социологияси. – Т.: “Янги аср авлоди”. – 2020. – 372 б.

НОМАРКАЗЛАШТИРИШ – ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



Алишер ЭШАНКУЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси “Давлат бошқарувининг
сиёсий асослари” кафедраси доценти в.б.

Аннотация: мақолада давлат бошқарувини номарказлаштириш тушунчалари, йўналишлари, турлари, номарказлаштириш сиёсати, ушбу соҳадаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва миллий амалиёт ҳамда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, стратегик мақсад ва вазифалар тизими таҳлил қилинади. Шунингдек, давлат ҳокимиятининг қуйи органи – маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини номарказлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: номарказлаштириш сиёсати, вертикал бошқарув, ижро ҳокимияти, деволюция, деконцентрация, делегирование (ваколатларни узатиш), маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий Кенгаш, депутат, маҳалла еттилиги, маҳаллабай ишлаш тизими.

Децентрализация – важный фактор реформы государственного управления

Алишер Эшанкулов,
и.о. доцента кафедры

“Политические основы государственного управления” Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: в статье проводится системный анализ понятий, направлений, типов политики децентрализации, опыта развитых стран в этой области, национальной практики и принятых нормативно-правовых документов, стратегических целей и задач. Особое внимание

уделяется децентрализации деятельности нижестоящего органа государственной власти – органов местного управления.

Ключевые слова: политика децентрализации, вертикальное управление, исполнительная власть, деволюция, деконцентрация, делегирование (передача полномочий), органы местной государственной власти, местный кенгаш, депутат, махаллинская семерка, система работы “махаллабай”.

Decentralization is an important factor of public administration reform

Alisher Eshankulov,

Acting Associate Professor of the department of Political bases of Public Administration of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: this article conducts a systematic analysis of the concepts, directions, and types of decentralization policy, the experience of developed countries in this field, national practices, and adopted normative legal documents, strategic goals, and tasks. Special attention is given to the decentralization of the activities of the lower body of state authority – local government bodies.

Keywords: decentralization policy, vertical management, executive power, devolution, deconcentration, delegation (transfer of powers), local government bodies, local kengash, deputy, mahalla's seven, “mahallabay” work system.



Сўнги йилларда жаҳондаги кўплаб мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан давлат бошқарувини номарказлаштириш жараёнлари орқали такомиллаштиришга қаратилган жадал ислохотлар ўтказилмоқда [1]. Давлат бошқаруви тизимини ислох этишдаги янгича ёндашувлар, бошқарувнинг анъанавий кўринишларидан фарқли ўлароқ, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари ва масъулиятини кенгайтириш ҳамда ўз-ўзини бошқариш жараёнларининг долзарблашувига, бошқарувда самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг замонавий босқичи сифатида номарказлаштириш жараёнлари, унинг **назарий, ҳуқуқий** жиҳатлари ва **амалий** натижаларининг таҳлили **вертикал бошқарув** ва **ижро ҳокимияти тизимлари** фаолиятини такомиллаштириш ишлари тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилиб, қатор ижобий ютуқларга эришилаётганини кўрсатмоқда.

Номарказлаштириш жараёнининг **назарий жиҳатларига эътибор қаратадиган бўлсак**, у – юқори бошқарув органлари ваколатларининг бир қисмини қуйи ва маҳаллий органларга бериш, шу асосда қуйи бошқарув органлари мустақиллигини таъминлашдан иборат.

Давлат бошқарувини номарказлаштиришнинг асосий тарафдорлари **Жан Боден** ва **Иоганн Альтузиус** ҳисобланади. Ж.Боден суверен монополия назариясини шакллантирди [2]. У абсолютизмни назарий жиҳатдан нафақат Францияда, балки бутун Европада татбиқ этди. Суверен монолит давлат Европада XIX аср охиригача давлат бошқарувининг идеал модели сифатида сақланиб турди. Тахминан 1600 йилларда Ж.Боденнинг рақобатчиси сифатида немис давлат қурилиши назариётчиси И.Альтузиус ўз тадқиқотида федерал давлат назариясини илгари сурди. И.Альтузиуснинг назариясида монарх эмас, балки халқ суверен бўлиши керак деган ғоя

илгари сурилди ҳамда ҳуқуқий ваколатларни ва ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини максимал даражада маҳаллий ва минтақавий даражаларга берилишини талаб қилди [2]. Бироқ ушбу ғоя XX асрнинг охирига келиб долзарблигини йўқотди.

Бизнинг фикримизча, давлат бошқаруви ва ҳокимиятининг номарказлаштирилиши – бу давлат бошқаруви функциясининг маҳаллий ва қуйи бошқарув ташкилотларига бериш жараёнидир. Кенг маънода, ушбу тушунча ҳукуматнинг алоҳида ваколатлари, ҳуқуқ ва имтиёзларини ҳокимият тармоқлари ва ҳудудий тузилмалар орасида, шунингдек, фуқаролик жамияти ташкилотлари орасида қайта тақсимлаб, ҳудудларнинг ривожланиш ва аҳолининг долзарб муаммоларини жойида бартараф этишга эришиш йўллари ҳисобланади.

Номарказлаштириш жараёнларини – марказий давлат органлари ваколатларини бошқарувнинг қуйи органлари ва нодавлат ташкилотларга бериш орқали бошқарув жараёнини аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларига хизмат қилувчи механизм деб аташ мумкин.

Номарказлаштиришнинг бир неча турлари мавжуд:

- **маъмурий номарказлаштириш:** маҳаллий ҳокимият юқори ҳокимиятга ҳисобот беради;

- **сиёсий номарказлаштириш:** маҳаллий ҳокимият назарий жиҳатдан давлатдан мустақил, ваколатлар ва мажбуриятларга эга;

- **бюджет номарказлаштируви:** ҳокимият ваколатлари ва мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган ресурсларни ўтказиш билан боғлиқ;

- **бозор номарказлаштируви:** бунда аввал давлат институтларида бўлган режаллаштириш ва бошқарувни ўз ичига олувчи функциялар хусусий секторга (компаниялар, ННТ) ўтказилади [3].

Ҳар бир давлатда номарказлаштириш омиллари, асослари, шакллари ва таъсирлари мавжуд бўлиб, мамлакатларнинг табиати, шаклланиши, марказий ва маҳаллий ҳокимият ўртасидаги муносабатлар эволюцияси

ва уларда акс этувчи қадриятлар муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга, бошқарувни номарказлаштиришнинг турли вақт ва шароитларда шаклланган қуйидаги учта асосий модели мавжуд: Англиядаги – “**деволюция**”, Францияда – “**деконцентрация**” ва Германияда – “**делегирование**”.

“**Деволюция**” – (инг. т. **to devolve** феълидан) қуйи даражадаги ёки камроқ ваколатга эга бўлган шахс ёки гуруҳга ваколат ёки масъулиятни узатиш. “Деволюция” сиёсий номарказлаштириш турига яқинроқ, чунки қуйи даражаларда, гарчи чекланган соҳада бўлса ҳам, ўз сиёсий қарорларини қабул қилиш имкониятини беради [4].

“**Деконцентрация**” – қарор қабул қилиш ваколатларининг марказ ёки институтлар ўртасида тарқалиши: **ҳудудий** (марказ ва олис ҳудудларга қарор қабул қилиш ваколати тақсимланганда) ёки **ҳақиқий** (қарор қабул қилиш ҳаракатлари бир даражадаги бир нечта органларга тақсимланганда). Деконцентрациянинг **динамик** (малакаларни алмашиш жараёни, юқори органларнинг иерархик устунлиги сақланиб қолади) ва **статик** (алоҳида давлат органлари ўртасида ваколатларнинг тақсимланиши) маънолари мавжуд [5].

Умумлаштириб айтадиган бўлсак, деконцентрация марказий ҳокимият томонидан топширилган вазибалар асосида бўйсунувчи ҳудудларни бошқариш учун ишлаб чиқилган ва амалга ошириладиган маъмурий жавобгарлик тизимини назарда тутди. Деконцентрация, деволюциядан фарқли ўлароқ, маъмурий иерархиядаги муносабатларни бошқаради, деволюция эса, давлат ва маҳаллий ҳокимият ўртасидаги ҳар қандай иерархик муносабатларни истисно қилади.

“**Делегирование**” – ваколатларни узатиш (фран. т. **déléguer** “узатиш, ишониб топшириш, топшириш, ишонтириш”, лот. т. **dēlēgāre** “ажратиш, топшириш”, де – “ажралишни ифодаловчи префикс” + лот. т. **lēgāre** “ишониб топшириш, юклаш”) маъноларини англатади [6]. “Делегирование” – давлат ҳокимияти ва унинг ваколатлари номарказлашган ҳокимиятга (яъни юқори-

дан тайинланган эмас, балки сайланган) узатилиб, давлат номидан ва унинг манфаатларида амалга оширилади, яъни бу ҳолатда номарказлашган ҳокимият давлатга ҳисобот беради, чунки назорат олий ҳокимият томонидан амалга оширилади. Бу шакл марказлашув эмас, балки ваколатларнинг узатилиши сифатида белгиланади.

Шундай қилиб, номарказлаштириш бу маҳаллий миқёсда сайланган ҳокимиятнинг мавжудлиги, давлатнинг маъмурий ҳокимиятидан фарқли ўлароқ, қонун доирасида ўз ваколат ва мажбуриятларини бажариш, бунинг учун давлат назорати остида ўз-ўзини бошқариш мақомига эга бўлишдир.

Таъкидлаш керакки, давлат бошқарувини номарказлаштириш у ёки бу кўринишда кўплаб мамлакатларда мавжуд, келинг баъзи ривожланган давлатлар тажрибасини қиёсий таҳлил қилиб ўтамыз.

Буюк Британия тажрибаси узоқ вақтлар давомида номарказлашган сиёсий бошқарув намунаси бўлиб келган. Англияда административ бошқарув, тарихан, “**ҳамкорлик**” ва “**агентлик**” моделларида шаклланган [3]. Биринчи моделда – маҳаллий ҳокимиятлар, ўзларининг маҳаллий сиёсатини аниқлаш ва амалга оширишда катта мустақилликка эга бўлиб, парламент назорати остида марказий идораларга тенгдош ҳисобланган бўлса, “агентлик” моделида маҳаллий ҳокимиятлар марказий идоралар назорати остида миллий сиёсатни амалга оширади. Ваколатларни марказдан қуйи даражага ўтказиш – “деволюция” сўнгги йиллардаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлди.

Умумлаштириб айтганда, “инглизча” давлат бошқаруви номарказлашуви – марказий ҳокимият деволюцияси ва маҳаллий бошқарув жавобгарлигининг ошиши, давлат ҳамда жамият ўртасидаги турли шакллардаги ўзаро таъсирнинг кенгайиши ва ривожланишини англатади.

Германияда маҳаллий бошқарув деб аталади ва асосий немис қадриятлари шаклланиш тарихини акс эттиради, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг марказий ҳокимиятдан устуворлиги, горизонтал сиёсий-ижтимоий муносабатлар ва жамоат ўзини



Ўзи бошқариш шаклларининг ҳуқуқий мустақамланиши диққатга сазовор. Муҳим жиҳати шундаки, марказ ва коммуналар ўртасидаги муносабатлар Гамбург, Бремен, Любек каби тарихан эркин шаҳарлар ўз-ўзини бошқариш анъаналарининг таъсири остида ва иккита асосий – ҳуқуқий ва сиёсий йўналишлар шаклланган [3].

Қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, Буюк Британиядаги маҳаллий бошқарув ислохотларидан фарқли ўлароқ, немис ислохотлари ваколатларни тақдим этишда бозор тамойилларини жорий этишга эмас, балки босқичма-босқич фуқароларнинг иштирокига кўпроқ йўналтирилган. Шунга қарамай, ҳар икки давлатда ҳам ортиқча ижтимоий жавобгарликдан озод бўлиб, кўпчилик ижтимоий вазифалар маҳаллий жамоаларга ўтказмоқда.

Францияда давлат бошқаруви деконцентрациясининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Сиёсий-маъмурий тизим тўрт даражада – коммуна, департамент, минтақа ва давлатдан иборат. Номарказлаштириш жараёни маҳаллий автономиянинг даражасини кенгайтириш ва давлат назоратини камайтиришга қаратилган. Ислохотлар демократик тамойилларни кучайтириш ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни фаоллаштириш, кейинчалик бошқарув тамойилларини жорий этишга қаратилган эди. Бунда, жамиятнинг асосий қадриятлари – ижтимоий адолат, қонун устуворлиги, жамоат манфаатларининг шахсий манфаатлардан устунлиги кўзда тутилган.

Японияда номарказлаштириш жараёнлари 1995 йилда парламент ижроия ҳокимиятининг ваколатларини маҳаллий ҳокимиятларга узатиш тўғрисидаги қонун қабул қилиниши билан бошланган. Натижада, Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вазирлиги (**жичишō**) тугатилиб, унинг вазифалари янги ташкил этилган Умумий масалалар вазирлигига (**сōмучō**) ўтказилган, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига марказий ҳукумат томонидан аввал уларга топширилган ваколатлар қонуний равишда мустақамланди, шу тариқа марказий ва маҳаллий ҳокимият ўртасидаги махсус муносабатлар тизи-

ми (**инин жиму**) йўқ қилинди. 2006 йил декабрь ойида Японияда номарказлаштиришни рағбатлантириш тўғрисида қонун қабул қилинди ва Номарказлаштириш ислохотини қўллаб-қувватлаш қўмитаси ташкил этилди [7]. Натижада, ваколатларни префектуралардан муниципалитетларга қайта тақсимлаш, маҳаллий ҳокимиятга қўйиладиган талабларни либераллаштириш, марказий вазирликлар ва идоралар минтақавий ваколатхоналари тизимидан воз кечиш, маҳаллий солиқлар ва ҳудудларни молиялаштириш тизимини қайта ташкил этиш тизими ишга тушди. Шу билан бирга, кўплаб префектуралар “эркин ҳаракатланиш”га тайёр эмас ва давлатнинг ишончли даромад манбаи бўлиб қолишини талаб қилишмоқда.

Маҳаллий ҳокимиятлар фаолиятини кўриб чиқиш, уларнинг самарадорлиги ва масъулиятини ошириш, нафақат юқорида санаб ўтилган мамлакатларнинг, балки Ўзбекистоннинг ҳам кун тартибидаги долзарб масалалар [8].

Таҳлил натижаларига кўра, шуни айтиш мумкинки, давлат бошқарувини номарказлаштириш соҳасидаги ислохотлар аксарият мамлакатлар учун долзарб масала сифатида намоён бўлди. Бу, асосан, давлат ва ҳукумат органларининг жамиятдаги ролини янгидан англай бошлашга ва уларнинг фуқаролар билан ўзаро алоқаларини яқинлаштириш каби-ларга эришишга қаратилди.

Таъкидлаш керакки, норматив-ҳуқуқий ва ретроспектив таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда номарказлаштириш жараёнлари 2016 йилнинг сўнгидан бошлаб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ваколатлари кенгайтирилиши билан жадаллашиб кетди.

Хусусан, тадқиқот жараёнида Ўзбекистонда ушбу йўналишда олиб борилган ислохотлар муаллиф томонидан, шартли равишда, босқичларга бўлиб ўрганиб чиқилди, яъни 2017-2021 йилларда – маъмурий ва бюджет номарказлаштируви, 2022-2026 йилларга мўлжалланган сиёсий номарказлаштириш жараёнларига ўтиш ислохотлари чуқурлашиб кетди. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳар битта босқичнинг самарали

амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қатор тегишли норматив-ҳуқуқий актлар қабул қилиниб, қонуний мустаҳкамлаб қўйилди, жумладан:

биринчи босқичда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги **“Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги **“Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш ва маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги масъулиятини ошириш тўғрисида”**ги қарори қабул қилинди [9]. Ушбу норматив актлар ижроси юзасидан илк бор Тошкент шаҳри ва туманларида тажриба ўтказилди ва 2018 йилнинг охирига келиб, республика бўйлаб татбиқ этилди.

Шунингдек, номарказлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий асос сифатида 2017 йил 8 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”**ги Фармони қабул қилинди [10]. Концепциянинг *“Вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш”* йўналишида – республика давлат бошқаруви органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, вилоятдан туман (шаҳар) давлат ҳокимияти органларига ўтказишни назарда тутган ҳолда, давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш; давлат бошқарувининг турли даражадаги ўзаро функция ва ваколатларини, хусусан, умумдавлат миқёсидаги стратегик масалаларни республика ижро этувчи ҳокимият органларида қолдириш, шунингдек, улар томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган ваколатлардан лозим даражада фойдаланаётганлиги устидан назорат қилишни аниқ чегаралаш масаласи белгилаб қўйилди. Маъмурий ислохотлар концепциясининг ижроси жараёнида давлат бошқарувининг **93 та** органи ислоҳ қилин-

ган, шу жумладан, **77 та** вазирлик ва идора қайта ташкил этилган, **7** таси тугатилган ва **9** таси янгидан ташкил этилди.

Иккинчи босқичда давлат бошқарувини номарказлаштириш масалалари Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг **6-мақсади** [11] ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг **75-мақсадларида** [12] долзарб вазифа сифатида белгилаб ўтилган. Шунингдек, “Тараққиёт стратегияси”да маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштириш, давлат бошқаруви органлари фаолиятини “фуқароларга хизмат қилишга йўналтириш” тамойили асосида трансформация қилиш, давлат бошқаруви тизимида маъмурий аппаратни ихчамлаштириш масалаларига алоҳида урғу берилган [13].

Ушбу стратегик дастурларнинг кафолатли ижросини таъминлаш мақсадида, янги таҳрирдаги **Конституцияда** [14] белгиланган ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашлари ваколатлари тақсимланишига асосланган давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг янги моделини тўлиқ амалга ошириш, маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини кучайтиришнинг асосини яратиб беради.

Мамлакатимизда давлат ҳокимиятини халққа янада яқинлаштириш, халқ ҳокимиятчилиги асосларини кучайтириш мақсадида янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ **ҳокимлар ва маҳаллий Кенгашларнинг ваколатлари бир-бирдан ажратилди**. Аҳолининг жойлардаги долзарб муаммоларини ҳал этиш учун чинакам **“халқ овози”** бўлмиш маҳаллий Кенгашларга кенг ваколатлар берилди, маҳаллий Кенгашларга ҳоким эмас, балки **депутатлар орасидан сайланадиган раис бошчилик қилиши белгилаб қўйилди**.

Янги таҳрирдаги Конституциядан келиб чиқиб, ҳоким ва маҳаллий Кенгаш раислари лавозими ажратилганлиги муносабати билан уларнинг вазифа ва функциялари таҳлил қилинди. Таҳлиллар йиллар давомида қонунчиликдаги жадал ўзгаришлар натижасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига

700 дан ортиқ вазифа, функция ҳамда ваколатлар берилганлигини кўрсатмоқда [15]. Бу эса амалиётда ҳуқуқий жиҳатдан мураккабликларга ҳамда ҳаддан ташқари тартибга солишга сабаб бўлмоқда. Бундай ваколатлар: **12 та** кодекс, **87 та** қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **54 та** фармони ва **95 та** қарори ҳамда ҳукуматнинг **169 та** қарорида акс эттирилган [15].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, янги Конституцияда белгиланган қоидаларни тўлақонли рўёбга чиқариш, қонунчиликнинг тизимлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги **“Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони қабул қилинди [1].

Фармонда белгиланган вазифалар таҳлили шундан далолат бермоқдаки, маҳаллий даражада давлат ҳокимиятини трансформация қилиш, том маънода, халқчил тизимни жорий этишга қаратилган муҳим сиёсий ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Хусусан, Ўзбекистон маҳаллий бошқаруви тарихида илк бор маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини янги модель – **“Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким”** тамойили асосида ислоҳ қилишга қаратилган қатор қоидалар белгилаб берилди.

Фармон Конституциявий ислохотларнинг давоми сифатида халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш вакиллари фаолиятида туб бурилиш ясайди. Бунда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига берилаётган ваколатлар доирасида сиёсий партияларнинг масъулияти янада ошади. Яъни сиёсий партиялардан келажакда маҳаллий Кенгашга сайланадиган, умуман, депутатликка номзодларга нисбатан “янгича қараш”ни талаб этади. Сабаби, маҳаллий Кенгашга берилаётган **33 та ваколат** доирасида фаолият олиб боришлари учун, уларда турли соҳалар бўйича юқори билим ва малакалар талаб этилади. Яъни тизимнинг тўлақонли ишлаб кетиши учун депутатлар тайёр бўлиши керак бўлади.

Таъкидлаш жоизки, шу кунга қадар маҳаллий давлат бошқаруви тизимида ҳоким ҳам ижро этувчи орган ва халқ депутат-

лари маҳаллий Кенгаш раҳбарлигини бажариб келган бўлса, фармон ижросига биноан маҳаллий Кенгаш раҳбари депутатлар таркибидан сайланади. Натижада, ҳокимиятнинг “ўзига ўзи ҳисобот бериши” амалиёти кун тартибидан чиқади. Ҳокимларга маҳаллий Кенгаш раиси лавозимини эгаллаши тақиқланмоқда, бу жараён Тошкент шаҳри ва вилоятлар миқёсида 2024 йилдан, туман ва шаҳарларда эса, 2026 йилдан бошланади ва вазифалар такрорланишининг олди олиниши, ҳокимлар устидан таъсирчан назорат ўрнатилишини кўзда тутаяди.

Бундан ташқари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг давлат органларининг ҳисобот (ахборот)ларини эшитишга доир жами **38 та** ваколат ва функциялари **10 тага** бирлаштирилган ҳолда тизимлаштирилиши, **17 та** ваколатидаги ҳисоботни (ахборотни) эшитиш даврийлиги аниқлаштирилиши белгиланди. Масалан, ҳоким ва ҳоким ўринбосарларининг **7 турдаги** (*бюджет; дастурлар ижроси; кичик бизнес, тадбиркорлик, аҳоли бандлиги; кредитлар ажратиш; ҳоким ёрдамчилари ҳисоботларини*) эшитиш – ҳокимларнинг маҳаллий бюджет ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси бўйича ҳисоботларини эшитиш доирасида кўриб чиқилиши белгиланди. Натижада, маҳаллий Кенгашларнинг ҳисобот ва ахборот эшитишга оид иш юклаваси **134 тадан 45 тага** (ёки 66 %) қисқартирилиши белгилаб олинди [1].

Шунингдек, ўз аҳамиятини йўқотгани ва такрорлангани сабабли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг профилактика инспекторларини лавозимга тасдиқлаш ва уларнинг ҳисоботини эшитиш, ҳоким ўринбосарларининг турли йўналишлар бўйича ҳисоботларини эшитиш каби жами **17 та** вазифаси бекор қилиниши белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, асосий ижобий ўзгаришлардан бири сифатида конституциявий ислохотлар натижасида 2024 йилги сайлов якунлари бўйича, **дастлаб, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида, сўнгра 2026 йилдан эътиборан туман (шаҳар) Кенгашларида Кенгаш раислари ва ҳокимлар** алоҳида-алоҳида фаолият

юретиши белгиланди. Шу сабабли, амалдаги қонунчилик билан бугунга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклатилган умумий вазифа ва функцияларнинг маҳаллий вакиллик органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида аниқ тақсимланиши белгиланмоқда [15].

Таҳлиллар жараёнида маълум бўлишича, бугунги кунда *кўпчилик депутатларнинг фаол эмаслиги, айримларининг салоҳияти етарли даражада эмаслиги ва маҳаллий Кенгашга сайланган депутатларнинг асосий иш жойларидан вақт орттириб, депутатлик фаолияти билан шуғулланишлари учун вақт етмаслиги* билан боғлиқ муаммоларнинг ечими кун тартибига чиқмоқда. Шунингдек, ҳозирга қадар аксарият депутатлар – бир вақтнинг ўзида депутатлик фаолиятини олиб бораётган ҳудудда давлат идораси ва ташкилоти раҳбари лавозимида ҳам фаолият олиб боришади, ушбу ҳолат келажакда, бундай мақомдаги депутатларнинг фаолият олиб бориши – яратилаётган тизимнинг ишлашига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистонда номарказлаштириш жараёнлари хусусида гап борганда “Маҳаллабай” ишлаш тизими ҳам алоҳида эътибор қаратмасликнинг имкони йўқ. Жумладан Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам бугун халқимизни рози қилиш, жойлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида ишларни “маҳаллабай” ташкил этиш бўйича мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тизимли ишлар олиб борилганлигига тўхталиб ўтар экан, ислохотлар ижросини “тепадан – пастга” тамойили асосида олиб бориш зарурлигини таъкидлаб ўтган эди [16].

Шу билан бирга, “Хотин-қизлар фаоли”, “Ёшлар етакчиси”, “Ҳоким ёрдамчиси” ва “Маҳалла еттилиги” институтларининг жорий этилиши, ўзини ўзи бошқариш органларини жойларда муаммоларни ҳал этадиган чинакам институтга айлантириш, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва қўйи бўғиннинг ўзида бартараф этиш масалаларини бугунги ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида эътироф этишимиз ўринли.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ривожлантириш ва давлат бошқарувини номарказлаштириш” лойиҳаси ишга туширилган. 2023 йил 14 декабрь куни Адлия вазирлиги ҳамда АҚШ Тараққиёт агентлиги (ЮСАИД) билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда хабар берилишича, Адлия вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва АҚШ Халқаро тараққиёт агентлигининг (Chemonics International) ўзаро ҳамкорлигида амалга оширилаётган мазкур лойиҳанинг умумий қиймати **15.2 млн АҚШ доллари**ни ташкил қилади. Мазкур лойиҳа, ҳозирда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишга кўмак беради [17].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, умуман олганда, Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияларининг эволюцияси марказлашган бошқарувдан номарказлашган бошқарувга ўтишни акс эттиради, бу эса, олиб борилаётган ислохотларни жамиятнинг қўйи бўғинигача етиб боришини таъминлаш, уларни амалга оширишда жамиятнинг ҳар бир аъзоси фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар яратилишига алоҳида эътибор қаратади.

Номарказлаштириш борасидаги ислохотларнинг ҳозирги босқичида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига берилаётган ваколатлар доирасида сиёсий партияларнинг масъулияти янада ошади. Яъни сиёсий партиялардан келажакда маҳаллий Кенгашга сайланадиган, умуман, депутатликка номзодларга нисбатан “янгича қараш” талаб этилади. Бунга сабаб, маҳаллий Кенгашга берилаётган ваколатлар доирасида фаолият олиб боришлари учун, уларнинг турли соҳалар бўйича юқори билим ва малакаларга эга бўлиши талаб этилади.

Давлат бошқаруви тизимидаги ушбу ўзгаришлар фуқароларнинг бошқарувда фаол иштирок этишини таъминлаш ва фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга шароитлар яратишга қаратилган бўлиб, бу демократик давлатларнинг умумжаҳон ривожланиш тенденцияларига мос келади.



Юқорида қайд этилган мавжуд ҳолатни инobatга олган ҳолда қуйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Давлат бошқаруви академияси, Ижтимоий фикр жамоатчилик маркази ва Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази томонидан ҳамкорликда ҳозирда фаолият юритаётган барча депутатлик корпуси вакилларининг фаолият самарадорлигини

танқидий ўрганиб чиқиш. Таҳлил натижалари асосида **“Депутатлар рейтинг” тизимини** ҳамда **“Келажак депутати” мезонларини** ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- ҳокимларга маҳаллий кенгаш раиси лавозимини эгаллашини тақиқловчи, вилоятлар ва туман (шаҳар) Кенгашларида Кенгаш раислари ва ҳокимлар алоҳида-алоҳида фаолият юритишининг ҳуқуқий тартибга солинишини таъминлаш.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-28-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/6789350>
2. Гоптарева, И. Б. Политический анализ концепции федерализма. Монография. Оренбург: Южный Урал, 2002. – С. 38.
3. Трофимова И.Н. Децентрализация государственного управления и особенности центр-локальных отношений в европейских странах. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/detsentralizatsiya-gosudarstvennogo-upravleniya-i-osobennosti-tsentr-lokalnyh-otnosheniy-v-evropeyskih-stranah/viewer>
4. M.Barański, S.Kantyka, S.Kubas, M.Kuś, Samorząd terytorialny i wspólnoty lokalne, Варшава, 2007. B.Dolnicki, Samorząd terytorialny, Краков, 2016. W.Zajac, Zasadniczy trójstopniowy podział terytorialny Polski. Komentarz do przepisów, Варшава, 1999.
5. Decentralization and local democracy in the world: first global report by United Cities and Local Governments, 2008. Op. cit. – P. 314.
6. Колесник С.А. Децентрализация государственной власти: зарубежный опыт // Юридическая наука. 2018. № 2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/detsentralizatsii-gosudarstvennoy-vlasti-zarubezhnyy-opyt> (дата обращения: 04.03.2024).
7. Сапрыкин Д.А. Децентрализация – составная часть “Абэномики” // Ежегодник Япония. 2013. № 42. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/detsentralizatsiya-sostavnaya-chast-abenomiki> (дата обращения: 05.03.2024)
8. Бекчанов Д. Маҳаллий давлат ҳокимияти: Япония тажрибаси ва Ўзбекистон. // Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. – Т.: “Akademiya”. – 2015. – 166 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги “Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5075-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3232501>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш ва маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги масъулиятини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3042-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3232396>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сонли Фармони. Lex.uz
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. URL: <https://lex.uz/docs/5841063>
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли Фармони. URL: <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
13. Юлдашев А. Давлат фуқаролик хизматчилари касбий ўсишини бошқариш тизимининг илмий-амалий асослари. // “Жамият ва бошқарув”. 2022 йил 4-сон. – 150 б.
14. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>
15. Матибаев Т. Маҳаллий Кенгашлар ривожланса, ислохотлар самарадорлиги ошади. https://uza.uz/uz/posts/mahalliy-kengashlar-rivozhlanisa-islohotlar-samaradorligi-oshadi_571467?q=%2Fposts%2Fmahalliy-kengashlar-rivozhlanisa-islohotlar-samaradorligi-oshadi_571467
16. Умаров А.Ю., Эшанкулов А.П. “Xavfsiz va obod mahalla davlat taraqqiyotining garovi” (Xavfsiz mahalla – farovon oila) tizimini ijtimoiy hayotga joriy etishning samaradorligini ta’minlash mexanizmlari” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to’plami. – 87 б.
17. Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимият органларини ривожлантириш бўйича янги лойиҳа ишга туширилмоқда. <https://adliya.uz/uzb/posts/o%CA%BBzbekistonda-mahalliy-hokimiyat-organlarini-rivoj#!>

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ



Фируз МАХМУДОВ,

Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази директори ўринбосари, Тошкент давлат юридик университети “Маъмурий ва молия ҳуқуқи” кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: мазкур мақолада давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг юридик табиатини тушуниш бўйича доктриналар қарашлар миллий ва хорижий олимларнинг илмий фикр ҳамда қарашлари асосида таҳлил қилинган. Мақолада давлат фуқаролик хизмати соҳаси асосий фундаментал асос сифатида танланиб, ундаги манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар муҳокама қилинган. Тадқиқот якуни юзасидан давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш масалалари илмий-назарий жиҳатдан асослантирилиб, фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: давлат фуқаролик хизмати, коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви, шахсий манфаатдорлик, коррупция, Хулқ-атвор кодекси.

Теоретико-правовой анализ конфликта интересов на государственной гражданской службе

Фируз Махмудов,

доктор философии по юридическим наукам (PhD), заместитель директора Центра профессионального обучения юридических кадров по международным стандартам, доцент кафедры административного и финансового права Ташкентского государственного юридического университета

Аннотация: в данной статье анализируются доктринальные взгляды на понимание правовой природы конфликта интересов в деятельности государственных гражданских служащих на основе научных мнений и взглядов отечественных и зарубежных ученых. В статье в качестве фундаментальной основы выбрана сфера государственной гражданской службы и рассмотрены случаи, связанные с конфликтом интересов в ней. По итогам исследования с научно-теоретической точки зрения были обоснованы вопросы предотвращения конфликтов интересов на государственной гражданской службе, а также разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию деятельности.

Ключевые слова: государственная гражданская служба, борьба с коррупцией, конфликт интересов, личный интерес, коррупция, Кодекс поведения.

Theoretical and legal analysis of the conflict of interests in the Public civil service

Firuz Makhmudov,

PhD (in Law), Deputy Director of Center for Professional training of lawyers by International Standards, Associate Professor of the Department of Administrative and Financial Law of Tashkent State University of Law



Abstract: *in this article, the doctrinal views on understanding the legal nature of the conflict of interests in the activities of state civil servants are analyzed based on the scientific opinions and views of national and foreign scientists. In the article, the field of public civil service was selected as the main fundamental basis, and the cases related to the conflict of interests in it were discussed. At the end*

of the research, the issues of preventing conflicts of interest in the state civil service were substantiated from a scientific and theoretical point of view, and suggestions and recommendations were developed regarding the improvement of the activity.

Keywords: *public civil service, fight against corruption, conflict of interest, personal interest, corruption, Code of conduct.*

Мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигига эришиш ва уни сақлаб қолиш, муҳофаза салоҳияти, ички ва ташқи сиёсатни самарали амалга ошириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва бошқа соҳаларнинг тараққиёти кўп жиҳатдан мазкур тизимдаги давлат фуқаролик хизматчиларининг самарали фаолиятига боғлиқ. Яъни бугунги жадаллик билан олиб борилаётган ислохотларнинг натижадорлиги ҳам “барча масалаларни кадрлар ҳал қилади” деган принцип билан бевосита боғлиқдир. Айни шу жиҳатдан, бугунги давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ илмий-ҳуқуқий масалаларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Манфаатлар тўқнашуви ҳам ҳуқуқий, ҳам илмий, ҳам политологик ва сиёсатшунослик нуқтаи назаридан сиёсатшунос, социолог, менежмент тадқиқотчилари ва ҳуқуқшунос олимларнинг эътибор марказида бўлиб келмоқда. Бугунги кундаги замонавий кўринишлари ва юзага келиш эҳтимолларининг ортиб бораётганлиги унга нисбатан ҳуқуқий таҳлил ва илмий муносабатни шакллантиришнинг долзарблигини янада оширади. Фикримизча, сўзлар бирикмасидан ҳосил бўлган манфаатлар тўқнашуви категориясини, аввало, ҳар бир сўзнинг ўзаро маъносини англаш орқали кўриб чиқиш керак.

Масалан, “манфаат” атамаси бевосита наф, фойда, эҳтиёж ва хоҳиш, шунингдек, қийматга эришиш маънолари билан узвий боғлиқдир. Бу борада, ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларига эътибор қаратадиган бўлсак, М.Першиннинг фикрича, манфаат субъектнинг ўзига хос ҳаёт шароитларига муносабати, эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолат бўл-

са [1, 63-б.], С.Михайловнинг қайд этишича, манфаат субъект ва унинг атрофидаги шароитлар ўртасидаги боғлиқликдир [2, 15-25-б.]. Г.Муродуллаева эса, манфаатни жисмоний шахсларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ тушунча сифатида таърифлайди [3, 16-б.]. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса, *манфаат* сўзи арабча сўздан олинган бўлиб, фойда, даромад, моддий, маънавий ва бошқа жиҳатдан кўриладиган наф деган маъноларни англатиши қайд этилган [4, 404-б.]. Юқоридаги фикрлар мазмунидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бизнинг фикримизча, *манфаат* сўзи субъектнинг ижтимоий муносабатлардаги моддий ёки номоддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ва субъектив нуқтаи назардан мотив ва мақсадларда ифодаланадиган, бирор-бир вазият, объект ёки бошқа муносабатлардан ўзи учун фойдаланишни англатади.

Тўқнашув сўзи эса, асосан, салбий ҳолатни ифодаладиган ва барча ижтимоий муносабатларда ишлатиладиган атама саналади. Хусусан, социологияда конфликт томонларнинг ижтимоий ўзаро таъсири жараёнида манфаатлар, мақсадлар ва эҳтиёжларнинг тўқнашуви натижасида юзага келадиган вазият саналади [5, 482-б.]. Иқтисодий соҳада эса, “конфликт” бу томонларнинг иқтисодий фойда ва даромад олиш жараёнидаги қарма-қаршилигини англатадиган тушунчадир [6, 479-б.]. Фалсафий нуқтаи назардан фикр ва қарашларнинг турличалиги, уларнинг бир-бирини рад этиши ва тўқнашишини ифодаладиган тушунчадир [7, 498-б.]. Лекин шу ўринда қуйидаги фикрларга тўлалигича қўшилиш мумкинки, бошқа соҳаларда тўқнашув атамасини нейтрал ва баъзи ўринларда ривожланиш, рақобат нуқтаи назаридан ижобий ҳодиса сифатида баҳолаш мум-

кин бўлса-да, лекин юридик соҳада тўқнашув салбий ва уни доимо бартараф этиш ёки ҳал қилиш зарурдир [8, 1-б.].

Тушунчанинг аниқ моҳиятини очиб берадиган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га мурожаат қиладиган бўлсак, *тўқнашув* сўзи лотинча “сонфлистус” сўзидан олинган бўлиб, қарама-қаршилик, қарама-қарши томонлар, қарама-қарши фикр, куч, келишмовчилик ва низо, шунингдек, қарама-қарши куч ва фикрларнинг тўқнашуви маъноларини билдиради [9].

Юқорида алоҳида сўзлар сифатида таҳлил этилган *манфаат* ва *тўқнашув* сўзлари ҳуқуқий норма ва салбий вазият сифатидаги манфаатлар тўқнашуви атамасини бевосита билдирмайди. Лекин тадқиқот объекти бўлган мазкур атама давлат бошқарувининг сифати, қонунийлик, ҳуқуқ устуворлигини таъминлашда тартибга солиш зарур бўлган, коррупция ҳолатларини бартараф этишга бевосита алоқадор бўлган вазиятдир. Фикримизча, эндиги таҳлилларни манфаатлар тўқнашувини илмий-доктринал, миллий-ҳуқуқий ҳамда халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш унинг моҳияти ва юридик соҳадаги ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятини янада тўлиқ тушуниш имконини беради.

Манфаатлар тўқнашувини тушунишга нисбатан илмий-доктринал фикрларга эътибор қаратадиган бўлсак, турли хил мактаблар шаклланганлигини кўриш мумкин. Хусусан, айрим олимлар гуруҳи (С.С.Фролов, П.Ф.Друкер, А.Г.Здравомыслов, А.Ф.Ноздрачев, Ж.Холлидай, С.Веисман, Х.Хекхаузен, V.Urey, А.К.Зайцев, А.Дементиев, М.Каландарова ва бошқалар) манфаатлар тўқнашувини нейтрал маънода, яъни ҳар доим ҳам зарарли оқибатлар келтириб чиқармайдиган ҳолат сифатида қарашади. Бошқа мактаб вакиллари (Б.Турвей, А.Иляков, Д.Дедов, А.Соловев, Н.Ахметова, Б.Ахроров, Б.Исмаилов, Н.Саид-Газиёева, Г.Муродуллаева) эса, унинг ижтимоий зарари ҳақида гапириб, мамлакат ривожига ҳар доим зарарли деб ҳисоблашади.

Фикримизча, иккинчи мактаб вакиллари фикрларини ҳам инobatга олган ҳолда биринчи мактаб вакилларининг фикрларини

тўлалигича қўллаб-қувватлаган бўлар эдик. Бизнингча, шахснинг ҳаёт кечириши “манфаат” тушунчаси билан узвий боғлиқ экан, ҳар доим манфаатлар тўқнашуви шахс, давлат ва жамият ҳаётида юзага келади. Содда қилиб айтганда, давлат хизматчиси ва давлат мавжуд экан, манфаат ҳар доим улар билан ёнма-ён юради. Лекин иккинчи мактаб вакилларининг фикрларига шу ўринда қўшилиш мумкинки, қачонки юзага келган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатдан давлат фуқаролик хизматчиси ўзини четга олмас, бу тўғрисида хабар бермас ва натижада, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатга йўл қўяр экан, албатта, унинг ижтимоий-ҳуқуқий зарари ва салбий натижалари юзага келади.

Ёки бошқа шаклланган илмий мактаб вакиллари ғояларига эътибор берадиган бўлсак, баъзи мактаб вакиллари (Г.Муродуллаева, Б.Ахроров, Б.Исмаилов, А.Воъриев, М.Флорин, Ф.Зиболд, О.Панина, К.Харченко, А.Ноздрачев, А.Иляков, Н.Красюкова, Д.Дедов ва бошқалар) манфаатлар тўқнашувини алоҳида тадқиқот объекти сифатида кўриш ва таҳлил қилиш, ўрганиш зарур эмас деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрларига кўра, манфаатлар тўқнашуви коррупция ифода-лайдиган ҳолатни англатади ва бу жараёни коррупцияга қарши курашиш доирасида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Бошқа олимлар гуруҳи (К.Тожибоев, Г.Саттаров, Б.Волженкин, Н.Кузнецова, Р.Зуфаров, М.Рустамбоев, Н.Саид-Газиёева, Ҳ.Жамес, М.Каландарова ва бошқалар) эса, манфаатлар тўқнашувини алоҳида объект сифатида кўриб, уни коррупциядан мутлақо фарқ қиладиган, унинг бир кўриниши бўлса-да, ҳуқуқий тартибга солиш ва олдини олиш, бу борада махсус механизмларни жорий этишга алоҳида муносабат ва эътибор билан қарашади. Фикримизча, мазкур ёндашув тўғрироқ бўлиб, манфаатлар тўқнашувини ўрганиш, олдини олиш ва бу борада самарали механизмларни жорий этиш учун махсус муносабатни шакллантириш имконини беради.

Ҳуқуқшунос олимларнинг манфаатлар тўқнашувини тушуниш бўйича илмий-наза-

рий фикрларига эътибор қаратадиган бўлсак, М.Каландарованинг фикрича, манфаатлар тўқнашувига юридик конфликт эмас, балки унга ишора сифатида қараш мумкин [10]. Б.Ахроров эса, манфаатлар тўқнашуви деганда, мансабдор шахслар томонидан ҳоқимият ёки мансаб ваколатларидан қонунга зид равишда фойдаланиб, оммавий тарзда моддий ёки номоддий манфаатдорликка эришиш тушунилишини айтиб ўтади [11, 145-б.]. Яна бир миллий ҳуқуқшунос олим А.Воъриевнинг таъкидлашича, манфаатлар тўқнашуви (шахсий манфаатдорлик) ташкилот ходимининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатётган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан ташкилотнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келадиган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият [12]. Фикримизча, юқоридаги дастлабки икки олимнинг фикрлари манфаатлар тўқнашувининг айрим хусусиятларини очиб берган бўлса, бу борада А.Воъриевнинг фикрлари моҳиятан анча тўлиқ ва унга тўлалигича қўшилишимиз мумкин.

Манфаатлар тўқнашувини мамлакатимизда чуқур таҳлил қилган яна бир ҳуқуқшунос олим Б.Исмаилов эса, манфаатлар тўқнашувининг мазмунини манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни маиший коррупция билан алоқадорлигида, кичик миқдордаги порахўрлик, тижорий пора олиш, кичик совға ва мукофотларни олиш ва шу каби маиший манфаатдорлик масалалари ташкил этишини айтиб ўтади [13, 45-46-б.]. Бошқа бир гуруҳ олимларимиз эса, манфаатлар тўқнашувини давлат хизматчиларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўладиган вазият сифатида баҳолайдилар [14, 136-б.]. Бу борада дастлабки таърифда манфаатлар тўқнашувининг манфаатдорлик билан боғлиқ иқтисодий объект ва элементлари айтиб ўтилган бўлса, иккинчи таърифда манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг субъектив

омиллари (холислик ва беғаразлик, мотив ва мақсад) очиб берилган.

Тадқиқот объекти юзасидан Г.Муродуллаеванинг фикрлари ҳам манфаатлар тўқнашувини илмий-назарий жиҳатдан анча тўлиқ очиб берган: манфаатлар тўқнашуви давлат хизматчисининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз хизмат ваколатларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда фуқаро, жамият ёки давлат органининг шахсий манфаатдорлиги ва ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келадиган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазиятдир [15, 31-56-б.]. Фикримизча, ушбу таърифда субъектлар доирасини янада тўлдириш, жумладан, манфаатлар тўқнашуви нафақат давлат хизматчисининг, балки унга алоқадор бўлган учинчи шахслар манфаатига ҳам қаратилган бўлиши мумкинлигини инобатга олиш лозим.

Илмий-назарий фикрларга қисқа хулоса қилган ҳолда айтишимиз мумкинки, жаҳон амалиётида манфаатлар тўқнашувининг асосий моҳиятини шахсий манфаатдорлик, бунинг натижаси ва салбий жиҳати эса, давлат ва жамият манфаатлари бузилиши ёки шу хавф остида қолиши билан характерланади.

Доктринал қарашлар билан бир қаторда, ҳуқуқий нормалар манфаатлар тўқнашувини кенг доирада таҳлил қилиш ва тушуниш имконини беради. Миллий қонунчиликдаги таърифлардан олдин халқаро ҳужжатлар мазмунига эътибор берадиган бўлсак, манфаатлар тўқнашувини тушунишга оид қоидаларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясида учратиш мумкин. Мазкур Конвенциянинг 7-моддасига асосан, ҳар бир иштирокчи давлат ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ ошкораликни таъминлайдиган ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олувчи тизимларни яратиш, қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга интилиши белгиланган [16]. Бундан ташқари, 8-моддада оммавий хизматдаги (давлат хизмати) мансабдор шахслар ўз функцияларини амалга оширишлари

давомида турли манфаатдорлик билан боғлиқ манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслигига оид нормалар белгиланган. Мазкур халқаро ҳужжатда манфаатлар тўқнашувининг айнан таърифи берилмаган бўлса-да, юқоридаги қоидалардан манфаатлар тўқнашуви давлат хизмати соҳасида, хизматчиларнинг ўз ваколатларини амалга оширишлари давомида, шахсий манфаатдорлик асосида юзага келишини англаш мумкин.

Бундан ташқари, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Мансабдор шахсларнинг Хулқ-атвор кодексида (Code of Conduct for OECD Officials) манфаатлар тўқнашуви ташкилот мансабдор шахсининг жамоат вазифалари ва шахсий манфаатлари ўртасидаги зиддиятни ўз ичига олиши, бунда манфаатдорлик мансабдор шахс ўз хизмат вазифалари ва мажбуриятларини бажаришга нотўғри таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазият эканлиги қайд этилган [17]. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган Давлат мансабдор шахсларининг Халқаро хулқ-атвор кодексида [18] ҳам юқоридаги каби нормаларни учратиш мумкин.

Энди эса, манфаатлар тўқнашувини тушунишга оид қоидаларни миллий қонунчилик нуқтаи назаридан кўриб чиқишимиз мақсадга мувофиқ. Жумладан, манфаатлар тўқнашувининг ҳуқуқий атама сифатида тўлиқ ва батафсил таърифи, дастлаб, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда белгиланган. Унга кўра, манфаатлар тўқнашуви шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият саналади [19].

Бундан ташқари, давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашувининг мазмунига оид қоидалар тадқиқот ишимиз билан

боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунда ҳам белгиланган. Жумладан, манфаатлар тўқнашуви давлат фуқаролик хизматчисининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз хизмат ваколатларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда фуқароларнинг, жамиятнинг ёки давлат органининг шахсий манфаатдорлиги ва ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келадиган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазиятдир [20].

Аввало, эътибор бериш керакки, юқоридаги таърифлар мазмуни жиҳатдан деярли бир хил бўлса-да, айрим фаолият ва субъектлар нуқтаи назаридан фарқлигини кузатиш мумкин. Фикримизча, тегишли қонунлардаги мазкур таърифлар манфаатлар тўқнашувига юридик жиҳатдан баҳо берган бўлса-да, унинг моҳиятини илмий-назарий жиҳатдан шарҳлашга эҳтиёж мавжуд. Жумладан, айрим олимлар манфаатлар тўқнашувида фақат шахсининг (мансабдор шахс ёки давлат хизматчиси) ўз манфаатдорлиги бўлишини қайд этсалар, бизнингча, нафақат яқка шахсининг, балки бошқа учинчи шахслар, масалан, унинг қариндошлари, танишлари, ходимлари ва бошқалар учун ҳам манфаатдорликни келтириб чиқариши мумкин. Юқоридаги қонун нормаларида учинчи шахслар тилга олинмаган ва шахсий манфаатдорлик назарда тутилган бўлса-да, билвосита манфаатдорлик деганда, бошқа шахслар манфаатдорлиги назарда тутилаётганлигини тушуниш мумкин. Яъни шахсий бевосита манфаатдорлик бу давлат хизматчисининг ўзи билан боғлиқ бўлса, шахсий билвосита манфаатдорлик унга алоқадор учинчи шахслар манфаатини ҳам ўз ичига олади.

Бундан ташқари, таърифнинг яна бир жиҳати манфаатлар тўқнашуви бу давлат хизматчисининг ўз вазифаларини лозим даражада бажаришига таъсир қиладиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган вазият эканлиги айтилмоқда. Таҳлил нуқтаи назаридан айтишимиз мумкинки, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазият юзага келганда реал

хавф мавжуд, лекин давлат хизматчисини ундан ўзини олиб қочса хавф мавжуд бўлгани билан қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилмайди. Бу таърифнинг биринчи қисмига тегишли бўлса, кейинги асос келажакда вазифани бажаришга таъсир қилиш эҳтимоли билан боғлиқ.

Шу ўринда таърифларда эътибор бериш керак бўлган яна бир масала манфаатлари тўқнашадиган субъектлар доираси билан боғлиқ. Бу борада юқоридаги икки қонундаги тафовутлар, яъни “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун умумий равишда, давлат фуқаролик хизмати эса, мазкур хизмат соҳасидан келиб чиқиб субъектларни белгиланган бўлса-да, фикримизча, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунга “давлат ташкилотининг”, “давлатнинг” деган жумлаларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки давлат фуқаролик хизмати соҳасида ҳам манфаатлар тўқнашуви натижасида давлат ташкилотлари ёхуд давлат манфаатларига зарар етиши мумкин. Бу борада, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонундаги “фуқаро – жамият – давлат” тамойили мантиқан тўғри шакллантирилган.

“Манфаатлар тўқнашуви” тушунчасига берилган таърифни Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасида ҳам учратиш мумкин. Унга кўра, давлат ташкилоти ходимининг, унинг яқин қариндошларининг ва унга алоқадор шахсларнинг шахсий манфаатлари билан фуқароларнинг, ташкилотнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келган ва келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёхуд юзага келиши мумкин бўлган (тахмин қилинаётган манфаатлар тўқнашуви) вазиятдир [21]. Фикримизча, мазкур таъриф бевосита ва билвосита ман-

фаатдорликни шарҳлагани, субъектлар доирасини аниқ белгилагани билан манфаатлар тўқнашувини соддароқ очиб берган. Лекин бу ерда қонуннинг тартибга солиш доирасидан келиб чиқиб, фақат давлат ташкилоти тизимидаги манфаатлар тўқнашувига таъриф берилган. Манфаатлар тўқнашуви нодавлат сектор ёки давлат улуши бўлган бошқа ташкилотлар фаолиятида ҳам мунтазам учрайдиган вазиятдир. Шу билан бирга, таърифда жамият манфаатларининг ҳам инобатга олиниши мақсадга мувофиқ эди.

Мазкур мақола давомида амалга оширилган илмий-назарий, халқаро ва миллий ҳуқуқ тизими асосларидан келиб чиқиб, илмий-назарий жиҳатдан манфаатлар тўқнашувига қуйидагича муаллифлик таърифини беришимиз мумкин.

Манфаатлар тўқнашуви – бу шахснинг ўз функционал хизмат вазифаларини ўзи ёки ўзи учун алоқадор шахслар манфаатлари йўлида бажариши ёки бажармаслиги натижасида ўзи ёки ўзи учун алоқадор шахслар билан фуқаролар, жамият ва давлат манфаатлари ўртасида юзага келган, юзага келадиган ёки юзага келиши мумкин бўлган қарама-қаршилик тусидаги вазиятдир.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятида манфаатлар тўқнашуви унинг хизмат вазифаларини амалга ошириш соҳасида юзага келишини инобатга олиш, шундан келиб чиқиб унинг олдини олиш ва муносиб ҳал қилиш механизмларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Зеро, давлат фуқаролик хизматининг самарали амалга оширилиши унда фаолият юритадиган ва ўз фаолиятида коррупция ва манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларга йўл қўймайдиган давлат фуқаролик хизматчиларининг шахсий ва касбий фаолиятига боғлиқдир.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Першин М.В. Общая психология / под ред. А. В. Петровского. – М., 1997. – С. 101; Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – М., 1996. – С. 630.
2. Глезерман Г.Е. Интерес как социологическая категория // Вопросы философии – 1996. № 10. – С. 15-26.
3. Муродуллаева Г.Х. Давлат бошқарув тизимида коррупциянинг олдини олишнинг асосий усули сифатида манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш. Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т., 2024. – 16 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Э.Бегматов ва бошқ. А.Мадвалиевнинг таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. – 404, 540 б.
5. Социологическая энциклопедия: В 2 т. Национальный общественно-научный фонд / Руководитель научного проекта Г. Ю. Семигин; Главный редактор В. Н. Иванов. – М.: Мысль, 2003. – С. 482.
6. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – 2-е изд., испр. – М.: ИНФРА – М. 1999. – 479 с.
7. Примак Т.К. Институт договора: теоретико-правовые вопросы. Монография. – М., 2009. – С. 498.
8. М.Ф. Федоров. Конфликт интересов: доктрина и законодательное регулирование. // Право и Государство: теория и практика. 2017. № 9 (153). – С. 1.
9. <https://izoh.uz/word/to%E2%80%98nash>
10. Қаландарова М. Давлат харидлари соҳасида манфаатлар тўқнашуви// <https://sudyalaroliykengashi.uz/uz/publications/davlat-haridlari-soasida-manfaatlar-tnashuvi#!>
11. Ахраров Б.Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари. Ю.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТДЮУ. – 2008. – 145 б.
12. <http://hudud24.uz/manfaatlar-t%D1%9E%D2%9Bnashuvi-korrupsiyaga-y%D1%9Ei-ochadimi/>
13. Исмаилов Б.И., Хўжаев М. Ўзбекистон Республикасида маиший коррупцияни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштиришнинг амалий жиҳатлари. – Т.: Юрист ахборотномаси 5-сон, 1-жилд, 2020. – 45-46 б.
14. Давлат хизмати. Ўқув қўлланма / Х.Азизов, А.Йўлдошев, Ш.Асадов, Х.Хайитов, Д.Каримов, Д.Бекчанов, Д.Атажанова, Ф.Юлдашева. – Т.: 2019. – 136 б.
15. Муродуллаева Г.Х. Давлат бошқарув тизимида коррупциянинг олдини олишнинг асосий усули сифатида манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш. Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т., 2024. – 24-25 б.
16. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции // https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml
17. Code of Conduct for OECD Officials // https://www.oecd.org/legal/Code_of_Conduct_OECD_2017.pdf
18. Давлат мансабдор шахсларининг Халқаро хулқ-атвор кодекси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган).
19. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни.
20. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-788-сонли Қонуни.
21. Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси // <https://regulation.gov.uz/oz/d/60813>

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ



Лола ИНАГАМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви академияси
кафедра мудир, доцент

Аннотация: ушбу мақолада ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларининг кучли ва заиф томонларини баҳолаш ва аниқлаш воситасини ишлаб чиқиш таклиф этилган, касбий компетенцияларнинг назарий асослари ва моделлари кўриб чиқилган ҳамда баҳолашнинг асосий мезонлари кўрсатиб берилган. Шунингдек, маҳаллий даражада ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини такомиллаштириш ва ривожлантириш ҳамда самарали бошқарув юзасидан тегишли тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: касбий компетенция, баҳолаш, баҳолаш мезонлари, баҳолаш методлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллий даражадаги бошқарув, хизмат принципи.

Оценка профессиональных компетенций представителей органов самоуправления

Лола Инагамова,
завкафедры Академии государственного
управления при Президенте Республики
Узбекистан, доцент

Аннотация: в статье предлагается разработка инструмента оценки и выявления сильных и слабых сторон профессиональных компетенций представителей органов самоуправления, рассмотрены теоретические основы и модели профессиональных компетенций, указаны основные критерии оценки, а также даны

соответствующие рекомендации по совершенствованию и развитию профессиональных компетенций представителей органов самоуправления на местном уровне, а также эффективного управления.

Ключевые слова: профессиональная компетентность, оценка, критерии оценки, методы оценки, органы самоуправления, управление на местном уровне, принцип обслуживания.

Assessment of professional competencies of representatives of self-government bodies

Lola Inagamova,
Head of the Department of the Academy of Public
Administration under the President of the Republic
of Uzbekistan, Associate Professor

Abstract: the article proposes the development of a tool for assessing and identifying the strengths and weaknesses of the professional competencies of representatives of self-government bodies, the theoretical foundations and models of professional competencies are considered, and the main evaluation criteria are indicated. Based on the results of the study, appropriate recommendations were given for improving and developing the professional competencies of representatives of self-government bodies at the local level, as well as effective management.

Keywords: professional competence, assessment, assessment criteria, assessment methods, self-government bodies, local management, service principle.

Замонавий жамият фуқароларнинг фаол иштирокини ва ўзини ўзи бошқариш органларининг самарали фаолиятини талаб қиладиган бир қатор мураккаб муаммоларга дуч келмоқда. Мазкур органлар вакиллари маҳаллий даражада қарорлар қабул қилиш, ресурсларни бошқариш ва ижтимоий дастурларни амалга ошириш жараёнида иштирок этувчи муҳим субъектлар ҳисобланади. Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлиги ҳамда муваффақияти бевосита уларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасига боғлиқ.

Давлат бошқарувида “хизмат тамойили” [1] тайинлов, лавозимга кўтарилиш ва мукофотлар сиёсий мансублик ёки шахсий алоқаларга эмас, балки ходимнинг малакаси, профессионаллиги ва кўрсатган хизматларига асосланиши кераклигини назарда тутди. Касбий компетенцияларни баҳолаш хизмат тамойилининг муҳим таркибий қисми бўлиб, ходимларнинг малакаси ва қобилиятини аниқлаш учун ишлатилади.

Касбий компетенцияларни баҳолаш ходимнинг меҳнат унумдорлиги ва малакаси даражасини аниқлаш, унинг ўз вазифаларини самарали бажариш қобилиятини аниқлаш ва компетентлик асосида қарорлар қабул қилиш имконини беради. Касбий компетенцияларни баҳолаш турли усуллар: иш фаолиятини баҳолаш, ўз-ўзини баҳолаш, раҳбарлар ёки ҳамкасблар томонидан баҳолаш, мақсадли суҳбатлар ёки баҳолаш марказлари ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари жамиятда тутган ўрни муҳимлигига қарамай, уларнинг касбий компетенцияларини баҳолаш қийин вазифа ҳисобланади. Ўқув курсларида қатнашиш ёки самарадорликка асосланган баҳолаш каби анъанавий усуллар маҳаллий ҳокимият вакилларининг компетенциялари ва эҳтиёжларини тўлиқ, холисона тушуниш учун етарли бўлмадлиги мумкин.

Мазкур мақоланинг мақсади ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолаш бўйича ёндашувлар ва усулларни ўрганиш, ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий

компетенцияларини самарали баҳолаш ҳамда уларнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш воситасини ишлаб чиқишдир. Шунингдек, касбий компетенцияларнинг назарий асослари ва моделларини, баҳолашнинг асосий мезонларини кўриб чиқамиз. Мақолада тақдим этиладиган услубий ёндашув компетенцияларни баҳолаш воситаларини аниқлашга ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг малака ва билимларини янада ошириш механизмларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

М.В. Мирзоян ва Е.В. Васильевалар таъкидлаганидек, “Умуман олганда, давлатнинг ривожланиш даражаси давлат хизматчиларининг касбий маҳоратига боғлиқ, чунки давлат қарорларини қабул қилиш ва уларни келгусида амалга оширишнинг барча жараёнларида давлат хизматчилари иштирок этадилар. Профессional кадрлар давлат тараққиёт дастурларининг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаши мумкин. Сабаби айнан кадрлар давлат аппаратида содир бўлаётган барча жараёнларга таъсир этувчи омил ҳисобланади” [2].

Касбий компетенцияларни баҳолаш ўзини ўзи бошқариш органларининг самарали фаолиятини таъминлашда муҳим ўрин тутди, бошқарув сифатини ошириш ва белгиланган мақсадларга эришишга ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан, қуйида ўзини ўзи бошқариш органлари контекстида касбий компетенцияларни баҳолашнинг асосий жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Вакилларни танлаш ва тайинлаш – касбий компетенцияларни баҳолаш ўзини ўзи бошқариш органларига вакилларни танлаш ва тайинлашда холисона баҳо беришга ёрдам беради. Бу зарур кўникма, билимга эга, ўзини ўзи бошқариш органининг мақсад ҳамда вазифаларини самарали бажаришга қодир бўлган энг муносиб номзодларни танлаш имконини беради.

Шахсий ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш – ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолаш, уларнинг фаолиятининг кучли ва заиф томонларини аниқлаш имконини беради. Мазкур метод асосида ўзини ўзи бош-



қариш органлари вакилларининг касбий маҳорати ва билимини оширишга қаратилган ихтисослаштирилган ўқув, таълим, мураббийлик ҳамда бошқа тадбирларни ўз ичига олган шахсийлаштирилган ривожланиш режалари ишлаб чиқиши мумкин.

Иш сифатини ошириш. Касбий компетенцияларни баҳолаш ўзини ўзи бошқариш органларига иш сифати ҳамда вакиллар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш имконини беради. Бундай ёндашув соҳадаги такомиллаштириш ва тузатишни талаб қиладиган нуқталарни аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлиги ва сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш бўйича тизимли ёндашув. Касбий компетенцияларни баҳолаш ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан яхлит тизим даражасида компетенцияларга қўйиладиган талабларни таҳлил қилишда амалий кўрсатма вазифасини ўтайди. Яъни умумий талабларни аниқлаш, стандартлар ҳамда вакиллар учун тренинглар ишлаб чиқиш, ўзини ўзи бошқариш тизимида касбий компетенцияларни такомиллаштириш ва ривожлантириш механизмларини яратиш имконини беради.

Натижада, касбий компетенцияларни баҳолаш ўзини ўзи бошқариш органларининг самарали фаолиятини таъминлаб беради. Хусусан, танлов тизимини такомиллаштириш, касбий маҳорат ва билимларни ривожлантириш, ўзини ўзи бошқариш органлари иш сифатини ошириш ҳамда ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга хизмат қилади.

Фанда муваффақиятли профессионал фаолият учун қандай кўникма ва фазилатлар муҳим эканлигини тушунишга ёрдам берадиган бир қатор назариялар мавжуд. Тарихан қараганда, “компетенция” тушунчаси билан боғлиқ ғоялар XX асрда Америка, Англия, Франция, Германия, Россия каби мамлакатларда ривожлана бошлади. Уларнинг барчаси жамият эҳтиёжларини қондириш учун бўлажак мутахассисларни жадал ривожланиш шароитида турли муаммоларни самара-

ли ҳал қилишга қодир мослашувчан ва ҳаракатчан кадр сифатида тайёрлашни назарда тутди.

Биринчи марта “компетенция” атамаси инглиз тилида пайдо бўлди. 1596 йилда Н.Вебстер луғатида унга қобиляят ва кўникмаларни англатувчи тушунча сифатида таъриф берилди [3].

Жаҳон фанида компетенцияга асосланган ўқитиш моделининг тўртта асосий ёндашуви мавжуд: АҚШда – хулқ-атвор, Буюк – Британияда функционал, Францияда – кўп ўлчовли, Германия ва Австрияда – яхлит ёндашув.

Р. Уайт, Д. МакКлелланд, Р. Бояцис ва бошқалар шу каби олимлар томонидан тақдим этилган америкача ёндашув ташқи шароитлар ва хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, компетентли мутахассисларнинг хулқ-атвор хусусиятларига ҳамда уларнинг муайян иш шароитида самарали ишлаш қобиляятига қаратилган.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг асосий компетенциялари ҳақида гапирганда, Роберт Уайт томонидан муҳокама қилинган ғояларнинг мазкур мавзу билан қизиқарли кесишишини кўришимиз мумкин. Масалан, ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг компетенцияларини таҳлил қилишда ҳам хатти-ҳаракатлар, ҳам когнитив қобиляятларни, мотивация ва касбий етукликни ўз ичига олган компетенцияларга Р. Уайтнинг ёндашувини қўллаш мумкин. Улар нафақат техник билимларга, балки ўзаро самарали ҳамкорлик қилиш қобилятига, турли вазиятларда муаммоларни ҳал қилиш қобилятига, ижтимоий кўникма ва юқори сифатли иш учун мотивацияга эга бўлиши муҳимдир.

Роберт Уайтнинг тадқиқотида келтирилган моделлар ва ёндашувлардан фойдаланган ҳолда ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ўртасида асосий компетенцияларни тушуниш ва уларнинг ривожланиши замонавий жамиятда ўзини ўзи бошқариш органларининг янада муваффақиятли ва самарали фаолиятига ёрдам беради.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг асосий компетенцияларига қуйидагилар киради:

касбий билим – ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари қонунчилик, ресурсларни бошқариш, молия ва ижтимоий дастурлар бўйича чуқур билимга эга бўлиши керак;

ижтимоий кўникмалар – ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари жамиятнинг турли қатламлари ва гуруҳлари билан самарали мулоқот қилишлари, музокаралар олиб боришлари ва низоларни ҳал қилишлари керак;

етакчилик қобилиятлари – ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари гуруҳ ишини бошқариш ва мувофиқлаштириш, қарор қабул қилиш ва ўзгаришларга жавоб бериш қобилиятига эга бўлиши керак.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолашда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

касбий компетенцияларни баҳолаш жараёнида ҳал қилинадиган мақсад ва вазифаларни аниқлаш;

касбий компетенциялар бўйича маълумотларни тўплаш учун тегишли воситаларни (сўровномалар, суҳбатлар, кузатишлар) танлаш;

баҳолашни ким ўтказишини аниқлаш – ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, кузатувчилар ёки экспертлар;

ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг зарур касбий компетенцияларини акс эттирувчи баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолашнинг назарий асосларини тадқиқ этиш ва тушуниш самарали баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва қўллашда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Назария ва компетенция моделларини чуқур таҳлил қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакилларининг касбий маҳорати ва билимларига қўйиладиган талабларни аниқлаш ҳамда тадқиқотимиз доирасида тегишли баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенциялари деганда, ўз вазифалари ва мажбуриятларини самарали

бажариш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар мажмуи тушунилади. Улар бошқарув, мулоқот ва касбий кўникмалар ҳамда ижтимоий масъулият, ахлоқ билан боғлиқ турли жиҳатларни ўз ичига олади.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенциялари қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олиши мумкин:

билим ва тажриба: қонунчилик, ресурсларни бошқариш, молия ва ижтимоий дастурлар соҳасида тегишли ва аниқ билимларга эга бўлиш. Бу маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани тушуниш ҳамда уларни амалиётда қўллаш қобилиятини англатади;

бошқарув кўникмалари: ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, стратегик ҳамда тактик қарорлар қабул қилиш, ресурслар ва бошқарув жараёнларини самарали бошқариш қобилияти.

Мулоқот қобилиятлари: жамиятнинг турли гуруҳлари, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан самарали мулоқот қилиш, музокаралар олиб бориш, низоларни ҳал қилиш қобилияти. Бунга: тақдимот ва нотиклик, тинглаш ҳамда маълумотни қабул қилиш, фикр ва ғояларни аниқ ва равон ифодалаш қобилиятлари киради.

Аналитик кўникмалар: мураккаб вазиятларни таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш, муқобил ечимларни ишлаб чиқиш ва уларнинг оқибатларини башорат қилиш қобилияти. Бунга: тадқиқот ўтказиш, маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, олинган маълумотлар асосида асосли қарорлар қабул қилиш қобилияти киради.

Етакчилик қобилиятлари: бошқаларни бошқариш ва илҳомлантириш, ҳамкорлик ўрнатиш, жамоаларни ривожлантириш ва умумий мақсадларга эришиш қобилияти. Бунга: эмоционал интеллект, бошқаларни рағбатлантириш, мақсад қўйиш ва қарор қабул қилиш кўникмалари киради.

Шуни таъкидлаш керакки, касбий компетенциялар фаолият соҳасидан қатъи назар, турли соҳа ва касб эгалари учун зарур



бўлган ишбилармонлик фазилатларини англади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакилларининг касбий компетенцияларига эга бўлиши уларга ўз вазифаларини самарали бажариш, қарорлар қабул қилиш ҳамда маҳаллий аҳоли ўртасида талаб этиладиган хизматлар ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришда иштирок этиш имконини беради. Шундай қилиб, ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини ривожлантириш ва баҳолаш ўзини ўзи бошқариш органларининг самарали фаолият кўрсатишини ва жойларда ижобий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолаш уларнинг самарали фаолиятини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Баҳолаш вакилларнинг касбий маҳорати ва билимидаги кучли, заиф томонларини аниқлайди ҳамда ривожланиш учун зарур соҳаларини белгилайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг самарали фаолияти учун касбий компетенцияларни баҳолашнинг асосий жиҳатлари қуйидагилар:

- шахсий ривожланиш;
- тайинлов ва тайинлаш;
- мослашиш ва ривожланиш;
- иш сифати ва самарадорлиги;
- ўзини ўзи бошқариш тизимида фаолият юритувчи кадрлар малакасини ошириш.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолаш ўзини ўзи бошқариш органларининг самарали фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу шахсий ривожланиш ва тизимни такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш, малакали ва сифатли бошқарувни таъминлаш ҳамда маҳаллий аҳоли манфаатлари ва эҳтиёжларини рўёбга чиқаришнинг муҳим элементи сифатида маҳаллий бошқарувни ривожлантиришга кўмаклашиш имконини беради.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини самарали баҳолаш учун жараёни тизимлаштирадиган ва натижаларнинг объективлиги ҳамда

ишончилигини таъминлайдиган услубий ёндашувдан фойдаланиш керак. Бунинг учун, дастлаб, услубий ёндашувнинг муҳим жиҳатларини кўриб чиқиш мумкин.

Биринчидан, услубий ёндашув баҳолаш мақсади ва ҳал қилинадиган вазифаларни аниқ белгилаб бериши керак. Яъни мавжуд компетенцияларни баҳолаш, ўқитиш ва ривожланиш эҳтиёжларини аниқлаш, лавозимга кўтарилиш учун энг истиқболли вакилларни аниқлаш ва бошқалар.

Иккинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакилларининг касбий компетенциялари тўғрисида маълумот тўплаш имконини берадиган тегишли воситаларни танлаш керак. Масалан, махсус интервьюлар, 360 даражали қайтма алоқали мулоқотлар, анкеталар, иш фаолиятини баҳолаш усуллари ва бошқалар.

Учинчидан, услубий ёндашувда ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг компетенцияларини ким баҳолашини аниқлаш зарур. Хусусан, маҳаллий ҳукумат вакиллари ва ташқи кузатувчиларни ўз ичига олган экспертлар гуруҳи ёки вакилларнинг ўзини ўзи баҳолаши ва ҳ.к.

Тўртинчидан, ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларни акс эттирувчи аниқ баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш лозим. Яъни: билим ва тажриба, бошқарув, мулоқот, таҳлилий қобилиятлар ва бошқалар.

Бешинчидан, услубий ёндашув олинган натижаларни таҳлил қилиш ва шарҳлашни ўз ичига олиши зарур. Масалан, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари компетенцияларининг ҳозирги ҳолати тўғрисида хулосалар чиқариш, кучли ва заиф томонларини аниқлаш, компетенцияларни ривожлантириш ва такомиллаштириш режаларини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолаш жараёнининг объективлиги, ишончилиги ва яхлитлигини таъминлаш учун услубий ёндашувнинг мазкур барча жиҳатлари ретроспектив тарзда ўйлаб топилиши ва уларга қатъий риоя қилиниши керак. Бу аниқ

натижаларга эришиш ва маҳаллий даражада ўзини ўзи бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кейинги қадамларни белгилашга ёрдам беради.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолаш жараёнини қуйидаги асосий босқичларга бўлиш мумкин:

- баҳолашни режалаштириш;
- баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиш;
- маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш;
- натижаларни шарҳлаш;
- қайтма алоқа ва ҳаракатлар режаси.

“360 даражали қайтма алоқа” усули ёрдамида ходимларнинг иш фаолиятини анъанавий шаклда, фақат битта томон (компания раҳбарияти) эмас, балки кўпчиликнинг баҳоси асосида баҳолаш амалга оширилади. Масалан, кўрсатмалар берадиган раҳбарлар, менежерлар ходимларнинг иш фаолиятини кузатади ва назорат қилади. Бир хил даражада ишлайдиган ҳамкасблар, тез-тез ходимлар билан бевосита ва билвосита мулоқотда бўлган мижозлар ва ҳатто бошқа ходимлар ўз иш фаолиятини баҳолаш ҳуқуқига эга. Бундай ёндашув, албатта, ходимларга ва компанияга ижобий таъсир кўрсатади. Бунда ходимлар ўзларини кўпроқ қадрлашади ва ўз ишларига эгалик қиладилар, компаниялар ходимларининг самарадорлигини оширишдан кўпроқ фойда олишади [4].

Мақоламизнинг мазкур қисмида ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолашни ўрганиш методикасига урғу берамиз. Бундан мақсад – ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг фаолиятига таъсир қилувчи касбий компетенцияларни таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Тадқиқот методологияси маълумотларни тўплаш, таҳлил қилишнинг сифат ва миқдорий усулларини ўз ичига олган комбинацияланган ёндашувлардан фойдаланишга асосланган. Ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолаш бўйича тадқиқот жараёни қуйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади.

Тадқиқот саволини шакллантириш. Мақсад ҳамда вазифадан келиб чиққан ҳол-

да асосий савол белгилаб олинади. Масалан, “Маҳаллий бошқарув органлари вакилларининг қайси касбий компетенциялари уларнинг муваффақиятли фаолиятлари учун энг муҳим ҳисобланади?”.

Саралаш. Ўзини ўзи бошқариш органларининг қайси вакиллари тадқиқотга киритилиши аниқланади. Танловда хилма-хиллик ва репрезентативликни таъминлаш керак.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолаш бўйича тадқиқот натижаларини тақдим этиш жараённинг муҳим қисмидир. Натижаларнинг аниқ ва тушунарли тақдим этилиши асосий хулосаларни кўриш, таҳлил қилиш имконини беради ва ўзини ўзи бошқариш органларининг кейинги фаолиятига таъсир қилади.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолаш бўйича тадқиқот натижаларини тақдим этишда қуйидаги жиҳатлар эътиборга олинishi керак.

Тадқиқот методологиясининг қисқача тавсифи. Жараён иштирокчилари тадқиқот қандай ўтказилганлигини тушунишлари учун фойдаланилган усуллар ва процедураларни тавсифлаш муҳимдир.

Структуравий маълумотлар. Тадқиқот натижаларини тақдим этишнинг энг яхши усули жадвал ва графиклардан фойдаланиш ҳисобланади. Бу тўпланган маълумотларни тасаввур қилиш ва уни томошабинлар учун тушунарли қилиш имконини беради.

Натижаларни таҳлил қилиш ва шарҳлаш. Натижаларни тақдим этишда маълумотларни таҳлил қилиш, шарҳлаш, уларнинг маъноси ва тадқиқот учун аҳамиятини тушунтириш керак.

Олинган маълумотларни таҳлил қилиш ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолашнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ушбу таҳлилнинг аҳамияти шундаки, у турли манфаатдор томонлардан ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг ишига холис баҳо бериш имконини беради.

Таҳлил жараёни статистик тадқиқотлар, натижаларни берилган стандартлар ва тав-

сиялар билан солиштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг кучли ва заиф томонларини кўрсатиши мумкин бўлган умумий тенденцияларни аниқлашни ўз ичига олади.

Маълумотларни таҳлил қилишнинг муҳим жиҳати ходимларнинг яхши ишлаётган соҳаларини ва кейинги ривожланишга муҳтож бўлган соҳаларни аниқлашдир. Мисол учун, агар маълум кўникмалар ёки малакалар ёмон баҳоланган бўлса, бу қўшимча тренинг ёки ривожланиш дастурларини тавсия қилиш мумкин.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолаш қимматли маълумотларни беради. Улар асосида тизим фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши ва қарорлар қабул қилиниши мумкин, хусусан:

таълим ва ривожланиш – маҳаллий ҳокимият вакиллари қўшимча тренинг ёки семинарлар ва бошқа ўқув дастурлари учун имкониятлар яратади. Тренинг ходимларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришга ёрдам берадиган махсус кўникмалар ёки малакаларни оширишга қаратилган бўлиши мумкин.

Ваколатлар ва ролларни тақсимлаш – маълумотларни таҳлил қилиш давлат хизматидаги бошқарув кадрларининг кучли томонлари ва мавжуд компетенцияларидан келиб чиққан ҳолда уларга қандай роллар ёки ваколатлар берилиши мумкинлигини аниқлашга ёрдам беради. Бу ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш имконини беради.

Жамоа бошқаруви – касбий компетенцияларни баҳолаш маҳаллий бошқарувдаги заиф томонларни аниқлашга ёрдам беради ва раҳбар кадрларга уларни кучайтириш учун чора кўриш имконини беради. Бунга: жамоавий тренинг, мураббийлик ёки мулоқотни, ҳамкорликни ва низоларни бошқаришни яхшилашга қаратилган бошқа тадбирларни ўтказиш киради.

Жараёнлар ва тартибларни ўзгартириш – касбий компетенцияларни баҳолаш маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти-

даги самарасиз жараёнлар ва тартибларни аниқлашга ҳам ёрдам беради. Ушбу маълумотларга асосланиб, жорий жараёнларни такомиллаштириш ва оптималлаштириш бўйича тавсиялар берилиши мумкин. Бу эса, янада самарали фаолият ва белгиланган мақсадларга эришишга олиб келади.

Менторлик ва мураббийлик – касбий компетенцияларни баҳолаш, ҳукумат вакилларининг ўсиш ва ривожланиш салоҳиятини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу маълумотларга асосланиб, менторлик ва мураббийлик дастурларини ишлаб чиқиш мумкин, уларда кўпроқ тажрибали ҳукумат вакиллари ўз билим ва тажрибаларини ҳамкасблари билан бўлишиши, уларнинг касбий ўсиши ва ривожланишини рағбатлантириши мумкин.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолашга асосланган қарорлар ва тавсиялар уларнинг фаолиятини яхшилашга, қабул қилинаётган қарорлар сифатини оширишга ва ўзини ўзи бошқариш соҳасида касбий маҳоратини оширишда муҳим ўрин тутди.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини аниқлаш ва ривожлантириш учун қуйидаги амалий тавсияларни кўриб чиқиш мумкин:

ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг эҳтиёжларини таҳлил қилиш, улар ўз фаолиятида дуч келадиган асосий функциялар ва вазифаларни аниқлаш;

сўровлар ва фикр-мулоҳаза алмашиш;

ҳар бир маҳаллий ҳокимият вакили учун уларнинг шахсий эҳтиёжлари ва манфаатларига жавоб берадиган ривожланиш мақсадларини шакллантириш;

ихтисослаштирилган таълим дастурлари ва тренинглар орқали ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг компетенцияларини ривожлантириш;

тажрибали мансабдор шахслар ўз билим ва тажрибаларини ёш ёки камроқ тажрибага эга ҳамкасблар билан бўлишадиган менторлик ҳамда мураббийлик дастурларини ташкил қилиш;

маҳаллий ҳокимият вакилларининг ўз компетенцияларини ривожлантиришдаги ютуқларини вақти-вақти билан баҳолаш;

Ўз компетенцияларини фаол ривожлантираётган ҳукумат вакилларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш.

Мазкур амалий тавсияларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини аниқлаш ва ривожлантириш жараёнига жорий этилиши уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш, касбий ўсиш ва ривожланишга кўмаклашади.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолаш натижаларига кўра, уларнинг самарадорлигини оширишнинг қуйидаги йўллари таклиф қилиниши мумкин:

- шахсий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш;
- жамоавий иш фаолиятини кучайтириш;
- жараёнлар ва тартибларни янгилаш;
- лидерлик қобилиятларини ривожлантириш;
- қайтма алоқа ва коммуникацияни яхшилаш учун шарт-шароитлар яратиш.

Мазкур мақоланинг мақсади ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолашнинг ёндашувлари, усулларини ўрганиш ва уларни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар бериш эди. Чунки "Ходимлар – ҳар қандай ташкилотнинг энг қимматли активларидир". Шу боисдан ушбу мақолада касбий компетенцияларнинг назарий асослари ва моделлари кўриб чиқилди, баҳолашнинг асосий мезонлари аниқланди ва шахсий ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш тамойиллари кўриб чиқилди.

Мақоланинг асосий хулосалари ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг муваффақиятли фаолиятида касбий компетенцияларни баҳолаш ҳал қилувчи роль ўйнашини тасдиқлайди. Кучли томонлар ва такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш таълим, ўқитиш ва қўллаб-қувватлашни ўз ичига олган шахсийлаштирилган ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш имконини беради. Бу ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг самарали фаолият юритишига хизмат қилмоқда ва уларни жойларда бошқариш сифатини оширади.

Ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолаш соҳасидаги кейинги тадқиқотлар учун мазкур йўналишга хос бўлган аниқ услуб ва ёндашувларни чуқур ўрганиш тавсия этилади. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакилларининг компетенцияларини янада тўғри ва тўлиқ баҳолашга эришиш учун турли воситалар ва методологиялардан фойдаланган ҳолда амалий тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Мухтасар қилиб айтганда, ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолаш компетенцияларни тизимли ва холисона баҳолаш зарурлиги таъкидланди ҳамда уларни ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар берилди. Мазкур соҳадаги келгуси тадқиқотлар маҳаллий ҳокимият вакилларининг касбий компетенцияларини баҳолаш бўйича билимларимизни кенгайтириши ва маҳаллий даражада самарали бошқарувга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Rakhmawanto, A., Rusli, B., & Sintaningrum, S. (2019). Merit System Selection for Pratama Senior Executive Service State Civil Apparatus in Central Java Provincial Government. *Jurnal Bina Praja: Journal of Home Affairs Governance*, 11(1), 31-41. Retrieved from <http://jurnal.kemendagri.go.id/index.php/jbp/article/view/548>
2. Mirzoyan, M.V., & Vasileva, E. V. (2019). Assessment of competencies of public servants and analysis of the current practice of methods for assessing the consistency of competencies and labor functions of civil servants of Armenia. *Upravlenie*, 7(2), 11-23. <https://doi.org/10.26425/2309-3633-2019-2-11-23>
3. Merriam-Webster's Collegiate Dictionary [Электрон манба]. — URL: <http://www.merriam-webster.com/dictionary/competency>
4. Hartati, T., & Hikmah, N. (2022). Employee Performance Assessment of PT.Satria Manunggal Petrolindo Using 360-Degree Feedback Method. *Sinkron*, 7(2), 384-391. <https://doi.org/10.33395/sinkron.v7i2.11340>

НОМАРКАЗЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ҲУДУД ВА ТАРМОҚЛАРНИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Алишер МАМАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази бўлим бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси доценти в.б.

Аннотация: ушбу мақолада давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ривожлантириш ва бошқарув жараёнларини номарказлаштириш шароитида рақамли технологияларнинг роли, уларнинг самарадорлиги ҳамда натижалари бўйича илғор хориж тажрибаси таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар, жумладан, давлат бошқарувини номарказлаштириш доирасида ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш, давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш, очиқ ва шаффоф тизимини жорий этиш, рақамли ҳукуматни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: номарказлаштириш, рақамли бошқарув, рақамли ҳукумат, рақамли иш жойи, электрон давлат хизматлари, рақамли трансформация.

**Перспективы цифровой трансформации
регионов и отраслей в условиях
децентрализации**

Алишер Маматов,

начальник отдела Республиканского научно-методического центра развития образования, и.о.доцента Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: в данной статье анализируется роль цифровых технологий, их эффективность и результаты в развитии деятельности органов государственной власти и децентрализации процессов управления. Также на основе административных реформ, проводимых в последние годы в Узбекистане, включая работы, осуществляемые в рамках децентрализации государственного управления, цифровой трансформации территорий и отраслей, а также перевода государственных услуг в электронный формат, была принята открытая и прозрачная система. Кроме того, статья содержит предложения и рекомендации по развитию цифрового правительства.

Ключевые слова: децентрализация, цифровое управление, цифровое правительство, цифровое рабочее место, услуги электронного правительства, цифровая трансформация.

**Prospects of digital transformation
of regions and networks in conditions
of decentralization**

Alisher Mamatov,

Head of Department of the Republican Scientific and Methodological Center for Education Development, Acting Associate Professor at the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *this article examines the role, effectiveness, and outcomes of digital technologies in shaping the activities of state authorities and decentralizing management processes. Drawing on recent administrative reforms in Uzbekistan, including efforts towards decentralizing state administration, digital transformation of territories*

and sectors, transitioning public services to electronic formats, introducing an open and transparent system, and providing proposals and recommendations for advancing digital government.

Keywords: *decentralization, digital governance, digital government, digital workplace, e-government services, digital transformation.*

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар натижасида давлат бошқарув органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, вилоятдан туман (шаҳар) давлат ҳокимияти органларига ўтказишни назарда тутган ҳолда, давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ваколатлар ва қарорлар қабул қилишни марказий ҳокимиятдан қуйи бўғинларга, маҳаллий ҳокимият органларига ёки бошқа субъектларга қайта тақсимлаш, маҳаллий ҳамжамиятларнинг имкониятларини кенгайтириш, маҳаллий бошқарувни ривожлантириш, масъулиятни ошириш ва хизматлар кўрсатишни яхшилашга қаратилган. Шу жумладан, республикада ортиқча ва ўзига хос бўлмаган вазифа, функция ва ваколатларни бартараф этиш, такрорлаш ва параллелизмни тугатиш ҳисобига давлат бошқаруви тизимини оптималлаштириш ҳамда номарказлаштириш мақсади илгари сурилмоқда.

Албатта, номарказлаштириш шароитида давлат бошқаруви, шу жумладан, ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш, биринчи навбатда, барча соҳаларда очиқ ва шаффоф тизим жорий этилишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шу ўринда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2023 йил 20 декабрь куни тармоқ ва ҳудудларда ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувини рақамлаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишида: **“Рақамлаштиришдан бош тортаётган раҳбар – коррупцияни йўқ қилишга интилмаган раҳбар”**,* дея таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, мамлакатимизда телекоммуникация инфратузилмасини яхшилаш, соҳа ва тармоқларни рақамлаштиришга катта эътибор қаратилаётганлиги, 2023 йилда таълим, банк, молия, божхона, қишлоқ хўжалиги, геология, кадастр каби соҳаларни рақамли трансформация қилиш доирасида 100 та дастурий лойиҳа ишлаб чиқилганлиги, 500 дан зиёд янги ИТ компаниялари ташкил этилиб, соҳага 475 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция кириб келганлиги айтиб ўтилди. Шу билан бирга, тармоқларда 130 та ахборот тизимини жорий қилиш ва 750 та давлат хизматларини тўлиқ рақамлаштириш борасидаги режаларни ишлаб чиқиш муҳимлиги қайд этилди.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармонида рақамли ривожланишнинг стратегик мақсадлари ҳамда устувор йўналишлари белгилаб берилган. Унга кўра, Ўзбекистонда рақамли инфратузилмани, рақамли ҳукуматни, рақамли иқтисодиётни ва рақамли технологиялар миллий бозорини ривожлантириш ҳамда ахборот технологиялари соҳасида таълим бериш ва малака оширишнинг устувор йўналишларида амалга оширилаётган вазифалар келтириб ўтилган [1].

Шу жумладан, стратегия доирасида ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилишнинг дастлабки босқичида интернет тармоғига улаш даражаси, шу жумладан, кенг полосали уланишни кенгайтириш назарда тутилган. Бу, албатта, номарказлаштириш шароитида рақамли иш юритиш, бюрок-

* <https://president.uz/uz/lists/view/6938>

ратик тўсиқларни бартараф этиш, электрон давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ҳамда электрон ҳужжат алмашиш учун асосий восита ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-76-сонли Фармони билан соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилишнинг асосий йўналишлари белгиланган. Улар:

- аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни рақамлаштириш, шунингдек, рақамли хизматлар ва сервислардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш;

- давлат идоралари фаолиятини тўлиқ рақамлаштиришни кўзда тутувчи “Электрон ҳукумат” тизимининг янги босқичи – “Рақамли ҳукумат” тизимига ўтиш;

- ахборот тизимлари ва ресурслари асосида ҳудудларда замонавий бошқарув услубларини жорий этишни назарда тутувчи “Рақамли ҳудуд” дастурини амалга ошириш;

- IT-индустрия учун қулай шароит яратиш орқали мамлакатимизни “IT Хаб”га айлантириш ва хизматлар экспортини ошириш;

- рақамли технологиялар бўйича аҳолининг билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

- замонавий ва сифатли рақамли инфратузилмани ривожлантириш;

- ахборот технологияларини жорий этиш ва кўрсатилаётган электрон хизматлар сифати устидан самарали рақамли назоратни йўлга қўйиш.

Ушбу йўналишларни амалга ошириш орқали республикаимиз ҳудуди ва тармоқларини рақамли трансформация қилиш, шу жумладан, барча соҳаларга рақамли технологияларни кенг татбиқ этиш билан давлат бошқарувида сифат ва самарадорликни ошириш мақсад қилинган [2].

Шу билан бирга, мамлакатимизда давлат бошқаруви, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини ҳамда ҳудудларни рақамли трансформация қилиш мақсадида, Президентимизнинг 2023 йил 24 майдаги “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-162-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу қарорда “Рақамли ҳукумат” ва “Рақамли ҳудуд” дастурлари доирасида 2023-2024 йилларда амалга ошириладиган 300 та устувор лойиҳа, яъни давлат бошқарувини рақамлаштириш бўйича – 112 та, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини рақамлаштириш бўйича – 51 та ҳамда ҳудудларни рақамли трансформация қилиш бўйича 137 та устувор лойиҳаларни амалга ошириш белгилаб олинган [3].

Юқорида келтириб ўтилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили, шу жумладан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар ҳамда номарказлаштириш шароитида ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш орқали янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини кўришимиз мумкин. Сабаби рақамли технологияларни жамиятга татбиқ этиш, биринчи навбатда, иқтисодий самарадорликни ошириш билан бир қаторда, соҳаларда очиқ, шаффоф ва коррупциядан холи муҳитни шакллантиришга ёрдам беради.

Бугунги кунга келиб, давлат бошқарувини рақамли трансформация қилиш, давлат хизматларини рақамли шаклда кўрсатиш, рақамли ҳукуматни ривожлантириш, инновацион технологияларни соҳа ва тармоқларга татбиқ этиш бўйича жаҳондаги кўплаб давлатлари тадқиқотчи ҳамда олимлари томонидан кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Улардан:

Ҳиндистон Ахборот технологиялари институтининг профессори М.Кумар томонидан 2020 йилда чоп этилган “Давлат хизмати ва бошқарувининг рақамли трансформацияси” номли илмий рисолада, тўртинчи саноат инқилоби* даврида Ҳиндистон давлатининг

* Тўртинчи саноат инқилоби (Industry 4.0) – бу ишлаб чиқариш секторини рақамлаштиришнинг навбатдаги босқичи бўлиб, маълумотлар ва уланишнинг ўсиши, таҳлиллар, инсон ва машинанинг ўзаро таъсири ҳамда робототехника такомиллашувини назарда тутди.

бошқарув ҳамда хизмат кўрсатиш жараёнларига босқичма-босқич сунъий интеллект, 5G, буюмлар интернет (IoT) ва шу каби замонавий технологияларни татбиқ этиш зарурати бўйича таклифларни илгари сурилади [4].

Россия Федерациясининг Самара давлат иқтисодиёт университети профессори О.Белякова ҳам ушбу соҳани рақамли трансформация қилишдаги камчиликлар ва ютуқлари ҳақида илмий изланишлар олиб бормоқда. У 2021 йилда чоп этган илмий мақоласида давлат бошқаруви ва давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида рақамли технологияларни қўллаш барча керакли маълумотларни олиш, зарур давлат хизматидан тез ва самарали фойдаланиш имконини беришини айтиб ўтади. Шу билан бирга, муаллиф рақамлаштириш жараёнини мураккаблаштирадиган муаммоларни очиб беради. Олима бюджет маблағларининг чекланганлиги, малакали кадрларнинг етишмаслиги, меъёрий-ҳуқуқий нормаларнинг етарли эмаслиги ва технологик стандартлардаги камчиликлар ва бошқа муаммоларни санаб ўтган. О. Белякова тадқиқоти натижасида тизимларни янада стандартлаштириш ва ягона технологик стандартларни тасдиқлашни давом эттириш, ахборот хавфсизлиги даражасини ошириш ва фойдаланиш қулайлигини юқори функционаллик билан уйғунлаштирган янги рақамлаштириш воситаларини жорий этишни таклиф қилади [5].

Хитой Халқ Республикасининг Вуҳан ва Нанкай* университети тадқиқотчилари томонидан 2024 йилда чоп этилган “Маҳаллий бошқарув органларининг рақамли трансформация самарадорлигига таъсир этувчи механизмлар: Хитой маълумотлари асосида” номли илмий мақоласида Хубей провинциясидаги макро-минтақавий ва микро-индивидуал маълумотлардан фойдаланиб, маҳал-

лий ҳукуматларнинг рақамли трансформация самарадорлигига таъсир қилувчи асосий механизмларни ўрганиш учун кенг қамровли таҳлил ўтказишади. Натижалар шуни кўрсатадики, давлат ва фуқароларнинг индивидуал даражадаги ўзаро алоқалари, ҳукумат имижини ва туман даражасидаги бўлимларнинг ҳамкорлик салоҳияти маҳаллий бошқарув органларининг рақамли трансформация фаолиятига сезиларли ҳамда ижобий таъсир кўрсатиши аниқланади [6].

Илмий мақолани тайёрлаш жараёнида маълумотларни гуруҳлаш, анализ ва тизимли таҳлил қилиш ҳамда статистик маълумотларни баҳолаш усулларида унумли фойдаланилди. Бундан ташқари, ушбу соҳада ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси таққосланиб, унинг натижалари жадвал ва инфографик шаклларга кел-

тирилган.

Номарказлаштириш шароитида соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилишнинг асосий принципи “Рақамли

1-жадвал

Дунё мамлакатларининг “Электрон ҳукумат”ни ривожлантириш рейтингини (2022 йил)*

Ўрни	Давлатлар	Хизматлар қамрови
1	Дания	97,17 %
2	Финляндия	95,33 %
3	Жанубий Корея	95,29 %
4	Янги Зеландия	94,32 %
5	Исландия	94,10 %
6	Швеция	94,10 %
7	Австралия	94,05 %
8	Эстония	93,93 %
9	Нидерландия	93,84 %
10	АҚШ	91,51 %
69	Ўзбекистон	72,51 %

* <https://www.mdpi.com/2079-8954/12/1/30>

* <https://publicadministration.un.org/egovkb/en-us/Data-Center>

ҳукумат”ни ривожлантириш ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан ҳар икки йилда бир маротаба давлатларда электрон ҳукуматнинг ривожланиши бўйича халқаро рейтинг эълон қилиб борилади. Унга кўра, дунёдаги мамлакатлар рейтингда Ўзбекистоннинг мавқеи олдинги йилларга нисбатан анча кўтарилган. БМТнинг электрон ҳукумат бўйича 2022 йилги тадқиқотида Ўзбекистон 18 поғона юқори ўринга кўтарилди ва 193 та давлат орасида 69-ўринни эгаллади. Бу ҳам, албатта, республикамизнинг барча соҳа ва тармоқларида рақамли ҳукумат тизимининг жадал ривожланаётганлигини англатади.


Ўзбекистон Республикасининг Электрон ҳукумат ривожланиши индекси (E-Government Development Index, EGDI) бўйича юқорига кўтарилишига, асосан, 3 та субиндекс бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани сабаб бўлмоқда. Бунга мисол сифатида ягона интерактив давлат хизматлари портали (www.my.gov.uz)да 2022 йил якунида 370 та электрон давлат хизматлари жорий этилганлиги, шунингдек, мамлакатимизнинг барча ижтимоий объектлари интернет тармоғига уланганлиги ҳамда 2024 йилнинг март ойига келиб, электрон давлат хизматлари сони 590 тадан ошгани, шунингдек, ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 6,3 млн.га яқин онлайн аризаларга хизмат кўрсатилганини кўришимиз мумкин*.

Телекоммуникация соҳасида амалга оширилаётган ишлар натижасида халқаро интер-

нет тармоғига уланишнинг умумий ўтказувчанлик имконияти 2022 йилда 3 200 гигабит/секундни ташкил этди. Шунингдек, бугунги кунга келиб, 98 фоиз аҳоли масканлари мобиль интернет билан қамраб олинган, 65 фоиз уй хўжаликларига юқори тезликдаги интернетга уланиш имконияти яратилган бўлиб, “Ўзбектелеком” АК маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини яратиш” лойиҳаси доирасида – 70 та телекоммуникация шкафлари, 194 та блейд-серверлар, 5 Петабайт маълумотларни сақлаш тизимига эга маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш маркази ишга туширилди ҳамда мавжуд маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш маркази 40 та блейд-сервер ва маълумотлар сақлаш тизими 5 Петабайт ҳажмга кенгайтирилди*.

Бундан кўринадики, Ўзбекистонда сўнгги йилларда рақамли инфратузилманинг яхшиланиши EGDI нинг телекоммуникация инфратузилмаси субиндексида ҳам юқори ўринларга кўтарилишига асос бўлмоқда.

2022 йилга келиб, Ўзбекистон EGDI нинг Онлайн хизматлар индексида – 0,7440, Телекоммуникация инфратузилмаси индексида – 0,6575 ва Инсон капитали индексида – 0,7778 кўрсаткичлари билан 69-ўринга кўтарилди. Бундан ташқари, ушбу йилги Электрон иштирок индексида 0,6136 кўрсаткич билан 55-ўринни эгаллади. Бу индекс бўйича Ўзбекистон 2020 йилда 46-ўринни эгаллаган эди. Бундан кўришиб турибдики, Ўзбекистон БМТнинг Электрон ҳукуматни ривожлантириш индексида ўз ўрнини янада яхшилаши учун,



1-расм. 2018-2022 йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг EGDI даги кўрсаткичлари ва рейтинги*

* <https://my.gov.uz/uz/site/statistic-graph>

* https://digital.uz/activity_page/telecommunication

* <https://publicadministration.un.org/egovkb/en-us/Data/Country-Information/id/186-Uzbekistan>

асосан, паст кўрсаткичларни эгаллаб турган телекоммуникация инфратузилмаси ва электрон иштирокини ривожлантириши талаб этилади.

Телекоммуникация инфратузилмаси бўйича Эстония давлати тажрибасидан фойдаланиш мумкин. Тўғри ушбу давлат ҳудуди жиҳатдан анча кичкина бўлишига қарамай, 1996 йилда интернет билан таъминланганлик даражаси 98 фоизга етган.

Электрон иштирок бўйича эса, Жанубий Корея ва Япония тажрибаларидан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабаби, 2020 йилда Жанубий Корея Электрон иштирок индексида етакчилик қилган бўлса, ҳозирги кунга келиб, Япония бу кўрсаткич бўйича яққол пешқадам ҳисобланади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси 2022 йилги EGD1 рейтинги бўйича Осиё давлатлари орасида 19-ўринни, Марказий Осиё давлатлари орасида эса, Қозоғистондан кейинги ўринни эгаллади.

БМТга аъзо 193 та давлатнинг электрон ҳукумат бўйича 2022 йилги рейтингида он-лайн хизматлар кўлами ва сифати, телеком-

муникация инфратузилмаси ҳолати ва мавжуд инсон салоҳияти бўйича – Дания, Финляндия ва Жанубий Корея етакчилик қилмоқда, кейинги ўринларда эса, Янги Зеландия, Исландия, Швеция, Австралия, Эстония, Нидерландия ва Америка Қўшма Штатлари топ 10 талиқдан жой олди.

Рақамли трансформацияни амалга оширишнинг асосий босқичларидан бири бу рақамли инфратузилмани яхшилаш эканлигини инобатга олган ҳолда мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантиришда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини халқаро рейтинглардаги Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланиб бораётганидан ҳам кўришимиз мумкин.

Рақамли трансформацияни амалга оширишнинг кейинги босқичларида фуқаролар тажрибаси, экотизим, буюмлар интернетини*, ахборот тизимлари ва таҳлилари каби бир нечта соҳаларда давлат хизматларини мувофиқлаштирувчи ўзаро, интеграциялашган, горизонтал имкониятлар тўпламига эга бўлган рақамли ҳукуматнинг платформаларини жорий этиш назарда тутилади. Шунингдек,

Соҳалар номи	Жами:	Вазирлик ва идоралар	Хўжалик бошқаруви органлари	Ҳудудлар	Лойиҳалар
Иқтисодий тараққиёт, молия-банк тизими, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш	75	19	56	Қорақалпоғистон Республикаси	11
Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқа	18	18	–	Андижон вилояти	12
Қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги	19	19	–	Бухоро вилояти	12
Спорт ва туризм	2	2	–	Жиззах вилояти	17
Транспорт, қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги	54	17	37	Қашқадарё вилояти	9
Саноат ва унинг базавий тармоқларини ривожлантириш	37	10	27	Навоий вилояти	8
Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, маънавият ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш	79	79	–	Наманган вилояти	15
Жами:	284	164	120	Самарқанд вилояти	11
				Сурхондарё вилояти	5
				Сирдарё вилояти	11
				Тошкент вилояти	6
				Фарғона вилояти	7
				Хоразм вилояти	8
				Тошкент шаҳри	7
				Жами:	139

2-расм. 2023 йил давомида Ўзбекистонда соҳа ва ҳудудларда амалга оширилган лойиҳалар*

* Internet of things (IoT) – бу тушунча бир-бири билан ёки ташқи муҳит билан ўзаро таъсир қилиш учун ўрнатилган воситалар ва технологиялар билан жиҳозланган жисмоний объектлар ўртасида маълумотларни узатиш тармоғини англатади.

* Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигининг 2023 йил якунлари ҳисоботидан.



жамиятда рақамли фуқароликни шакллантириш мақсадида ягона идентификация тизимларидан фойдаланиш муҳим саналади.

Ушбу лойиҳалар доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида “Халқ назорати” электрон портали ишга туширилди, шу жумладан, “Тиббиёт” комплекс ахборот тизими орқали фуқароларнинг ягона электрон тиббий картаси шакллантирилиб, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари тўлиқ электрон талқинда юритила бошлади. Бундан ташқари, номарказлаштириш жараёнида вазирлик, идора ва ташкилотлар, ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини рақамли трансформация қилиш ҳамда рақамли иш юритиш бўйича, ижро интизоми назоратини таъминловчи электрон ҳужжат айланиш тизими (edo.ijro.uz), норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz), норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (regulation.gov.uz), Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали (data.egov.uz), маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизими (e-qaror.gov.uz) каби лойиҳалар ишга туширилган.

Хулоса ўрнида таъкидлашимиз лозимки, рақамли трансформация маҳаллий ҳокимият органларининг имкониятларини кенгайтириш, хизматлар кўрсатишни яхшилаш ва фуқаролар иштирокини рағбатлантириш учун зарур воситалар, инфратузилма ва имкониятларни тақдим этиш орқали давлат бошқарувини номарказлаштириш имконини беради. Шунинг билан олган ҳолда, номарказлаштириш шароитида ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш жараёнини янада такомиллаштириш, тизимларда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, иш самарадорлигини ошириш ҳамда рақамли иш юритиш кўникмаларни шакллантириш бўйича қуйидагилар таклиф қилинади.

1. Рақамли ҳукумат платформаларининг мобиллигини ошириш – рақамли

платформалар маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кўрсатилаётган хизматларни онлайн тарзда тақдим этиш имконини беради, бу эса, фуқароларнинг марказлашган давлат идоралари билан ўзаро алоқа қилишига бўлган эҳтиёжини камайтиради. Натижада, маҳаллий ҳокимият органлари ўз фаолиятдан келиб чиқиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг эҳтиёжларига мослаштирилган хизматларни тақдим этиш, шу билан бирга, самарадорлик ва фойдаланиш имкониятини оширишга ёрдам беради.

2. Очиқлик ва шаффофликни таъминлаш – рақамли технологиялар ҳукумат маълумотларини маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқаролар билан алмашишни осонлаштириши, маҳаллий даражада шаффофлик ва ҳисобдорликни рағбатлантириши мумкин. Очиқ маълумотлар ташаббуслари маҳаллий ҳукуматларга қарорлар қабул қилиш ва инновациялар учун қимматли маълумотлардан фойдаланиш имконини беради.

3. Ҳамкорликдаги бошқарув воситаларидан фойдаланиш – ҳамкорлик платформалари, лойиҳаларни бошқариш дастурлари ва виртуал учрашув ечимлари каби рақамли воситалар номарказлашган давлат тузилмаларига биргаликда янада самарали ишлаш имконини беради. Ушбу воситалар маҳаллий ҳокимият органлари, минтақавий ҳукуматлар ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасида алоқа, мувофиқлаштириш ҳамда ахборот алмашишни осонлаштиради.

4. Рақамли иштирокни ошириш – рақамли платформалар фуқароларга маҳаллий ҳукумат билан мулоқот қилиш, фикр-мулоҳазаларини билдириш ва қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштирок этиш имкониятини беради. Онлайн форумлар, ижтимоий тармоқлар ва мобиль иловалар маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда фуқаролар ўртасидаги мулоқотни осонлаштириши, шу жумладан, соҳа ва тармоқларда шаффофлик ҳамда жавобгарликни оширишга ёрдам беради.

5. Маълумотлар таҳлили ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш – маълумотлар таҳлили ва сунъий интеллект

каби рақамли технологиялар маҳаллий ҳукуматларга тенденцияларни аниқлаш, хизматлар кўрсатишни яхшилаш ва асосланган қарорлар қабул қилиш учун катта маълумотлар тўпламини (Big Data) таҳлил қилишда ёрдам беради. Ушбу технологиялар маҳаллий ҳокимият органларига маҳаллий муаммоларни ҳал қилиш ва ресурсларни самарали тақсимлаш учун маълумотларга асосланган тушунчалардан фойдаланиш имконини беради.

6. Рақамли инфратузилмага инвестициялар киритиш – рақамли инфратузилмага, жумладан, кенг полосали интернетга кириш ва рақамли уланиш учун инвестициялар номарказлашган давлат бошқарув тузилмаларини қўллаб-қувватлаш учун зарурдир. Ишончли рақамли инфратузилмага кириш маҳаллий ҳокимият органларига хизматларни тақдим этиш ва фуқаролар билан мулоқот қилиш учун рақамли воситалар ҳамда платформалардан самарали фойдаланишини таъминлайди.

7. Киберхавфсизлик ва маълумотларни ҳимоя қилиш – рақамли трансформацияни амалга оширишда давлат маълумотларини ҳимоя қилиш ва фуқароларнинг шахсий дахлсизлигини ҳимоя қилиш учун киберхавфсизлик ва маълумотлар ҳимоясига устувор аҳамият берилиши керак.

8. Рақамли кўникмаларни ривожлантириш – албатта, рақамли трансформацияни амалга оширишнинг асосий босқичларидан бири бу фойдаланувчиларда рақамли иш юритиш кўникмаларини шакллантиришдир. Ўқитиш ва салоҳиятни ошириш дастурлари маҳаллий ҳукумат органлари раҳбарлари ҳамда ходимларининг рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш учун зарур бўлган рақамли кўникмаларга эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

Умуман олганда, рақамли трансформация маҳаллий ҳокимият органларининг имкониятларини кенгайтириш, иш самарадорлигини ошириш, фуқароларни жалб қилиш ва маҳаллий даражада хизматлар кўрсатишни яхшилаш учун зарур бўлган технологик инфратузилма, воситалар ва имкониятларни тақдим этиш орқали давлат бошқарувини номарказлаштиришда муҳим роль ўйнашини таъкидлаб ўтишимиз зарур.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5030957>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-76-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/6472528>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-162-сонли қарори. <https://www.lex.uz/docs/6472548>
4. Mishra, Mukesh Kumar (2020). “Digital Transformation of Public Service and Administration”, ZBW – Leibniz Information Centre for Economics, Kiel, Hamburg. <https://hdl.handle.net/10419/222522>
5. O.Belyakova (2021). “Digital Transformation of Public Administration: Achievements and Problems”. Conference: Global Challenges and Prospects of the Modern Economic Development. e-ISSN: 2357-1330. – P. 174-180.
6. Zhou, Wei, Zhijie Lyu, and Shixiang Chen (2024). “Mechanisms Influencing the Digital Transformation Performance of Local Governments: Evidence from China”, Systems 12, no. 1: 30. <https://doi.org/10.3390/systems12010030>

НОМАРКАЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАЛҚИНИ



Гузал САЪДИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви академияси
“Давлат бошқарувининг сиёсий асослари”
кафедраси мудири, сиёсатшунослик
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)



Олтиной МАМИРОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти хузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: ушбу мақолада жаҳон тарихида номарказлаштириш ғояларининг шаклланиши таҳлил қилиниб, номарказлаштириш шакллари таснифлашдаги асосий ёндашувлар муҳокама қилинади, шунингдек, номарказлаштириш концепциясига биноан ташкил этиш принципи ва бошқарувнинг амал қилиши, бошқарувнинг усули ва яна бир жараён сифатида намоён бўлиши каби жиҳатлари, номарказлаштиришнинг маъмурий, сиёсий ва фискал шакллари очиб берилади.

Калит сўзлар: номарказлаштириш, маъмурий номарказлаштириш, сиёсий номарказлаштириш, фискал номарказлаштириш, деконцентрация, ваколатларни узатиш, деволуция.

Теоретические аспекты децентрализации и их интерпретация

Гузал Саъдиева,
заведующая кафедрой “Политические основы
государственного управления” Академии
государственного управления при Президенте
Республики Узбекистан, доктор философии
по политологии, PhD,

Олтиной Мамирова,
независимый исследователь Академии
государственного управления при Президенте
Республики Узбекистан

Аннотация: в данной статье анализируется формирование идей децентрализации в мировой

истории, рассматриваются основные подходы к классификации форм децентрализации, также согласно концепции децентрализации раскрываются такие аспекты, как принцип организации и функционирования управления, метод управления и его проявление как другого процесса, административные, политические и фискальные формы децентрализации.

Ключевые слова: децентрализация, административная децентрализация, политическая децентрализация, финансовая децентрализация, деконцентрация, передача полномочий, деволуция.

Theoretical aspects of decentralization and their interpretation

Guzal Sa'dieva,
Head of the department of Political bases of
Public Administration of the Academy of Public
Administration under the President of the Republic
of Uzbekistan, PhD (in Political Science),

Oltinoy Mamirova,
Independent Researcher at the Academy
of Public Administration under the President
of the Republic of Uzbekistan

Abstract: this article analyzes the formation of ideas of decentralization in world history, examines the main approaches to the classification of forms of decentralization, and also, according to the concept of decentralization, reveals such aspects as the principle

of organization and functioning of management, the method of management and its manifestation as another process, administrative, political and fiscal forms of decentralization.

Keywords: *decentralization, administrative decentralization, political decentralization, financial decentralization, deconcentration, transfer of powers, devolution.*

Жаҳон тарихида номарказлаштириш ғоялари, дастлаб, XVI аср охириларида шаклланган эди. Бу давлат бошқарувини яхшилаш соҳасида тадқиқотлар олиб бориш кучайган бир давр эди. Кўпчилик олимлар номарказлаштиришга оид дастлабки фикрлар француз ҳуқуқшуноси ва сиёсий файласуфи Жан Боден (1630-1596 й.) ва Иоганн Алттузиус (1563-1638 й.)га тегишли деган фикрни келтиради. Жумладан, Жан Боден бутун бир Европада суверен яхлит (бир бутун) давлат назариясини илгари суради. Бу суверен яхлит давлатлар идеал давлат ташкилоти сифатида Европада XIX асрнинг охиригача ҳукм сурди. Масалан, XVII ва XVIII асрларда Пруссия давлат сиёсатида Франциядагидек суверен яхлит давлат қуриш стратегиясига амал қилинди [4; 38].

XVII асрнинг бошида Jan Bodenga нисбатан муҳолифий назарияларни илгари сурган олим немис-француз ҳуқуқшуноси Иоганн Алтзиус эди. У “Politica Methodice Digesta, Atque Exemplis Sacris et Profanis Illustrata” асарида яхлит давлат назариясига қарама-қарши ғоялар – федерал давлат институти назариясини илгари сурди. Унинг назариясига биноан, суверен монарх эмас, балки халқ бўлиши лозим. Мутафаккир маҳаллий минтақавий сиёсий даражадаги ҳокимият органларига ваколатлар ва ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқларини беришни талаб қилди. Иоганн Алтзиус ғоялари XX аср бошларигача унутилиб кетди ва улар фақат Европада аҳамият касб этди.

Умуман олганда, XX асргача марказлашган давлат идеал давлат сифатида талқин этилди. XX аср бошларида нацист ва социалистик давлатларга қарама-қарши ўлароқ, субсидиарлик ғоялари пайдо бўлди. Бу ғоянинг манбаи – 1891 йилда Папа Лев XIII томонидан таклиф этилиб, Рим католик черковининг ижтимоий таълимотига айланиши ҳодисаси ҳисобланади. Кейинчалик Пий XI

субсидиарликни диктатура ва давлатни иқтисодиётга аралашмаслик йўллари ўртасидаги учинчи йўл сифатидаги афзаллигини илгари сурди. Бу ғоя, асосан, 1931 йилда Улуғ рўздорликка оид Папа энцикликида эълон қилинган эди [1].

Субсидиарлик принципига мувофиқ равишда марказлашган маъмуриятчиликнинг авторитар тарзда қайтадан қурилишига нисбатан қўйидаги тезис қарши қўйилди: давлатнинг ҳуқуқий ва бошқарув функциялари чекланиши ва белгилаб қўйилиши лозим. Ушбу янги принципнинг моҳияти – у марказлашган давлатдан маҳаллий ва минтақавий бошқарувни, шунингдек, фуқаролик эркинликларини ҳимоя қилишни талаб этиш демак эди.

XX асрнинг 40-йиллари иккинчи ярмида давлатни номарказлашган тарзда ташкил этиш, субсидиарлик ва минтақавийлик принципи ўз афзаллигини исботлади.

Илгари намунавий модель бўлган француз марказлашган давлатчилигидан Франция давлатининг ўзи воз кечди. Сиёсий ва бошқарув ҳокимиятини минтақавийлаштириш ва номарказлаштириш Европа сиёсатининг етакчи принципларидан бирига айланди. Бу даврда Европада минтақавийлаштиришнинг бешта шакли пайдо бўлди:

1) федерал тузилмалар воситасидаги минтақавийлаштириш (Австрия, Бельгия, Босния, Герцеговина, Россия, Германия, Швейцария);

2) минтақавий автономия (Испания, Буюк Британия, Шимолий Ирландия);

3) минтақавий номарказлашган (Франция, Венгрия, Нидерландия, Норвегия, Польша, Словакия, Чехия, Швеция);

4) мавжуд маҳаллий ҳокимият органлари воситасидаги квазиминтақавий (Финляндия, Франция);

5) маъмурий минтақалаштирилган (Албания, Арманистон, Беларусь, Болгария, Юно-



нистон, Грузия, Дания, Литва, Португалия, Руминия, Украина, Туркия ва бошқ.) [8; 31].

Қарорлар қабул қилиш жараёнида бошқарувнинг қуйи даражаларида ҳокимият ваколатларини номарказлаштириш нафақат ривожланган, балки ривожланаётган давлатларда ҳам амалга оширила бошлади. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) экспертлар гуруҳи томонидан амалга оширилган таҳлилларга биноан, 1997 йилдаёқ 75 та ривожланаётган давлатларнинг 63 тасида номарказлаштиришнинг турли шакллари жорий этишга ҳаракат қилинган [6; 41]. Уларнинг ҳар бирида ўзига хос хусусиятлар намоён бўлган.

Номарказлаштириш концепциясига биноан унинг бир нечта жиҳатларда: ташкил этиш принципи ва бошқарувнинг амал қилиши, бошқарувнинг усули ва яна бир жараён сифатида намоён бўлади. Номарказлаштириш ташкил этиш принципи ва бошқарувнинг амал қилиши сифатида намоён бўлганида ҳуқуқий доирада ўз императиви (ёки имкониятлари) ва мантиғига эга бўлади:

1) сиёсий, маъмурий, фискал ва бошқа компетенцияларнинг тақсимланиши ва ўзаро чегараланиши ҳамда у билан боғлиқ масъулликлар – олий (марказий, федерал, миллий) давлат ҳокимияти даражаси, минтақавий (субмиллий) давлат ҳокимияти даражаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари даражаси бўйлаб юқоридан қуйига қараб компетенциялар узатилади (вертикал номарказлаштириш принципи асосида), шунингдек, унга қўшимча равишда, улар зарурий ресурслар билан таъминланади;

2) сиёсий, маъмурий, фискал ва бошқа компетенцияларнинг тақсимланиши, ўзаро чегараланиши ҳамда у билан боғлиқ бўлган ўзаро масъулликлар “горизонтал бўйича” – турли ҳокимият органлари ўртасида горизонтал номарказлаштириш принципи асосида амалга оширилади;

3) алоҳида ҳокимият органлари ваколатлари автоном ва автономлашишга яқин давлат органлари, шунингдек, давлат-хусусий ва хусусий сектор автоном ташкилотларига ўтказилади.

АҚШ олимлари Жон Коэн ва Стивен Петерсон номарказлаштириш шакллари-ни таснифлашда олти асосий ёндашувни алоҳида ажратиб кўрсатиб, ушбу шакллarning мураккаб ҳолатларда бир-бирига таъсир қилишини кўрсатиб берадилар:

- тарихий келиб чиқишга тегишли шакллари таснифлаш (бунда муаллифлар тўртта модель – француз, инглиз, совет ва анъанавий кабиларни мисол келтириб таҳлил этади ва буни кучсиз, юзаки ва соддалигини қайд этади);

- номарказлаштиришнинг ҳудудий ва функционал шакллари;

- номарказлаштиришнинг муаммолий-йўналтирилган ва қадриятли-йўналтирилган шакллари (ваколатларни узатиш; функционал номарказлаштириш; маҳаллий ҳокимият органлари даражасида деконцентрациялаш, вазирликлар даражасида деконцентрациялаш, автоном ташкилотларга ваколатларни узатиш: филантропия; маркетинг шакли);

- ижтимоий-сервис шакллари (бошқарувнинг маҳаллий тизими, шерикчилик тизими, интеграциялашган бошқарув тизимлари);

- алоҳида олинган давлатнинг ўзига хос бўлган тажрибасидан келиб чиққан шакллар;

- мақсадларга асосланган шакллар (сиёсий, бозорга оид, маъмурий ва бошқ.) [13; 16].

Лекин аксарият олимлар номарказлаштиришнинг қуйидаги шакллари (жиҳатларини) бир-биридан ажратиб кўрсатадилар:

- маъмурий номарказлаштириш;

- сиёсий номарказлаштириш;

- фискал номарказлаштириш.

Маъмурий номарказлаштириш ўз ичига ҳокимиятнинг марказий органлари бюрократик тузилмаларини деконцентрациялаш, ваколатларни узатиш ва давлат ҳудуди доирасида марказий ҳокимият органларининг квазиавтоном тузилмаларга нисбатан масъуллиги кабиларни олади. Шунингдек, у яна икки томонлама шартномалар тузиш воситасида бир-бирларига ўхшаш функцияларни амалга ошираётган давлат ҳокимияти органларининг номарказлашув асосидаги ўзаро ҳамкорлигини ҳам назарда тутди [12; 7].

Таниқли италян олими Тюлия Фалеттининг фикрича, маъмурий номарказлаштириш автономликка (бюрократик автономликка) ва минтақавий давлат ҳокимияти органлари (субмиллий) фаолияти самарадорлигига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Албатта, бу давлат сиёсатини қандай амалга оширишга боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Агар маъмурий номарказлаштириш маҳаллий ва минтақавий бюрократия фаолиятининг самарали кечишига имкониятлар яратса, у ҳолда маҳаллий ва минтақавий ҳокимият органларининг ташкилий салоҳияти ошди, бу ҳолат ижобий натижаларга олиб келади. Агар маъмурий номарказлаштириш қўйи органларга тегишли молиявий маблағларни ажратмаса, у ҳолда маҳаллий ва минтақавий ҳокимият органларининг мустақиллик даражаси камайдди [14; 37].

Ҳукуматни номарказлаштириш унинг учта жиҳатида амалга оширилади. Бунда номарказлаштириш ҳудудий, яъни марказий шаҳар ҳокимияти бошқа аҳоли яшаш пунктларига берилиши мумкин. Лекин, у албатта, функционал номарказлаштиришдан иборат бўлиб, олий маъмурнинг қарор қабул қилиш ваколати қўйи органлар мансабдор шахсига берилиши мумкин [10].

Маъмурий номарказлаштиришнинг учта асосий шакли мавжуд:

- 1) деконцентрация;
- 2) ваколатларни узатиш;
- 3) деволюция.

Муайян бир ёндашув сифатида деволюция “номарказлаштириш” тушунчасига энг яқин ваколатларни узатиш мазмунини англатиб, у ўз ичига ҳуқуқий ва сиёсий мустақил бўлган минтақавий ҳамда маҳаллий ҳокимият органларига молиялаштириш ва ҳокимиятни бошқариш (қарорлар қабул қилиш функциялари каби) ваколатларини узатишни назарда тутди.

Европалик тадқиқотчиларнинг баъзилари – Б. Смит ва Д. Конерс номарказлаштириш ҳукумат қўлида бошқарув функцияларининг тўпланиб қолиши, ушбу функциялар бир қисмини муайян ислохотлар воситасида маҳаллий ва ҳудудий бошқарув тизимига бериш

жараёни сифатида талқин этади. Жумладан, Б. Смит: “Номарказлаштириш марказий ҳукуматнинг қарорлар қабул қилиш ва маъмурий бошқарувдаги ваколатларини ҳокимиятнинг қўйи даражаларига узатиш жараёни ва у сиёсий масалалар билан боғлиқ”, деган фикрни билдиради [16; 63]. Шунингдек, номарказлаштириш жараёни тўғрисидаги Д. Конерснинг фикри ҳам эътиборга лойиқ. Унинг фикрича, “номарказлаштириш ҳам сиёсий, ҳам маъмурий жараён бўлиб, бунда, асосан, қарорлар қабул қилишга оид ва маъмурий бошқарув ваколатларининг бир қисми қўйи бошқарув органлари ваколатларига тақсимланади”, деган фикрни ёзган эди [12; 82].

Сиёсий номарказлаштириш дейилганда, сиёсий ҳокимият ваколатларини қўйи минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органлари даражасида, деволюция воситасида бошқарув тузилмасида ўзгаришларни (баъзи компетенцияларни узатиш) амалга оширишга айтилади. Кетлин Онейлнинг қайд этишича, сиёсий номарказлаштириш фискал номарказлаштиришсиз амалга оширилганида муҳолифий сиёсий партиялар учун бошқарувнинг субмиллий даражасида имкониятлар яратади, лекин молиявий ресурслардан фойдаланишга кафолатлар берилмайди [15; 17].

Фискал номарказлаштириш ҳокимият бошқарувининг барча даражаларида, даставвал, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият бошқарув органлар даромадларини кўпайтириш ёки уларнинг молиявий ваколатларини кучайтириш, шунингдек, фискал ўзаро таъсирлар механизмлари, алгоритмлари, стратегиялари, сиёсий ва бошқарув соҳалари жамланмасини англатади. Баъзи тадқиқотчилар “иқтисодий номарказлаштириш” тушунчасини ҳам ажратиб кўрсатади. Бунда, асосан, давлат-хусусий шерикчиликни тузиш ва амалга ошириш, давлат корхоналарини хусусийлаштириш, бозорни либераллаштириш кабилар тушунилади [11].

Албатта, биз мавзудан келиб чиқиб, асосий эътиборимизни сиёсий номарказлаштиришга қаратамиз. Жаҳон банки экспертларининг фикрича, сиёсий номарказлашти-

риш миллий ҳукуматларнинг сиёсат ишлаб чиқишдаги ҳокимиятини камайтириш демакдир. Бу жараён ҳукуматнинг субмиллий даражада қарорлар қабул қилиш автономлигининг муайян қисмини қуйи ҳокимият органига узатиш мақсадида институтларни ислоҳ қилиш ёки фуқароларга қуйи даражадаги мансабдорларни (маҳаллий ва ҳудудий даражаларда) сайлаш ҳуқуқининг берилишидан иборатдир. Бунинг учун давлатнинг қандайлигидан келиб чиқиб, конституцияга ўзгартишлар киритилади ёки ислоҳотларга оид қонунлар қабул қилинади (бунда сиёсий партиялар фракциялари таклифлари ўрганилади, қонун чиқарувчи орган ваколатлари кўпайтирилади, шунингдек, маҳаллий сиёсий бирлик ташкил этилади) [9].

Сиёсий номарказлаштириш ҳукуматнинг маъмурий самарадорлигини ошириш ва фуқароларга сиёсий эркинликлар беришдан ташқари, қатор афзалликларга эга. Фуқароларнинг сиёсий ва бошқарув қарорларини қабул қилишдаги иштирокининг ўсиши, уларнинг бюджетни белгилашга таъсири давлат институтларининг самарали бўлишига кучли таъсир кўрсатади [7; 157]. Шунингдек, сиёсий номарказлашиш жамиятнинг маргиналлашиш жараёнини тўхтатишга ҳам кучли таъсир қилади. Шу билан бирга, сиёсий номарказлаштириш ўзининг камчиликларга ҳам эга. Ҳукумат вертикал қаватларга қанча кўп бўлинса, субмиллий ҳукуматда мансабдорлар қанча кўпайса, коррупцияни кучайиши учун имкониятлар шунча кўпаяди [2].

Ривожланган мамлакатларда номарказлаштириш ислоҳотларининг амалга оширилишининг сабаби сифатида: XX аср иккинчи ярмига келиб, марказий бошқарувнинг мураккаблашиб ва қийинлашиб бориши, минтақавий ҳамда маҳаллий бошқарувнинг сиёсий ва иқтисодий жараёнларда иштирок этишига заруратнинг пайдо бўлиши, бошқарув ва ўзини ўзи бошқарувга оид тасаввурларнинг ўзгариши, сиёсий ўзгаришлар натижасида маҳаллий бошқарув органларининг ўз ҳудудий манфаатларини қондиришга бўлган интилишларининг кучайиши, глобал интеграциялашув сабаб технологик ўзгариш-

ларнинг юз бериши кабиларни келтириш мумкин.

Давлат ҳокимияти бошқарув органларини номарказлаштириш марказий ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ўзаро алоқаларга ниҳоятда катта таъсир кўрсатди. Шу билан бирга, маълум бўлдики, давлатдан ташқарида бошқарувни номарказлаштириб бўлмайди, у, асосан, давлатнинг ташаббуси ва унинг назорати остида амалга оширилади. Шунингдек, агар маҳаллий бошқарув органи ўз ҳудудида ҳокимият юқори даражадаги ҳокимият сиёсати каби сиёсат юрита билмаса, унда номарказлаштириш жараёнини амалга ошириш қийинлашади.

МДҲ мамлакатлари давлат ҳокимияти бошқаруви тизимидаги номарказлаштириш жараёнларини таҳлил этган сиёсатшунос экспертлар унинг учта турдаги моделини ажратадилар:

1-модель – бунда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари (аксарият МДҲ мамлакатларида туман ва шаҳарларда давлат бошқарувига барҳам берилиб, муниципал (ўзини ўзи бошқариш тизими жорий этилган) расман номарказлашган тизим жорий этилади. Бу ҳолат турли маҳаллий ва ҳудудий масалаларни ҳал этиш ҳуқуқларига эга бўлган, ҳудудий жамоа автономиясига асосланган маъмурий номарказлаштиришдан иборат.

2-модель – бунда ҳам марказлаштириш, ҳам номарказлаштириш тамойиллари бир-бирлари билан уйғунлашиб, вакиллик ва ижроия органлари давлат ва вилоят органларидан қисман маъмурий автономия олишга эришади, лекин давлат назоратида фаолият юритади. Лекин давлатнинг назорат қилиш функциясининг мавжудлиги эътиборга олинса, қуйи органлардаги бу ҳолатни ўзини ўзи бошқариш, деб аташ қийин масалага айланади.

3-модель – бу модель, асосан, маъмурий марказлаштириш тизимини эслатади. Бунда ҳокимиятнинг маҳаллий органлари “маҳаллий даражадаги давлат ҳокимияти” функциясини вақтинча бажарувчи сифатида номоён бўлади. Ўз навбатида, бу вазият олий

ҳокимият органига бўйсунадиган “компетенцияларнинг иерархик пирамидаси”ни ҳосил қилади.

Бу каби “тартибга солиш” маҳаллий ҳокимият органлари моҳиятини хиралаштириб, уларнинг бошқарув таъсирини сусайтиради. Бу каби шарт-шароитларда марказий олий ҳокимият томонидан тайинланган вилоятлар маъмурияти раҳбарларини номарказлашган давлат ҳокимияти тизимида фаолият юритмоқда, деб тасаввур қилиб бўлмайди. Бу каби ўзгаришлар нактижасида, тўғридан-тўғри ўзига тегишли ҳудуд аҳолиси томонидан сайланган вакиллик жамоалари органларига нисбатан юқоридан тайинланган ижроия ҳокимияти тузилмалари бошқарув иерархиясида устунлик қилади [5].

Номарказлаштиришни англаш асосларидан бири – бу давлат бошқарувига янгича ёндашувни англатади. Бундай ёндашув давлат сектори ташкилотлари самарасини ошириш учун бозор ислохотлари ва янги бошқарув усулларининг муҳимлигига таянади. Номарказлаштириш давлат хизматлари кўрсатиш, катта самараларга ҳамда натижадорликка эришиш воситаси сифатида рақобатдошликлар ва рағбатлантиришларни кенг жорий этиш воситаси сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Номарказлаштириш ислохотларининг муҳим афзаллиги – бу унинг маҳаллий даражаларда қарорлар қабул қилишда фуқаролик жамияти ташкилотлари ва фуқароларга кўпроқ ҳуқуқлар ва имтиёзлар бериб, уларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишларига шарт-шароитлар яратади ва бу жараёнларда уларга кўмаклашади. Маҳаллий Кенгашлар ва бошқа номарказлашган органлар фуқароларга ўз истакларини билдиришга ва давлат ресурсларини тақсимлашга таъсир этишлари учун имкониятлар яратади. Шунингдек, номарказлаштириш шаффофлик ва юқори давлат органларининг ҳисобдорлигини ошириши натижасида маҳаллий ҳокимият органлари фуқаролар учун очиқлик ва қулайлик

яратади, фуқаролар эҳтиёжларига сезгирлик билан акс-садо беради.

Номарказлаштириш маҳаллий ҳокимият органларига ўз ресурсларини ўзлари тақсимлаш ва ишлатишга шароит яратиб бериши, бунда маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиш эркинлиги учун имкониятлар яратиши туфайли ҳам у иқтисодий ўсиш ва ривожланишнинг муҳим омили сифатида намоён бўлади. Шунингдек, номарказлаштириш ресурслар тақсимоли самарасини оширади: чунки маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий эҳтиёжлар ва устуворликларни яхши билади. Номарказлаштириш давлат хизматлари кўрсатиш сифатини оширади, уни фуқароларга қулай ва улар эҳтиёжларига мос равишда бўлишини таъминлаб беради [3].

Давлат бошқарувида очиқликка асосланган, самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш ва давлат бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечилади. Такрорланувчи вазифа ҳамда функцияларни бекор қилиш, давлат органларини фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорлигини ошириш, ҳисобдорлик ва жамоатчилик назорати каби масалалар ҳам лойиҳада назарда тутилган.

Таҳлиллардан кўринадикки, давлат ҳокимият бошқаруви тизимини номарказлаштириш ислохотлари сўнги ярим аср ичида ривожланган ва баъзи ривожланаётган давлатларда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнади. Шу билан бирга, давлат бошқаруви тизими ва давлат сиёсати фуқаролар манфаатлари ҳамда эҳтиёжларидан келиб чиқиб шакллана бошлади. Бу ислохотлар давлат ва жамият барқарорлигини таъминлаш, фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштирокининг кенгайиши каби ўзгаришларнинг асосий омили сифатида намоён бўлди.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Березовой О. 16 мая 1931 г. Папа римский Пий XI заявил о несовместимости католицизма с социализмом.// <https://nod.best/16-maja-1931-g-papa-rimskij-pij-xi-zajavil-o-nesovmestimosti-katolicizma-s-socializmom/?ysc lid=lqbyysf1eo479341123>
2. Вентилятор К. Саймон, Лин Чен, Трейсман Дэниел (февраль 2009 г.). "Политическая децентрализация и коррупция: свидетельства со всего мира".//Журнал общественной экономики. 93 (1-2): 14-34. Дои:10.1016 / j.jpubeco.2008.09.001. HDL:10722/192328. ISSN 0047-2727.
3. Воздействие децентрализации: механизмы и результаты для стран. 21 февраля 2023 г.// <https://www.cryptopolitan.com/ru/влияние-децентрализации/>
4. Гоптарева, И.Б. Политический анализ концепции федерализма. Монография – Оренбург: Южный Урал, 2002. – С. 38.
5. Современные модели децентрализации государственной власти: опыт государств // <https://justicemaker.ru/view-article.php?art=1949&id=26>
6. Карманов А.Ю. Проблемы централизации государственной власти в современной России: теоретико-правовой аспект: Дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.01. Краснодар, 2002. – С. 41.
7. Лион Эйслинг. Политическая децентрализация и укрепление консенсусной и основанной на широком участии местной демократии в Республике Македония. Демократизация. 22: (2015). – С. 157-178.
8. Трофимова И.Н. Децентрализация государственного управления: теоретические модели и страновая специфика // Политика и Общество. 2010. № 3. – С. 31.
9. Политическая децентрализация в архиве 2013-04-09 в Wayback Machine, Проект децентрализации и субнациональной экономики, Всемирный банк, интернет-сайт, по состоянию на 9 февраля 2013 г.
10. Decentralization in Madagascar / A World Bank country study. Washington, D.C.: The International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank, 2004. 97 p. P. 8.// <https://openknowledge.worldbank.org/server/api/core/bitstreams/ffcba097-ad71-50dc-a30a-f780f9743bfb/content>
11. Cheema G.S., Rondinelli D.A. From Government Decentralization to Decentralized Governance // Decentralizing Governance: Emerging Concepts and Practices. Washington (D.C., USA): Brookings Institution Press, 2007. – P. 1-20. – P. 7.
12. Conyers, D. Decentralization: The Latest Fashion in Development Administration" in Public Administration and Development, Vol. 3, 1983. – P. 82.
13. Cohen J.M., Peterson S.B. Administrative Decentralization: Strategies for Developing Countries. Boulder (CO, USA): Kumarian Press, 1999. – P. 16-20.
14. Falleti T.G. Decentralization and Subnational Politics in Latin America. Cambridge: Cambridge University Press, 2010. – P. 37.
15. O'Neill K. Decentralizing the State: Elections, Parties, and Local Power in the Andes. Cambridge: Cambridge University Press, 2005. – P. 217.
16. Smith, B., "Decentralization: The Territorial Dimension of the State" George Allen and Unwin Publishers Ltd, 1985. – P. 63.

НОМАРКАЗЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ



Музоффор КАЙИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси стажёр тадқиқотчиси

Аннотация: ушбу мақолада “маҳалла бюджети” тизимининг амалиётга жорий этилишида, ҳудудлар иқтисодиётининг ривожланишида хизматлар соҳаларининг тутган ўрни ва роли ойдинлаштирилган, маҳалла бюджети таркибий кўрсаткичларининг тенденциялари аниқланган. Шунингдек, мақолада маҳалла бюджетига таъсир этувчи омиллар ва таркибий ўзгаришларини баҳолаш бўйича хулосалар ва таклифлар баён этилган.

Калит сўзлар: маҳалла бюджети, хизматлар соҳаси, тенденция, ўсиш суръати, ўртача миқдорлар, омиллар, аҳоли жонбошига, таркибий силжишлар.

Возможности совершенствования бюджета махалли в условиях децентрализации

Музоффор Кайимов,

стажер-исследователь Академии
государственного управления при Президенте
Республики Узбекистан

Аннотация: в статье определяется роль сферы услуг в развитии региональной экономики и тенденции структурных показателей при реализации системы “районного бюджета”. Также

представлены выводы и предложения по оценке влияющих на них факторов и их структурных изменений.

Ключевые слова: районный бюджет, сфера услуг, тенденция, темпы роста, средние суммы, факторы, на душу населения, структурные сдвиги.

Opportunities for improving the mahalla budget in the context of decentralization

Muzoffor Kayimov,

Research intern of the Academy of Public
Administration under the President of the Republic
of Uzbekistan

Abstract: this article clarifies the role and role of services in the development of regional economy in the implementation of the “district budget” system. Also, the trends of structural indicators of the district budget were determined. Also, the article presents conclusions and proposals on the assessment of the factors affecting the district budget and structural changes.

Keywords: district budget, services sector, trend, growth rate, average amounts, factors, per capita, structural shifts.

Мамлакатимизда номарказлаштириш шароитида ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янги босқичга кўтариш фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришнинг асоси саналади. Зеро инсон қадрини улуғлашга қаратилган эзгу тамойил асосида маҳалланинг ўрни ва нуфузини юксалтиришга катта аҳамият берилаётгани ҳам бежиз эмас. Шунинг учун ҳам юртимизда кенг қўламли ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, халқимиз орасида ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, кўп асрлик анъаналаримизни асраб-авайлаш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳамда оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларида маҳаллаларнинг мавқеи янада кучайтирилмоқда.


Таъкидлаш жоизки, маҳалланинг молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида 2024 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич барча шаҳар ва туманларда “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилмоқда [1].

Бунда, туман ва шаҳар бюджетларига тушадиган ҳомийлик маблағлари ва солиқ тушумларининг бир қисми маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш жамғармаларига йўналтирилиши белгиланди.

Бу борада “Ташаббусли бюджет” дастури жорий этилгани муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу дастур доирасида илгари сурилаётган

таклифлар асосида аҳоли ҳаётига тааллуқли кўпгина долзарб масалалар ўз вақтида ва самарали ҳал этилмоқда. Шу билан бирга, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти-миздаги ролини янада ошириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади. Шу мақсадда маҳалла фуқаролар йиғинига ўзи жойлашган ҳудуддаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига таклифлар киритиш, кенгаш қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этиш ҳуқуқи берилмоқда. Шунингдек, аҳоли ўртасида эътирозларга сабаб бўлаётган ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш учун маҳалла раиси томонидан муҳокамалар ўтказиш, ҳар ойда Маҳалла кенгашида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг ахборотларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилиб, “маҳалла назорати” ва “маҳалла раиси сўрови” институтлари жорий этилди. Бу йил тарихимизда биринчи марта тажриба тариқасида ҳар бир ҳудуддаги битта туманда “маҳалла бюджети” тизими ўрнатилиб, мол-мулк ва ер солиғининг бир қисмини маҳаллаларнинг ўзида қолдириш кўзда тутилмоқда. Бу эса маҳаллаларимиз ҳудудидаги мавжуд муаммоларнинг бевосита улар томонидан мустақил ҳал этилишида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тажрибанинг амалий натижаларига қараб, келгусида уни бутун республикамизда йўлга қўйиш масаласини кўриб чиқамиз. Бир сўз билан айтганда, маҳаллаларни фуқаролик жамиятининг таянч устунига, чинакам халқчил тузилмага айлантириш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг [2] ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



Ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими бўлган бу идоранинг нуфузини ошириш, уни чинакам халқ виждонига айлантириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида кейинги йилларда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишлар, аввало, бандликни таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, хотин-қизлар, ёшлар, нуруний отахон ва онахонларимизга манзилли ёрдам кўрсатиш, фуқароларни замонавий касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, камбағалликни қисқартириш ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар билан уйғун ҳолда олиб борилаётгани диққатга сазовордир. Айниқса, барча соҳа ва йўналишлар бўйича “маҳаллабай” ишлаш тизими кенг жорий этилиб, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторидан иборат таъсирчан тузилма фаолияти йўлга қўйилгани ижобий самара бермоқда. Бунинг тасдиғини маҳаллаларда тадбиркорлик ривожланиб, янги иш ўринлари, доимий даромад манбалари яратилаётгани, барқарор ижтимоий-маънавий муҳит мустаҳкамланиб, жиноятчилик камайиб бораётгани мисолида кўриш мумкин.

Биргина 2023 йилнинг ўзида маҳалла фаоллари кўмагида юз минглаб ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминлангани, 9 минг 400 дан ортиқ маҳалланинг қарийб 3 мингта си ёки 31 фоизда жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани шундан далолат беради. Маҳаллаларни обод қилиш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ишларимиз мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, халқимиз турмуш даражаси ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини ошириш ва маҳаллалардаги йирик бўлмаган лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда муаммоларни мустақил ҳал этишни ташкил қилиш мақсадида, “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилди.

Натижада, маҳаллалардаги турли даражадаги муаммоларни ҳал этиш учун ҳар бир маҳалланинг ўз маблағи, жамғармаси

шаклланади. Маҳаллаларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси аҳолининг реал даромадлари ва турмуш сифатининг юксалишига олиб келади.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида хизматлар соҳаси салмоқли ўринга эга. Ўзбекистонда энг тез ривожланаётган тармоқлардан бири, учинчи даражали сектор – хизматлар соҳаси ҳисобланади.

Номарказлаштириш туфайли 2022 йилда кўрсатилган хизматлари ҳажми Тошкент вилоятида 4 797,5 млрд сўмга ошиб, 25 994,9 млрд сўмни, Самарқанд вилоятида эса, 4 475,9 млрд сўмга ошиб, 22 734,9 млрд сўмга етди.

Таққослама эквивалентда Тошкент вилоятида 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 113,2 %ни ташкил этди. Ўтган йили ушбу кўрсаткич – 117,8 %га, Самарқанд вилоятида эса, 2021 йилга (119,0 %) нисбатан ўсиш суръати 114,9 %ни ташкил этди.

Тошкент вилоятида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида 2022 йилда энг катта улушни савдо хизматлари эгаллагани ҳолда, унинг салмоғи – 33,4 фоизни, Самарқанд вилоятида ушбу хизматларнинг улуши 28,3 фоизни ташкил этди. Кейинги ўринларда эса, транспорт хизматлари Тошкент вилоятида – 22,9 фоизни, Самарқанд вилоятида эса, 23,5 фоизни. Тошкент вилоятида молиявий хизматлар – 13,4 фоизни, Самарқанд вилоятида – 15,8 фоизни ташкил этди. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари Тошкент вилоятида – 3,2 фоизни, Самарқанд вилоятида эса, 4,7 фоизни ташкил этди.

Номарказлаштириш доирасида вилоятда 2022 йилда 2021 йилга нисбатан юқори қўшимча ўсиш суръатлари молиявий хизматлар бўйича – 28,6 фоизга, алоқа ва ахборотлаштириш хизматларида – 28,0 фоизга, таълим соҳасидаги хизматларда – 27,5 фоизга, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматларда – 26,8 фоизга, бошқа хизматлар бўйича эса, 49,9 фоизга тенг бўлган. Аксинча, кўрсатилган бозор хизматлари таркибидаги меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизмат турларининг 39,9 фоизга пасайиши кузатилди.

Тошкент вилоятида аҳоли томонидан хизматлар соҳасининг ҳар хил турларига бўлган талабнинг барқарор ўсиши ва давлат томонидан амалга оширилаётган инфратузилмани (ижтимоий, транспорт-коммуникация, савдо ва бошқалар) ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар хизмат кўрсатиш соҳасининг барча тармоқларини жадал ривожлантиришни таъминлашга замин яратади.

Вилоятда номарказлаштириш тенденцияси 2022 йилда: алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг юқори ўсиш даражаси Бўстонлиқ (29,7 %), Тошкент (28,9 %) ва Юқори Чирчиқ (28,5 %) туманларида ҳамда Олмалиқ шаҳри (28,9 %)да, нисбатан паст ўсиш Қибрай тумани (2,7 %)да кузатилди.

Тошкент вилоятида кўрсатилган хизматлар ҳажми таққослама баҳоларда 2022 йилда 2018 йилга қараганда 8435,5 млрд сўмга,

1-жадвал

Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида АЖБ кўрсатилган хизматларнинг йиллар кесимидаги динамикаси [3]

Худудлар	Кўрсатилган хизматлар ҳажми, 2021 йил баҳосида млрд сўм					Аҳоли жонбошига хизматлар ҳажми, млн сўм					Ўртача йил- лик
	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	
Тошкент в.	15551	17635	17990	21197,4	23986,6	5,4	6	6,1	7,2	8,1	6,6
<i>шу жумладан, шаҳарлар</i>											
Нурафшон ш.	663,5	828,2	861	953	1057,9	13,8	17,1	17,2	18,3	19,8	17,2
Олмалиқ ш.	1145,1	1211,4	1214,8	1404,5	1680,6	8,9	9,3	9,2	10,5	12,1	10
Ангрен ш.	1034,1	1092	1110,1	1368	1569,2	5,6	5,8	5,8	7,5	8,9	6,7
Бекобод ш.	784,6	809,1	831,3	969,6	1130,9	8,4	8,5	8,6	9,8	11,2	9,3
Оҳангарон ш.	369,8	383,6	386,2	411,4	466,2	10,1	10,3	10,1	10,4	11,5	10,5
Чирчиқ ш.	1440,7	1482,1	1504,3	1669	1898,9	9,3	9,5	9,4	10,2	11,4	10
Янгийўл ш.	857,6	881	907,3	942	1063	14,4	14,7	14,8	13,3	13,1	14,1
Ўртача	899,3	955,3	973,6	1102,5	1266,7	10,1	10,7	10,7	11,4	12,6	11,1
<i>туманлар</i>											
Оққўрғон т.	452,4	460,9	463,4	548,6	617,8	4,4	4,4	4,4	5,1	5,7	4,8
Оҳангарон т.	222,5	230,5	234,4	284,3	321,9	2,4	2,4	2,4	2,8	3	2,6
Бекобод т.	490,8	495,9	502,8	553,4	633,2	3,2	3,2	3,2	3,5	3,9	3,4
Бўстонлиқ т.	905,4	963,7	996	1283,4	1545,7	5,4	5,7	5,9	7,5	8,9	6,7
Бўка т.	457,1	475,1	479,6	488,3	549	3,7	3,8	3,8	3,8	4,2	3,9
Куйи Чирчиқ т.	315,3	326	334,7	429,2	504,4	3	3	3,1	3,9	4,5	3,5
Зангиота т.	1531,6	1655,8	1762	2218,1	2643,9	7,9	8,4	9	12,2	15,8	10,7
Юқори Чирчиқ т.	548,9	580,4	598,7	761,7	909,1	4,2	4,3	4,4	5,6	6,7	5
Қибрай т.	1803,9	1896,3	1903,5	2204,2	1869,5	9,2	9,5	9,5	11,8	10,8	10,2
Паркент т.	627,9	665	684,8	823,2	946,8	4,2	4,3	4,4	5	5,5	4,7
Пскент т.	252,5	259,9	262,6	327,2	367,5	2,6	2,6	2,6	3,2	3,6	2,9
Ўрта Чирчиқ т.	623,4	654,2	654,7	776,1	896,9	4,3	4,4	4,5	5,6	6,7	5,1
Чиноз т.	536,5	565,6	567,5	613	717,7	4,1	4,3	4,2	4,5	5,1	4,4
Янгийўл т.	788,4	804,4	806,3	961,2	1080,3	3,8	3,9	3,8	4,8	5,6	4,4
Тошкент т.	863,5	912,1	924,4	1208,2	1446,2	4,9	5,1	5,1	6,5	7,6	5,8
Ўртача	694,7	729,7	745	898,7	1003,3	4,5	4,6	4,7	5,7	6,5	5,2

Ўзгариш суръати 1,54 баробарга, аҳоли жонбошига 2,7 млн сўмга, ўзгариш суръати 1,5 мартага ошган.

Вилоят ҳудудларида аҳоли жонбошига хизматлар ҳажми 2022 йилда Нурафшон ва Олмалик шаҳарларида юқори бўлиб, мос равишда, 19 810,9 ва 12 125,5 минг сўмга тенг бўлган. Номарказлаштириш негизида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси аҳоли реал даромадлари ва турмуш сифатининг юксалишига олиб келади (1-жадвал).

Юқоридаги маълумотларнинг таҳлили натижаларига кўра, Тошкент вилоятида кўрсатилган хизматлар ҳажми таққослама баҳоларда 2022 йилда 2018 йилга қараганда 8435,5 млрд сўмга, ўзгариш суръати – 1,54 баробарга, аҳоли жонбошига 2,7 млн сўмга, ўзгариш суръати 1,5 мартага ошганлигини кўришимиз мумкин.

Вилоят ҳудудларида номарказлаштириш натижасида аҳоли жонбошига хизматлар ҳажми 2022 йилда Нурафшон ва Олмалик шаҳарларида юқори бўлиб, мос равишда, 19 810,9 минг сўмга ва 12 125,5 минг сўмга тенг бўлган.

1-жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, Тошкент вилоятида доимий аҳолининг ўртача сони 2018-2022 йилларда – 3,0 фоизга, кўрсатилган хизматлар ҳажми эса, аҳоли жонбошига 2685,7 минг сўмга кўпайган. Натижада, хизматлар ҳажмининг аҳоли сонига нисбатан илгарилаш коэффициенти $1,497$ мартага $[K_{илг} = (23986,6 : 15551,1) : 1,030] = (1,542 : 1,030)$ юқори бўлган.

Тошкент вилояти шаҳарлари ва туманларини аҳоли жонбошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми бўйича 1-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, учта гуруҳга ажратамиз (юқори, ўртача ва паст даража).

Тошкент вилояти шаҳарларида аҳоли жонбошига хизматлар ҳажмининг энг юқори кўрсаткичи Нурафшон шаҳрига (17,2 млн сўм), энг паст кўрсаткичи Ангрен шаҳрига (6,7 млн сўм) тўғри келганлиги аниқланди. Бунда гуруҳлаш оралиғини қуйидаги кетма-кетликда аниқлаймиз:

$$i = \frac{17,2 - 6,7}{3} = 3,5 \text{ млн сўм};$$

1-гуруҳ: 6,7-10,2 млн сўмга;

2-гуруҳ: 10,2-13,7 млн сўмга;

3-гуруҳ: 13,7-17,2 млн сўмга.

Тошкент вилоятидаги шаҳарларда аҳоли жонбошига хизматлар ҳажмини ҳисоблаш ва рейтингини аниқлашда интеграл кўрсаткичлардан фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичлар асосида ҳисобланганда, ўртачадан паст даражадаги шаҳарлар гуруҳига: Ангрен (6,7 млн сўм), Бекобод (9,3 млн сўм), Олмалик (10,0 млн сўм) ва Чирчиқ (10,0 млн сўм) шаҳарлари киради. Ўртача ривожланиш даражасига эга бўлган шаҳарлар гуруҳига: Оҳангарон (10,5 млн сўм), ўртачадан юқори даражада ривожланган шаҳарлар гуруҳига: Янгийўл (14,1 млн сўм) ва Нурафшон (17,1 млн сўм) шаҳарлари кирган.

Тошкент вилояти туманларида эса, аҳоли жонбошига хизматлар ҳажми энг юқори Зангиота туманига – 10,7 млн сўм, энг паст кўрсаткич Оҳангарон туманига – 2,6 млн сўм эканлиги аниқланди. Бунда гуруҳлаш оралиғи қуйидагича аниқланади.

$$i = \frac{10,7 - 2,6}{3} = 2,7 \text{ млн сўм};$$

1-гуруҳ: 2,6-5,3 млн сўмга;

2-гуруҳ: 5,3-8,0 млн сўмга;

3-гуруҳ: 8,0-10,7 млн сўмга.

Тошкент вилояти туманларида аҳоли жонбошига хизматлар ҳажмини ҳисоблаш натижаларига кўра, ўртачадан паст даражадаги туманлар гуруҳига: Оҳангарон (2,6 млн сўм), Пскент (2,9 млн сўм), Бекобод (3,4 млн сўм), Қуйи Чирчиқ (3,5 млн сўм), Бўка (3,9 млн сўм), Чиноз (4,4 млн сўм), Янгийўл (4,4 млн сўм), Паркент (4,7 млн сўм), Оққўрғон (4,8 млн сўм), Юқори Чирчиқ (5,0 млн сўм) ва Ўрта Чирчиқ (5,1 млн сўм) туманлари киради. Ўртача ривожланиш даражага эга бўлган туманлар гуруҳига Тошкент (5,8 млн сўм) ва Бўстонлик (6,7 млн сўм) туманлари, ўртачадан юқори даражада ривожланган туманлар гуруҳига: Қибрай (10,2 млн сўм) ва Зангиота (17,1 млн сўм) туманлари кирган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-



тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сонли Фармони қабул қилинди.

Номарказлаштириш имкониятлари 2024 йилдан бошлаб, республика бўйлаб барча маҳаллаларда “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилиши, бунда фуқаролар томонидан тўланган мол-мулк ва ер солиқларининг 10 фоиз қисми ҳар бир маҳалла учун очилган жамғармаларга йўналтирилиши белгилаб берилди.

Жамғарма маблағлари бевосита маҳаллаларда ташкил этилган “маҳалла еттилиги” томонидан сарфланиши назарда тутилмоқда.

Шундай қилиб, мамлакатимизда маҳалла бюджетининг амалиётга жорий этилишида, мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишини таъминлашда номарказлаштиришни самарали амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ:

- маҳаллаларда хизмат кўрсатишни амал-

га ошириш мақсадида кадрлар салоҳиятини ошириш;

- ушбу соҳага инновацион технологияларни йўналтириш орқали аҳоли турмуш даражасини оширишга эришиш;

- ички ва ташқи бозорларда хизматларга бўлган талабни кенгайтириш, шу орқали аҳоли бандлик даражасини ошириш;

- ҳудудларда ушбу соҳани ривожлантириш орқали туристлар оқимининг ошишига эришиш мумкин.

Маҳалла бюджетини хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали бугунги кунда ҳудудда энг йирик меҳнат бозорида ишсизлик даражасининг пасайишига ва аҳоли турмуш даражасининг йилдан-йилга яхшиланиб боришига ҳамда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсишига эришилади.

Юқорида таклиф этилган фикр ва мулоҳазаларнинг амалиётга татбиқ этилиши маҳалла бюджетини такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-300-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПҚ-402-сон қарорига 1-илова.
3. Тошкент вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сонли қарори. // “Халқ сўзи”, 2021 йил 12 май.
5. Бекмуродов М.Б. Замонавий бошқарув социологияси. – Т.: Янги аср авлоди. – 2020. – 436 б.
6. Бекмуродов М.Б. Фаросат илми. – Т.: Фафур Фулом. – 2022. – 192 б.
7. Бекмуродов М.Б. ва Каримов Б.Ш. Меҳр тушунчасининг ижтимоий муносабатни консенсус даражасида юксалтиришдаги роли. // Журнал. Социальных исследований. 2021.
8. Қайимов М.Ш. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида маҳаллий бюджетнинг даромад базасини мустаҳкамлаш. // Халқаро илмий конференция материаллари. 2004 й. 11-12 февраль. – 152-153-154 б.
9. Қайимов М.Ш. Санъат соҳасидаги профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш. // “Жамият ва бошқарув”. 2010. – 135-136 б.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ НОМАРКАЗЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ



Ситора НЕГМАТОВА,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти

Аннотация: мақолада мамлакатимизда давлат бошқарувини номарказлаштириш, яъни марказий давлат бошқаруви органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, вилоят бошқарув органлари ваколатларини туман (шаҳар) давлат ҳокимияти органларига ўтказиш ислохотлари давомида давлат фуқаролик хизматчиларининг моддий ва ижтимоий ҳимояси, давлат фуқаролик хизматчиларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимининг ўрни ва унинг ҳуқуқий механизмлари ёритилган. Номарказлаштириш ислохотлари давлат фуқаролик хизматчилари ҳуқуқий ҳолатига ва улар фаолияти самарадорлигига таъсири таҳлил этилиб, илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинган. Шунингдек, давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: номарказлаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат хизмати, давлат фуқаролик хизматчиси, мансабдор шахс, давлат фуқаролик хизмати, меҳнат таътили, мажбурий суғурта, давлат пенсия таъминоти, компенсация, мақбуллаштириш, адолатли меҳнатга ҳақ тўлаш.

Правовые гарантии деятельности государственных гражданских служащих в условиях децентрализации государственного управления

Ситора Негматова,

докторант Академии государственного
управления при Президенте
Республики Узбекистан

Аннотация: в статье раскрыты материальная и социальная защищенность государственных гражданских служащих, роль системы социальной и правовой защиты государственных гражданских служащих и ее правовые механизмы. Проанализировано влияние реформ децентрализации на правовой статус государственных служащих и их эффективность, сделаны научно-практические выводы. Также разработаны предложения, направленные на совершенствование правовых гарантий государственных гражданских служащих.

Ключевые слова: децентрализация, органы местного самоуправления, государственная служба, государственный гражданский служащий, чиновник, государственная гражданская



служба, трудовой отпуск, обязательное страхование, государственное пенсионное обеспечение, компенсация, оптимизация, справедливая оплата труда.

Legal guarantees for activities of state civil servants in the context of decentralization of Public Administration

Sitora Negmatova,

Doctoral student of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *the article reveals the material and social security of state civil servants, the role of the system of social and legal protection of state civil servants and its legal mechanisms. The impact of decentralization reforms on the legal status of civil servants and their effectiveness is analyzed, and scientific and practical conclusions are drawn. Proposals have also been developed aimed at improving the legal guarantees of state civil servants.*

Keywords: *decentralization, local government, civil service, state civil servant, official, state civil service, labor leave, compulsory insurance, state pension provision, compensation, optimization, fair wages.*

Сўнги йилларда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг муҳим шarti ҳисобланган самарали фаолият юритувчи бошқарув тизимини шакллантириш бўйича кенг қўламли маъмурий ислохотлар амалга оширилди. Давлат органларининг ўз соҳасига оид бўлмаган вазифаларини қисқартириш ва маҳаллий бошқарувни босқичма-босқич номарказлаштириш бўйича бир қатор чоралар кўрилди. 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган Маъмурий ислохотлар концепциясида республика давлат бошқаруви органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, вилоятдан туман (шаҳар) давлат ҳокимияти органларига ўтказишни назарда тутган ҳолда, давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш [1], 2022 йил 28 январдаги 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида давлат бошқарувини номарказлаштириш ишларини жадаллаштириш ҳамда давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш каби вазифалар белгилаб берилгани шулар жумласидан.

Бундан ташқари, давлат бошқарувини номарказлаштириш ҳисобига маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва ҳудудий давлат бошқаруви органларининг жойларда масалаларни ҳал қилишдаги ролини ошириш ҳам устувор мақсад сифатида қаралмоқда. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 20 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида ихчам

ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтиш таклиф этилди [2].

Мамлакатимизда марказий давлат бошқаруви органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, вилоят бошқарув органлари ваколатларини туман (шаҳар) давлат ҳокимияти органларига ўтказишга оид ислохотлари давомида давлат фуқаролик хизматчиларининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимининг мазмун-моҳияти ва мазкур кафолатларнинг механизмлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ва давлат фуқаролик хизматчилари ҳуқуқий мақомини ҳисобга олган ҳолда тизимли таҳлил, анализ, синтез, таққослаш, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, ҳуқуқий, мантиқий таҳлил ва бошқа бир қанча тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Сўнги йилларда олиб борилган тадқиқотларда давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва унда номарказлаштириш сиёсатининг ўрни алоҳида тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Чунки Жаҳон банки экспертлари томонидан тайёрланган ҳисоботда қайд этилганидек, бошқа ўтиш даври мамлакатлари тажрибаси кўрсатганидек, “Маҳаллий органлар ва фуқароларни янада кенг жалб қилишга йўналтирилган номарказлаштириш давлат хизматлари кўрсатиш сифатини ошириши, ҳуқумат органларининг жамоатчилик олдидagi ҳисобдорлигини ошириши ва ислохотларнинг жамият томонидан кенг қўллаб-қувватланишига хизмат қилиши мумкин” [3].

Профессор А.А.Азизхўжаев номарказлаштиришни маъмурий ислоҳот йўналишларидан бири сифатида қайд этиб, уни амалга оширишда: “босқичма-босқичлик, нодавлат ташкилотлар фаолиятини давлат органлари функцияларини бажариш бўйича тайёрлаш, марказий органларда назорат ва мувофиқлаштиришни қолдириш, ислоҳотларни амалга оширишда миллий давлатчилик анъаналарига таяниш” [4] каби принципларга амал қилиш лозимлигини таъкидлайди.

Г.Маликова давлат бошқарувида номарказлаштириш сиёсати давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг энг муҳим ва самарали методи номарказлаштириш эканлигини алоҳида қайд этган [5]. Г.Исмоилова эса, давлат бошқаруви тизимида марказлаштириш ва номарказлаштириш жараёнлари ўртасида мувозанатни таъминлаш ва унинг миллий-ҳудудий тузилишига эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаган [6].

“Маҳаллий бошқарув” дарслигида марказий ҳокимият билан маҳаллий ҳокимият идоралари ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, унитар давлатлар: марказлашган, нисбий марказлашган ва марказлашмаган турларга бўлиниши эътироф этилади. Ушбу таснифда асосий мезон давлат органлари ваколатларининг тақсимланиши, уларнинг қарор қабул қилишдаги мустақиллиги асосий мезон сифатида эътиборга олинган [7].

Айрим олимлар давлат бошқарувида номарказлаштириш кўпроқ ваколатлар тақсимотида намоён бўлади, деб ҳисоблайдилар. Шунга мувофиқ, Б.Смит номарказлаштириш ўз ичига қарорлар қабул қилиш ва маъмурий бошқарувни марказдан ҳокимиятнинг қуйи даражаларига ўтказишни олиб, кўпроқ, сиёсий масалалар билан боғлиқ ҳолат деб таъкидлайди [8]. Ушбу фикрга яқин фикрни Д.Рондинелли ҳам қўллаб-қувватлайди. Унга кўра, номарказлаштириш қарорларни режалаштириш ва уларни қабул қилишда ваколатларнинг тақсимланиши ёки юқоридан қуйига берилишини назарда тутиш билан бир қаторда, марказий давлат органлари вазифаларининг

маълум бир қисмини уларнинг жойлардаги тегишли ташкилотларига ва маҳаллий ҳокимият ёки ноҳукумат ташкилотларга берилишини ҳам эътиборга олади [9]. Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, номарказлаштириш жараёнида давлат хизматчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларида ўзгаришлар рўй беради. Бу эса, уларнинг мақоми, жавобгарлиги ва фаолият кафолатларида ҳам ўзгаришлар бўлишини англатади.

Тадқиқотчи Ш.Отабоев томонидан юқори бўғинда давлатнинг ҳудудий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга масъул органни белгилаш, унинг ваколат, вазифа ҳамда функцияларини аниқ белгилаш ғоясини илгари сурган [10]. Дарҳақиқат, ушбу давлат функциясини алоҳида марказий орган томонидан профессионал амалга оширилиши ижобий натижага олиб келиши мумкин. Ушбу тажриба: Германия, Чехия, Италия, Латвия, Қозоғистон Республикасида мавжуд бўлиб, ушбу давлатларда турли номдаги махсус ваколатли давлат бошқарув органи фаолият юритади. Шу сабабли, мамлакатимизда номарказлаштириш ислоҳотларининг кейинги босқичида мазкур тажрибани жорий этиш масаласини муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар бошқарув самарадорлигини сезиларли равишда яхшилади. Бу ҳақда тадқиқотчи М.Махмадаминовнинг: “Олиб борилаётган маъмурий ислоҳотлар мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустақам йўналишдир. Айниқса, “Инсон қадри учун” ғояси ҳамда ҳозирги ислоҳотларнинг бош тамойили бўлган “инсон – жамият – давлат” деган ёндашувни ислоҳотларимизнинг мазмунига чуқур синдириб, амалиётда ҳам ҳаётда бош қадриятга айлантириш зарур” [11], эканлиги ҳақида фикрини қўллаб-қувватлаймиз. Шу билан бирга, А.Умаров ҳақли равишда қайд этганидек: “Кейинги етти йилда мамлакатимизда аҳолининг турмуш шароити яхшиланаётганлиги, халқ билан мулоқот тизими самарали йўлга қўйилаётганли-

ги, давлат бошқаруви органлари фаолиятида ошкоралик ва шаффофлик муҳити юзага келганлиги ҳамда улардаги бошқарув жараёни устидан жамоатчилик назорати йўлга қўйилганлиги ҳамманинг кўз ўнгида юз бераётганлигини ҳам айтиш айна ҳақиқатдир” [12]. Шу боис, мамлакатимизда шаклланган ижобий тажрибани инobatга олиб, ҳудудларни фаол ривожлантириш бўйича янги стратегияларни амалга оширишнинг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда 2017 йилда бошланган кенг қўламдаги маъмурий ислохотлар сўнги йилларда янада фаоллашди. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон Фармонида замонавий талабларга жавоб берадиган ихчам давлат бошқаруви тизимини шакллантириш мақсадида, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларни ўз ичига оладиган яхлит тизимини шакллантириш бўйича вазифалар белгиланди. Шунингдек, маъмурий ислохотларнинг иккинчи босқичи сифатида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш назарда тутилди [13].

2023 йилда давлат хизматини ихчамлаштириш мақсадида, давлат хизматчилари сонини босқичма-босқич 30-35 фоизга қисқартириш, иқтисод қилинадиган маблағлар ижтимоий масалаларга йўналтириш ислохоти амалга оширилди. Бунинг асосий сабаби сифатида давлат хизматлари кўрсатишни рақамлаштириш имкониятларининг ривожланиб бориши ва давлат вазифа ҳамда функцияларини оптималлаштириши билан изоҳлаш мумкин.

Эътиборлиси, давлат хизматчилари зиммасидаги масъулият асло камайгани йўқ. Аксинча, масъулият ошиб, иш ҳажми ҳам ошиши мумкин. Бундай шароитда давлат хизматчиларининг меҳнатини адолатли ташкил этиш, давлат органларида иш вақти ва меҳнат меъёрларига амал қилинишини таъминлаш, давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий ва

ижтимоий ҳимоясини самарали йўлга қўйиш ҳамда улар ўртасида коррупцияга йўл қўймаслик долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Ушбу мақсадларга эришишда давлат хизматчиларини муносиб ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя билан таъминлаш долзарб аҳамиятга эга.

Давлат ҳокимиятнинг мустаҳкамлиги, барқарорлиги ҳамда самарадорлиги унда фаолият кўрсатаётган хизматчиларнинг профессионаллик даражаси ва компетенцияларига боғлиқдир. Давлат хизматчилари давлат номидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди. Ўз навбатида, давлатга тегишли хизматчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳам давлат томонидан кафолатланади.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 21-моддасида: “ҳар бир ходимнинг меҳнат шартномасида шартлашилган иш билан иш берувчи томонидан таъминланиш, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мос келадиган иш жойига эга бўлиш, ўз малакасига, меҳнатнинг мураккаблигига, бажарилган ишнинг миқдори ва сифатига мувофиқ ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда иш ҳақи олиш, меҳнат ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш учун кассаба уюшмаларига ва бошқа ташкилотларга бирлашиш, ушбу қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини қонун билан тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилиш” каби ҳуқуқлари белгиланган [14].

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан 2023 йил давомида давлат хизматчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўтказилган комплекс ўрганиш ва мониторинглар натижасида, 1792 та қонун

бузилиши аниқланган ҳамда 391 та тақдимнома ва огоҳлантиришлар киритилиб, 18 нафар айбдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилган. Натижада, 53 нафар ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлашга оид бузилган ҳуқуқлари тикланган ва 36 та ноқонуний буйруқлар бекор қилинган. Иш режимига риоя этилиши бўйича ўтказилган мониторингда, 1174 та давлат органидан 163 тасида 540 нафар ходим дам олиш кунлари ва иш вақтидан ташқари ишга жалб этилганлиги аниқланган. Натижаси бўйича – 163 та раҳбарга огоҳлантириш ва ёзма кўрсатмалар берилган ҳамда 11 нафар мансабдорга 47,6 млн сўм маъмурий жарима қўлланилиши таъминланган. Шунингдек, Топ-500га кирувчи хорижий ОТМларни тамомлаган 13 нафар ёш мутахассис маошига устама тўлаш бўйича бузилган ҳуқуқлари тикланиб, 456 млн сўмдан ортиқ маблағнинг тўлаб берилиши таъминланган [15].

Шу ўринда давлат хизматчиларининг ҳуқуқий ҳимояси ҳақида сўз юритар эканмиз, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 52-моддасида белгиланган давлат фуқаролик хизматчиси давлат органининг қонунга хилоф қарорлари, шунингдек, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи давлат органига ёки махсус ваколатли давлат органига ёхуд судга шикоят қилишга ҳақли эканликлари тўғрисидаги нормага алоҳида эътибор қаратиш лозим [16]. Ушбу қоида билан давлат фуқаролик хизматчисининг раҳбарнинг ноқонуний топшириғини бажармаслик, ўзига нисбатан чиқарилган қарорлар устидан юқори турувчи орган ва ваколатли орган (Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги) ёхуд судга мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланган. Бу эса, ходимларнинг хизмат муносабатларида низоли ҳолатлар юзага келганда (масалан, ноқонуний интизомий жазо чорасини қўллаш, фаолиятни нотўғри баҳолаш, лавозимдан четлатиш, танлов ва этика комиссияси хулосаларидан норози бўлиш ва ҳоказо) давлат фуқаролик хизмати билан кафолатланган ҳимоя воситаларидан фойдаланиш имконини беради.

Давлат органининг қонунга хилоф қарорлари, шунингдек, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида давлат фуқаролик хизматчисининг бузилган, низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади. Давлат фуқаролик хизматчисига етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш билан боғлиқ низолар фуқаролик процессуал қонунчилик билан белгиланган тартибда ҳал этилади.

Қонунда белгиланганидек, давлат фуқаролик хизматчисини бошқа давлат фуқаролик хизмати лавозимига ўтказиш унинг ёзма розилиги билан амалга оширилади. Тиббий хулосага асосан, соғлиғининг ҳолатига кўра, ўз эгаллаб турган лавозими бўйича хизмат мажбуриятларини бажара олмайдиган давлат фуқаролик хизматчисига унинг ёзма розилиги билан касбий компетенцияларига мос бўлган ва соғлиғининг ҳолати бўйича қарши кўрсатма мавжуд бўлмаган бошқа давлат фуқаролик хизмати лавозими берилади.

Энди, бевосита номарказлаштириш ислохотларнинг давлат хизматчилари ҳуқуқий мақомига таъсири ҳақида тўхталиб ўтамиз. Бизнингча, ушбу ислохотлар давомида давлат хизматчиларининг ваколат ва ҳуқуқлари ошади. Ўз навбатида, улар фаолиятини самарали ташкил этиш учун уларнинг масъулияти ҳам ошиши зарур. Шу мақсадда, улар фаолиятини назорат қилишнинг механизмларини кучайтириш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, парламент ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари назоратини ҳамда жамоатчилик назорати механизмини кучайтириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-447-сон қарорида 2023 йил 1 январдан бошлаб, республика

ижро этувчи ҳокимият органларининг самарали иш фаолиятини йўлга қўйиш учун улар масъулиятини янада ошириш мақсадида республика ижро этувчи ҳокимият органи ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари йил якунига қадар ҳаракатлар ва ҳудудий ривожланиш дастурлари амалга оширилиши ва мақсадли кўрсаткичларга (индикаторларга) эришиш ҳолати юзасидан ҳисобот бериши ва очиқ эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилиши белгиланган [17].

Шу боис, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи ҳамда республика ижро этувчи ҳокимият органининг ҳудудий бўлинмалари фаолияти натижадорлигини баҳолашда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш зарур. Фаолиятида камчиликка йўл қўйган тузилма раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўришда маҳаллий Кенгашлар ваколатлари таъсирчанлигини янада ошириш зарур. Шунингдек, республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳам қўйи тузилмалари фаолиятига баҳо беришда маҳаллий аҳолининг фикрига таяниши зарур.

Бизнингча, номарказлаштириш шароитида давлат хизматчилари фаолияти самарадорлиги бўйича назорат механизмларининг кучсизланишига йўл қўйиб бўлмайди. Аксинча, берилган кенг ваколат ва ресурсларга мутаносиб тарзда давлат хизматчиларининг масъулиятини ошириш долзарб масала ҳисобланади.

Шу билан бирга, давлат хизматчиларининг маъмурий ислохотлар мазмуни ҳақида ҳуқуқий билим ва бошқарув кўникмаларини ошириб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Х.Хайитов тўғри қайд этганидек, "Фуқаролар, биринчи навбатда, давлат хизматчиларининг конституция ва қонунлар ҳақидаги ҳуқуқий билимларини ошириш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир". Чунончи, ислохотлар самараси давлат хизматчиларининг билим ва бошқарув маҳоратига боғлиқ эканлигини асло рад этиб бўлмайди [18].

Давлат хизматчиларининг давлат томонидан ҳуқуқий ҳимояланиши, ўз навбатида,

улар хизмат фаолиятининг сифати ва натижадорлигини таъминлашга бевосита хизмат қилади. Ўз мазмунига кўра ҳуқуқий ҳимоя давлат хизматчилари ҳуқуқлари бузилиши ҳолатининг олдини олиш ҳамда бузилган ҳуқуқларини тиклашларини таъминлайди. Таъкидлаш лозимки, давлат томонидан давлат хизматчиларига мустақкам ҳуқуқий ҳимоянинг кафолатланиши, давлат хизматини ўташда салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларнинг бевосита олдини олишга, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва натижадорликка эришишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, номарказлаштиришга оид ислохотларни амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ: республика давлат бошқаруви органи ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органига, вилоятдан туман (шаҳар) давлат ҳокимияти органига ўтказишни назарда тутган ҳолда, давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат бошқарувининг турли даражадаги ўзаро функция ва ваколатларини, хусусан, умумдавлат миқёсидаги стратегик масалаларни республика ижро этувчи ҳокимият органида қолдириш, шунингдек, улар томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органига берилган ваколатлардан лозим даражада фойдаланаётганлиги устидан назорат қилишни аниқ чегаралаш;

республика ижро этувчи ҳокимият органиларининг айрим вазифа ва функцияларини маҳаллий ижро органига ўтказиш орқали ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ кўрсаткичларни ишлаб чиқиш;

бошқарувда номарказлаштириш бўйича ислохотларнинг тартибли ривожланишини таъминлаш мақсадида, республика даражасида махсус ваколатли орган фаолиятини йўлга қўйиш;

маҳаллий даражада маҳаллий ижро органи хизматчиларининг фаолиятини баҳолаш ва ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий чораларини кўриш.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 979-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2022 йил 20 декабрь // Манба: www.president.uz
3. Farovon va inklyuziv kelajak sari. O'zbekiston: mamlakatning ikkinchi tizimli diagnostikasi. 2022 // манба: www.documents1.worldbank.org
4. Азизхўжаев А.А. Эркинлаштириш – давр талаби.// “Жамият ва бошқарув”. 2000. 1-сон. – 6-8 б.
5. Маликова Г. Ўзини ўзи бошқариш кучли фуқаролик жамиятининг таянчи. – Т.: Тошкент давлат юридик институти. – 2005. – 29 б.
6. Исмоилова Г. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларини либераллаштиришнинг давлат ҳуқуқий йўналишлари. – Т., 2013. – 269 б.
7. Маҳаллий бошқарув. Дарслик. О.Турғунов, Ш.Асадов ва бошқ. – Т.: Baktria press. – 2017. – 35-35 б.
8. Smith, B., “Decentralization: the Territorial Dimension of the State” George Allen and Unwin Publishers Ltd, 1985.
9. Rondinelli, D., “Government Decentralization in Comparative Perspective: Theory and Practice in Developing Countries” International Review of Administrative Sciences, 47, (2), 1981.
10. Отабоев Ш. Худудий бошқарув: қонунчилик асоси, муаммо ва ечимлар // “Жамият ва бошқарув” / “Общество и управление” / “Society and administration” журнали. – 2018. № 4. – 130-131 б.
11. Махмадаминов М. Маъмурий ислохотлар жараёнида давлат хизматининг ўрни // “Жамият ва бошқарув” журнали. 2023. № 3. – 42 б.
12. Умаров А. Янги Ўзбекистондаги “халқ билан мулоқот” тизимининг халқаро рейтинг ва индексларда ифодаланиши // “Жамият ва бошқарув” журнали. 2023. № 4. – 29 б.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сонли Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.12.2022 й., 06/22/269/1117-сон.
14. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.10.2022 й., 02/22/798/0972-сон.
15. Давлат хизматчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида 2023 йилда амалга оширилган ишлар // <https://argos.uz/uz/press-center/statistical-analysis>
16. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-788-сонли Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.08.2022 й., 03/22/788/0723-сон.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-447-сонли қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.12.2022 й., 06/22/269/1117-сон.
18. Хайитов Х. Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари конституцияларининг ҳуқуқий давлатни шакллантиришдаги ўрни // “Жамият ва бошқарув” журнали. 2023. № 3. – 71 б.

ИЗМЕРЕНИЕ ОБЩЕСТВЕННОГО МНЕНИЯ КАК СРЕДСТВА ОБЩЕСТВЕННОГО КОНТРОЛЯ

В ОБЕСПЕЧЕНИИ ОТКРЫТОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ И УПРАВЛЕНИЯ



Виктория АЛЕКСЕЕВА,

доктор философии по социологическим наукам, зам.директора Республиканского центра изучения общественного мнения “Ижтимоий фикр”, и.о.проф. кафедры “Социальная работа” Национального университета Узбекистана

Аннотация: в статье приводятся принятые изменения в новой редакции Основного закона в сфере расширения общественного контроля в значимых сферах жизнедеятельности общества, а также основные нормативно-правовые нормы общественного контроля в Узбекистане. Автор анализирует формы общественного контроля в виде проводимых общественных обсуждений, возможности укрепления связи между государством и гражданином. В статье анализируется общественное мнение в контексте изменения парадигмы мышления и принципы деятельности в системе государственного и общественного управления, в которой фокус внимания сосредоточен на постулате “человек-общество-государство”, являющегося средством обеспечения диалога и укрепления доверия к государственным органам.

Ключевые слова: общественный контроль, открытость, прозрачность, формы общественного контроля, экологический контроль, государственное управление, права, свободы, опросы общественного мнения, общественное мнение, власть, политика, политическая система.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда жамоатчилик назорати воситаси сифатида жамоатчилик фикрини баҳолаш

Виктория Алексеева,

социология бўйича фалсафа доктори, “Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директор ўринбосари, Ўзбекистон Миллий университети “Ижтимоий иш” кафедраси проф. в. б.

Аннотация: ушбу мақолада жамият ҳаётининг муҳим соҳаларида жамоатчилик назоратини кенгайтириш, Конституциядаги янги таҳририда қабул қилинган ўзгартиришлар, шунингдек, Ўзбекистонда жамоатчилик назоратининг асосий ҳуқуқий нормалари келтирилган. Муаллиф жамоатчилик назоратининг шакллари доимий жамоатчилик муҳокамаси тарзида таҳлил қилиб, давлат ва фуқаро ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш имкониятларини таҳлил қилади. Мақолада давлат ва жамият бошқаруви тизимидаги тафаккур парадигмаси ва фаолият принципларининг ўзгариши кон-

текстида жамоатчилик фикри таҳлил қилинади, бунда асосий эътибор “инсон-жамият-давлат” постулатига мулоқотни таъминлаш ва давлат органларига ишончни мустаҳкамлашга қаратилади.

Калит сўзлар: жамоатчилик назорати, очиқлик, ошкоралик, жамоатчилик назорати шакллари, экологик назорат, давлат бошқаруви, ҳуқуқлар, эркинликлар, жамоатчилик фикрини ўрганиш, жамоатчилик фикри, ҳокимият, сиёсат, сиёсий тизим.

Assessment of public opinion as a means of public control in ensuring the openness of the activities of state authorities and state bodies

Viktoriya Alekseeva,

PhD (in Sociology), Deputy director of Republican Center of the study of the Public Opinion “Ijtimoiy fikr”, acting professor of the department of social work, National University of Uzbekistan

Abstract: the article presents the adopted changes in the new edition of the Basic Law in the field of expanding public control in significant areas of society, as well as the main legal norms of public control in Uzbekistan. The author analyzes the forms of public control in the form of ongoing public discussions and the possibility of strengthening the connection between the state and the citizen. The article analyzes public opinion in the context of a change in the paradigm of thinking and principles of activity in the system of state and public administration, in which the focus is on the postulate “man-society-state”, which is a means of ensuring dialogue and strengthening trust in government.

Keywords: public control, openness, transparency, forms of public control, environmental control, public administration, rights, freedoms, public opinion polls, public opinion, power, politics, political system.

Введение. В преамбуле новой редакции Конституции закреплены основные принципы государственного и общественного строительства нового Узбекистана. В частности, определяется идеология государственного и общественного развития, устанавливаются новые принципы, укрепляющие государственно-правовой статус Узбекистана как демократического, суверенного, светского и социального государства. Конституционная реформа направлена на изменение парадигмы мышления и принципы деятельности в системе государственного и общественного управления, фокус внимания которой сосредоточен на постулате “человек-общество-государство”.

Следует отметить, что практически все изменения и дополнения, внесенные в Конституцию с момента ее принятия в 1992 году, в основном, касались вопросов государственного и общественного строительства, в частности деятельности Президента, Парламента, Правительства, избирательной системы и т.д. В свою очередь, более половины норм в новой редакции Конституции направлены на укрепление гарантий и усиление механизмов защиты прав и свобод человека, что свидетельствует об укреплении признаков правового государства, где власть

должна быть ограничена в своих действиях законом, подчинена воле суверенного народа и призвана обеспечить права и свободы гражданина. В этом аспекте условия, создаваемые государством для осуществления общественного контроля, становятся неотъемлемой частью отечественной политико-правовой системы.

Это обусловлено тем, что за последние годы произошла не только концептуализация самого понятия общественного контроля, но и сформировалась четкая структура рассматриваемого института, включающая широкий перечень субъектов, форм и методов своего осуществления с учетом особенностей нашего государства. Общественный контроль, который закреплен в Основном законе, поможет в решении многих сложных вопросов, касающихся эффективности государственного управления, искоренения недостатков и обеспечения прозрачности процессов модернизации во всех сферах.

Методы. В зарубежной практике общественный контроль представляет действенный механизм обеспечения прозрачности и открытости органов государственной власти, а также обеспечения верховенства закона в государстве, что непосредственно отражает степень реализации гражданами своих



законных прав и интересов. В частности, в законодательстве США и стран Европейского союза общественный контроль подразумевает под собой контроль общества над публичной властью и выступает основой обеспечения демократии. Прямыми формами общественного контроля в США являются народная правотворческая инициатива, участие граждан в управлении местными делами, собрания, сходы граждан, деятельность СМИ, обращения в органы власти, общественное обсуждение проектов законов, общественная экспертиза законопроектов и другие формы [1]. В странах Европейского союза в числе форм общественного контроля выделяются 4 основные: работа с обращениями граждан, общественные консультации, совещательные форумы, интерактивный диалог через социальные сети на специально созданных для этого площадках. Сегодня в Узбекистане применяется многие из этих форм общественного контроля как механизма обратной связи с населением – действуют Народные приемные, законопроекты выносятся на общественное обсуждение на специальной платформе, налажена практика общественных или консультационных советов при органах государственной власти.

Важными изменениями, которые создают прочную основу для осуществления общественного контроля, являются введение норм по защите экологических прав граждан, сфере исполнения государственного бюджета. Кроме того, значительно меняется роль средств массовой информации, наполняясь новым содержанием за счет закрепленных гарантий в обеспечении свободы деятельности средств массовой информации, реализации ими права на поиск, получение, использование и распространение информации (ст.81 новой редакции Конституции).

В Соединенных Штатах Америки и Европейском союзе используется также правотворческая инициатива, когда законопроект вносится по инициативе определенного количества граждан на специальную платформу. Данная практика внедрена в новой редакции Конституции в ст. 98, в которой граждане, обладающими избирательным

правом, получают возможность в порядке законодательной инициативы вносить в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан законодательные предложения.

В своем торжественном выступлении, посвященном 27-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан, Президент Республики Узбекистан обозначил в качестве одного из приоритетных направлений строительства демократического правового государства, справедливого и свободного общества принципы верховенства закона и усиление общественного контроля, которые являются эффективным средством, обеспечивающим изменение мышления граждан, повышение уровня правовой культуры граждан и руководителей органов государственной власти и управления. Общественный контроль – это двусторонний процесс, который комплексно направлен на обеспечение выполнения норм законодательства, обеспечение социальной справедливости.

Учитывая приоритетное направление реализации демократических реформ в Узбекистане, проходящих в настоящее время под эгидой принципа **“Человек- общество – государство”**, обоснованным было внесение дополнительных норм в Основной закон, закрепляющих общественный контроль в различных сферах, так как общество должно располагать достаточными инструментами для независимого контроля за деятельностью органов государственной власти. Задача государства в институционализации данного процесса в создании институциональных и правовых условий для реализации принципа открытости и прозрачности позволяет воплощать в жизнь принцип верховенства закона и приоритеты прав и свобод человека.

Нормы общественного контроля закреплены в действующих Указах и постановлениях, решениях правительства. В частности, вопросы общественного контроля регулируются более 120 законодательными актами и Законом **“Об общественном контроле”**[2], **“О государственной молодежной политике”** [3], О Торгово-промышленной палате Рес-

публики Узбекистан” (новая редакция) [4], “Об охране труда” (новая редакция) [5], “Об охране и использовании животного мира” (в новой редакции) [6], “Об экологическом контроле” [7], “О противодействии коррупции” [8], которые предоставляют право гражданам, общественным объединениям и трудовым коллективам осуществлять общественный контроль в соответствующих областях.

Результаты. Взаимоотношения власти, общества и человека, выходящие на первый план в современных условиях, расширяют поле для социологической науки, в том числе социологии общественного мнения. Опираясь на понимание сущности демократии, справедливо полагать, что общественный контроль тесно связан с учетом общественного мнения и в целом мнением граждан. Американский основатель мировой опросной индустрии Джордж Гэллап считал, что демократия – это эффективная форма участия населения в делах государства [9]. Таким образом, связь демократии, общественного мнения и общественного контроля проявляется в возможности понимания этапов формирования общественного мнения и применения результатов его постоянного измерения по актуальным проблемам в обществе.

В этом смысле опросы важны для объективного изучения явлений общественной жизни и реакции на различные события, что подчеркивается американским социологом Уолтером Липпманом: “Социолог обретет чувство собственного достоинства и силу, когда разработает свой метод. Это произойдет, когда он превратит потребность лидеров Великого общества в возможность инструментального анализа, благодаря которому скрытая и самая сложная среда станет понятной” [10]. Необходимость измерения общественного мнения обосновывается Гэллапом в историческом ключе, он приводит примеры, когда “мнение масс свергает правительства и приводит их к власти, начинается и останавливает войны, определяет мораль, создает героев и отказывается от них”. Гэллап утверждает, что “в демократическом обществе позиция народа определяет политику и приводит знаменитое высказывание Авраа-

ма Линкольна – “если общественное мнение на твоей стороне, все получится, если оно против тебя – не получится ничего” [9].

Британский социолог Джон Урри отмечал возросшую роль опросов во взаимодействии общества и государства и считал, что “культура опросов сама стала частью сдвига в природе государств”, так как “в попытке выяснить, что люди на самом деле чувствуют и думают по поводу различных аспектов своей жизни, в последнее время проводится все больше исследований и опросов” [11].

Взаимодействие власти и общественного мнения на протяжении длительного времени исследуется социологами, поскольку соотношение понятия общественного мнения и коммуникаций государства с обществом достаточно многогранное и многофункциональное. Проблема отношений “власти” и “общественного мнения” находит свое отражение в трудах Дж.Гэллапа, Дж.Урри, Н.Лумана, Э.Ноэль-Нойман и других ученых.

Дж.Гэллап выстраивает рассуждения вокруг возможности опросов общественного мнения как “инструмента, позволяющего преодолеть разрыв между народом и теми, кто принимает от его имени решения”. По его мнению, ситуации невыраженного мнения приводят к депривации человека, что, в свою очередь, влечет нестабильность демократии, словами Гэллапа “демократия сама подставляется под удар враждебных критиков. Опросы общественного мнения являются быстрым и эффективным методом, с помощью которого законодатели, работники просвещения, эксперты и издатели, равно как и рядовые граждане по всей стране, могут получить достоверные параметры пульса демократии” [9].

Общественное мнение в понимании немецкого философа Ю.Хабермаса рассматривается как инструмент в руках господствующих классов, что логично влечет за собой официальный характер публикуемых результатов опросов общественного мнения [12]. Хабермас подчеркивает органичность взаимосвязи политики и права в выражении общественного мнения. Американский социолог и политолог Уолтер Липман опре-

деляет общественное мнение как “представления людей о самих себе, о других людях, об их потребностях, намерениях и отношениях. Представления, служащие основанием групповой деятельности или основанием деятельности индивидов, выступающих от имени групп, – это Общественное мнение с большой буквы” [10].

Ноэль-Нойман цитирует Лумана в своем труде “Открытие спирали молчания” и приводит аргументы ученого о превалировании актуальной темы, вокруг которой и формируется общественное мнение, так называемая “тематизация” является достижением общественного мнения. Механизм превращения темы заключается в оглашении темы в общественной повестке, затем тема становится обсуждаемой и поддерживаемой бытующими стереотипами, вокруг тех или иных взглядов формируются различные позиции, которые, если процесс протекает гладко, окончательно “отшлифовываются” в дискуссиях [12]. При этом, Луман полагает, что принятие решений политической системой базируется не на едином мнении, а на правилах принятия решений относительно формируемой общественной повестки.

Немецкий социолог Э. Ноэль-Нойман утверждает, что “общественное мнение требует уважения к себе как от правительства, так и от отдельного члена общества. Если правительство не учитывает общественное мнение, ничего не предпринимает, чтобы переманить на свою сторону враждебное общественное мнение, ему грозит крах, лишение власти. Индивиду угрожает изоляция, отвержение сообщества. Результатом признания общественного мнения служит интеграция, укрепление сплоченности и на этой основе – способность действовать и принимать решения [12]. В своей монографии, *Спираль молчания. Наша социальная кожа*”, Ноэль-Нойман назвала общественное мнение “социальной кожей”, приводя объяснение данной метафоре в виде неотделимости общественного мнения от индивида, сравнивая с биологическим устройством кожи и организма человека. “Социальная кожа” в ее концепции реагирует на внешние факто-

ры, которые могут носить и острый характер, также как кожа человека реагирует на физическое воздействие определенной реакцией. Ученая полагает, что “общественное мнение базируется на бессознательном стремлении людей, живущих в некотором сообществе, прийти к общему суждению, к согласию, которое необходимо, чтобы действовать и принимать решения соответственно обстоятельствам [12].

Рекомендации и выводы. Конституционное закрепление норм общественного контроля значительно укрепляет институциональные и правовые основы развития гражданского общества и демократического, правового государства как с позиции повышения уровня гражданской активности и ответственности, так и с позиции ответственности государства в создании условий для реализации общественного контроля и обеспечения прозрачности и открытости органов государственной власти и управления. А также свидетельствует о необратимости происходящего процесса формирования открытости и прозрачности реформирования общества и государства, в котором главная роль отводится законным интересам человека, реализации его прав и свобод.

В свою очередь, прозрачность и открытость принимаемых решений правительством возможно с помощью одной из форм диалога с населением посредством опросов общественного мнения. Исследование, проведенное Республиканским центром изучения общественного мнения “Ижтимоий фикр” [13] в 2022 году, выявило спектр представлений граждан о том, чем продиктована необходимость проведения опросов общественного мнения. Превалирующая точка зрения состоит в том, что они проводятся с целью повышения эффективности государственного управления: по мнению 70,9% респондентов, опросы помогают узнать мнение граждан о положении в стране, которое правительство учитывало бы при принятии решений актуальных проблем.

По мнению 7,6 % граждан, результаты опросов общественного мнения используют предприниматели и политические деятели.

Предприниматели в своей деятельности используют маркетинговые исследования, изучающие предпочтения потребителей производимых ими товаров и услуг, позволяющие понять конъюнктуру рынка.

6,7 % участников опроса высказали мнение, что опросы нужны для того, чтобы информировать население о существующем положении дел в стране путем публикации их результатов в средствах массовой информации. Респондентами было также высказано мнение, что целью проводимых опросов общественного мнения является изучение общественного устройства, позволяющее научно обосновать теоретические изыскания ученых об обществе. Таким образом, подобные исследования, проводимые в Узбекистане, показывают восприимчивость населения к возможности высказать свое мнение и демонстрируют потенциал опросов общественного мнения в использовании его результатов для принятия решений.

Обсуждение. Интенсивность и масштабность реформ, реализуемые во всех сферах, влечет за собой структурные изменения в обществе, изменение парадигмы государственного управления, сопровождающееся реформационным развитием социально-экономических и политических процессов. В этих условиях крайне важно регулярно измерять отношение и выявлять характер реакций населения на происходящие изменения, так как объективная оценка оказывает влияние на общественное сознание. Анализ взаимосвязи власти и общества убедительно показывает, что современные реалии требуют активного взаимодействия и конструктивного диалога, что создает прочную основу для формирования доверия к власти, которое является ключевым аспектом в создании условий для развития общества, повышения уровня ответственности граждан и чувства сопричастности к развитию страны.

Источники и литература:

1. Прозрачность и участие: общественный контроль 2.0 в США и Европе. С. 5, 16, 17, 176, 183–184.
2. Закон Республики Узбекистан от 12.04.2018 г. № ЗРУ-474 "Об общественном контроле" // <https://lex.uz/docs/3679099>
3. Закон Республики Узбекистан "О государственной молодежной политике" // <https://lex.uz/acts/3026250>
4. Закон Республики Узбекистан "О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан "О торгово-промышленной палате Республики Узбекистан" // <https://lex.uz/ru/docs/3815466>
5. Закон Республики Узбекистан "О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан "Об охране труда" // <https://lex.uz/docs/3031429>
6. Закон Республики Узбекистан от 19 сентября 2016 г. № ЗРУ-408 "Об охране и использовании животного мира" (новая редакция) // <https://lex.uz/acts/3029504>
7. Закон Республики Узбекистан "Об экологическом контроле" // <https://lex.uz/acts/2304949>
8. Закон Республики Узбекистан "О противодействии коррупции" // <https://lex.uz/docs/3088013>
9. Гэллап Дж., Рэй С. Ф. Пульс демократии. Как работают опросы общественного мнения/Дж. Гэллап, С. Ф. Рэй; под ред. Н.П. Попова, А.В. Кулешовой; пер. с англ. В.Л. Силаевой.– Москва: ВЦИОМ, 2017. – С. 22.
10. Липпман У. Общественное мнение. Москва: Институт Фонда "Общественное мнение". – 2004.
11. Урри Дж. Социология за пределами обществ: виды мобильности для XXI столетия [Текст] / пер. с англ. Д. Кралечкина; Нац. исслед. ун-т "Высшая школа экономики". – Москва: Изд. дом Высшей школы экономики, 2012. – С. 336.
12. Ноэль-Нойман Э. Общественное мнение. Открытие спирали молчания: Пер. с нем./Общ. ред. и предисл. Мансурова Н.С. – Москва: Прогресс-Академия, Весь Мир, 1996. – С. 352.
13. Опрос общественного мнения проведен с 09 по 18 февраля 2022 года. Были опрошены респонденты в возрасте от 18 лет и старше, из них 58,1% – мужчины и 41,9% – женщины. Общенациональная репрезентативность опроса на уровне 4% погрешности и 95% надежности была обеспечена путем использования случайной стратифицированной выборки размером в 670 респондента, отобранных среди всех абонентов стационарной и мобильной телефонной связи страны.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ – ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ СУБЪЕКТИ



Шухрат БАФАЕВ,

Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг раиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: мақолада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, бу борада Ўзбекистонда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва моҳияти, маҳалланинг жамоатчилик назоратини амалга ошириш йўналишидаги ваколатлари тадрижий, босқичма-босқич шаклланиши ва ривожланиши ва шу орқали маҳаллани жамият бошқарувининг биринчи бўлинига айлантириш масалалари очиқ берилган.

Калит сўзлар: фуқаролик жамияти, фуқаролик жамияти институти, жамоатчилик назорати, жамоатчилик назоратининг субъекти, давлат бошқаруви, жамият бошқаруви, маҳалла, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари.

Органы самоуправления граждан как субъекты общественного контроля

Шухрат Бафаев,

Председатель Комитета демократических институтов, ННО и органов самоуправления граждан, доктор философии (PhD) по юридическим наукам

Аннотация: в статье раскрываются вопросы реализации органами самоуправления граждан общественного контроля над деятельностью государственных органов, значение принятых в Узбекистане нормативно-правовых актов, заложивших основы поэтапного форми-

рования и развития общественного контроля в деятельности органов самоуправления граждан и превращения махалли в первичное звено общественного управления и контроля.

Ключевые слова: гражданское общество, институты гражданского общества, общественный контроль, субъект общественного контроля, государственное управление, общественное управление, махалля, органы самоуправления граждан.

Self-government bodies of citizens are as subjects of public control

Shukhrat Bafaev,

Chairman of the Committee of Democratic Institutions, NGOs and Citizens' Self-Government Bodies, PhD (in Law)

Abstract: the article reveals the issues of implementation by self-government bodies of citizens of public control over the activities of government bodies, the significance of the regulatory legal acts adopted in Uzbekistan that laid the foundation for the staged formation and development of public control in the activities of self-government bodies of citizens and the transformation of mahallas into the primary link of public management and control.

Keywords: civil-society institutions, civil-society, public control, subject of public control, public administration, mahalla, citizens' self-government bodies, etc.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасидаги фаолияти тўғрисида фикр юритар эканмиз, биринчи ўринда шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, референдум якуни бўйича Ўзбекистонда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 69-моддасига биноан жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамияти институти сифатида эътироф этилди.

Мазкур масаланинг ўзига хос хусусияти яна шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 127-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек, миллий кадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақли эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколати илк бор 1993 йилда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ўз аксини топган.

Жумладан, Қонуннинг 22-моддасида дўконлар, ошхоналар, чойхоналар, бозорлар иши, савдо қоидаларига риоя этилиши, фуқароларга маданий хизмат кўрсатиш таъминлиши ҳамда иморат қуриш қоидаларига риоя этиш, хонадонларга туташ жойларнинг ораста бўлиши, жониворларни сақлашга оид ветеринария қоидаларини бажариш устидан жамоат назоратини ташкил қилиш фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ваколатига киритилган эди [1]. Кўриб турганимиздай, мазкур Қонунга биноан бу йўналишдаги жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколати фақатгина фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли)га берилган эди.

Аммо 1999 йилда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни янги таҳрирда қабул қилиниб, эндиликда, унда илк бор фуқаролар йиғинларига жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколати берилди.

Жумладан, мазкур Қонуннинг 10-моддасига биноан, шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинига қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши ҳамда йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш тўғрисида жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколати берилди [2].

Шунингдек, Қонуннинг 11 ва 12-моддаларига биноан, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинига қонунларга риоя этилиши ва ўз қарорлари, шунингдек шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинининг қарорлари ижро этилиши, фуқаролар йиғини кенгашига тегишли ҳудуддаги ерларнинг фойдаланилиши, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни ораста сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколати берилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасидаги ваколатларини янада кенгайтиришга Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” деб номланган маърузаси катта туртки берган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш борасида ўз қарашлари-

ни баён қилиб, унда “фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш борасида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқлиги ва унда маҳаллани давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги тўғрисида фикр билдирди [3].

Айнан шу Концепцияга асосан, 2013 йилнинг апрель ойида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниб, унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга ошириш юзасидан ваколатлари янада кенгайтириб, мазкур Қонунга алоҳида янги 16-модда киритилди. Моддада тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш, тегишли чоралар кўрилиши учун давлат органларига мурожаат этиш, давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровлар юбориш жамоатчилик назоратининг шакллари сифатида белгиланди [4].

Шу билан биргаликда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тизимли равишда жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида, Қонуннинг 18-моддасида фуқаролар йиғинларида фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича илк бор комиссия тузилиши мустаҳкамланди.

Мазкур комиссия “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрь

274-сонли қарорига асосан ташкил этилиб, у фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган эди. Ушбу қарор билан “Фуқаролар йиғинининг жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси тўғрисида”ги намунавий Низом ҳам тасдиқланди.

Низомга биноан, фуқаролар йиғини ҳудудида қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун кенг жамоатчиликни жалб этиш, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир ишларни фаоллаштиришга кўмаклашиш мазкур комиссиянинг асосий мақсадларидан бири эди [5].

Кўриб турганимиздай, мамлакатимиз ривожланишининг ҳар бир босқичида амалга оширилаётган демократик ислохотлар тобора ривожланиб борган сари, шунга мутаносиб тарзда давлат ўзига тегишли назорат йўналишидаги айрим ваколатларини босқичма босқич фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиб, бу билан маҳаллани, том маънода, жамоатчилик назоратининг биринчи бўғинига айлантиришга дастлабки ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тасдиқланди [6].

Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, унда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий

шакллари ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш ҳамда маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш – Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Бироқ, мавзу доирасида олиб борилган ўрганишлар шуни кўрсатдики, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш масалалари “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунида аниқ мустақамланган бўлса-да, бироқ ҳар доим жамоатчилик назоратининг субъектлари ким деган масала ҳал этилмаётган эди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этиш мақсадида, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш зарурлиги тўғрисида фикр билдирилди [7]. Кўп ўтмай, 2018 йилнинг апрель ойида “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди [8].

Мазкур Қонуннинг 3-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, нодавлат ноtijорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари қаторида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида эътироф этилди. Мазкур қонунга биноан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида эътироф этилиши унинг фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этар эди. Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июндаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйи-

ча қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 380-сонли қарори қабул қилинди [9].

Қарор билан: фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида давлат органларига аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳалари юзасидан жамоатчилик муҳокамасини ҳамда жамоатчилик экспертизасини ўтказиш, давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш каби бир қатор вазифалар белгиланди. Мазкур қарор қабул қилиниши билан юқорида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 274-сонли қарори ўз кучини йўқотди.

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 6 ноябрдаги “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз” деб номланган дастурий нутқида мамлакатимизда ислохотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида, **“Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари”** деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйилганлиги алоҳида таъкидланди [10]. Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу дастурий нутқи “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармонида ўзининг амалий ифодасини топди [11].

Жумладан, Фармонга биноан, “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган етита устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ҳам тасдиқланиб, унинг биринчи мақсади айнан маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини

ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш алоҳида эътиборга сазовордир.

Юқоридаги тамойилга асосан, маҳалланинг ҳуқуқ ҳамда ваколатларини янада кенгайтириш, хусусан, жамоатчилик назорати йўналишидаги фаолиятини такомиллаштириш мақсадида, “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги 81-сонли Фармони қабул қилинди [12].

Мазкур ҳужжатга биноан ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, маҳалладаги ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторлари фаолиятини баҳолаш ҳамда натижалари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ахборот киритиб бориш, рағбатлантириш ёки уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллашга доир ушбу ходимларнинг юқори турувчи ташкилотларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш борасида маҳалла раисига қўшимча ҳуқуқлар берилди.

Ўзининг сиёсий аҳамияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига амалий жиҳатдан жамоатчилик назоратини амалга оширишга кўмаклашиш “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сонли Фармони бўлди [13].

Маҳаллани жамоатчилик бошқаруви ва

назоратининг таянч бўғинига айлантириш, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, маҳалла бошқарувида аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш Фармон билан ташкил этилган Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш ҳамда соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори – жамоатчилик асосида фаолият юритадиган “маҳалла еттилиги”ни ташкил қилиши белгиланди.

Ҳужжатнинг муҳим тарафи шундаки, унда ҳар ҳафтада маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика ва солиқ инспекторлари, ижтимоий ходимлар ҳисоботини эшитиш ҳамда маҳалла ҳудудида қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, шу жумладан, таълим, тиббий хизмат, спорт, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш – маҳалла раисининг асосий вазифалари этиб мустаҳкамланди.

Хулоса сифатида шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 2017-2023 йиллар давомида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш борасида биргина маҳалла тизимини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 100 тага яқин Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган. Ушбу ҳужжатлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг институционал, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш ва молиявий мустақиллигини таъминлашга қаратилган бўлиб, уларни қабул қилишдан пировард мақсад, Ўзбекистонда маҳаллани чинакам эркин, очиқ ва замонавий фуқаролик жамиятига айлантириш орқали одамларни қийнаётган муаммоларни маҳалланинг ўзи ечадиган халқчил тизимни яратишдир.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 322-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 126-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 110-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 51-сон, 514-модда; 2007 й., 39-сон, 399-модда; 2008 й., 16-сон, 117-модда; 52-сон, 513-модда; 2010 й., 37-сон, 313-модда.
3. Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2010. – 45 б.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 16.10.2018 й., 03/18/498/2051-сон, 21.12.2018 й., 03/18/506/2356-сон; 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 10.12.2021 й., 03/21/736/1144-сон; 03.03.2022 й., 03/22/756/0180-сон, 07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон, 28.10.2022 й., 03/22/797/0967-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон; 08.05.2023 й., 03/23/838/0257-сон; 06.10.2023 й., 03/23/870/0753-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 41-сон, 549-модда; 2017 й., 8-сон, 120-модда, 18-сон, 325-модда, 38-сон, 1040-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.12.2017 й., 10/17/1008/0454-сон, 27.12.2017 й., 09/17/1021/0465-сон, 23.01.2018 й., 09/18/40/0609-сон, 15.02.2018 й., 09/18/110/0700-сон, 22.02.2018 й., 09/18/134/0809-сон, 16.03.2018 й., 09/18/200/0906-сон, 14.05.2018 й., 09/18/327/1173-сон, 19.07.2018 й., 09/18/554/1539-сон; 16.01.2019 й., 09/19/33/2485-сон, 23.04.2019 й., 09/19/346/2994-сон; 19.06.2020 й., 09/20/391/0777-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон.
7. <https://president.uz/uz/lists/view/1371>
8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.
9. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.06.2021 й., 09/21/380/0574-сон; 10.08.2022 й., 09/22/438/0726-сон; 01.08.2023 й., 09/23/327/0549-сон; 23.09.2023 й., 09/23/489/0721-сон; 04.10.2023 й., 09/23/524/0750-сон; 18.12.2023 й., 09/23/665/0942-сон.
10. <https://president.uz/uz/lists/view/4743>
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон; 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон; 03.01.2024 й., 06/24/221/0003-сон).
12. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.03.2022 й., 06/22/81/0174-сон.
13. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.12.2023 й., 06/23/209/0966-сон.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ



Кудрат САДУЛЛАЕВ,
юридик фанлар доктори (DSc)

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда инсон ҳуқуқлари омили ҳамда унда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини ошириш механизмларини тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги, ҳуқуқий асослар, ҳуқуқий механизм, ижтимоий-сиёсий ислохотлар, сиёсий институтлар, фуқаролик жамияти.

Общественный контроль в обеспечении прав человека

Кудрат Садуллаев,
доктор юридических наук (DSc)

Аннотация: в статье исследуется фактор гражданских прав в реализации социально-экономических реформ в Узбекистане и механизм повышения активности государственных ин-

ститутов и институтов гражданского общества.

Ключевые слова: права человека, верховенство закона, правовые основания, правовой механизм, социально-экономические условия, политический институт, гражданское общество.

Public control in ensuring human rights

Kudrat Sadullaev,
Doctor of Science in Law

Abstract: the article examines the factor of civil rights in the implementation of socio-economic reforms in Uzbekistan and the mechanism of increasing the activity of state and civil society institutions.

Keywords: human rights, rule of law, legal grounds, legal mechanism, socio-economic conditions, political institution, civil society.

Инсон ҳуқуқлари – бу инсоннинг туғилишидан то вафот этгунига қадар бутун умри давомида унга ҳамроҳлик қиладиган ҳуқуқ ва эркинликлардир. Ушбу универсал ҳуқуқлар миллати, жинси, ирқи ёки этник келиб чиқиши, ранги, дини, тили ёки бошқа ҳуқуқий мақомидан қатъи назар, ҳеч қандай камситишларсиз барча учун хосдир. Инсон ҳуқуқлари яшаш ҳуқуқи каби энг асосий ҳуқуқлардан тортиб, муносиб турмуш тарзини таъминлашга хизмат қиладиган таълим олиш, меҳнат қилиш ёки ижтимоий таъминот олиш каби ҳуқуқларига қадар барча ҳуқуқларни қамраб олади.

Инсон ҳуқуқлари муносиб ҳаёт кечириш ва инсоний салоҳиятимизни ривожлантиришга имкон бериш учун зарур бўлган барча инсоний фазилатлар учун муҳимдир. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш қўрқув, таъқиб ёки камситишсиз жамиятда яшаш учун катта аҳамиятга эгадир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 217 А (III) сон Резолюцияси билан қабул этилиб, эълон қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг муқаддимасида:

- “инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлигини эътиборга олиб;

- инсон ҳуқуқларини менсимаслик ва уни поймол этиш инсоният виждони қийналадиган ваҳшиёна ишлар содир этилишига олиб келганини, кишилар сўз эркинлиги ва эътиқод эркинлигига эга бўладиган ҳамда қўрқув ва муҳтожликдан холи шароитда яшайдиган дунёни яратиш инсонларнинг эзгу интилишидир деб эълон қилинганлигини эътиборга олиб;

- инсон охирги чора сифатида зулм ва истибдодга қарши исён кўтаришга мажбур бўлишининг олдини олиш мақсадида инсон ҳуқуқлари қонун кучи билан ҳимоя этилиши, халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш зарурлигини эътиборга олиб;

- Бирлашган Миллатлар халқлари инсоннинг асосий ҳуқуқларига, шахснинг

қадр-қиммати, эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилигига, ўз эътиқодларини Низомда тасдиқлаганликлари ҳамда янада кенгроқ эркинликда ижтимоий тараққиёт ва турмуш шароитларини яхшилашга кўмаклашишга аҳд қилганликларини эътиборга олиб;

- аъзо бўлган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишга кўмаклашиш мажбуриятини олганлигини эътиборга олиб;

- мазкур ҳуқуқлар ва эркинликларнинг характерини ялпи тушуниш ушбу мажбуриятларнинг тўлиқ адо этилиши учун катта аҳамиятга эга бўлишини эътиборга олиб;

- Бош Ассамблея мазкур Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қилар экан, бундан муддао шуки, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо ушбу Декларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашиши, миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар орқали ҳам унинг бажарилиши таъминланишига, Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги ҳудудларда яшаётган халқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олинишига интилишлари зарурлиги” кўрсатиб ўтилган.

Декларациянинг 1-моддасида: “ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин, бир-бирларига нисбатан дўстона муносабатда бўлишлари керак”лиги [1] акс эттирилган.

Ҳар бир давлат ўз тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ҳамда вазифаларини ўз Конституцияси – Асосий қонунида мустақамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгилаган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради.

Қонунлар башарият ҳаётида илк бор инсоннинг озод ва эркин яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларини, сўз ҳамда эътиқод эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарди.

Янги қомусимиз, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, юртимиз фуқаролари тенглигининг кафолатланишини эътироф этди ва замонавий демократик тараққиёт учун замин яратди.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз: “Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади” [2], деб таъкидлаган эдилар. Шу нуқтаи назардан, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган янги демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони бўлиши керак.

Миллий қонунчилигимизда қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир.

Шу боисдан ҳам барча бўғиндаги кадрлар, у хоҳ вазир, хоҳ ҳоким ёки оддий фуқаро бўлсин, Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши ҳамда, биринчи навбатда, бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳитни яратиши зарур.

“Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови” деган тушунча фуқароларимизнинг онги ва қалбида чуқур ўрин эгаллаши ҳамда ижтимоий эҳтиёжга айланиши учун қонунлар ижросини самарали ташкил этиш, тизимли муаммоларни олдиндан кўра билиш, қонун бузилишининг салбий оқибатларига қарши курашиш билан бирга, бундай ҳолатни барвақт бартараф этишга қаратилган тизимни шакллантириш лозим.

Фуқароларимиз, вазир ёки ҳокимлар қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунмасан, англаб етмасан, уни ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатмасан, ислохотларимизнинг олдинга юриши, одамларда ташаббус уйғотиш қийин бўлади.

Бу борада кадрларни ўқитиш ва малакасини оширишга, ҳуқуқий ахборотни замонавий усуллар орқали кенг оммага етказишга, қонунларни билиш ва қўллаш бўйича мутасадди раҳбарлар фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга биринчи даражали эътибор қаратиш лозим.

Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқ.

Буюк юнон олими Афлотун шундай деган эди: “Халқ қонунларга эҳтиёж сезиб, уларни пухта ўрганса, бу фақат унинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди” [3].

Янги Ўзбекистон ислохотлари шароитида мамлакатимизда тарихий қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари муҳим омилга айланмоқда. Фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришда, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратишда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашишда ҳамда давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этишда мазкур институтларнинг аҳамияти беқиёс.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали фуқароларнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган ҳам мазкур соҳа ривожига бўлган катта эътиборни кўрсатади.

Айниқса, янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституция-

сининг 32-моддасига: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилиши”ни назарда тутувчи норма киритилди. Мазкур конституциявий норма фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокининг муҳим шакли бўлмиш жамоатчилик назоратининг конституциявий асосларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур модданинг иккинчи қисми “Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади”, деган мазмундаги норманинг киритилиши мамлакатимизда давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг қонунчилик асосларини ривожлантиришга хизмат қилди.

Сўнгги йилларда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Ҳомийлик тўғрисида”ги, янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги ҳамда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 дан ортиқ фармон ва қарорлари [4], бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилинди, улар фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил вазифасини бажармоқда.

Жумладан, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди, унда жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш; тегишли чоралар кўрилиши учун давлат органларига мурожаат этиш; давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик

масалалар бўйича сўровлар юбориш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкинлиги баён этилди [5].

Қонун билан, жамоатчилик назорати оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкинлиги, давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда кўмаклашиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг мурожаатлари юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши шартлигига оид нормалар ҳам мустаҳкамланди.

Бу эса, ўз навбатида, бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъект сифатида фуқароларнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланаётганидан далолатдир.

Жамият ва давлат ишларини бошқаришда жамоатчилик назорати ва уни амалга оширишнинг муҳим ҳуқуқий асосларидан яна бири Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги [6] Қонуни ҳисобланади.

Қонунда фуқаролар экологик назорат субъектлари сифатида белгиланиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш тизимида ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланди. Жамоатчилик экологик назорати экологик назоратнинг алоҳида тури сифатида белгиланди. Қолаверса, фуқаролик жамияти институтларига экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизимини шакллантириш ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштириш каби ваколатлар берилди.

Мамлакатимизда “жамоатчилик назорати” тушунчаси, унинг турлари ва шакллари, уни амалга ошириш принциплари ҳамда амалга татбиқ қилишнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамловчи Ўзбекистон

Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Унда: жамоатчилик назорати субъектлари, объекти, асосий принциплари, шакллари, жамоатчилик назорати субъектларининг ҳамда давлат органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жамоатчилик назоратининг натижалари, қонунни бузганлик учун жавобгарлик масалалари ўз ифодасини топди.

Қонунда жамоатчилик назорати субъектларининг тадбирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқиш, зарур бўлган ахборотни давлат органларидан сўраб олиш, назорат натижаларига кўра, таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш ҳамда уларни тегишли органларга кўриб чиқиш учун юбориш, тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш, судга шикоят қилиш, жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилиш каби ҳуқуқлари мустаҳкамланган.

Жамоатчилик назорати субъектларининг қонун ҳужжатлари талабларига, қонунда белгиланган, давлат органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиш, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслик, давлат органларининг фаолият кўрсатиши, шунингдек, улар мансабдор шахсларининг фаолияти учун тўсиқлар яратмаслик, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралашинишга йўл қўймаслик каби мажбуриятлари ўз ифодасини топган.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, жамоатчилик назорати, биринчидан, фақатгина жамият учун эмас, балки давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жамоатчилик назорати қонунларнинг самарали ишлашини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳамда уни ҳимоя қилишга даъват қилади, давлат тузилмаларининг барча даврларда такомиллашувини таъминлайди. Жамоатчилик назорати орқали мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ва масъуллиги ошади. Иккинчидан, жамоатчилик назорати орқали фуқаролар фикр-мулоҳазаларининг ижтимоий ҳаётдаги таъсирчанлиги ортади. Бу, ўз навбатида, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг янада самарали кечишини таъминлайди.

Жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашини ҳис қилган ваколатли давлат органлари фуқаролардан, фуқаролик жамияти институтларидан келиб тушган таклиф ва мулоҳазалар асосида мамлакатда изчил ислохотларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, жамоатчилик назоратини таъминлаш механизмлари ва уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга ҳамда давлатимиз олиб бораётган сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюцияси 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган. “NORMA”.
2. Муқимов Зиёдулла. Амир Темур тузуқлари. – Самарқанд: СамДУ. – 2008. – 131 бет.
3. Aflotun (Platon). Tarjimon: Urfon Otajon. Nashr yili: 2002. Tili: O'zbek (kir). Betlar: 450. Nashriyot: Yangi asr avlodi. ISBN raqami: 5-633-01367-0.
4. <https://lex.uz/acts/20596>
5. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013, 17-сон.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрдаги “Экологик назорат тўғрисида”ги ЎРҚ-363-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЖАМОАТЧИЛИК РОЛИНИ ОШИРИШ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУҲИМ СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ



Шухрат ТУРДИКУЛОВ,

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Коррупцияга қарши ички назорат бўлими бошлиғи,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси тадқиқотчиси,
социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг фаолияти самарасини ошириш борасида дастурлар ишлаб чиқилди, янги қонунлар қабул қилинди ва амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартишлар киритилди. Мақолада коррупцияни бартараф этишнинг йўллари, жамиятимиздаги мавжуд ва шаклланаётган институтлар, улар фаолиятидаги қийинчиликлар кўрсатилган.

Шунингдек, мақолада, “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларида ўз ифодасини топган жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда маҳаллий вакиллик органларининг ролини ошириш ва коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини тўлақонли жорий қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: коррупцияга қарши давлат сиёсати, коррупция, давлат бошқаруви, динамика, муросасиз муносабат, қонун.

Повышение роли общественности в борьбе с коррупцией – одна из важных стратегических задач Нового Узбекистана

Шухрат Турдикулов,

начальник отдела внутреннего антикоррупционного контроля хокимията города Ташкента, исследователь Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан, доктор философии (PhD) по социологическим наукам

Аннотация: в нашей стране разработаны программы повышения эффективной деятельности государственных и негосударственных организаций в борьбе с коррупцией, приняты новые законы, внесены изменения в действующие нормативные документы. В статье показаны пути устранения коррупции, существующие и формирующиеся институты в нашем обществе, а также трудности в их функционировании.

Также рассматриваются вопросы повышения роли местных представительных органов в решении важных вопросов общественной и государственной жизни, а также полноценного осуществления общественного контроля в борьбе с коррупцией, которые отражены в Указах Пре-



зидента Республики Узбекистан "О мерах по повышению эффективности деятельности органов государственной власти на местах" и "О Стратегии "Узбекистан – 2030".

Ключевые слова: государственная политика противодействия коррупции, коррупция, государственное управление, динамика, непримиримость, закон.

Increasing the role of the public in the fight against corruption is one of the important strategic objectives of the New Uzbekistan

Shukhrat Turdikulov,

Head of the Internal Anti-Corruption Control Department of Hokimiyat of the Tashkent City, Researcher at the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan, PhD (in Sociology)

Abstract: in our country, programs have been developed to improve the effective activities of state and non-state organizations in the fight against corruption, new laws have been adopted, and changes have been made to existing regulatory documents. The article shows ways to eliminate corruption, existing and emerging institutions in our society, as well as difficulties in their functioning.

The article also discusses issues of increasing the role of local representative bodies in resolving important issues of public and state life, as well as the full implementation of public control in the fight against corruption, which are reflected in the decrees of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to increase the effective activities of local government bodies" and "On the strategy of Uzbekistan-2030."

Keywords: state anti-corruption policy, corruption, public administration, dynamics, intransigence, law.

Коррупция бўйича сўнги йилларда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ушбу йўналишда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар коррупцияга қарши курашиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланганлигидан далолат беради.

Коррупция олимлар, сиёсат ва жамоат арбобларининг доимий диққат эътиборида бўлган ижтимоий ҳодисалардан бири десак, муболаға бўлмайди. Шунинг учун бу соҳани кам ўрганган соҳа деб айтиш тўғри бўлмайди.

Коррупция, унинг сабаблари ва ижтимоий оқибатлари ҳақида антик олимлар: Платон, Аристотель ва Фукидид, Макиавеллилар ҳам ўз асарларида ёзишган. М.Вебер рационал бюрократияни қонуний ҳукмронликнинг бир тури деб ҳисоблаб, коррупцияни маълум шароитларда функционал ва мақбул ҳодиса сифатида баҳолади. Айрим олимлар давлатнинг бошқарув тизимини ва тарихини таҳлил қилиб, давлатнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини тушунмасдан туриб, коррупцияни ҳозирги ҳодиса сифатида тўлиқ тушуниш мумкин эмаслигини исботладилар [1].

Коррупция ҳодисаси социологик таҳлилинг мустақил объекти сифатида фақат XX

асрнинг 60-йиллари охиридан кўриб чиқила бошлади. Коррупцияни социологик таҳлил қилишга биринчи уриниш С.Х. Алтаснинг "Коррупция социологияси" асарида амалга оширилган. Гарчи бу ишда социологик таҳлил амалда кўрсатилмаган бўлса-да, китобнинг нашр этилиши социологияда коррупция мавзусини янада ривожлантиришга хизмат қилди [2].

Халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида, "Ўзбекистон – 2030 стратегияси" тасдиқланди. Стратегиянинг 89-мақсадида коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш учун "Transparency International" халқаро ташкилоти томонидан эълон қилинадиган коррупцияни қабул қилиш индексида камида 50-поғонага кўтарилишга ва давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларини 2 баробарга камайтиришга эришиш, давлат харидларини тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширишда маблағларни талон-торој

қилиш ҳолатлари, товар ва хизматларнинг нархи бозор қийматидан ошиб кетишининг олдини олиш бўйича жамоатчилик назоратини тўлақонли жорий қилиш ҳамда 100 фоиз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг “коррупциядан холи қонунчилик” принципи асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш белгиланди [3]. Бундан кўриниб турибдики, коррупцияга қарши курашиш ва унга барҳам бериш мамлакатимизнинг стратегик вазифаларидан бирига айланди.

2022 йилда қабул қилинган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун билан давлат фуқаролик хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги ва уларга қўйилган чекловлар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ротация қилиш тартиби белгиланди.

Шунингдек, ушбу Қонунда кадрларни очиқ танлаб олиш шартлари, уларга даражалар бериш орқали мансаб поғоналаридан кўтарилиб бориш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳам кўзда тутилган. Шу билан бирга, Қонуннинг 16-моддасида, давлат фуқаролик хизматчиси коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатда бўлиши ва коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) олдини олиши шарт деган талаб қўйилган [4].

Мамлакатимизда кейинги вақтларда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган жамоатчилик назорати коррупциянинг олди олинишига, албатта, ўзининг ижобий таъсирини кўрсата олади.

Коррупцияга қарши курашда давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириш лозимлиги инобатга олиниб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони-нинг қабул қилиниши бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёдаги глобаллашув жараёнлари жамиятни модернизация қилиш билан бирга, аҳолининг маънавий ва маданий ҳаётини янада юксалтиришни тақозо этади. Бунда инсон учун хос бўлган ҳамда тарих давомида шаклланиб улгурган ил-

латлардан воз кечиш муҳим ҳисобланди. Жумладан, инсоният ҳаётига ва жамият тараққиётига мунтазам салбий таъсир кучига эга бўлган коррупция энг оғир иллатлардан биридир. Ушбу иллатни кенг соҳа доирасида бартараф этиш ва ечимини топиш давлатнинг коррупцияга қарши сиёсатини амалга оширишда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш долзарб масалалардан бири эканлигидан далолат беради [5].

Ҳар қандай жамиятни ташвишга солаётган муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун жамоатчилик назорати муҳим аҳамиятга эга. Демак, жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятининг муҳим шarti, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш имкониятидир. Зеро жамоатчилик назорати ҳар бир кишида мамлакат ривожига, унинг миллий юксалишига бевосита дахлдорлик туйғусини кучайтиради. Бундай назоратга эришилган давлатда одамлар мансабдор, мутасаддилар ва бошқарув органлари вакилларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларига, хизмат лавозим ва мансабларини суиистеъмол қилаётганларига нисбатан қонун талабларининг бузилиши каби бошқа салбий ҳолатларга йўл қўйилмайди. Мамлакат қонунларида турли даражадаги раҳбарлар, жумладан, парламент аъзоларининг, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатларининг сайловчилар олдида вақти-вақти билан ҳисобот бериши белгилаб қўйилган [6].

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун ҳуқуқий асослар коррупциянинг олди олинишига ижобий таъсир кўрсата оладиган ишончли механизмдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар доирасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шу жумладан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини кучайтириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини ошириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг янгилан-



ган Конституциясида эса, маҳаллий вакиллик органлари ва маҳаллий ижроия ҳокимиятлари ваколатлари, маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-биридан ажратилганлиги, нафақат катта сиёсий ироданинг ифодаси бўлиб, балки уларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги ролини ҳамда аҳоли олдигаги масъулиятини оширишга ҳам хизмат қилди.

Бу борада амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида кўплаб қонунчилик ҳужжатларида маҳаллий Кенгашлар зиммасига такрорланувчи вазифалар юклангани ва уларни қайта кўриб чиқиш, мақбуллаштириш ҳамда тизимлаштириш зарурати юзага келганини кўришимиз мумкин.

Эътиборлиси шундаки, 12 та кодекс, 87 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 54 та фармони ва 95 та қарори ҳамда ҳукуматнинг 169 та қарорида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига муайян вазифа юкловчи нормалар 700 дан ортганлигини қайд этиш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашлар иш юкламасининг ошишига олиб келган вазифа ва топшириқлар, тарқоқ, ҳуқуқий тафовут ва коллизиялар мавжуд бўлган нормаларни бартараф этиш, ҳаддан ташқари тартибга солиш ва бюрократияга сабаб бўлаётган қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш зарурати юзага келган.

Айни пайтда, Давлатимиз раҳбари томонидан “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги чуқур сиёсий ва ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган Фармоннинг қабул қилиниши соҳада тўпланиб қолган ва юқорида қайд этилган ўз ечимини кутаётган масалаларни ҳал қилади, десак муболаға бўлмайди [7].

Фармонга кўра, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва коррупциянинг олдини олиш мақсадида ҳокимликларнинг 33 та функция ҳамда ваколатлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказилди. Жумладан, атмосфера ҳавосига таъсир этувчи корхоналарни қуриш жойларини, чиқиндилар кўмиб ташланадиган жойларни

белгилаш, давлат боғча ва мактабларини ташкил этиш, йўловчи ва юк ташиш учун тарифлар бериш, табиий объектларга, транспорт ва муҳандислик-техника инфратузилмаси объектларига ном бериш ва бошқалар.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг давлат органларининг ҳисоботларини эшитишга доир 10 та ваколат ва функциялари бирлаштирилган ҳолда тизимлаштирилди.

Эндиликда, Фармонга асосан, маҳаллий Кенгашлар зиммасига вазифа ва функцияларни фақатгина қонун ҳужжатлари билан юклаш амалиётининг жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга ёки вакиллик органлари фаолиятига хос бўлмаган топшириқлар юкланиши, шунингдек, улар ҳаддан ташқари кўпайиб кетишининг олди олинади.

Шу билан бирга, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига давлат органларининг аралашувига йўл қўйилмаслигининг белгиланиши ҳокимлар ва Кенгашлар бир-биридан ажратилганлиги бугунги конституциявий ҳуқуқий шароитларга ҳамда халқаро стандартларга тўлиқ мос келади. Ушбу норма, ўз навбатида, демократик давлатчилик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг чинакам мустақиллигини таъминлашга ва коррупциянинг олдини олишга замин яратади.

Бундан ташқари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда вазифаларни маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида аниқ белгилаш амалиётининг жорий этилиши ҳокимиятлар ўртасида мувозанатнинг таъминланишига хизмат қилади.

Фармон билан жорий этилаётган янгиликлар маҳаллий вакиллик органлари депутатларини халқнинг ҳақиқий “овозиға” айлантиради.

Жамиятда мавжуд бўлган энг долзарб муаммо, аҳолининг муайян қатламни ташвишлантираётган масалаларни ҳал этишни жамоатчилик назоратисиз тўлиқ ва мукамал тарзда амалга ошириб бўлмайди. Айниқса, коррупцияга қарши кураш соҳаси устидан жамоатчилик назоратини амал-

га ошириш шарт. Бинобарин, жамоатчилик назорати давлат органларини қонунга риоя этиб, ўз вазифа ва мажбуриятларини масъулият билан тўлиқ ижро этишга мажбурлайди.

Президентимизнинг ПФ-28-сонли Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш белгиланган. Унга кўра, маҳаллий Кенгашлар ва депутатларнинг назорат фаолиятини такомиллаштириш, ҳудуд манфаатларига оид долзарб масалалар юзасидан Олий Мажлис Сенатига таклифлар киритиш, маҳаллий Кенгашлар қарорларини ишлаб чиқишда жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлаш, фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, бюрократияга қарши чораларни белгилаш тавсия этилган. Бу ўз-ўзидан, коррупцияга қарши курашишнинг амалий жиҳатларини енгиллаштиради.

Жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жамиятда ахбо-

рот ва сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин ифода этадиган холис минбарга, жамият ҳаётининг ўзига хос кўзгусига айланиши ҳам коррупциянинг илдизига болта уришда амалий натижа беради.

Шунингдек, коррупцияга қарши кураш самарадорлигини ошириш ва уларни бартараф этишда таъсирчан тизимни яратиш, коррупцияни бартараф этишда фуқаролик жамияти институтларини кўпроқ жалб этиш, коррупцияга қарши кураш бўйича кучли бошқарувни ташкил қилиш ва назоратни кучайтириш тизимини ишлаб чиқиш, истиқболли кадрларни танлаш ва улар билан ишлаш тизимини шакллантириш, давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритаётган ходимларни мунтазам равишда рағбатлантириш тизимини янада кучайтириш, коррупцион ҳолатларни баҳолаш бўйича жаҳон тажрибасига таянган ҳолда миллий тизимни яратиш муаллиф томонидан хулоса сифатида таклиф қилинмоқда.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Шедий М.В. Коррупция как социальное явление: социологический анализ. – Москва, 2015. – С. 393.
2. Alatas S.H. "The sociology of corruption". Singapore. 1968.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида"ги ПФ-158-сонли Фармони. Lex.uz
4. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги ЎРҚ-788-сонли Қонуни. Lex.uz
5. Турдикулов Ш.Х. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш. Диссертация. – Т., 2023.
6. Матибаев Т. "Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти: коррупция – ижтимоий хавф". "Билим ва интеллектуал салоҳият". – Т., 2019.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-28-сонли Фармони. Lex.uz

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТГА ЭЪТИБОР – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИНИНГ ГАРОВИ

Сарвар ОТАМУРАТОВ,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудир, социология фанлари доктори (DSc), профессор

Ойбек РАШИДОВ,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори, тарих фанлари доктори (DSc)

Санжарбек ШОЙИМОВ,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: ушбу мақола ўтмишда ва ҳозирги кунда инсон, жамият ва давлатнинг юксалишида асосий омил бўлган, Яратган томонидан инсонга берилган ноёб хислат саналмиш маънавият тўғрисидадир. Мақолада тарихда турли тарихий шароитларда, ривожланишга маънавий-маърифий ғояларнинг бевосита таъсири бўлгани ёки қайси давлат ва жамият парокандаликка учраганига ҳам айнан мана шу маънавиятсизлик ва жаҳолат сабаб бўлгани манбалар орқали таҳлил этилган.

Калит сўзлар: маънавият, жадидлар, Авесто, ҳадис, тарихий мерос, жамият, маориф, стратегия.

**Внимание национальной духовности –
гарантия будущего нации**

Сарвар Отамуродов,

заведующий кафедры “Социальные науки” Ташкентского государственного экономического университета, доктор социологии (DSc), профессор,

Ойбек Рашидов,

профессор кафедры “Социальные науки” Ташкентского государственного экономического университета, доктор исторических наук (DSc),

Санжарбек Шойимов,

преподаватель кафедры “Социальные науки” Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация: данная статья посвящена духовности, уникальному качеству, данному человеку Творцом, которое было основным фактором возрождения человека, общества и государства в прошлом и настоящем. В статье анализируется влияние духовно-просветительских идей на развитие и как в различные исторические периоды, из-за бездуховности и невежества, страны и общества приходили в упадок.

Ключевые слова: духовность, джадиды, Авеста, хадисы, историческое наследие, общество, образование, стратегия.

**Attention to national spirituality is a guarantee
of the future of the nation**

Sarvar Otamurodov,

Head of the Department of Social Sciences of Tashkent Financial University, DSc (in Sociology), Professor,

Oybek Rashidov,

Professor of the Department of Social Sciences of Tashkent Financial University, DSc (in Historical Sciences),

Sanjarbek Shoimov,

teacher of the Department of Social Sciences of Tashkent Financial University, Independent researcher.

Abstract: *this article is about spirituality, a unique quality given to man by the Creator, which has been the main factor in the rise of man, society and the state in the past and in the present. It has been analyzed through the sources that it was the*

direct influence of spiritual ideas or that the country and society fell into disarray because of this lack of spirituality and ignorance.

Keywords: *Spirituality, Jadids, Avesta, hadith, historical heritage, society, education, strategy.*

Бугун ақл-заковатли инсон глобаллашаётган цивилизация деб аталган кескин технологик тараққиёт даврида фан-техника инқилобини “кульминацион” нуқтасига эришмоқда ва шу аснода турли хил янги қараш ва ғоялар шаклланмоқда. Шу “буюк даҳо” зотнинг бундай юксалишига “ортиқча эҳтиёж ва қулайлик”, “иқтисодий рақобат” ва “манипуляцияланган инсон” ва эҳтимол, бизга номаълум бўлган мақсадлар ҳам сабаб бўлмоқда. Ушбу янги ғоявий “ноу-хау”лар инсониятнинг асл туғма табиатига хос бўлган маънавиятга, маданиятга, умуминсонпарварлик қарашларига нечоғлик ўз таъсирини кўрсатгани ва бунинг салбий томонлари пайдо бўлаётгани таҳлилий изланишлар, ўз ечимни талаб этмоқда.

Маънавий ғоялар акс этган биринчи навбатдаги манбалар бу юртимизда мавжуд бўлган динларнинг муқаддас китобларида ҳамда ўрта аср мутафаккирларининг асарларида акс этган. Хусусан, мақолада Зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлган “Авесто”да, Ислом динининг муқаддас ва илоҳий китоби Қуръони Каримда, ҳадислар ва Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Берунийнинг “Осор ул-боқия” асарларидан фойдаланилди. Шунингдек, мақолани ёзишда Президент Шавкат Мирзиёевнинг асарлари методологик, манбавий асос сифатида ва замонавий даврда маънавият соҳасида яратилган дарслик, ўқув қўлланмалардан фойдаланилди. Мақолани ёзишда тарихийлик, хронологик, мантиқийлик, қиёсий ва таққослаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

“Маънавият – инсон руҳий ва ақлий олами ифодаловчи тушунча. У кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлоқий, диний тасаввурларини ўз ичига олади. Маънавият атамасининг асосида “маъно” сўзи ётади. Маълумки, инсоннинг ташқи ва ички олами мавжуд. Ташқи оламига: унинг бўй-

басти, кўриниши, кийиниши, хатти-ҳаракати ва бошқалар киради. Ички олами эса, унинг яшашдан мақсади, фикр юритиши, орзу-истаклари, интилишлари, ҳис-туйғуларини ўз ичига олади. Инсоннинг ана шу ички олами маънавиятдир [1]. Озиқ-овқат одамга жисмоний қувват берса, маънавият унга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди. Маънавият маърифат ва маданият билан боғлиқ. Маънавият одамларда тайёр ҳолда вужудга келмайди. Унга муттасил ўқиш, ўрганиш, тажриба орттириш орқалигина эришилади. Маънавият қанчалик бойиб борса, жамият ва миллат шунчалик раванқ топади. Маънавиятли одам яшашдан мақсад нималигини аниқ билади, умрини мазмунли ўтказиш йўлларини излаб топади, муомала қилиш маданиятини эгаллайди, ҳар бир масалага инсоф ва адолат нуқтаи назаридан ёндашади. Виждон нима, ёлғон ва рост нима, ор-номус нима, ҳалол ва ҳаром нима – буларнинг ҳаммасини бир-биридан ажрата олади, ҳаётда ёмонликка бошловчи хатти-ҳаракатлардан воз кечади, яхшиликка бошловчи амалларни бажаради. Маънавиятда инсон ҳаётининг мазмуни акс этади. Ватанни севиш, ватанпарварлик инсон маънавиятини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Маънавият камол топган жамиятларда зиёлилар шу жамиятнинг, миллатнинг юзи, ғурури, обрў-эътибори ҳисобланади. Маънавиятли жамиятда ақл, соғлом фикр, адолат ва яхши хулқ устувордир. Бундай жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи кучли бўлади, одамга номуносиб турли иллатлар барҳам топади. Миллатнинг асрлар давомида шаклланган илдизлари, унинг тарихий тажрибалари ва ижтимоий-маданий ривожланишисиз маънавиятни тасаввур қилиш қийин.

Инсон яралганидан буён унинг моддий дунёси бойиб бориши қаторида, маънавияти ҳам ривож топа борди. Масалан, ибтидоий одамларнинг дунёни англашга бўлган инти-

лиши, дастлабки ибтидоий динлар ва уларнинг эволюцияси, ов билан боғлиқ жараёнлар, никоҳ тартиби, жамиятдаги асосий ғоялар, бир томонидан, унинг маънавиятининг шаклланишида муҳим манба бўлиши билан бир қаторда, унинг турли тарихий тамаддунларни бошидан кечиринишида инсон маънавияти ҳал қилувчи ўрин тутганлиги ўтмишдан маълум.

Исломда ота-онага меҳр-муҳаббат, ғам-хўрлик, фарзанд тарбияси ва оилага садоқат масалаларига алоҳида эътибор берилган. Ибн Арабийнинг таъкидлашича, комил инсоннинг ердаги тимсоли – ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоху алайҳи васаллам ҳисобланадилар. Ул зот вужудида ақлий, руҳий камолот, дунёвий ва илоҳий билимлар жамулжам эди. Исломда кишиларни яхшилик қилиш, савоб ишларга қўл уруш, инсофли, диёнатли, виждонли бўлиш, меҳр-шафқатлилик, тўғрилиқ, ростгўйлик, софдил бўлиш, ночорларга ёрдам бериш, камтарликка чақириш ғоялари илгари сурилган. Исломда илм-фанни эгаллаш, маърифатли бўлиш катта савобли иш экани қайта-қайта таъкидланади. Ислом маънавиятида инсоннинг ер юзида халифа қилиб белгиланиши унинг яна бир муҳим жиҳати ҳисобланади.

Француз файласуфи Жак Кондорсе “Инсон тафаккури тараққиётининг тарихий манзараси чизгилари” номли асарига: “Ўрта асрлар мусулмон оламида тўпланган илмий билимлар Ғарбда Уйғониш даврини тайёрлашга хизмат қилмаганида инсоният бесамар йўқолиб кетар эди”, – деб ёзади. Бундан маълумки, ислом дини тарихий тараққиётида маънавиятнинг инсон ва жамият юксалиши учун бирламчи асос бўла олишини тушуниб етган ислом мутафаккирлари маънавиятга эътиборни ҳар доим биринчи даражали вазифа деб ҳисоблашган. Улар мусулмон эътиқодини халқ дунёқараши билан уйғунлаштирганликлари туфайли Ўрта Осиёда маданий ҳаётнинг адабиёт, меъморлик, мусиқа каби соҳаларида тараққиёт юзага келди [2].

Миллатни маънавий жиҳатдан уйғотиш, камол топтиришда миллий зиёлилоримиз, жадидларнинг ўрни беқиёс. Зеро, Туркистон мустамлака даврида миллатни сақлаб қолиш

ва истиқлолга олиб чиқишда ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий тарбия асосий омил, муҳим қурол бўлиб қолди. Айнан шуни жадидлар озодлик йўлидаги ҳаракатнинг асоси деб билдилар. Туркистон жадидлари сафида: Маҳмудхўжа Беҳбудий, Шукуррий, Носирхон Тўра, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат ва бошқа кўплаб миллат фидоийлари, ватанпарварлар бор эди.

1905-1917 йилларда 80 дан ортиқ жадид адабиёти намояндалари айни шу йўлда қалам тебратдилар. Бундан ташқари, жадидлар драма, трагедия, комедия жанрларида ҳам 30 дан ортиқ асарлар ёзишган. Уларнинг кўпчилиги саҳналаштирилган. Масалан, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” драмаси ва бошқалар.

Маърифатпарварлар миллат маънавиятини юксалтиришга мактаб-маориф, миллий матбуот, миллий адабиёт, миллий театр, бидъат ва хурофотлардан тозаланган дин орқали эришмоқчи эдилар. Туркистон халқининг моддий аҳволи ночорлигидан зиёлиларнинг мақсадларини амалга ошириш жуда қийин кечди. Бироқ, халқни саводли қилиш мақсадида улар ўз жонлари ва пулларини ҳам аямадилар.

Шунингдек, жадидлар миллат ва ватани келажагини ўйлаб турли хайрия жамғармалари ташкил этиб, тўпланган маблағларни мактабларга ёрдам бериш, кутубхоналар очиш, ёшларни хорижга ўқишга юбориш каби ишларга сарфланган.

Миллий зиёли жадид боболаримиздан Абдулла Авлоний ёзган экан: “Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак – танини пок тутмак, ёш вақтидан маслақини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмакдир. Тарбия қилувчилар табиб кабудурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига яхши хулқ деган давони ичидан, поклик деган давони устидан беруб, катта қилмак лозимдур” [3].

Тарихимизнинг 74 йилини ўз ичига олган совет истибдоди даврида тарихни сохталаштириш, миллий-диний урф-одатларимизни камситиш ва йўқотишга, миллий

зиёлиларимизни маънан ва жисмонан йўқ қилишга қаратилган мафкуравий тузумни ўз бошидан кечирди. Совет мустабид тузуми даврида Ўзбекистонда илғор зиёлилар, илмфан, адабиёт, санъат, маърифат намояндалари қувғин ва таъқиб қилишлар, улар ижодидан кир излаш ва айб топишга уринишлар, шубҳасиз, республика маънавий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатмасдан қолмади [4].

Мустақиллик шарофати билан ўз миллий маданиятимиз, маънавиятимиз, тарихимиз ҳамда бу соҳаларни ривожлантиришга алоқадор бўлган институтлар тизими яратилиб, пойдевор қўйилди. Истиқлол йилларида маънавият-маърифат масаласига жиддий эътибор ҳукумат томонидан бу борада ишлаб чиқилган дастур асосида иш олиб боришни талаб этди. Шу аснода 1994 йил 23 апрелда мамлакатимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеа юз берди – Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази ташкил этилди. Ушбу йўналишдаги фаолиятни янада ривожлантириш мақсадида, 1996 йил 9 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони жамиятни маънавий барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Мазкур масалада жиддий ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, айрим ҳолларда, маънавиятнинг моҳиятини, фаровон жамиятга тезроқ етишимиздаги қимматини чуқур идрок этмаслик ҳолатлари мавжудлиги, бу ишга дахлдор раҳбарларда масъуллик хислари паст эканлигига эътибор қаратилди.

Фармонга асосан, 1997 йилдан бошлаб, 1 октябрь – “Ўқитувчилар ва мураббийлар” куни деб эълон қилинди. Шунингдек, “Маънавият” нашриёти ташкил этилди, “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиқ маркази қошида “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси таъсис этилди. Тарихимиз холис яратила бошлади. Муқаддас динимиз билан боғлиқ барча ижобий ва бунёдкорлик ишлари қайтадан амалга оширила бошлади. Тарихий шахслар ва улуғ мутафаккирларнинг хотиралари тикланиб, юбилейлари нишонланди.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда амалга

оширилаётган ҳар томонлама ислоҳотлар – биз номлаган Янги Ўзбекистон ва унинг яратувчи кучи бўлган халқнинг маънавиятини ҳар қачонгидан ҳам юқори даражада ўстириш вазифасини долзарб қилиб қўймоқда. Шу мақсад йўлида бугунги кунда қабул қилинган Конституциямиз, қонунлар, қарорлар, кодекслар, стратегиялар, миллий дастурларда ҳам маънавиятга эътибор ўз тасдиғини топмоқда. Хусусан, мамлакатимиз қомусида оила, маҳалла институтлари ҳамда фуқароларнинг тарихий-маданий меросларини асраб-авайлашга мажбур эканлиги билан боғлиқ нормаларнинг жой олганлиги маънавий ғоялар ривожига ҳуқуқий пойдевор бўлмоқда [5].

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 5-муҳим йўналиши “Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш” деб номланиб, унда китобхонликни кенг оммалаштириш ҳамда “Китобсевар миллат” умуммиллий ғоясини рўёбга чиқариш (72-мақсад), Буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш (73-мақсад), жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш (74-мақсад), аҳолининг бадиий-эстетик дидини юксалтириш, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларини ривожлантириш (75-мақсад), маданият ва санъат соҳаларини янада ривожлантириш, маданият муассасалари ва объектларининг моддий-техника базасини яхшилаш (76-мақсад), Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишни янада ривожлантириш (77-мақсад), Миллий кино санъатини ривожлантириш (78-мақсад) каби маънавий мезонлар белгиланган [6].

2023 йил 11-12 декабрь кунлари тараққийпарвар аждодларимиз, жадидлар меросини ўрганиш ва уни тарғиб этиш мақсадида, “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Ушбу конференцияни Президент Шавкат Мирзиёев йўллаган Мурожаатномасида Туркистон жадидларининг миллий давлатчилик ривожигаги ўрни ва таъсирини ўрганиш фаолияти би-



лан боғлиқ масалалар долзарб эканлигини таъкидлаш баробарида, “Тилда, фикрда, ишда бирлик” деган эзгу ғоя билан майдонга чиққан жадид боболаримиз халқларимизни жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, уларни ғафлат ботқоғидан қутқаришнинг асосий йўли – билим ва маърифатда, дунёвий тараққиётни эгаллашда, деб билган эканлигини таъкидлади [7].

Шунингдек, Президент кейинги йилларда Ўзбекистон Олий суди томонидан 1030 дан зиёд мустабид тузум қатағонига учраган ватандошларимиз номи оқлангани, тарихий адолатни тиклаш йўлидаги янги қадам бўлгани ҳамда маҳалла идораларида “Қатағон қурбонлари хотираси бурчаклари” ва “Маҳалла хотира китоблари”ни ташкил этиш, ҳар йили камида 100 нафар қатағон қурбони ҳамда жадид боболаримиз ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган тўплам тайёрлаш режалаштирилгани ҳақида фикр билдирди [7].

2023 йилнинг 22 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Хусусан, ушбу йиғилишда давлатимиз раҳбари бунинг учун, аввало, мустаҳкам иқтисодий асослар кераклигини таъкидлаб, бу борада амалга оширилаётган ишларни қайд этиб ўтди. Ушбу иқтисодий асос натижасида бу йил ижтимоий соҳага энг кўп – 134 триллион сўм маблағ ажратиш, бу – 2016 йилга солиштирганда, 5,6 баробар зиёд эканлиги, маърифатпарвар боболар ғояларини ўрганиш ва ривожлантириш бўйича Президент қарори қабул қилиниши белгиланди. Шунингдек, Бухородаги тарихий масканда Жадидлар мероси давлат музейи очилади, “Жадид” номли янги газета ташкил этилгани таъкидланиши баробарида, Президент: “Бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак”-лигини қайд этди [8].

Шу билан бирга, жамиятда маънавий ғоялар ва маданий ислохотларни амалга оширишда бир қанча камчиликлар учрамоқда.

Бунга сабаб сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

биринчидан, бугун глобал ҳаётда юз бе-

раётган воқеа-ҳодиса ва янгиликларга фанат бўлиб қолаётган аҳоли қатламини (айниқса, ёшларни), бу оқимдан миллий, маънавий манбаларни шакллантирувчи институтлар тизимининг (оила, маҳалла, мактаб, Маънавият ва маърифат марказлари, ҳокимликлар, соҳага тааллуқли вазирлик ва идоралар) заифлиги ва етарли эмаслиги;

иккинчидан, жамиятдаги қатламларда маънавий етукликдан кўра, моддий ҳаётга бўлган рағбат ғоясининг кучаяётганлиги (бунга бозор иқтисодиёти шароити, талаб ва таклиф, қиймат ва нарх шаклланиши ва б.қ. сабаб бўлади);

учинчидан, оммавий ахборот воситаларининг етарли даражада миллий манфаатларимизни ҳимоя қила олмаётгани (миллий кинофильм, тарихий сериал, телевидение, газета, журнал ва ижтимоий тармоқларнинг сифатли контентлар ярата олмаётгани, ғоявий жиҳатдан ўз томошабинларини жалб қила олмаётганлиги ҳамда ташқаридан интернет орқали кириб келаётган турли хил ғоя ва зарарли янгиликларга қарши ҳалигача қоникарли миллий ахборот хавфсизлик тизимининг мавжуд эмаслиги ва бошқалар).

“Инсон”, “жамият”, “давлат” каби тушунчалар қачон тараққий этиши айнан, инсонда, жамиятда, давлатда моддийлик ва маънавийликнинг уйғунлиги ва тенглигига боғлиқдир. Ушбу икки нарсани, яъни моддийни дарахтга, маънавиятни эса, унинг мевасига менгзаш мумкин. Дарахт мевасиз ёғоч кабидир, ўз навбатида, танасиз мева ҳам бўлмайди. Мамлакатда иқтисодий ислохотларга эътибор қаратилиши билан бир қаторда, маънавиятга ҳам аҳамият берилиши зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев миллий маънавиятимиз миллатимиз келажаги бўлган ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиши хусусида гапириб шундай дейди: “Маънавият керакми-йўқми деб юрганлар ҳам йўқ эмас. Ҳамма ҳаракатларимизнинг асоси – халқимизни рози қилиш. Шу муносабат билан таъкидлаб айтмоқчиман, биз яратаётган Янги Ўзбекистоннинг мафкураси – эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда аввало фикр тарбиясини, миллий

ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунализ. Албатта, бу юксак ғоялар осмондан тушмаган. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган” [9]. Бундай ҳолатда ёшларда нафақат танлаган соҳаларни чуқур эгаллаш, шунингдек, кенг қамровли ўзгараётган замон ва макон талабларига жавоб бера оладиган тафаккур юритиш салоҳиятини шакллантириш устувор вазифага айланиб бормоқда [10].

Биз ҳозирда ушбу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги бир нечта тақлифларни келтирамиз:

- маънавият, аввало, оиладан бошланади, ҳам ғоявий, ҳам моддий институтни қўллаб-қувватлаш ва асраб-авайлаш;

- маҳалла институтини бутунлай такомиллаштириш ҳамда ислоҳ этиш;

- мактаб-маориф тизимини тамомила кескин ғоявийлик нуқтаи назаридан ислоҳ этиш ҳамда ушбу масканларда маънавий-маърифий тадбирларни кўпайтириш;

- маънавият манбаи бўлган муассасалар – музейлар, театрлар, кутубхоналар, санъат саройлари, галереялар, ҳайкаллар, адабий заллар ва бошқа шу каби ташкилотлар сонини ошириш ҳамда унга ташриф буюрувчилар сонини кўпайтириш;

- миллий тарихимиз, миллий адабиёт, миллий урф-одатларимиз, миллий фильм, миллий либос ва ҳунармандчилигимиз билан боғлиқ контентларни оммавий ахборот воситаларида тарғиб этиш;

- ўзбек тилига эътибор ва у билан боғлиқ маданий тадбирларни кўпайтириш;

- ўзбек тилидаги миллий маънавиятга хизмат қилувчи веб-сайтлар, платформалар, дастурлар ва контентларни яратиш;

- китобхонликни тарғиб этиш, китоб кўргазмалари, ноёб китобларни ўзбек тилига таржима қилишни ривожлантириш;

- ва энг асосийси, ушбу соҳага давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларни ошириш, уни манзилли боришини таъминлаш ва маънавият соҳасида коррупцион ҳолатлар юз беришига йўл қўймаслик кабилардир.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, маънавият дунёни бошқарувчиси ҳамда яратувчиси бўлган бу буюк, даҳо инсонни ўзини юксалтириши билан бир қаторда, жамиятда миллий зиёлилар ва саводли қатламларнинг вужудга келишига ва уларнинг ўз миллати ва юрти учун бефарқ бўлмаслигига, уни асраб-авайлашга, тараққий этиши учун муҳим асос эканлигини англаб етишимиз лозим.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти. М ҳарфи. – 2006. – 904 б.
2. Маънавиятшунослик: барча бакалавр таълим йўналишлари учун ўқув дарслиги / Г.К. Машарипова, Т.Ж. Хўжанова. – Т.: “Фан зиёси” нашриёти. – 2022. – 255 б.
3. Қосимов Б. Уйғонмоқ дунё билан баробар яшамоқдир // “Жадид” газетаси. 2024-йил 5-январь. 2-сон.
4. Рашидов О. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. – Т.: “Муҳаррир”. – 2022. – 83 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. – 80 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.
7. Мирзиёев Ш. “Жадидлар: Миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига // “Халқ сўзи” газетаси. 2023 йил 12 декабрь. 264-сон.
8. Мирзиёев Ш. Маънавият бошқа соҳалардан олдинда юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак. Ўзбекистон Республикаси Матбуот хизмати. 22.12.2023. president.uz/oz
9. Мирзиёев Ш. Жамият ҳаётининг танаси иқтисодий бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати. 19.01.2021. <https://president.uz/uz/lists/view/4089>
10. Отамуратов С. Янгиланаётган Ўзбекистон ижтимоий-инновацион жараёнларда ёшлар фаолияти. – Т.: “Фан ва технологиялар” нашриёт-матбаа уйи. – 2021. – 220 б.

ЎЗБЕКИСТОНДА БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ



Алишер МУМИНОВ,

Ўзбекистон Миллий университети профессори,
сиёсий фанлар доктори

Аннотация: мақолада янгиланган Конституцияда халқпарвар давлатчилик асосларини яратиш, аҳоли фаровонлигини ошириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини янада юксалтириш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришга оид муҳим омил ўрганилган. Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида амалга ошириш халқ учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратишга йўналтирилган демократик ислохотларнинг асосий мезонига айлангани таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: давлат, миллат, фуқаро, эркинлик, қонун, ислохот, ҳуқуқ, минтақа, барқарорлик, тараққиёт.

Проявление принципов толерантности в Узбекистане

Алишер Муминов,

профессор Национального университета
Узбекистана, доктор политических наук

Аннотация: в статье исследован важный фактор, связанный с созданием основ дружественной к народу государственности, повышением благосостояния населения, дальнейшим укреплением прав и интересов человека, достоинства, либерализацией всех сфер жизни. Также

анализируется, что обеспечение прав и свобод граждан, имплементация международных стандартов прав человека в национальное законодательство и правоприменительную практику стали основным критерием демократических реформ, направленных на создание комфортных и достойных условий жизни народа.

Ключевые слова: государство, нация, гражданин, свобода, закон, реформа, регион, стабильность, развитие.

Manifestation of the principles of tolerance in Uzbekistan

Alisher Muminov,

Professor of the National University
of Uzbekistan, Doctor of Political Sciences

Abstract: in the article, an important factor related to creating the foundations of a people-friendly statehood, increasing the welfare of the population, further enhancing human rights and interests, dignity, and liberalizing all spheres of life was studied in the article. It is also analyzed that ensuring the rights and freedoms of citizens, implementing international human rights standards in national legislation and law enforcement practice has become the main criterion of democratic reforms aimed at creating comfortable and decent living conditions for the people.

Keywords: state, nation, citizen, freedom, law, reform, law, region, stability, development.

Инсон ҳақ-ҳуқуқлари учун ҳаётини бахшида қилган Нобель мукофотининг лауреати Мартин Лютер Кингнинг ўтган асрнинг 60-йилларида айтган қуйидаги фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас: “Моддий жиҳатдан қанчалик бойиб борган бўлсак, шунчалик ахлоқан ва маънан қашшоқлашиб бордик. Қушлар каби ҳавода учишни ўргандик. Балиқлар каби денгизларда сузишни ўргандик. Лекин ҳозиргача ер юзида ака-укадек яшашни ўрганмадик” (kommersant.ru, [1]).

Аксинча, глобаллашув ва мафкуравий курашлар шиддатли кўриниш олган ҳозирги мураккаб даврда дунёда тинчлик, тотувлик ва ижтимоий барқарорликни мустақамлаш масаласи энг устувор вазибалардан бирига айланган.

Бугунги кунда мазкур масалаларнинг аҳамияти янада ошиб бораётганлигини назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “... бугун дунёда кескин кураш ва рақобат ҳукм сурмоқда, манфаатлар тўқнашуви кучаймоқда. Глобаллашув жараёнлари инсоният учун беқиёс янги имкониятлар билан бирга кутилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортмоқда” [2], деб алоҳида таъкидлаган эди.

Бундай ҳолат бағрикенглик тамойиллари турли кўринишларининг жамиятдаги тинч ва барқарор тараққиётни таъминлашдаги ўрни ва роли ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Қайд этиш лозимки, сўнгги 10-15 йил давомида халқаро экспертлар ўзларининг турли маъруза, ҳисобот ва чиқишларида Ўзбекистонни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мустақам кафолатлари бўлмаган, толерантликнинг асосий тамойиллари бузилаётган, мажбурий меҳнат, жумладан, болалар меҳнати, фуқароликни беришда муаммолар мавжуд бўлган, гендер тенглигига риоя қилмаётган давлат сифатида тилга олиб келдилар.

Бу эса, табиийки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида изчил ва қатъиятлик

билан амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотларга халқаро ҳамжамият, хусусан, етакчи экспертлар томонидан катта қизиқиш уйғонишига сабаб бўлди (nuz.uz, [3]).

Хусусан, хорижий экспертлар Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида олиб борилаётган сиёсатнинг қуйидаги устувор йўналишларни қайд этмоқдалар.

Биринчидан, 2023 йилда мамлакат сиёсий ҳаётида ўзига хос бурилиш бўлди. Ўтказилган референдумда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, [4]) учун иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи томонидан ёқлаб овоз берилди.

Янгиланиш натижасида, бош қомусдаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага ошди.

Энг муҳими, уни тайёрлашда аҳолининг фаол қатнашгани. Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича ўтказилган умумхалқ муҳокамасида коллмарказ, фуқароларнинг бевоқифа қабули орқали, “Meningkonstitutsiyam.uz” платформаси, анъанавий мурожаатлар ҳамда жамоавий таклифлар асосида 150 мингдан зиёд таклифлар келиб тушди. Бу 1992 йилдаги умумхалқ муҳокамасига қараганда 25 баробар кўпдир (Акмал Саидов, [5]). Умуман, Конституция 65 фоизга янгиланган.

Конституцияда Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат деб эътироф этилиб, инсон ҳуқуқларига оид нормалар уч баробарга кўпаймоқда. Яъни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида қайд этилмоқда.

Янгиланган Конституция чинакам халқпарвар давлатчилик асосларини яратиши, аҳоли фаровонлигини ошириши, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини янада юксалтириши, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришда муҳим омил бўлади.

Иккинчидан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинганлиги мустақил Ўзбекистон тарихида инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган биринчи стратегик ҳужжат бўлди (gazeta.uz,



[6]). Ушбу ҳужжатларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари белгилаб берилган.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида амалга ошириш халқ учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратишга йўналтирилган демократик ислоҳотларнинг асосий мезонига айланди. Бугунги кунда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протокоliga қўшилган (Янги Ўзбекистон, [7]).

Уларни тайёрлаш жараёнида халқаро ташкилотларнинг тавсиялари инobatга олингани, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва хорижий тажриба ҳар томонлама ўрганилгани, кенг жамоатчилик муҳокамалари, халқаро ва миллий маслаҳатлашувлар ташкил этилгани экспертлар томонидан алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон парламенти томонидан инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммоларга тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2018 йилда биринчи марта Инсон ҳуқуқлари бўйича парламент ҳисоботи тақдим этилди (usembassy.gov, [8]). Кейинчалик парламент қўйи палатаси инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотни тинглади ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши тавсияларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракатлар режасини қабул қилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларни амалга ошириш бўйича бешта “йўл харитаси” тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда (iru.org, [9]).

Учинчидан, Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши.

Ўзбекистон тарихда илк бор уч йиллик муддатга – 2021-2023 йилларга БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайлангани халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилганига мисол бўлади. Бундан ташқари, ушбу сайловларда БМТга аъзо бўлган 193 та

давлатдан 169 таси овоз берди, натижада, Ўзбекистон энг кўп овоз тўплади (gazeta.uz, [10]).

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75, 76 ва 78-сессияларидаги иштироки муҳим воқеа бўлди. Янги ҳамкорлик муҳити туфайли Ўзбекистон БМТ фаолиятининг барча йўналишларидаги жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланди, бу эса аъзо давлатларнинг республика-мизга нисбатан муносабатларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг самарали тизимини яратди. Бу борадаги ишлар изчиллигини кейинги йилларда мамлакатимизда парламент, Омбудсман, Болалар омбудсман, Бизнес-омбудсман институтлари тузилиб, ўз фаолиятини бошлаганида ҳам кўриш мумкин (UNICEF, [11]).

Тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик ривожлантирилди. Хусусан, жорий йилнинг 12-17 февраль кунлари Самарқанд шаҳрида БМТнинг аҳоли ва келажак авлод учун қулай ва экологик тоза ҳудудни сақлаб қолиш, экологик ҳуқуқларни таъминлаш масалаларига оид Конвенциясига бағишланган конференцияда 130 дан ортиқ давлатдан 2 мингга яқин иштирокчилар қатнашгани халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Тадбир яқунлари бўйича Конвенцияга аъзо давлатлар томонидан ижрога қаратилиши учун 2024-2032 йилларга мўлжалланган Самарқанд стратегик режаси тасдиқланди. Экологик боғлиқлик бўйича глобал ҳамкорлик (GPEC) ташаббуси ишга туширилди.

Ўзбекистон БМТ конвенциясига 2024-2026 йиллар учун президент сифатида сайланди (president.uz, [12]).

Айтиш лозимки, БМТнинг ушбу нуфузли тадбири шу кунга қадар бирорта МДХ давлатларида ўтказилмаган ва бизларнинг ташаббусимиз асосида мамлакатимизда бўлиб ўтиши тарихий аҳамиятга эга (“Янги Ўзбекистон” газетаси, [13]).

Бу борада, БМТ экспертлари томонидан

(Хелена Фрейзер, [14]), мамлакат раҳбариятининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миқёсидаги муҳим ташаббуслари алоҳида эътироф қилинганлигини айтиш зарур. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Лидер аёллар мулоқоти учрашуви, Марказий Осиё мамлакатлари бизнес-форумини ташкил этиш;

- Ногиронларнинг ўзини ўзи англаш бўйича ҳудудий кенгашини ташкил этиш;

- Осиёда инсон ҳуқуқларининг регионал механизмини ишлаб чиқиш.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармасининг 2020 йилга мўлжалланган ҳисоботида сўнги йилларда ушбу йўналишдаги ишлар бўйича, Ўзбекистон демократлаштириш ва БМТ шартномалари ҳамда Низоми доирасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш, шунингдек, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш борасида Ўзбекистон энг кўп тилга олинадиган давлатлар қаторига киради (puz.uz, [15]).

Ўзбекистонда эришилган ижтимоий-сиёсий барқарорлик 2016 йилдан буён амалга оширилаётган ва инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари каби бағрикенгликнинг асосий тамойилларини, миллатлараро тинчлик ва фуқаролар оқибатлигини таъминлашга қаратилган чуқур ўйланган сиёсат самарасидир.

Президентимиз Ўзбекистон марказий газеталаридан бирининг бош муҳаррири саволларига жавоб берар экан, ислохотлар давомида амалга оширилаётган ишлардан асосий мақсад инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш эканини таъкидлади.

“Янги Ўзбекистон – демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэтироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланадиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиш берилган иборат бўлган давлатдир” (president.uz, [16]).

Президентимиз мамлакатимизда миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қону-

ний манфаатларини таъминлаш, халқимиз турмуш даражаси ва сифатини ошириш изчил давом эттирилаётган ислохотларнинг асосий мазмуни эканини таъкидлади (“Янги Ўзбекистон” газетаси [17]).

Ўзбекистон БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида глобал ва минтақавий муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш жараёнида фаол иштирок этмоқда, Ўзбекистоннинг БМТнинг юксак минбаридан илгари сурган ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланиб, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон томонидан БМТ доирасида илгари сурилган барча ташаббуслар бугунги кунда глобал тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг БМТ билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги яхшиланиб бормоқда. Биргаликда қарийб 140 та дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Бош Ассамблеясининг 10 дан ортиқ резолюцияси қабул қилинди (daryo.uz, [18]).

Бунга мисол тариқасида, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифи биноан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан: “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” (2018 йил июнь) (uza.uz, [19]), “Маърифат ва диний бағрикенглик” (2018 йил декабрь) (isrs.uz, [20]), “Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш” (2019 йил декабрь) (sputniknews.uz, [21]), “Ёшлар 2020: глобал бирдамлик, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари” Самарқанд қарори (2020 йил июль) [22], “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш тўғрисида”ги қарорлар (2021 йил май) (uza.uz, [23]) қабул қилинди ҳамда БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун кўп томонлама шериклик траст жамғармаси фаолияти ташкил этилди, бу Оролнинг қуриши оқибатларини юмшатишга ва бу ҳудудда

яшовчи одамларнинг турмуш тарзини яхшилашга ёрдам беради (gazeta.uz, [24]).

Бундай ташаббусларнинг охирги намунаси сифатида жорий йилнинг 26 февраль куни Ўзбекистон тарафидан илгари сурилган “2027 йил – Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили” резолюцияси бир овоздан маъқулланганини айтиш лозим (qalampir.uz, [25]).

Президент томонидан туризмнинг турли цивилизациялар бой маданий меросини асрашда, тинчлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлашда, халқларнинг қадриятларини ҳурмат қилишда муҳим ўрин тутиши тўғрисида баён этилган тамойиллар ушбу резолюцияда мустаҳкамланган.

Айтиш лозимки, Ўзбекистонда сўнги йилларда барқарорлик ва хавфсизликнинг замонавий муаммоларини мулоқот ва ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш асосида ҳал этишнинг энг муҳим йўлларида бири эканлиги тўғрисидаги тушунча тўлиқ шаклланди. Шу муносабат билан Ўзбекистонда бағрикенглик тамойилларига тўлиқ мос келадиган Марказий Осиёда барқарорлик ва тараққиётни сақлашга ёрдам берадиган, халқаро барқарорликни ўрнатишга катта ҳисса қўшадиган кенг, икки томонлама ва кўп томонлама шерикликни ривожлантириш борасида аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Мамлакатимизда қарор топган бағрикенгликнинг намунаси сифатида бир нечта босқичда амалга оширилган “Меҳр” операцияси натижасида, Сурия, Ироқ ва Афғонистон каби можароли ҳудудлардан жами 531 та аёл ва болалар мамлакатга олиб келинганлигини келтириш мумкин (daryo.uz, [26]). Халқаро ҳамжамият бу операцияларни инсонпарварлик, элпарварлик намунаси, давлатнинг ўз фуқаросига, миллатдошига кўрсатган оқибати, меҳри сифатида баҳолади.

“Меҳр” операциялари – бағрикенглик тамойилларининг таъминланиши, Ўзбекистонда янги даврда инсонга муносабат қай даражада ўзгарганини, ўз юртида ҳақиқий қадр ва эътибор топганининг амалий далили ва ифодаси сифатида, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида

ҳам ўз фуқароларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлаши ҳар бир фуқаро давлат ҳимоясида эканлиги тўғрисидаги Конституция меъёрларига (23-модда) тўлиқ мос келишининг ёрқин намунасидир [27].

Ўз фуқароларига бундай оқилона ва адолатли муносабатни бошқа мисолларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, Яқин Шарқ ва Афғонистондан ташқари, Украинада бошланган талатўплардан кейин 6 минг нафарга яқин юртдошимиз Ўзбекистонга олиб келинди (ishonch.uz, [28]).

Ёки яна бир мисол. Жорий йилнинг январда Россиянинг Пенза вилоятида йўл-транспорт ҳодисасида ҳалок бўлган етти нафар ўзбекистонлик Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилган топшириқ асосида махсус самолётда олиб келинди (daryo.uz, [29]).

Ваҳоланки, авваллари чет элларда мураккаб аҳволга тушиб қолган ватандошларимизни юртимизга олиб келиш, чорасиз қолган фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларига эътибор қилмаслик бўйича ҳам маълумотлар мавжуд.

Кўҳна ва сернеъмат Ўзбекистон заминидан кўп асрлар давомида турли элат, маданият ва дин вакиллари тинч ва тотувликда яшаб келмоқда.

Бугун 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларини ягона мақсад – умумий уйи – Ўзбекистон тараққиёти ғояси бирлаштириб турибди (uza.uz, [30]).

Мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши тўғрисидаги меъёрлар Конституциянинг 4-моддасида белгилаб қўйилган [31].

Уларга ўз этник маданияти, анъана ва урф-одатларини асраб-авайлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. 10 000 дан ортиқ умумтаълим муассасаларининг 1865 тасида таълим 6 тилда олиб борилади, олий ўқув юртларида бир нечта турдош ва чет тилла-

рида таълим олиш имконияти мавжуд. 12 тилда теле ва радиоканаллар эфирга узатилаётгани, 14 тадан ортиқ тилда [32] газета ва журналлар нашр этилаётгани мамлакатимизда ҳукм сураётган бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳитининг амалий ифодасидир.

Ўзбекистонда этник ўзликни англаш, миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 152 та миллий маданий марказлар етакчи ўрин тутди [33]. Улар ўзларининг асл маданияти, тили, халқ хунармандчилигини ривожлантириш орқали маданиятларнинг ўзаро бойиб боришига, миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, янада ривожлантириш ва бойитишга ҳисса қўшадилар.

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини янада ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсати концепцияси (uz.uz, [34]) тасдиқланди.

Ўзбекистонга 1995 йилгача келган шахсларни бевосита Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тартиби ўрнатилгани бағрикенгликнинг яна бир кўринишидир. Мазкур чора-тадбирлар туфайли биргина 2020 йилда 50 нафар фуқаро Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди.

Кейинчалик бу иш давом эттирилиб, 2005 йилгача мамлакатимизга келиб, доимий истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахсларга бевосита Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Шундай қилиб, яна 20 минг киши давлатимиз фуқароси бўлиш имкониятига эга бўлди (uz.uz, [35]).

Халқлар, миллатлар, давлатлар, жамиятнинг турли қатламлари ва тузилмалари ўртасидаги ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, дўстона муносабатларни янада ривожлантириш йўлида 30 июль куни, ҳар йили, Халқлар дўстлиги кунининг ўтказилиши муҳим қадам бўл-

ди. Ўзбек халқига хос бағрикенглик ва абдий дўстлик ғояларини ўзида мужассам этган “Халқлар дўстлиги кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ишлаб чиқилди (uz.uz, [36]).

Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Мамлакатда виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш билан боғлиқ вазият тубдан яхшиланди. Миллатлараро тотувлик ва конфессиялараро бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш биз учун энг муҳим вазифадир” (president.uz, [37]).

Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид мамлакатимизга ташриф буюриб, Ўзбекистонда бу борада эришилган натижаларни алоҳида қайд этди (xabar.uz, [38]).

Шунингдек, халқаро ҳужжатлар, жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, БМТ ва ЕХҚТнинг тегишли ҳужжатларидан келиб чиқиб, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди [39].

Хулоса қилиб, айтиш мумкинки, Ўзбекистон Конституциясининг Ўзбекистон халқи, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эканлигини эълон қилган ва кафолатлаган, шунингдек, мамлакатда тилларга ҳурмат кўрсатилиши таъминланганлиги эълон қилинган ва кафолатланган моддалари ҳаётга фаол татбиқ этилмоқда, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг урф-одат ва анъаналари, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакат раҳбарияти давом этаётган глобаллашув, халқаро ва минтақавий муносабатларнинг трансформацияси шароитида дунёда иқтисодий, сиёсий, миллий, диний ва бошқа зиддиятларнинг зўрайиши, ахборот ва кибермаконда қарама-қаршиликларнинг кучайиши миллатлараро муносабатлар, виждон ва диний эътиқод эркинлигини таъминлаш соҳасида



бир қатор муаммолар келтириб чиқараётганини ва уларни ҳал этишни талаб қилувчи долзарб масалалар сақланиб қолаётганини теран англайди.

Шу маънода янги таҳрирдаги Конституция чинакам халқпарвар давлатчилик асосларини яратиши, аҳоли фаровонлигини ошириши, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари,

қадр-қимматини янада юксалтириши, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришда муҳим омил бўлади. Конституцияга илк мартаба инсон қадрини юксалтиришга қаратилган қатор меъёрларнинг киритилгани эса, мамлакатимизда бағрикенглик тамойиллари таъминланишининг муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Из нобелевской лекции Мартина Лютера Кинга, декабрь 1964 года. <https://www.kommersant.ru/doc/6452634>.
2. Шавкат Мирзиёев: Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. <https://president.uz/uz/lists/view/4089>
3. 100 экспертот определили 15 важнейших реформ Президента Шавката Мирзиёева // <https://nuz.uz/politika/1203992-100-ekspertov-opredelili-15-vazhnejshih-reform-prezidenta-shavkata-mirziyoeva.html>
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>
5. Саидов А. Янги Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий фалсафаси / “Янги Ўзбекистон” газетаси кутубхонаси. – “Маънавият”. – 2023. – 128 б.
6. Принята Национальная стратегия по правам человека // <https://www.gazeta.uz/ru/2020/06/27/human-rights/>
7. Инсон ҳуқуқлари – энг олий қадрият//“Янги Ўзбекистон” газетаси. <https://yuz.uz/file/newspaper/1840741b9959315b7230e329c1a60c46.pdf>
8. Ўзбекистон 2018 инсон ҳуқуқлари бўйича ҳисобот. <https://uz.usembassy.gov/uz/country-reports-on-human-rights-practices-for-2018-uzbekistan-uz/>
9. IPU welcomes human rights efforts by Uzbek Parliament - <https://www.ipu.org/news/news-in-brief/2020-05/ipu-welcomes-human-rights-efforts-uzbek-parliament>; Растет роль парламента в сфере защиты прав. Материалы международного онлайн-семинара “Роль парламента в совершенствовании правовой базы по предупреждению пыток в рамках Национального превентивного механизма” – <https://uza.uz/ru/posts/rastet-rol-parlamenta-v-sfere-zashchity-prav-06-10-2020>; New Uzbekistan and Human Rights. Uzbekistan’s progress towards compliance with international obligations on human rights. – Tashkent: National Centre of the Republic of Uzbekistan for Human Rights, 2020. – 63 p.
10. “Олдинда ҳали ишлар кўп”. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссарининг Ўзбекистонга тавсиялари. <https://www.gazeta.uz/uz/2023/03/16/ohchr/>
Наряду с повышением общего уровня финансовой грамотности населения, важнейшим фактором, влияющим на конкурентоспособность рынка ценных бумаг, является **повышение уровня специальных знаний специалистов рынка ценных бумаг**. Это подтвердил в своем интервью популярному изданию Gazeta.Uz известный финансист Узбекистана Одилбек Исаков, который считает, что рынок капитала сложно развивать только за счёт банков и без иностранных инвесторов. По его мнению, **на развитие рынка больше влияет финансовая грамот-**

ность не населения, а профессионально-го сообщества. В частности, он отметил такую важную деталь: “Может быть, я немного преувеличиваю, но финансовая грамотность среднего узбека и финансовая грамотность среднего, скажем, англичанина одинаковая. Они буквально ничего не знают. Что делает два рынка разными, так это финансовый профессионализм рынков. Речь о трейдерах, продавцах, риск-менеджерах. Вся экосистема в других странах была создана давно... То, что мы делаем сейчас, они уже сделали, наверное, 20 лет назад. Поэтому нам нужно создавать профессионализм на рынке” [4].

В этом плане имеется ряд проблем, требующих своего решения.

Прежде всего, это отсутствие методической помощи образовательным учреждениям со стороны регулятивных органов, проведения с ними семинаров, совещаний, обсуждений вопросов, направленных на улучшение их деятельности, разъяснение спорных тестовых вопросов, взаимного консультирования в части решения задач подготовки и переподготовки специалистов рынка ценных бумаг. В частности, регулятивный орган в настоящее время не публикует варианты ответов на тестовые вопросы для лиц, претендующих на получение квалификационных аттестатов. Это неправильно, поскольку цель тестирования заключается не в представлении государственными чиновниками своему руководству правдоподобных сводок с обязательным процентом не прошедших тестирование, а получение лицами, решившими посвятить себя рынку ценных бумаг, соответствующих знаний. С учебными центрами, которые готовят специалистов для фондового рынка, тесты не обсуждаются, хотя имеется значительное количество спорных вопросов. В этой связи следует отметить, что не опубликование вариантов ответов на тестовые аттестационные вопросы было бы в какой-то мере оправдано, если бы уполномоченный государственный орган по регулированию рынка ценных бумаг утверждал Программу учебного курса для кандидатов, претендующих на сдачу квалификационных экзаменов на предмет получения аттестата

специалиста ценных бумаг I и II категорий, как это имеет место в зарубежных странах. Как правило, к таким программам “привязываются” и разрабатываемые учебными центрами свои учебные программы по переподготовке и повышению квалификации кадров для рынка ценных бумаг. Однако такой программы, служащей ориентиром для образовательных учреждений и претендентов на аттестацию, не существует.

Для обеспечения более качественного процесса подготовки специалистов рынка ценных бумаг, получения ими точных и полных знаний в указанной области, объективности оценки лиц, претендующих на получение аттестатов специалистов рынка ценных бумаг, а также формирования ориентиров для образовательных учреждений при составлении учебных программ уполномоченному государственному органу по регулированию рынка ценных бумаг целесообразно разработать, утвердить и опубликовать типовую программу курса для лиц, претендующих на получение статуса специалиста рынка ценных бумаг, подробно отражающую все вопросы, которые должен знать такой специалист и на базе которой бы уже составлялись тестовые вопросы для соответствующего квалификационного экзамена.

Центром исследований Агентства по управлению государственными активами подготовлен Учебно-методический комплекс по базовому курсу “Рынок ценных бумаг и корпоративное управление в акционерных обществах” для лиц, претендующих на получение квалификационного аттестата специалиста рынка ценных бумаг, общей трудоёмкостью 330 академических часов, а также по курсу повышения квалификации специалистов рынка ценных бумаг “Организационные основы ЕПТК и совершенствование системы корпоративного управления в акционерных обществах”, трудоёмкостью 72 академических часа, который принят к внедрению негосударственным образовательным учреждением “Национальный центр подготовки специалистов новых рынков”, имеющим аккредитацию Государственной инспекции по надзору за качеством образо-

вания при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Среди проблем подготовки специалистов рынка ценных бумаг следует отметить также отсутствие специальной литературы в области рынка ценных бумаг. К сожалению, можно часто встретить издания, составителями которых являются несколько авторов, но содержание представлено, в основном, текстами нормативных документов, которые можно достаточно легко получить через информационно-правовые системы "Lex.uz" и "Норма". Публикуемые статьи также, в большинстве случаев, сводятся к описанию достигнутого, но не поднимают имеющихся проблем и не дают конкретные пути их решения.

Следует отметить также отсутствие современных учебников, учебных пособий по тематике рынка ценных бумаг, рекомендованных Минвузом и учитывающих специфику развития рынка ценных бумаг Республики Узбекистан. Имеются проблемы, связанные с финансированием изданий и переизданий соответствующих учебников. К сожалению, вопрос об источниках финансирования изданий – это проблема авторов учебников.

Органы государственного управления не оказывают реальной поддержки образовательным организациям в вопросах обеспечения собственными зданиями, помещениями или аренды (а это одно из необходимых условий аккредитации), хотя бы бывшей в употреблении компьютерной и другой оргтехники и т. д.

Имеет место проблема направления на стажировку преподавателей ВУЗов и учебных центров в развитые зарубежные страны.

Сегодня, чтобы стать брокером (трейдером) фондовой биржи, специалистом рынка ценных бумаг нет необходимости тратить четыре года на обучение в высшем учебном заведении (куда надо еще поступить), а достаточно получить соответствующие знания и профессию на краткосрочных курсах.

Более того, хозяйствующие субъекты, особенно малого бизнеса и частного предпринимательства, имеют возможности ждать, когда их сотрудники пройдут длительное,

четырёх или шестилетнее обучение в вузах, и получат новые, необходимые для профиля их деятельности знания и специальности. Им необходимы краткосрочные курсы, где работники вновь создаваемых предприятий, могли бы пройти ускоренную подготовку (переподготовку) и, в то же время, получить качественные знания, позволяющие им начать работать по выбранному направлению деятельности.

В этой связи возникла объективная необходимость ускоренной, и одновременно качественной подготовки и переподготовки кадров для новых рынков, а также повышения их квалификации.

Сегодня серьёзной проблемой развития отечественного фондового рынка является недостаточное количество квалифицированных кадров на нем, высокопрофессионально разбирающихся в вопросах эмиссии (включая организацию и проведение IPO/SPO, купли-продажи ценных бумаг, корпоративного управления в АО и др.). В республике принято более 200 нормативных актов, прямо посвященных рынку ценных бумаг, изучение которых требует системного подхода и профессиональной организации обучения в образовательных учреждениях. Например, одни только Правила торгов на РФБ "Тошкент", принятые в связи с переходом на ЕПТК, поставленного Корейской фондовой биржей, насчитывают около 400 страниц и являются весьма трудоемкими и сложными для самостоятельного освоения.

Контрпродуктивным действием в этом плане, на фоне имеющей место низкой финансовой грамотности населения, а также профессиональной квалификации работников профессиональных участников рынка ценных бумаг, выглядит отмена требования о представлении в уполномоченный государственный орган для допуска к экзамену для получения квалификационного аттестата специалиста рынка ценных бумаг, сертификата образовательного учреждения о прохождении полуторамесячных краткосрочных курсов (п. 3, Постановления Президента Республики Узбекистан от 1 июля 2019 г. № ПП-4381 "О мерах по дальнейшему совер-

шенствованию оценочной деятельности и упрощению механизмов реализации низкорентабельных и бездействующих предприятий с государственным участием”).

Данная норма, по сути, отменяет элементарное базовое образование для специалистов рынка ценных бумаг, не соответствует международной и зарубежной практике, а также общепринятым правилам сертификации в республике в целом, ведь получение базового профильного образования в настоящее время предусмотрено для специалистов практически всех отраслей, оказание услуг которыми связано с определенными рисками для клиентов (оценщиков, аудиторов, риэлторов, таможенных брокеров, судебных управляющих и т.д.).

Более того, без объяснения причин Агентством по развитию рынка капитала в 2019 году было признано утратившим силу Положение “О квалификационных требованиях к специалистам рынка ценных бумаг”, утвержденных Приказом Генерального директора Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг при Госкомимуществе Республики Узбекистан от 11.05.2012 № 2012-05, зарегистрированным Министерством юстиции Республики Узбекистан 15.06.2012 за № 2370. Таким образом, в настоящее время какие-либо квалификационные требования к специалистам рынка ценных бумаг отсутствуют.

В течение двух последних лет были приняты два постановления правительства о предоставлении государственных услуг по прохождению аттестации (переаттестации) физических лиц на получение права осуществления операций с ценными бумагами [6, 7], которые по содержанию почти копировали друг друга. Вместе с тем, каких-либо существенных изменений в механизме аттестации лиц, претендующих на получение квалификационного сертификата специалиста рынка ценных бумаг, в этих документах не предусмотрено, хотя настоятельная необходимость в таких изменениях давно назрела. Мы имеем ввиду необходимость представления претендентами для допуска к экзаменам регулятору документа о прохож-

дении базового учебного курса по операциям с ценными бумагами в образовательных организациях.

Все это происходит на фоне принимаемых в последнее время Президентом и правительством Узбекистана программных документов, где отмечается настоятельная необходимость повышения уровня финансовой грамотности и профессионализма специалистов рынка ценных бумаг.

В этой связи, считаем целесообразным принять меры по восстановлению фундаментального и незыблемого правила о необходимости получения базовых знаний лицами, желающими работать на рынке ценных бумаг в качестве профессионалов, на краткосрочных курсах переподготовки и повышения квалификации, действующего в отечественном законодательстве на протяжении около 30 лет. Для этого целесообразно внести изменения в действующее законодательство. В частности, в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 1 июля 2019 г. № ПП-4381 “О мерах по дальнейшему совершенствованию оценочной деятельности и упрощению механизмов реализации низкорентабельных и бездействующих предприятий с государственным участием” в п. 3, литер г) исключить слова *“и о предоставлении сертификата образовательного учреждения об окончании курса переподготовки и повышения квалификации специалистов рынка ценных бумаг для получения квалификационного аттестата рынка ценных бумаг”*.

Важнейшим нерешенным вопросом, сдерживающим процесс подготовки кадров для организаций рыночной инфраструктуры, является вопрос об аккредитации образовательных учреждений, осуществляющих переподготовку кадров и повышение их квалификации.

Государственная инспекция по надзору за качеством образования при проведении аттестации в целях аккредитации образовательной организации требует представления Государственных требований к переподготовке кадров для рынка ценных бумаг и повышения их квалификации, разработанных,

согласованных и утвержденных в установленном порядке.

Проблема состоит в том, что в настоящее время отсутствуют утвержденные государственные требования (стандарты) по направлениям подготовки специалистов в области рынка ценных бумаг и корпоративного управления, деятельность которых сегодня стала прямо координироваться и контролироваться Национальным агентством перспективных проектов. В связи с этим, при аттестации и аккредитации у соответствующих образовательных организаций могут возникнуть проблемы.

Центр исследований Агентства по управлению государственными активами, в целях ускорения процесса начала аттестации и аккредитации образовательных учреждений республики, разработал проект Государственного стандарта Узбекистана "Государственные требования к переподготовке кадров и повышению их квалификации в области рынка ценных бумаг и корпоративного управления". Проект еще предстоит согласовать с заинтересованными организациями и направить для последующей регистрации в Узбекское агентство по техническому регулированию при Министерстве инвестиций и внешней торговли Республики Узбекистан (бывший Узстандарт).

Государственные требования к переподготовке и повышению квалификации кадров в области рынка ценных бумаг и корпоративного управления разработаны в соответствии с Законом Республики Узбекистан "Об образовании", Положением о порядке повышения квалификации, переподготовке специалистов рынка ценных бумаг, утвержденного Приказом Генерального директора Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг, зарегистрированного Министерством юстиции Республики Узбекистан 5 декабря 2007 г. за №1745, устанавливающих обязательные требования к системе переподготовки и повышения квалификации кадров в области рынка ценных бумаг и корпоративного управления. Они направлены на обеспечение непрерывного процесса переподготовки и повышения

квалификации кадров в области рынка ценных бумаг и корпоративного управления в образовательных учреждениях республики с учетом специфики работы на указанном рынке.

Государственные требования являются основой для разработки, утверждения и согласования учебных планов и программ, экзаменационных вопросов, других документов, регламентирующих учебный процесс, порядок контроля и оценки качества образования, лицензирования и аккредитации деятельности образовательных учреждений по переподготовке и повышению квалификации кадров в области рынка ценных бумаг и корпоративного управления.

Выполнение государственных требований должно быть обязательным для образовательных учреждений, осуществляющих переподготовку и повышение квалификации кадров в области рынка ценных бумаг и корпоративного управления, расположенных на территории Республики Узбекистан, независимо от их ведомственной подчиненности и форм собственности.

В целях совершенствования работы по подготовке и переподготовке специалистов рынка ценных бумаг целесообразно:

1. Разработать программу методической помощи учебным заведениям, осуществляющим переподготовку и повышение квалификации специалистов рынка ценных бумаг, включающую выпуск регулятивным органом специальных брошюр, проведение семинаров по методике обучения, разбору тестовых вопросов. Разработка программ методической помощи учебным заведениям будет способствовать повышению качества обучения, прохождения переподготовки и повышения квалификации, а выпуск регулятивным органом специальных брошюр и проведение специальных семинаров по методике обучения позволит сконцентрировать внимание образовательных учреждений на проблемах и недостатках в организации учебного процесса. Направление преподавателей ВУЗов и учебных центров на стажировку по направлению "Финансовые рынки" в зарубежные страны с развитым

рынком ценных бумаг позволит внедрить в процесс обучения темы, связанные с переловым опытом организации современных финансовых рынков за рубежом.

2. Обеспечить на постоянной основе активное участие сотрудников регулятивного органа в проведении лекционных и практических занятий в образовательных учреждениях. Участие сотрудников регулятивного органа в проведении лекционных и практических занятий в образовательных учреждениях на постоянной основе приведет к получению слушателями более глубоких практических знаний, а также постепенно овладению специалистами регулятивного органа ораторского искусства, лекторского мастерства, умения общаться с аудиторией.

3. Организовать методическую помощь образовательным учреждениям со стороны регулятивного органа, проведение с ними семинаров, совещаний, направленных на улучшение их деятельности, разъяснение спорных тестовых вопросов, взаимное консультирование в части решения задач подготовки и переподготовки специалистов рынка ценных бумаг. Следовало бы содержание тестовых вопросов сделать понятным и соответствующим отечественной законодательной базе, регулирующей рынок ценных бумаг, то есть обеспечить их коренную переработку. Методическая помощь образовательным учреждениям со стороны регулятивного органа, проведение с ними семинаров, совещаний по разнообразной тематике обучения приведет к существенному улучшению их деятельности, использованию в учебном процессе последних изменений в законодательстве, особенностей его применения, что, в конечном итоге, уменьшит правонарушения на рынке ценных бумаг.

4. Обеспечить публикацию перечня тестовых вопросов для лиц, претендующих на

получение квалификационных аттестатов I и II категорий, и учебных центров *с вариантами ответов*, а также организацию обсуждений с учебными центрами спорных вопросов тестов. Это позволит, прежде всего, определить качество самих тестов, повысить объективность оценки знаний будущих специалистов, а разбор тестов с преподавателями учебных центров позволит существенно повысить качество обучения и повысить уровень знаний будущих специалистов рынка ценных бумаг на этапе обучения.

5. Разработать специальную программу по подготовке собрания законодательства в области рынка ценных бумаг, а также изданию учебников, учебных пособий и популярной литературы в этой сфере, обеспечить решение вопросов их финансирования. Это на порядок повысит качество обучения, эффективность получения знаний студентами и слушателями образовательных учреждений о нормативно-правовой базе рынка ценных бумаг, что в последующем сократит нарушения законодательства о рынке ценных бумаг, в том числе профессиональными участниками рынка.

6. Обеспечение поддержки со стороны органов государственной власти и управления в вопросах обеспечения учебных заведений собственными зданиями, помещениями и т.д. либо существенного снижения арендной платы приведет к существенному укреплению материальной базы учебных центров, что, безусловно, повысит качество обучения.

Реализация вышеизложенных предложений будет способствовать повышению финансовой грамотности населения, уровня специальных знаний специалистов рынка ценных бумаг, и, тем самым, повышению уровня конкурентоспособности рынка ценных бумаг и экономики республики в целом.

Источники и литература:

1. С.И. Сергейчик, М.С. Сергейчик, А. А. Максимова. Мировой опыт реализации проектов в области финансового образования и повышения финансовой грамотности населения // Вестник ТГПУ (TSPU Bulletin). 2015. 5 (158). – С. 35.
2. Навруз Мелибаев. Дело “узбекского Мавроди”: расцвет и крушение финансовой пирамиды Ахмадбая Чиназского // Информационное агентство “Фергана”. – 7 сентября 2017 г.
3. Financial education in Uzbekistan-Финансовая грамотность в Узбекистане // Электронный ресурс: <https://www.oecd.org/financial/education/globalpartnerships/cis/financial-education-in-uzbekistan-ru.htm>
4. “Нужно создавать профессионализм на рынке”. Одилбек Исаков – о развитии рынка капитала в Узбекистане, 27 мая 2023 // Gazeta.Uz. Электронный ресурс <https://www.gazeta.uz/ru/2023/05/27/capital-market/>
5. Бутиков И.Л. Роль негосударственных образовательных организаций в подготовке кадров для экономики страны. // Ўзбекистонда хусусий мулкчилик ва оила тадбиркорлигини ривожлантириш истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2020 йил 12 октябрь). – Т.: ТДИУ. – 2020. – С. 180-186.
6. Постановление Кабинета Министров от 7 июня 2022 г. № 304 “Об утверждении административного регламента оказания государственных услуг по прохождению аттестации (переаттестации) физическими лицами для предоставления права на осуществление операций с ценными бумагами”.
7. Постановление Кабинета Министров от 30 ноября 2023 г. № 635 “О систематизации нормативных правовых актов, регулирующих оказание государственных услуг по выдаче квалификационных сертификатов”.

ХУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ВА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ



Умида ИМАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси докторанти

Аннотация: ушбу мақолада ҳудудларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасида уларнинг молиявий базасини мустаҳкамлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини кенгайтириш бўйича ҳудудларнинг захира ва имкониятларини ишга тушириш, бу соҳадаги ишлар устувор вазифалардан бири, шунингдек, субвенцияли туманлар ва шаҳарларда саноат ва хизматларнинг жадал ривожланиши ёритиб берилган.

Калит сўзлар: молиявий ресурслар, бюджет даромадлари, маҳаллий бюджет харажатлари, маҳаллий бюджетлар, солиқлар, давлат мулки, хусусий мулк, ҳокимият органлари, солиқсиз даромадлар.

Направления совершенствования управления местными бюджетами и финансовыми ресурсами в социально-экономическом развитии регионов

Иманова Умида,

докторант Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: в данной статье в целях укрепления финансовой базы регионов, расширения доходной части бюджетов, обеспечения финансовой устойчивости регионов работа в этом

направлении является одной из приоритетных задач, а также освещено опережающее развитие промышленности и сферы услуг в дотационных районах и городах.

Ключевые слова: финансовые ресурсы, доходы бюджета, расходы местного бюджета, местные бюджеты, налоги, государственная собственность, частная собственность, органы власти, необлагаемые налогом доходы.

Directions for improving the management of local budgets and financial resources in the socio-economic development of the regions

Umida Imanova,

Doctoral student of the Academy Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: in this article, strengthening the financial base of the regions, expanding the revenue part of the local budgets in order to ensure the financial stability of the regions, the work in this area is one of the priority tasks, as well as the rapid development of industry and services in subsidized districts and cities.

Keywords: financial resources, budget revenues, local budget expenditures, local budgets, taxes, state property, private property, authorities, non-taxable income.

Бугунги кунда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш, самарали солиқ-бюджет сиёсатидан фойдаланган ҳолда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, макроиқтисодий барқарорлик ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган ислохотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодий моҳиятига кўра маҳаллий бюджетлар – бу ҳудудларда халқ хўжалигини, ижтимоий-маданий тадбирларни, давлат бошқарувини молиялаштиришга қаратилган бюджет жамғармасини ташкил этиш ва ишлатиш муносабати билан миллий даромадни қайта тақсимлаш бўйича давлатнинг ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан вужудга келадиган пул муносабатларидир. Маҳаллий бюджет сабабли ҳудудларда молиявий ресурсларни иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг ҳал қилувчи соҳаларига жалб қилиш имконига эга бўлинади.

Ҳудудларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда ҳудудларнинг молиявий базасини мустаҳкамлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини кенгайтириш бўйича ҳудудларнинг захира ва имкониятларини ишга тушириш, бу соҳадаги ишлар устувор вазифаларидан бири, субвенцияли туманлар ва шаҳарларда саноат ҳамда хизматларнинг жадал ривожланиши ҳисобига бундай ҳудудларни қисқартириш ҳисобланади.

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши узлуксиз жараён сифатида қаралиши мумкин маҳаллий барқарорлик учун стратегия ва режаларни белгилаш ҳамда амалга оширишни талаб қилинади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қисқартириш, иқтисодиётда давлат бошқарувини марказлаштиришни чеклаш ҳамда бу соҳадаги вазифаларнинг бир қисмини республикадан вилоят, туман даражасига ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, бунинг натижасида кўпгина ваколатлар маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига навбатма-навбат ўтказиб берилмоқда. Ўтган даврда бу соҳада бир қатор ишлар амалга оширилди, бироқ соҳада

келгусида ҳал этилиши зарур бўлган кўплаб муаммолар мавжуд. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқишимиз, уларнинг мустақиллигини янада оширишимиз лозим” деган фикрлари сўзимиз тасдиғидир [1].

Молиявий ресурслар – иқтисодий субъект ихтиёрида, унинг тасарруфида бўлган жами пул маблағлари, молиявий активлари мажмуидир. Молиявий ресурсларни давлат, фирма ва корхоналар, хонадон ва жамоат ташкилотлари ташкил этади. Молиявий ресурслар – молия ва молия тизимининг моддий асоси, молия сиёсатини ўтказишнинг асосий воситаси. Улар ялпи ички маҳсулот ва миллий даромадни тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлаш жараёнида яратилади. Молиявий ресурслар манбаи, биринчи навбатда, мамлакат иқтисодиётининг фаолияти, асосан, маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган пул даромадларидир. Молиявий ресурслар, одатда, давлат бюджетларида, шунингдек, бюджетдан ташқари фондларда, давлат мулкидан келадиган даромадларда, қарзларда тўпланади. Ҳозирги давлатлар молиявий ресурсларни яратишнинг асосий усули тарзида солиқлардан ташкил топадиган солиқ тизимини қўллайдилар [2].

Молиялаштириш қуйидаги принцип-ларга мувофиқ амалга оширилади:

- бюджетни тузишда режалаштириш воситалари тақдим этилади (молиявий режа);
- мақсадли йўналиш – маблағлардан фақат режада кўзда тутилган объектлар ва мақсадлар учун рухсат этилади;
- қайтарилмаслик – маблағ олувчи уларни қайтариш мажбуриятига эга эмас;
- маблағларни сарфланишига қараб тақсимлаш;
- жамғарма-маблағлардан оқилона фойдаланиш.

Умуман олганда, замонавий иқтисодиёт учун тариф шартлар жуда мақбул ҳисобланади. Қўшимча қилиш керакки, айнан шу молиялаштириш тамойиллари жорий бюджетлаштириш жараёнига тўлиқ киритилган. Шубҳасиз, “молиялаштириш” тушунчасининг

таклиф қилинган таърифи хусусида баҳслашиш мумкин. Бу етарлича қаттиқ кўринмаслиги ҳам мумкин. Шу билан бирга, биз бу таърифнинг тўлиқ табиатини кўрсатмаймиз. Молиялаштириш масаласини қўшимча ўрганиш учун юқоридаги хусусиятлар етарли. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, молиялаштиришни “сотиш ва сотиб олиш” муносабатлари билан чалкаштириб юбормаслик керак, бу ерда молиявий ресурслар ва уларнинг маҳсулот ёки хизмат кўринишидаги моддий ёки номоддий эквивалентига қарши ҳаракат мавжуд.


Ҳисобланган молиялаштириш – сметага мувофиқ, муассасаларнинг харажатларини қоплаш учун давлат (шаҳар) бюджетидан маблағ ажратишдир. Ҳисобланган молиялаштириш бюджет муассасалари фаолиятининг профили ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда молиялаштирувчи орган томонидан белгиланган харажатлар ва харажатлар ставкаларининг мақсадига қатъий мувофиқ амалга оширилади (аниқроғи, амалга оширилиши керак). Харажатлар бюджет таснифи бўйича гуруҳланган бўлиб, ҳар бир смета учун мақсадли ажратишни белгилайди. Пул маблағларига бўлган эҳтиёж ҳар бир харажат тури учун тегишли ҳисоб-китоб билан асосланади. Сметага киритилмаган ёки тахмин қилинган маблағдан ошиб кетадиган харажатларга, шунингдек, бошқа манбалар ҳисобидан харажатларни кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг мақсад ҳамда вазифалари босқичма-босқич ҳаракатлар билан бюджетлараро тизимини такомиллаштиришни акс эттирувчи алгоритмга асосланиши керак. Алгоритм концепцияси манфаатдор томонларнинг ўзаро муносабатларини яхшилаш бўйича ҳудудларни ривожлантиришда бюджетлараро муносабатлар кўрсатмаларини акс эттиришда намоён бўлади. Бюджетлараро муносабатларни тартибга солишнинг таклиф этилаётган алгоритми жараёнларни фаоллаштириш имконини бериб, маҳаллий бюджет сиёсатини амалга оширишда ҳудудий ҳокимият органларининг масъулиятини ошириш ва рағбатлантиришни яратади.

Самарали бошқарувнинг муҳим таркибий қисми ривожлантиришга қаратилган зарур чора-тадбирлар ҳудудлар самарали бюджет сиёсати бўлиб, барча таркибий қисмларни молиявий ресурслар билан таъминлай олади. Демак, шуни тушуниш мумкинки, маҳаллий ҳокимият органларини солиқ йиғимларини кўпайтиришда фаоллаштириш ва қизиқтириш мақсадида ҳамда тегишли равишда, субсидиялар ва бошқа шаклларни қисқартириш юқори турувчи бюджетдан молиявий ёрдам кўрсатиш режалаштирилган кўрсаткичлардан ортиқча йиғилган солиқларни тақсимлашнинг аниқ ва тушунарли механизмини талаб қилади.

Бу режалаштирилган кўрсаткичлардан ортиқча йиғилган маҳаллий бюджетларга қоладиган солиқлар улушини аниқлаш ва қонун ҳужжатлари билан тасдиқлашни назарда тутати. Ҳозирги вақтда ушбу солиқларни тақсимлаш ҳудудий ёки маҳаллий бюджетларнинг жорий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қисман тушунарсиз тарзда амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда бюджетлараро муносабатларни яхшилаш учун бир нечта чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилмоқда, уларнинг ҳар бири молиявий бошқарувдаги турли даражадаги бюджетлар ўртасида ёндашувни акс эттиради.

Жаҳон амалиётида солиқ потенциалини ҳисоблаш бир нечта усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади: ялпи қийматни баҳолаш орқали маҳаллий маҳсулот, солиқ тизимининг мақбуллигини баҳолаш усули, тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули ва бошқалар. Бу усулларнинг ҳар биридан фойдаланиш иқтисодий амалиётда муайян қийинчиликларни юзага келтиради. Шундай экан, мамлакатимиз контекстида ҳудуднинг солиқ салоҳиятини ҳақиқий солиқ солинадиган база асосида баҳолаш энг ишончли натижаларни беради. Бюджет муносабатлари моддий ресурсларни ижтимоий-иқтисодий ҳаётда зарур йўналишларга кўчиришга хизмат қилади. Бюджет муносабатлари реал ҳаётда қонуний расмийлаштирилган муносабатлар сифатида юзага келади ҳамда ҳуқуқий шакл билан биргаликда иқтисодий ҳаракатнинг зарурий воситасига айланади. Мамлакатнинг ижти-




1- расм. Худудларда бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш алгоритми*

мий-иқтисодий ривожланишида бюджет ресурсларини солиқлар ва йиғимлар орқали шакллантиришда, маҳаллий ҳокимият органларининг оқилона чегараларда, яъни фискал мустақиллиги объектив зарурат сифатида намоён бўлади. Солиқ солинадиган базани белгилаш ва солиқ ставкасини белгилашдаги тафовутлар солиқнинг нораціонал қўлланилишини қайд этади. Имтиёзлар айрим ҳолларда иқтисодий ресурсларнинг худудларда жойлашишига салбий таъсир кўрсатиши ва уларнинг қайта тақсимланишига олиб келиши мумкин.

Сўнги бир неча ўн йил мобайнида фискал сиёсат ва иқтисодий ўсиш даражаси ўртасидаги боғлиқлик бўйича тадқиқотчилар Эрроу ва Куртс томонидан, давлат харажатларининг боғлиқлиги доирасида кўплаб муқобил моделлар Барро томонидан олиб борилган тадқиқотларда ўз аксини топган.

Амалга оширилган тадқиқотларимизда панель бирликлари сифатида мамлакатимиздаги 14 та маҳаллий бюджетлар харажатлари, даромадлари, ЯҲМ, бюджет трансфертлари таъсирининг худудлар кесимидаги маълумотлар базаси 2017-2022 йилларда акс

* Тадқиқотчи ишланмаси.



2-расм. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий бюджетларнинг молиявий ресурсларга таъсир этувчи йўналишлари*

Маҳаллий бюджетлар харажатларининг чегаравий миқдорини аниқлашга таъсир этувчи омилларнинг йиғма, тасодифий ва ўзгармас эффектлар эконометрик моделлари натижалари*

	Йиғма модель	Ўзгармас эффектлар моделли	Тасодифий эффектлар моделли
	log_Exp	log_Exp	log_Exp
log_Rev	0.557*** (6.54)	0.328*** (4.31)	0.387*** (4.94)
log_Bud_tr	0.0161*** (5.19)	0.00154 (0.52)	0.00697* (2.40)
log_GDP _r	0.270** (2.74)	0.642*** (7.09)	0.533*** (5.70)
_cons	0.606 (1.02)	-1.377* (-2.41)	-0.747 (-1.28)
<i>N</i>	63	63	63
<i>R</i> ²	0.814	0.877	0.765

*Қавслар ичидаги кўрсаткичлар стандарт хатолик П-қийматдаги,
* $n < 0.05$, ** $n < 0.01$, *** $n < 0.001$*


* Тадқиқотчи ишланмаси.

* Тадқиқотчи ишланмаси.

этирилган кўп омилли регрессион ва корреляцион эконометрик моделини тузишда натижавий омил сифатида танланган, маҳаллий бюджетлар харажатларига (Эхп) таъсир қилувчи омиллар, маҳаллий бюджет даромадлари (Рев), бюджет трансфертлари (Буд_тр) ва ЯҲМ (ГДПр) белгиланиб, гипотезалар бўйича ушбу омиллар бюджет харажатлари чегаравий миқдорига боғлиқ ва юқори таъсирга эга деб, модель тузилган.

Ҳисобланган йиғма, ўзгармас тасодифий эффектлар моделларининг кўрсаткичларига назар ташласак, фарқ жуда катта эмаслигини кузатиш мумкин. Мазкур моделлардан қайси бири яхшироқ эканлигини аниқлаш учун хорижлик иқтисодчи олим Ж.Хаусман тестидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоблар амалга оширилган. Ушбу тест натижасида маҳаллий бюджетлар харажатларининг чегаравий миқдорига таъсир этувчи омилларнинг ўзгармас эффектлар ўсиб боришига таъсир қилувчи коэффицентлар таъсири юқори эканлигидан далолат беради.

ражатлар миқдори даромадлардан деярли икки баробар ортиқлиги ва кейинги икки йилда бу фарқ 2,2 ва 2,25 баробарга ортиши мумкинлигини англатади. Хулоса сифатида, Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги номувофиқликни ўрта муддатли истиқболда аниқ прогноз қилиш ва уни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш заруриятини англатади. Яъни танланган ўзгармас эффектлар модели асосидаги регрессиядаги 5 фоизли аҳамият даражасидаги статистик аҳамиятлилар бўйича хулоса қилинса, маҳаллий бюджетлар даромадларини бир фоизга ошириш маҳаллий бюджет харажатлари чегаравий миқдорининг 0,32 фоизга ошишига олиб келса, ЯҲМни 1 фоизга ошириш эса, ушбу кўрсаткичнинг 0,64 фоизга ошишига олиб келади, деган хулосани шакллантириш имконини беришни англатади. Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги номувофиқликни камайтиришда,



3-расм. Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетининг 2023 йил ва келгуси икки йил учун талаб этиладиган дастлабки миқдорлари прогноз кўрсаткичлари (млн сўмда)*

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар ва харажатларнинг чегаравий миқдорини ўзгармас эффектлар модели асосида 2023-2025 йилларга прогноз кўрсаткичлари амалга оширилди. Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетининг ўрта муддатли прогнозида ха-

табийки, ЯҲМ ва даромадлар миқдорининг ортиши харажат миқдорининг ортишига олиб келса-да, ҳисоб-китобларга кўра, уларнинг ҳар 10 фоизга ортиши, мос равишда, харажат ўртасидаги камомадни 6,8 фоизга ва 2,6 фоизга камайтиришга хизмат қилади.

* Маълумотлар асосида тадқиқотчи томонидан тузилган.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги “2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида”ги Парламентга Мурожаатномаси.
2. О’зМЕ. Биринчи жилд. – Т., 2000.
3. Balaguer-Coll, M. T., Prior, D., & Tortosa-Ausina, E. (2016). On the Determinants of Local Government Debt: Does One Size Fit All? *International Public Management Journal*, 19, 513-542.
4. Kriz, K. A., & Wang, Q. (2013). Measuring and Monitoring Debt Capacity and Affordability. In: Levine, H., Justice, J. B. & Scorsone, E. A. (Eds.) *Handbook of Local Government Fiscal Health*. Jones & Bartlett Learning, Burlington, MA, 453-474.
5. Arrow K. and Kurz M. *Public Investment, the Rate of Return, and Optimal Fiscal Policy*. Baltimore: The Johns Hopkins University Press, 1970.
6. Barro, R. Government spending and a simple model of endogenous growth, *Journal of Political Economy*, 1990, 98(5): 103-25, Barro R. Economic growth in a cross-section of countries, *Quarterly Journal of Economics*, 1991.
7. Pongsiri, N. (2002). “Regulation and Public Private Partnership”, *The International Journal of Public Sector Management*, Vol. 15, (6), 487-495.
8. Buriachenko, A. & Filimoshkina I. (2018) Fiscal decentralization and financial capacity of the local government in Ukraine. *Finance of Ukraine*, 5, 56-68. URL: http://nbuv.gov.ua/UJRN/Fu_2018_5_6
9. P. Halmai, V. Vasary, Quality of public finances and economic growth, *Acta Universitatis Lodzianis, Folia Oeconomica* 241 (2010) 249-265.
10. I. Bostan, Leveraging sustainability as budgetary resources through financial law instruments, *Analele Universității Constantin Brâncuși din Târgu Jiu: Seria Economie* 1(1) (2016) – P. 33-42.
11. A.G. Gadzhieva, Evaluation of the effectiveness of the budgetary policy of the region, *Regional problems transformation economic* 4 (102) (2019) 19-25.
12. Skowronek, G. (2019). “Penal fiscal liability for violating the conditions of temporary admission procedure”, *Przegląd Policyjny*.
13. Blakely, E., & Brandshaw, T. (2002). *Planning Local Economic Development – Theory and Practice*, SAGE Publications, Thousand Oaks – P. 25-36.

ТАШКИЛОТЛАРДА ИЖТИМОЙ БОШҚАРУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ



Нодирбек МУСУРМАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси “Бошқарув
социологияси ва психологияси”
кафедраси таянч докторанти

Аннотация: мақолада бугунги кунда жадал ривожланаётган глобаллашув жараёнида ижтимоий фанларда ижтимоий бошқарув жараёнларига ўзига хос ёндашувлар, ташкилотнинг ижтимоий ривожланишини бошқариш, ижтимоий жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари, ижтимоий жараёнлар таснифи, ижтимоий бошқарув усуллари, Хоторн тажрибалари, корхонанинг ижтимоий жавобгарлиги, ижтимоий сиёсат ва стратегия, ижтимоий кафолатлар ва уларнинг мазмун-моҳияти таҳлилий хулосалар асосида кенг ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: ижтимоий бошқарув, ижтимоий бошқарув предмети ва объекти, ташкилотнинг ижтимоий ривожланишини бошқариш, ижтимоий жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари, ижтимоий жараёнлар таснифи, ижтимоий бошқарув усуллари, Хоторн тажрибалари, корхонанинг ижтимоий жавобгарлиги, ижтимоий сиёсат ва стратегия, ижтимоий кафолатлар.

Аннотация: в статье в современных быстро развивающихся процессах глобализации широко изучаются на основе аналитических выводов конкретные подходы к процессам социального управления в социальных науках, управление социальным развитием организации, социальные процессы, их характеристики и классификация, методы социального управления, опыт Хоторна, социальная ответственность предприятия, социальная политика и стратегия, социальные гарантии и их содержание.

Ключевые слова: социальный менеджмент, субъект и объект социального управления, управление социальным развитием организации, социальные процессы и их характеристики, классификация социальных процессов, методы социального управления, опыт Хоторна, социальная ответственность предприятия, социальная политика и стратегия, социальные гарантии.

Свойства и методы социального управления в организациях

Нодирбек Мусурманов,
базовый докторант кафедры
“Социология и психология управления”
Академии государственного управления при
Президенте Республики Узбекистан

Properties and methods of social management in organizations

Nodirbek Musurmanov,
base doctoral student of the Department of
Sociology and Psychology of Management of
the Academy of Public Administration under the
President of the Republic of Uzbekistan

Abstract: *in the article, in modern rapidly developing processes of globalization, specific approaches to social management processes in the social sciences, management of the social development of an organization, social processes and their characteristics, classification of social processes, methods of social management, Hawthorne's experience, social responsibility. enterprises, social policy and strategy, social guarantees and their content are widely studied on the basis of analytical findings.*

Keywords: *social management, subject and object of social management, management of social development of an organization, social processes and their characteristics, classification of social processes, methods of social management, Hawthorne's experience, social responsibility of an enterprise, social policy and strategy, social guarantees.*

Мамлакат иқтисодиётини бошқариш тизимининг элементларидан бири иқтисодий ривожланиш самарадорлигини таъминлаш жараёнида ижтимоий бошқарув ролини ошириш ҳам тақозо этилади, чунки корхона ёки ташкилот юқори иқтисодий натижаларга эришишга қаратилган фаолият билан бир қаторда, маълум бир ижтимоий натижаларга ҳам эришиши керак.

Ижтимоий бошқарув менежментнинг бир соҳасидир, инсон хулқ-атвори мотивларини, ижтимоий муносабатлар ва уларнинг қонуниятларини акс эттирувчи жараёнлар, унга ходимларни бошқаришнинг турли даражаларида ва ташкилот фаолияти билан боғлиқ бошқа соҳаларда қабул қилинган иқтисодий ва бошқа қарорларнинг ижтимоий оқибатларини таҳлил қилиш предмети сифатида қаралади.

Ижтимоий бошқарувнинг мустақил бўлими ижтимоий соҳадаги ташкилотларни бошқаришдир (таълим, маданият ва бошқалар).

Ижтимоий бошқарувнинг назарий асоси социология, психология, фалсафа, ижтимоий статистика, демография, менежмент асослари каби фанлар билан ўзаро узвий боғлиқдир. Ижтимоий бошқарув муаммоларини ҳал қилиш учун ижтимоий статистикани билиш, замонавий математик ва статистик усулларни ҳамда миллий иқтисодиётни моделлаштириш ва прогнозлашнинг математик усулларини эгаллаш талаб этилади.

Ижтимоий бошқарув ташкилотнинг ижтимоий ривожланишини бошқариш билан бевосита ўзаро чамбарчас боғлиқдир, яъни ўз объектига, ўзига хос усулларига, бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш шаклларига эга бўлган бошқарув-

нинг ўзига хос тури, яъни ижтимоий жараёнларнинг қонуниятларини билиш асосида ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга имкон берувчи усуллар, услублар, тартиблар мажмуини тушуниш мумкин. Ташкилот ёки корхона ижтимоий ривожланишини бошқариш ташкилот ходимлари учун муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга қаратилган. Ижтимоий бошқарув бўйича тавсиялар ходимлар ўртасида ижобий хулқ-атвор натижаларини ривожлантиришга қаратилган. Ижтимоий бошқарув ташкилотнинг нормал ишлаши ва имкониятларидан оқилона фойдаланиш ва унинг асосий мақсадларига эришишга қаратилган бўлиши керак.

Бугунги кунда барча мамлакатларда ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар, одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, турли шахслар ва жамоалар ўртасидаги муносабатлар таҳлили бўйича тадқиқотлар олиб борилиб, ижтимоий режалаштириш ва ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш концепциялари ишлаб чиқилди. Ижтимоий можаролар ижтимоий алоқаларнинг бузилишига олиб келади ва жамиятни душман гуруҳларга ажратиши мумкин. Низоларнинг сабаблари ходимлар ва ташкилотлардаги турли бўлимларнинг ёки ходимлар ва иш берувчиларнинг мақсад ва манфаатларидаги объектив фарқлар бўлиши мумкин.

Ижтимоий жараёнларни ўрганмасдан, уларни бошқариш тизимини яратмасдан туриб, жамият ёки муайян ташкилотнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш йўлларини таъминлаб бўлмайди. Бу бошқарувнинг ҳар қандай даражасида (давлат, минтақавий, микродаража) иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш муаммоларини муваффақиятли

ҳал этишни таъминлайдиган ижтимоий жараёнларни бошқаришнинг аниқ стратегиясидир. Бошқарувнинг турли даражаларида бошқарув қарорларини қабул қилишда ижтимоий сиёсатда қўлланиладиган қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобга олинади:

турмуш даражаси кўрсаткичлари (даромадлар дифференциациясининг ўнлик коэффициенти, аҳоли даромадлари концентрацияси индекси (Жини индекси), қашшоқлик ва бойлик чегараси, аҳолининг ижтимоий табақаланиш коэффициенти, эҳтиёжларни қондириш даражаси, даромадлар ва харажатлар таркиби);

- энг кам давлат стандартлари (яшаш минимуми, энг кам иш ҳақи);

- ижтимоий-демографик кўрсаткичлар (ўртача умр кўриш давомийлиги, касалланиш динамикаси, туғилиш даражаси, ўлим);

- аҳолининг иқтисодий фаоллиги кўрсаткичлари (нисбати иқтисодиётнинг турли тармоқларида банд бўлганлар, бандлик ва ишсизлик даражаси, ўз-ўзини иш билан таъминлаш, аҳоли миграцияси ва унинг сабаблари, зиёлилар миграцияси);

- ижтимоий кескинлик кўрсаткичлари (сиёсий воқеалар, иш ташлашлар, ишсизлик чегараси, олдинги динамика жиноят, коррупция ва бошқалар);

- ижтимоий соҳани ривожлантириш кўрсаткичлари (минтақада бюджет билан таъминланиш даражаси, давлат ва тижорат тузилмаларининг улуши, ижтимоий жамғармалар, пуллик, имтиёзли ва бепул хизматлар нисбати).

Менежмент тамойилларида асосий эътибор бошқарувнинг инсоний ёки ижтимоий жиҳатига қаратилади: менежмент одамларга қаратилган, одамларни биргаликда ҳаракат қилишга ундайди, саъй-ҳаракатлар янада самарали бўлишини таъминлайди, бошқарув маданиятдан ажралмас, ҳалоллик ва одамлар ишончига асосланган бўлиши лозимдир, одамлар ўртасидаги алоқаларни шакллантиради ва ҳар бир ходимнинг умумий натижага индивидуал ҳиссасини белгилайди, бу эса бизнесдаги ахлоқ бошқарувнинг олтин қонидаси деб эълон қилинган [1]. Менежерлар стратегик ва корпоратив режа-

лаштиришда ижтимоий омилларни ҳисобга олишлари керак. Турли даражадаги бошқарув қарорларини қабул қилиш учун жамият ва иқтисодиётда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларни тавсифловчи кенг қўламли маълумотларга эга бўлиш керак.

Ижтимоий жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари

Ижтимоий менежмент – бу менежмент соҳаси бўлиб, унинг предмети инсон хатти-ҳаракати мотивларини, ижтимоий муносабатларни ва уларнинг қонуниятларини акс эттирувчи жараёнлар, ташкилот фаолияти, ходимларни бошқаришнинг турли даражаларида қабул қилинган иқтисодий ва бошқа қарорларнинг ижтимоий оқибатларини таҳлил қилиш ва бошқа соҳалардир.

Ижтимоий бошқарувнинг объекти жамиятда инсонларнинг ўзаро ижтимоий муносабатлари, хатти-ҳаракатлари ва фаолиятларидир. Ижтимоий бошқарувнинг предмети – бу муносабатлардир, жамият, ижтимоий жараёнлар ва уларнинг қонуниятлари ҳисобланади. Ижтимоий бошқарув тузилмалари ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ва ижтимоий адолат муаммоларини ҳал қилиш учун мўлжалланган. Ижтимоий бошқарув тузилмаларининг ишлаш механизми аниқ мақсадни белгилаш ва унга эришишнинг оқилона стратегиясини ишлаб чиқишга асосланади.

Ижтимоий жараёнлар турли хил фаолият турлари, жамият ҳаётидаги турли хил ижтимоий позициялар ва ролларнинг ташувчиси сифатида шахслар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ. Ижтимоий жараён деганда, бутун ижтимоий ташкилот ёки унинг алоҳида таркибий элементлари ҳолатларининг кетма-кет ўзгариши тушунилади.

Ижтимоий функцияларнинг фарқлиниши иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа институтларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Ушбу тузилмалар фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ функцияларни профессионал билимга эга одамлар бажарадилар.

Ижтимоий жараёнларнинг моҳиятини ажратиб кўрсатиш орқали [2]:

асосий (жамоа аъзоларининг қиймат

Шавкат Мирзиёев, авваламбор, кейинги йилларда жаҳонда янгитдан шалланаётган халқаро тартиботларда зиддиятли хусусиятларининг вужудга келишига давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончнинг инқирозга учраганлиги сабаб деб изоҳлайди. Ўз навбатида, бир тарихий давр тугаб, башорат қилиш мушкул бўлган янги даврнинг бошланаётганлигини таъкидлайди. Президент бундай мураккаб шароитда ҳеч бир мамлакат ўз қобиғига ўралиб қолиб, ушбу глобал хавф-хатарларни четлаб ўтиш ёки бартараф этишга қодир эмаслигини кўрсатади. Ўз навбатида, ўзаро чамбарчас боғланган дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишнинг яқкаю ягона йўли – конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама самарали халқаро ҳамкорлик зарурлиги ҳақида очиқ конструктив мулоқатга чорлайди.

Президентнинг фикрича, ШХТ – маданий-цивилизацион қарашлари турлича, ўз ташқи сиёсий йўналишлари ва миллий тараққиёт моделларига эга мамлакатларни бирлаштира олган ўзига хос давлатлараро тузилмадир. Тарихан қисқа даврда ташкилот катта йўлни босиб ўтиб, глобал сиёсий ва иқтисодий тизимнинг ажралмас қисмига айланган. Президентнинг таъкидлашича,

турли блоклардан холи мақомга эга бўлиш, фаолиятидаги очиклик, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани, барча иштирокчи томонларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, сиёсий қарама-қаршилиқ ва ихтилофли рақибликка йўл қўймаслик тузилманинг халқаро ташкилот сифатидаги жозибадорлигига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ташкилотнинг муваффақият гарови – минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали кўп томонли ҳамкорликни илгари суришидадир. Ташкилот тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт йўлида бирлашишга, айирмачилик унсуридан холи бўлган жозибадор маконга айланиш лозимлигини таъкидлайди.

Президентнинг таъкидлашича, янги синовлар ва имкониятлар вужудга келаётган бугунги дунёда ШХТнинг трансформацияси ва юксалиши учун аъзолар сонининг кўпайиши билан бир қаторда, транспорт ва ўзаро боғлиқлик, энергетика, озиқ-овқат ва экология хавфсизлиги, инновациялар, рақамли трансформация ва “яшил” иқтисодиёт каби муҳим янги стратегик йўналишларни илгари суриш орқали кенг истиқболлар мавжуд. “Ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШХТ кучли бўлади” – ташкилотнинг ушбу асосий шиорини амалга ошириш учун Ўзбекистоннинг ташкилотга 2021-2022 йилларда раислиги давомида ўтказилган йирик тадбирлар доирасида ШХТ учун кенг қамровли кун тартиби шакллантирилди. Бунда хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, транспорт ва иқтисодий ўзаро боғлиқликни кучайтириш, Ташкилотнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш, ривожланишнинг янги йўллари ва нуқталарини излаш каби кўплаб муҳим масалалар қамраб олинди. Шак-шубҳасиз, Афғонистон тузилма маконининг ажралмас қисми саналади. Бугун афғон халқи қўшни ва хайрихоҳ давлатлар кўмагига ҳар қачонгидан ҳам муҳтож. Президентнинг таъкидлашича Афғонистоннинг кўп йиллик инқироздан чиқиши учун қулай шароит яратиб бериш бизнинг маънавий бурчимиздир.

Президентнинг фикрича савдо-иқтисодий ва ишлаб чиқариш алоқаларининг жиддий узилишига олиб келган уч йиллик “пандемия танаффусидан” сўнг ШХТ мамлакатлари ва халқларига тўғридан-тўғри мулоқот зарур деб ҳисоблайди Мирзиёев. Бундай замонавий ва ўта зарур мулоқотни амалга оширишда афсонавий ва замонавий Самарқанд, унинг шонли тарихий мероси, ташкилот тарихида муваффақиятнинг яна бир саҳифасини очади. Тарихан шаклланган тушунчага кўра, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади. “Самарқанд руҳи” деган ноёб феноменнинг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг, жумладан, ШХТ доирасидаги шерикликнинг принципал жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустақам пойдевор бўлиши мумкин.

Ўзбекистон 2001 йил июнь ойида ШХТга аъзо бўлди ва унинг муассиси ҳамда тенг ҳуқуқли қатнашчисига айланди. 2003-2004 йилларда Ўзбекистоннинг ШХТга илк бор раислиги даврида Хавфсизлик кенгаши котиблари учрашуви механизми яратилди, “Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг Тошкент шаҳридаги жойлашуви тартиби”, “ШХТ ҳузуридаги кузатувчи мақоми тўғрисидаги Низом” қабул қилинди. Айнан ўша даврда Покистон, Ҳиндистон, Эрон ва Мўғлистон ташкилотга кузатувчи давлат мақоми олдди. 2009-2010 йилларда Ўзбекистоннинг ШХТга иккинчи бора раислиги пайтида ШХТ фаолияти янги босқичга чиқди. 2010 йил апрелда ШХТ ва БМТ Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларация имзоланди, Ташкилотда иш юритиш масалаларини тартибга солишда муҳим ҳужжат ҳисобланадиган “ШХТнинг иш юритиш қоидалари” ва “ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Ўзбекистон раислиги даврида эришилган ютуқлардан бири – БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2009 йил 18 декабрда консенсус асосида ШХТ ва БМТ ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги махсус резолюция қабул қилинди.

2016 йил 23-24 июнида ШХТнинг Тошкентда саммити бўлиб ўтганлиги ва Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикасининг ШХТга қабул қилиниши ташкилотнинг кенгайиши учун муҳим воқеа бўлди. Бу даврда Ўзбекистон ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ташаббускорлиги билан ажралиб турди. Биринчидан, ШХТнинг Остона (2017 й.), Синдао (2018 й.) ва Бишкек (2019 й.) саммитларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё ва бутун ШХТ маконининг транспорт-транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, туризм соҳасида ўзаро ҳамкорликни мустақамлаш, инновацион ривожланиш, ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, халқ дипломатиясини ШХТ халқлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустақамлашда самарали восита сифатида илгари суриш, шунингдек, минтақавий хавфсизликни таъминлашда ҳамкорликни янада кучайтиришга қаратилган қатор ташаббуслар билан чиқди [25].

Ўзбекистоннинг ташаббускорлиги ва фаоллиги ташкилотнинг “ШХТ-Афғонистон” мулоқот гуруҳи ишининг қайта тикланишига олиб келди. Ўзбекистоннинг таклифига кўра ташкилот доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3807-сонли қарори билан Тошкентда ШХТнинг Халқаро дипломатия маркази ташкил этилди; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 июндаги ПҚ-3815-сонли қарори билан Самарқандда “Ипак йўли” халқаро туризм университети ташкил этилди; 2019-2020 йилларда ШХТга аъзо давлатларнинг илмий тадқиқот муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида амалий тадбирлар режаси (“Йўл харитаси”) қабул қилинди; ШХТга аъзо давлатларнинг рақамлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик концепцияси қабул қилинди. 2019 йил 26 сентябрда Тошкентда биринчи Ахборот технологиялари ва инновацион ривожланиш форуми бўлиб ўтди.

2021-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислиги давомида ШХТ анъанавий ўзаро ҳамкорлик билан бир қа-

торда, минтақалараро савдо, саноат кооперацияси, инновациялар, камбағалликни қисқартириш, рақамли трансформация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш каби янги соҳаларда янгича ёндашувлар ва форматлар асосида 50 дан ортиқ йирик лойиҳаларни амалга оширди.

Биринчидан. ШХТ тадбирларини ташкил этишда янгича ёндашув ва форматлар жорий қилинди. Улар нафақат Тошкент шаҳрида, балки вилоятларда ҳам ўтказилди. Бу эса, ШХТдаги ҳамкорларга ҳудудлардаги ўзаро ҳамкорлик салоҳияти билан яқиндан танишиш имконини берди. Шунингдек, Нукус, Бухоро ва Фарғона шаҳарларида ШХТ Миллий координаторлари кенгашининг мажлислари ташкил этилди. Хивада ШХТга аъзо давлатлар транспорт вазирларининг йиғилиши бўлиб ўтди (2022 йил 12 май) ва Бухорода камбағалликни қисқартириш бўйича халқаро конференция ўтказилди (26-27 май 2022 йил). Тадбирлар давомида иштирокчи давлатлар вазирларининг учрашув ва йиғилишлари, конкрет мавзунини қамраб олган форум ва конференциялар, масалан, Халқ дипломатияси форуми (2022 йил 11-12 май), Сайёҳлик форуми (2022 йил 20 май), Анъанавий таъбиқат форуми (2022 йил 7 июнь), Ёш истеъдодлар ўртасида энг яхши стартап лойиҳалари танлови каби йирик тадбирлар ўтказиш ташаббуслари илгари сурилди. Самарқанд шаҳрида “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференция (2017), Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми (2018), Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми (2020) ва бошқа қатор йирик форумлар ташкил этилди.

Иккинчидан. Ўтказилган 80 дан ортиқ тадбирларнинг чорак қисми маданий-гуманитар соҳага тааллуқлидир. 2022 йил 19 май куни Тошкентда бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар маданият вазирларининг ўн тўққизинчи йиғилишида маданий хилма-хилликни сақлаш, кўп асрлик анъаналарни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш, ёшларни турли ғоявий таҳдидлардан ҳимоялаш каби кенг қўламли

масалалар кўриб чиқилди. ШХТга аъзо давлатларнинг ваколатли органлари ўртасида Музей иши соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум лойиҳасининг маъқулланиши ана шундай муҳокамаларнинг амалий натижаларидан бири бўлди. Саммит доирасида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ўртасида 2022-2025 йилларга мўлжалланган маданий алмашинув дастури қабул қилинди. Саммитда маданиятлараро мулоқотнинг рақамли платформаларини ишга тушириш таклиф этилди [24].

Учинчидан, ШХТ доирасидаги ҳамкорлик соҳаларини мазмунан бойитиш ва институционал кенгайтиришга қаратилди. 14 та янги концептуал ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди. Улар Транспорт боғлиқлигини ривожлантириш бўйича ШХТ стратегияси, Минтақалараро савдони ривожлантириш режаси, Инфратузилмани ривожлантириш дастури, “ШХТ Эзгу ният элчиси” институтини ташкил этиш каби ШХТ амалиёти учун янги ҳужжатлар лойиҳаларини алоҳида таъкидлаш зарур. Ички савдони ривожлантириш орқали савдо тўсиқларини бартараф этиш, техник регламентларнинг яқинлашишига ва божхона тартиб-таомилларини рақамлаштиришга қаратилган масалалар вазирлар даражасидаги учрашув ва йиғилишлар кун тартибидан муҳокама қилиниши билан бир қаторда, иштирокчи давлатларнинг ишбилармон доиралари иштирокидаги ШХТ Иқтисодий форуми, Саноат янгиликлари ҳафталиги, Минтақалар раҳбарлари форуми, Саноат кооперацияси форуми, “Қуёшли Ўзбекистон” мева-сабзавотлари кўргазмаси каби қатор йирик тематик тадбирлар доирасида ҳам муҳокама қилинди.

Тўртинчидан, ШХТ доирасида ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш бўйича ташкилотнинг кенг ҳудудида улкан транспорт ва транзит салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган. Жумладан, Ўзбекистон ўз ҳамкорлари билан биргаликда, ШХТ имкониятларидан фойдаланган ҳолда “Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой”, “Термиз-Мозори-Шариф-Кобул-Пешовар”, “Ланчжоу-Қашқар-Иркештам-Ўш-Андижон-Тошкент-Мари” ва

ҳозирги геоиқтисодий шароитда ўзига хос стратегик аҳамиятга эга бўлган бошқа транспорт йўлаklarини амалиётга татбиқ этишни жадаллаштириш бўйича ташаббусларни илгари сурди.

Бешинчидан, ШХТ доирасида Афғонистоннинг урушдан кейинги ривожланиш стратегиясига доир ўзаро ҳамкорликдаги ёндашувларни шакллантириш Ўзбекистоннинг раислиги давомида асосий устувор йўналишлардан бири бўлиб қолди. Бу борада Ўзбекистон кейинги йилларда дунёнинг турли жойларида янги муаммоли вазиятлар пайдо бўлиши натижасида, дунё ҳамжамияти томонидан бироз бўлиб тушиб қолган Афғонистон масаласини ҳал этишни кун тартибига қайта шакллантирди.

Демак, Ўзбекистон раислиги давомида амалга оширилган устувор лойиҳалар натижасида бугунги ва эртанги кун талабларига жавоб берадиган муҳим келишувлар тузилиб, кейинги қўшма режалар аниқлаб олинди. Илгари сурилган ва кун тартибига айлантрилган ташаббуслар мантиқан ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб самарали бўлишини таъминлади. Ўз навбатида, барча иштирокчи давлатларнинг манфаатларига тўла жавоб бериб, ШХТ маконида хавфсизлик, барқарор иқтисодий, ижтимоий-маданий, гуманитар ривожланиш, дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга ҳамкорликнинг бир қатор янги йўналишларини ишга солиб, унинг кун тартибини замонавий воқеликни ҳисобга олган ҳолда бойитишга ҳисса қўшди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон томони ШХТга раислиги доирасида, шубҳасиз, ушбу амалга оширилган ҳаракатларнинг юқори чўққиси ва уларни ҳар томонлама муҳокама қилиш асосида ташкилот Самарқанд декларациясининг қабул қилиниши, Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ташкилотнинг йиллик саммити муҳим аҳамиятга эга бўлди [26].

Ташкилотнинг Самарқанд шаҳрига ўтказилган саммити муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бунда Ўзбекистон аниқ прагматик ва конструктив таклиф ва ташаббусларни илгари суриб ташкилотнинг кун тартибига айлантирди. ШХТ давлат раҳбарларининг Самарқанд саммити бугунги шаклланаётган янги халқа-

ро тартиботлар шароитида ўзаро мулоқот ва ҳамкорликнинг янги моделини шаклланишини бошлаб берди [27]. Ўзбекистон томони ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида кун тартибига ўзаро савдони ҳар томонлама кенгайтириш ва чуқурлаштириш, инфратузилмани ривожлантириш ва такомиллаштириш, саноат кооперациясини ривожлантириш ва кенгайтириш, яшил ва рақамли трансформацияни жадаллаштириш, юқумли касалликлар, иқлимнинг салбий оқибатлари ва бошқаларга қарши биргаликда курашиш масалаларини кун тартибига айлантирди. Ушбу масалаларни кенг муҳокама қилиш учун мулоқот майдонини яратди. Ўз навбатида, саммитда бу масалаларни ечишга қаратилган муҳим стратегик ва концептуал аҳамиятга эга 44 та ҳужжат қабул қилинди [26]. ШХТ принципиал ёндашувлардан келиб чиқиб ва бугунги халқаро вазиятни ҳисобга олган ҳолда, муҳим стратегик аҳамиятга эга ташаббус ва таклифларни кун тартибига айлантирди [28]. ШХТ ташкилотининг Ҳиндистонда бўлиб ўтган саммитида (2023 йил) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ШХТнинг амалга оширилган келишувлар ва қарорларни инвентаризациядан ўтказиш, шакллантирилган институтлар ва ҳамкорлик механизмлари фаолиятини аудит қилиш, ташкилотни модернизациялаш бўйича келишувлар бажарилишини жадаллаштириш, Экспертлар форуми доирасида ШХТ истиқболлари бўйича қўшма тадқиқот лойиҳасини амалга ошириш Саммитнинг кун тартибидан келиб чиқиб, аниқ таклифларни баён қилди [29].

Илгари сурилган ташаббуслар уч йўналишдан иборат.

Биринчидан, ШХТни 2040 йилгача ривожлантириш стратегиясини тайёрлаш; ШХТнинг янги иқтисодий мулоқотини бошлаш асосида саноат ва технологик ҳамкорликнинг умумий маконини шакллантириш; Ўзбекистонда ШХТ минтақаларининг бизнес шериклиги ҳафталигини ўтказиш; ШХТ мамлакатлари махсус иқтисодий зоналари альянсини тузиш; Ҳар йили ШХТ йирик савдо ярмаркаси ўтказиш, унинг асосида ягона

электрон платформа яратиш; Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш; Тошкент шаҳрида Минтақалараро ўзаро боғлиқлик марказини ташкил этиш, Термиз-Мозори-Шариф-Кобул-Пешовар темир йўли коридори қурилишини ҳам қўллаб-қувватлашга чақириш; Ўзбекистонда ШХТ биринчи транспорт форуми доирасида муҳокама қилиш; ШХТ Иқлим кенгашини тузиш.

Иккинчидан, ШХТ минтақавий аксилтеррор тузилмасининг фаолиятини такомиллаштириш; Минтақавий аксилтеррор тузилмаси кенгашининг йиллик сайёр йиғилишлари амалиётини йўлга қўйиш; Ёшларнинг экстремистик ташкилотларга жалб этилишига йўл қўймаслик, турли носоғлом мафкураларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар қабул қилиш. Кибержиноятчиликка қарши курашиш учун қўшма платформани яратиш.

Учинчидан. Биз ўтмишдаги хатоларни такрорламаслигимиз ва Афғонистонни унинг муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслигимиз зарур; Афғонистон муваққат ҳукумати томонидан илгари қабул қилинган, шу жумладан, аёллар ва болалар ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариши бўйича Кобул билан конструктив алоқаларни ривожлантириш; Афғонистонни гуманитар қўллаб-қувватлаш бўйича махсус фондни

Термиз шаҳрида биргаликда таъсис этиш.

Тўртинчидан, ШХТ доирасида Университет ректорлари форуми, маданият ва туризм кунлари, қўшма спорт тадбирлари ва универсиадалар сингари қўшимча форматларни таъсис этиш, келгуси йилни “ШХТ маконида туризмни ривожлантириш йили” деб эълон қилиш [29].

Ўзбекистоннинг ШХТдаги иштироки уни янги босқичга олиб чиқиб, трансформацион ўзгаришларни бошлаб берди. Дунёда вазият борган сари мураккаблашиб, айрим давлатлар ўртасида келишмовчилик, ҳарбий-сиёсий можаролар авжига чиқаётган вазиятда ташкилотни ўзаро очиқ ва конструктив мулоқотга асосланган ҳамкорлик платформасига айлантирди. Ташкилотдаги “Шанхай руҳи”га ҳамоҳанг “Самарқанд руҳи” кириб келди. Инқироз ва танглик, охири нима билан тугагини билиб бўлмайдиган зиддиятлар кучайиши шароитида Ўзбекистоннинг ташкилот доирасидаги саъй-ҳаракати дунёдаги вазиятни прагматик тушунишга туртки берди. Саммит доирасида умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида Самарқанд бирдамлик ташаббусининг қабул қилиниши тинчликни таъминлаш, нафақат ташкилотга аъзо давлатлар, балки бутун Евроосиё минтақасининг ривожланишига хизмат қиладиган қарорларни қабул қилиш ва амалга оширишда янги даврнинг муҳим платформаси сифатида стратегик аҳамият касб этмоқда.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., 2023.
2. Указ Президента Республики Узбекистан, 2023.
3. “Историческая трансформация ШОС и вклад в укрепление устойчивости всех стран Центральной Азии,” в “Государства Шанхайской организации сотрудничества: историческая общность и перспективы сотрудничества”, материалы Международной научно-практической конференции, – Т., 09.06.2023.
4. “Samarkand Spirit: A New Format of International Cooperation”, 2022.
5. “Ўзбекистоннинг минтақавий ташкилотлар доирасида ҳамкорлиги қай даражада?”, 2020.
6. “Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик”, 2022.
7. “Ўзбекистон – ШХТ: стратегик ҳамкорлигининг янги қирралари”, 2022.
8. Нуриμβетов Р. Роль ШОС в современных международных отношениях: взгляд из Узбекистана, 2021.
9. X. Bu, “President Xu Bu published an article “The Historical Significance of the Samarkand Summit of the Shanghai Cooperation Organization”, 2022.

10. Матибаев Т. “ШХТнинг Самарқанд саммити ўзбек дипломатияси, ташқи сиёсатининг яна бир ютуғи бўлди,” 2022.
11. Перспективы развития ШОС: взгляд из Узбекистана. И.Н. Бекмуратов. Вестник Челябинского государственного университета. 2011. № 21 (236). Политические науки. Востоковедение. Вип. 11. – С. 11-16.; Раҳимов М.А. Сотрудничество Узбекистана с зарубежными странами и международными организациями в обеспечении стабильности и устойчивого развития в TsA (1991-2010 год). Автореф. док. ист. наук. – Т., 2012. – С. 47.
12. Мирзиёев Ш. “Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Самарқанд саммити: ўзаро боғлиқликдаги дунёда мулоқот ва ҳамкорлик”, 2022.
13. Ўзгараётган дунё ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти. – Т., 2022.
14. Роль ШОС в современных международных отношениях: взгляд из Узбекистана, 2021.
15. Роль ШОС в современных международных отношениях: взгляд из Узбекистана, 2021.
16. Ўзбекистон – ШХТ: стратегик ҳамкорликнинг янги қирралари, 2022.
17. Samarkand Spirit: A New Format of International Cooperation, 2022.
18. Х. У., Будущее стран ШОС: о программе сотрудничества до 2035 года, 2019.
19. Ўзбекистоннинг минтақавий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиги қай даражада?, 2020.
20. Неъматов Акрамжон: ШХТ – кўп томонлама ҳамкорлик бўйича муқобили йўқ тузилма, 2022.
21. Ўзбекистон – ШХТ: тинчлик ва тараққиёт йўлидаги самарали ҳамкорлик, 2021.
22. Турсунов Б.Э. Стратегические приоритеты ШОС: взгляд из Узбекистана, 2018.
23. Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги, 2022.
24. Маданий-гуманитар ҳамкорлик уфқлари изчил кенгайиб боради, 2022.
25. Ўзбекистон ва ШХТ: кўп томонлама ҳамкорликнинг янги қирралари, 2021.
26. Самарқанд саммити Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти фаолиятида янги саҳифа очди, 2022.
27. Ю. Цян, Новые сигналы в Самаркандской декларации и проблемы, с которыми можно столкнуться при ее осуществлении. // Социально-политические науки, т. 12, № 05, – С. 111-117, 2022.
28. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти-га аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи, 2022.
29. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти-га аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгаши мажлисидаги нутқи, 2023.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ФОРУМИНИНГ

САЁҲАТ ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНДЕКСИ ВА УНДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАҲОЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Азимжон ПУЛОТОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти

Аннотация: мақолада муаллиф томонидан, дастлаб, Ўзбекистонда устувор ҳисобланган халқаро рейтинглар ва индекслар, уларда кўтарилишининг ҳуқуқий асослари, мазкур рейтингларнинг туризм йўналишлари таҳлил қилинган. Шундан келиб чиққан ҳолда жаҳон тажрибасида охирги 20 йилликда баҳоланиши бошланган туризм соҳасидаги Жаҳон иқтисодий форумининг саёҳат ва туризм рақобатдошлиги, саёҳат ва туризмни ривожлантириш индекси (TTDI) таҳлил қилинган. Таҳлиллар жараёнида бевосита индекс ва субиндекслар алоҳида ўрганилиб, истиқболда Ўзбекистоннинг мазкур рейтингда (TTDI) баҳоланишига доир хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО), Жаҳон иқтисодий форумининг (World Economic Forum (WEF) Саёҳат ва туризм рақобатдошлиги (Travel and Tourism Competitiveness Report), Саёҳат ва туризмни ривожлантириш индекси (Travel and Tourism Development Index (TTDI), Саёҳат ва туризмнинг талаб драйверлари, туризм соҳасида меъёрий-ҳуқуқий база, бизнес муҳити ва инфратузилмаси, маданий ва табиий ресурслар.

**Индекс развития путешествий и туризма
Всемирного экономического Форума
и перспективы оценки Узбекистана в нем**

Азимжон Пулатов,

базовый докторант

Академии государственного управления
при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: в статье приводятся приоритетные для Узбекистана международные рейтинги и индексы и правовые основы повышения в них, далее основной акцент делается на анализе направлений по туризму в данных рейтингах. Исходя из этого, анализированы такие направления по туризму, как отчет конкурентоспособности туризма и путешествий, индекс развития путешествий и туризма (TTDI) Всемирного экономического форума, оценка которого начался в последние 20 лет. В ходе анализа отдельно изучены индекс и субиндексы, разработаны заключения и практические рекомендации касательно оценки Узбекистана в данном рейтинге в перспективе.

Ключевые слова: всемирная туристская организация ООН (ЮНВТО), Отчет конкурентоспособности туризма и путешествий, Индекс развития путешествий и туризма (TTDI) Всемирного экономического форума, драйверы спроса путешествий и туризма, нормативно-правовая база в сфере туризма; бизнес – среда и инфраструктура, культурные и природные ресурсы.

Travel and tourism development index of the World Economic Forum and Uzbekistan's evaluation prospects in it

Azimjon Pulotov,

Doctoral student of the Academy
of Public Administration under the President
of the Republic of Uzbekistan

Abstract: In the article, the author analyzed the

international ratings and indexes considered priority in Uzbekistan, the legal basis of their promotion, and the tourism directions of these ratings. Based on this, the World Economic Forum's travel and tourism competitiveness, travel and tourism development index (TTDI) in the field of tourism, which began to be evaluated in the last 20 years, was analyzed. In the course of the analysis, the direct index and sub-indices were studied separately, and conclusions and practical recommendations were developed regarding the evaluation of Uzbekistan in this rating (TTDI) in the future.

Keywords: United Nations World Tourism Organization (UNWTO), Tourism and Travel Competitiveness Report, World Economic Forum Travel and Tourism Development Index (TTDI), drivers of travel and tourism demand, regulatory framework in the tourism sector; business environment and infrastructure; cultural and natural resources.

Хозирги кунда бутун дунёда давлатларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши аксар ҳолларда йирик халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилган, тан олинган турли рейтинглар ва индекслар томонидан баҳоланиш натижаларига қараб баҳо берилляпти. Мазкур натижалар эса, мамлакат сиёсий имижини кўтариши (ёки аксинча) билан бирга, давлатнинг иқтисодига, хусусан, экспорт-импорт операциялари, ҳатто йирик инвесторларнинг мамлакат оқимиغا ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шунга кўра, Ўзбекистонда ҳам 2017 йилдан сўнг, халқаро иқтисодий рейтингларни ўрнини яхшилашга алоҳида эътибор қаратила бошлади. Хусусан, маҳаллий мутахассис ва олимлар билан бир қаторда, халқаро экспертларни жалб қилиб, мазкур соҳада давлатнинг манфаатлари ва халқнинг анъана, урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда устувор ҳисобланган йўналишларда рейтинглар танлаб олинди. Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини тўлиқ очиб берувчи индекслар ва рейтингларда ҳали баҳоланмаганлигини қайд этиш мумкин.

Халқаро иқтисодий рейтингларда Ўзбекистоннинг баҳоланиши ва рейтинг ўрнини яхшилаш, дастлаб, қонунчилик даражасида

мустақкамланишини сўнги беш йилликда ривожланганлигини қайд этиш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли Фармони ҳамда 2019 йил 25 февралдаги ПҚ-4210-сонли "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ устувор деб кўрилган 17 та халқаро рейтинг ва индекслар келтириб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2020 йил 2 июндаги** "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида"ги ПФ-6003-сонли Фармони билан Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика Кенгаши ва унинг таркиби тасдиқланган.

Шунингдек, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги "Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашда илмий салоҳият ҳамда амалий фаолият уйғунлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-246-сонли қарори ҳам қабул қилинган бўлиб, мазкур қарорга

мувофиқ устувор халқаро рейтинг ва индексларнинг таркибий индикаторлари доирасида мунтазам паст баҳоланиб келинаётган соҳа ва тармоқларни жадал ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш режаси тасдиқланган.

Ушбу йўналишларда алоҳида туризм соҳасидаги рейтинглар танлаб олинмаган бўлса-да, субиндексларда туризмга дахлдор йўналишлар мавжудлигини қайд этиш мумкин. Хусусан, “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тартибга солиш чекловлари индекси” (FDI Regulatory Restrictiveness Index) – 15-субиндекси “Меҳмонхона ва ресторанлар” ҳамда Глобал инновация индекси (Global Innovation Index)нинг 7-субиндекси “Ижодий маҳсулотлар” деб номланиб, унда креатив тусдаги товарлар экспорти, маданий ва ижодий хизматлар экспорти, кўнгилочар ва медиа маҳсулотлар бозори каби йўналишлар бор бўлиб, мутахассислар томонидан ушбу йўналишлар бўйича ҳисоботлар тақдим этиб борилмоқда.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирда “мамлакат рақобатбардошлигини баҳолашнинг замонавий ёндашувлари, маълум давлат рақобатбардошлиги даражасини аниқлашда қўлланиладиган усуллар, асосан, кўрсаткичлар сони, таркиби ва уларнинг муҳимлик коэффициенти билан фарқланади” [1].

Шунга кўра, глобал рейтинглар ва туризм соҳасидаги тадқиқ қилинаётган мавзуларни умумлаштирадиган бўлсак, ушбу йўналишдаги рейтинглардан, дастлаб, Жаҳон иқтисодий форумининг (**World Economic Forum (WEF)**) Саёҳат ва туризм рақобатбардошлиги (Travel and Tourism Competitiveness Report)ни айтиб ўтишимиз мумкин холос.

Саёҳат ва туризм рақобатбардошлиги ҳисоботи биринчи марта 2007 йилда Жаҳон иқтисодий форуми томонидан чоп этилган [2]. 2007 йилги ҳисоботда 124 та йирик ва ривожланаётган иқтисодлар қамраб олиниб, дастлаб, унда 3 та йўналиш баҳоланган. 2008 йилги ҳисобот 130 мамлакатни қамраб олди [3], 2009 йилги ҳисобот 133 давлатга [4] ва 2011 йилги ҳисобот 139 давлатга [5] кенгайтирилди.

Шундан сўнг, ушбу баҳолов 2015 йилда [6], 2017 [7] йилда ва 2019 (140 та давлат акс этган) [8] йилларда чоп этилиб, унда индикаторлардан келиб чиққан ҳолда давлатларнинг туризм бўйича рақобатбардошлиги келтирилган.


Индекс мамлакатнинг туристик йўналиш сифатидаги жозибadorлиги ўлчовинигина эмас, балки алоҳида мамлакатларнинг саёҳат ва туризм саноатида бизнесни ривожлантиришни жозибador қилувчи омиллар ўлчовидир. Ҳисобот сайёҳлик ва туризм рақобатбардошлиги индекси бўйича танланган давлатлар рейтингини тузади, у ҳар бир алоҳида субиндекс бўйича маълум бир мамлакатнинг кўрсаткичларини 1 дан 6 гача баҳолайди. Дастлабки индекс ҳисоботлари умумий бўлган учта асосий кичик индексдан иборат бўлганлигини кўриш мумкин: (1) меъёрий-ҳуқуқий база; (2) бизнес муҳити ва инфратузилмаси; (3) инсон, маданий ва табиий ресурслар. (1-расм.)

Ҳисобот, шунингдек, баҳоланган ҳар бир давлат учун ўзига хос Давлат профилини ўз ичига олади, унинг ТТСИни баҳолаш учун олинган ҳар бир балли ва Жаҳон банкининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ва Жаҳон саёҳати мамлакатлари кўрсаткичлари бўйича қўшимча маълумотлар мавжуд бўлган. Саёҳат ва туризм рақобатбардошлиги ҳақидаги охириги ҳисобот 2019 [9] йилда чоп этилган.

Ушбу ҳисоботларни таҳлил қиладиган бўлсак, унда субиндекслар сони йилдан йилга ўсиб борганлигини кузатиш мумкин.

Жаҳон иқтисодий форуми 2021 йилдан бошлаб, Саёҳат ва туризм рақобатбардошлиги ҳисоботини янгича кўринишда (мазкур индекснинг давоми сифатида) Саёҳат ва туризмни ривожлантириш индексини (Travel and Tourism Development Index (TTDI) эълон қилишни бошлади [10]. Мазкур ҳисоботда 117 та давлатдаги ҳолат баҳоланган.

Шунинг учун биз, Жаҳон иқтисодий форумининг охириги – 2021 йилги ҳисоботини таҳлил қилдик. (2023 йилги ҳисоботлар ҳали чоп этилгани йўқ.) Унда 5 та (**A** – ривожланиш учун қулай шароитнинг яратилганлиги; **B** – саёҳат ва туризм сиёсати ва соҳани ри-



1-расм. Туризм индекслари субиндексларидаги дастлабки йўналишлар

вожлантиришда рухсат бериш шартлари; **С** – инфраструктура; **Д** – саёҳат ва туризмнинг талаб драйверлари, **Е** – саёҳат ва туризмнинг барқарорлиги) субиндексдан иборат бўлиб, ҳар бир субиндекси соҳадан келиб чиқиб, 3 тадан 5 тагача бўлган йўналиш (устун)ни ташкил этиб, ушбу йўналишлар 4 тадан 15 тагача бўлган – жами 106 та банд (ўзгарувчан)ни ташкил этади.

Таққослаш учун 2019 йилги ушбу бандлар 90 тани ташкил этган.

Қайд этиш лозимки, 106 та банд (ўзгарувчан)нинг 2/3 қисмини баҳолаш жараёнида турли халқаро ташкилотларнинг статистик маълумотлари, қолган қисмини аниқлашда дала тадқиқотлари натижаларидан фойдаланилган. Жумладан, Ҳаво транспорти халқаро ассоциацияси (IATA), Табиатни муҳофаза қи-



2-расм. Саёҳат ва туризмни ривожлантириш индекси (2021 й.)даги субиндекслар

лиш халқаро иттифоқи (IUCN), Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO), Жаҳон саёҳат ва туризм кенгаши (WTTC)нинг статистик маълумотлари ҳамда жаҳон миқёсидаги 15 мингта эксперт ва компания бошқарувчилари ўртасида ўтказилган сўров натижаларидир” [11].

Ўз навбатида, “ривожланиш учун қулай шароитнинг яратилганлиги” (A) субиндекси 5 та йўналишда 38 та банд;

кейинги (B) – саёҳат ва туризм сиёсати ва соҳани ривожлантиришда рухсат бериш шартлари субиндекси 3 та йўналишда 14 та банд;

Инфраструктура (C) субиндекси 3 та йўналишда 16 та банд;

Саёҳат ва туризмнинг талаб драйверлари (D) субиндекси ҳам 3 та йўналишда 15 та банд;

Саёҳат ва туризмнинг барқарорлиги (E) субиндекси ҳам 3 та йўналишда 29 та банддан иборат.

2021 йилги натижаларни таҳлил қилади-

ган бўлсак, Марказий Осиё давлатларидан Қозоғистон 2019 йилда 80 – ўриндан 2021 йилда 66 – ўринга, Қирғизистон 2019 йилда 110 – ўриндан 2021 йилда 90 – ўринга, Тожикистон эса, 2019 йилда 104 – ўриндан 2021 йилда 91 – ўрингача кўтарилганини кузатиш мумкин.

Саёҳат ва туризмни ривожлантириш индекси мамлакатнинг туристик йўналиш сифатидаги жозибadorлиги ўлчовигина эмас, балки алоҳида мамлакатларнинг саёҳат ва туризм саноатида бизнесни ривожлантиришни жозибador қиладиган омиллар ўлчовидир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, келгусида халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг нуфузини кўтаришда ушбу рейтингда Ўзбекистоннинг ҳам баҳоланиши айна муддаодир.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг туризм учун жозибador мамлакат сифатидаги нуфузини ошириш мақсадида, Туризм фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни, биринчи навбатда, БМТнинг Бутунжаҳон ту-

1-жадвал

Жаҳон иқтисодий форумининг (WEF) Саёҳат ва туризм рақобатдошлиги (Travel and Tourism Competitiveness Report) ҳамда Саёҳат ва туризмни ривожлантириш индекси (Travel and Tourism Development Index (TTDI) бўйича баъзи давлатларнинг ўрни ва натижалари

2021 йил		2019 йил	
Ҳисобот бўйича ўрни	Давлат номи	Ҳисобот бўйича ўрни	Давлат номи
1.	Япония	1.	Испания
2.	АҚШ	2.	Франция
3.	Испания	3.	Германия
4.	Франция	4.	Япония
5.	Германия	5.	АҚШ
9.	Сингапур	17.	Сингапур
12.	Хитой	13.	Хитой
15.	Ж.Корея	16.	Ж.Корея
		39.	Россия Федерацияси
44.	Грузия	68.	Грузия
45.	Туркия	43.	Туркия
63.	Озарбайжон	71.	Озарбайжон
66.	Қозоғистон	80.	Қозоғистон
90.	Қирғизистон	110.	Қирғизистон
91.	Тожикистон	104.	Тожикистон

ризм ташкилоти (ЮНВТО), хорижий мамлакатларнинг туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлари – туризм хизматлари минтақавий ва жаҳон бозорларининг фаол иштирокчилари билан ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистоннинг туризм соҳасида тартибга солувчи универсал халқаро конвенциялар ва битимлардаги иштироки, туризм фаолияти амалиётига халқаро ва давлатлараро стандартлар ва нормаларни жорий этиш[12]ни жадаллаштириш лозим.

Туризм қўмитаси 2023 йил якуни билан Жаҳон иқтисодий форумига тегишли ҳисоботларни қайд этишни таъминлаши лозим. Бунда туризм соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказилишига кўмаклашиши белгиланганлигини инobatга олсак, мазкур соҳада тажрибаси бор хорижий экспертларни жалб этиш ёки қўмита ҳузуридаги Буюк Ипак йўли институти томонидан ҳисоботларни тақдим этиш тавсия қилинади.

Сабаби соҳани таҳлил этиш жараёнида тақдим этилган ҳисоботлар ўрганиб чиқилганда: Сингапурда – Сингапур Иқтисодий Ривожлантириш Кенгаши, Жанубий Корея-

да – Корея Республикасини ривожлантириш Институти, Хитойда – Ривожлантириш ва ислохотларни амалга ошириш Миллий Комиссияси ва Иқтисодий тизимлар ва бошқарув институти, Қатарда – Қатар тадбиркорлар ассоциацияси ва Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар институти, Японияда Васеда университети, Грузияда – Грузия Ислохотлари учун бизнес ташаббуслари Кенгаши, Россияда – Евроосиё рақобатдошлиги институти, Қозоғистонда – Қозоғистон стратегик ташаббуслар маркази, Қирғизистонда – Иқтисодий сиёсат институти, Тожикистонда – Ижтимоий тадқиқотлар маркази каби институтлар томонидан тақдим этилганлигини кўриш мумкин.

Туризм қўмитаси ҳамроҳлигида масъул ташкилотлар томонидан 2023 йил якуни билан Жаҳон иқтисодий форумига тегишли субиндексларга оид маълумотлар тақдим этилса, давлатимизнинг яна бир халқаро рейтингда ижобий ўринга эга бўлиш имконияти яратилади. Фикримизча, Ўзбекистоннинг туризм имкониятлари баҳоланса, дастлаб, 60-80-ўринларда, кейинги йилларда эса, кучли 30 талиқдан ўрин эгаллаши мумкин.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Морозова Н.С. Теория и методология формирования и развития конкуренции в туризме. 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Сочи – 2012. – С. 46.
2. Jennifer Blanke and Thea Chiesa, ed. (2007). "The Travel & Tourism Competitiveness Report 2007" (PDF). World Economic Forum, Geneva, Switzerland. Retrieved 2009-03-04.
3. Jennifer Blanke and Thea Chiesa, ed. (2008). "Travel & Tourism Competitiveness Report 2008" (PDF). World Economic Forum, Geneva, Switzerland. Retrieved 2009-03-04.
4. Jennifer Blanke and Thea Chiesa, ed. (2009). "Travel & Tourism Competitiveness Report 2009". World Economic Forum, Geneva, Switzerland. Retrieved 2009-03-04.
5. Jennifer Blanke and Thea Chiesa, ed. (2011). "Travel & Tourism Competitiveness Report 2011" (PDF). World Economic Forum, Geneva, Switzerland. Retrieved 2011-03-14.
6. "The Travel & Tourism Competitiveness Report 2015" (PDF). World Economic Forum. May 2015.
7. "The Travel & Tourism Competitiveness Report 2017" (PDF). World Economic Forum. April 2017.
8. The Travel & Tourism Competitiveness Report 2019". World Economic Forum. September 2019.
9. https://en.wikipedia.org/wiki/Travel_and_Tourism_Competitiveness_Report
10. "Travel & Tourism Development Index 2021 - Rebuilding for a Sustainable and Resilient Future" (PDF). World Economic Forum. May 2022.
11. Туристтик ҳудудни барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишлари: монография / Н.С. Ибрагимов. – Бухоро: "Sadriiddin Salim Vuxoriy" Durdona nashriyoti. – 2020. – 28 б.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-2666-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон.



Хурматли муаллифлар,

“Жамият ва бошқарув” журнали тахририяти ҳамкорлик учун Сизга миннатдорлик билдиради ва Сиздан нашр қилиш учун илмий мақолаларни беришда қуйидаги талабларга риоя қилишингизни сўрайди:

Мақолаларнинг мавзулари:

давлат бошқаруви, давлат сиёсати, инсон ресурсларини бошқариш, давлат фуқаролик хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат бошқаруви органларидаги ислоҳ этилган ўзгаришлар, ушбу йўналишлардаги миллий ва жаҳон тажрибалари каби устувор йўналишлар билан боғлиқ масалалар.

Мақолаларга қўйиладиган талаблар:

- илмий ва амалий нуқтаи назардан долзарблиги ва муҳимлиги;
- мавзуси янги бўлиши ва уни ўрганишнинг янгича ёндашув таҳлил этилганлиги;
- мавзуси фундаментал ишлаб чиқилган, аниқ ва равлон баён этилганлиги;
- тақдим этиладиган маълумотлар оригинал, олдин бошқа босма нашрларда эълон қилинмаган бўлиши;
- хулосалари асосланган бўлиши лозим.

Мақолаларнинг тузилиши (структураси) қуйидагича бўлиши лозим:

- муаллифлар тўғрисидаги маълумотлар: исми, отасининг исми, фамилияси, иш жойи (тўлиқ), лавозими, илмий унвони, илмий даражаси – барчаси уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида) берилиши ҳамда иш ва мобил телефон рақамлари, электрон почта манзили кўрсатилиши;

- аннотация 50-60 та сўз (ўзбек, рус ва инглиз тилларида), калит сўзлар (ўзбек, рус, инглиз тилларида 10 тагача), кириш, асосий қисм, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати;

- фойдаланилган адабиётларнинг манбалари мақола мавзусига қатъий мос келиши, 10 та номдан ошмаслиги, нашр муддати 5 йилдан ошмаган (фундаментал тадқиқотлар бўйича монографиялар бундан мустасно) бўлиши ҳамда академия профессор ўқитувчиларининг чоп этилган илмий мақолаларига иқтибос келтирилиши лозим.

Мақолалар халқаро IMRAD услубини қўллаган ҳолда ёзилиши ва қуйидаги саволларга жавоб бериши шарт.

Кириш (Introduction) – тадқиқот нима учун ўтказилди, унинг мақсади нима ва қандай фаразлар текшириб кўрилди?

Методлар (Methods) – тадқиқот қачон, қаерда, қай тарзда ўтказилди? Унда қайси материаллар иштирок этди ва улардан танловга қайсилари киритилди?

Натижа (Results) – яқунда қандай жавоб топилди? Илгари сурилган фаразлар тўғри айтилганми?

Тавсия ва хулоса (Acknowledgements) – жавоб нимани билдиради? У қандай аҳамият касб этади?

Муҳокама (Discussion) – ушбу тадқиқот бошқа тадқиқотчилар топган илмга яна нималарни қўшади? Бўлажак тадқиқот тадқиқотлар учун қандай истиқболга эга?

Тахририятга тақдим этилган мақолалар учун техник талаблар:

- мақоланинг матни Microsoft Word 2003 версиясида тайёрланиши;
- шрифт Times New Roman, 14 шрифт кегели (ҳажми) бўлиши;
- сатрлар орасидаги масофа 1,5 интервал бўлиши;
- умумий ҳажми А4 форматида кўпи билан жадваллар, расмлар ва рўйхатларини қўшганда 15 бетдан ошмаслиги;

- матнли саҳифа юқоридан ва пастдан 2 см. чапдан 3 см. ўнгдан 1,5 см. ҳошияга эга; хатбоши 1,27 см. га тенг ва бир хилда бўлиши;

- фотосуратлар (**муаллиф фотоси шарт, расмлар**) JPEG форматидаги алоҳида файлларда, кенглиги 150-300 dpi дан кам бўлмаслиги;

- Microsoft Word матн муҳаррирдаги расмлар, шунингдек, уларнинг ксеронусхаларини тақдим қилиш мумкин эмас. Барча (ўзида тадқиқотнинг умумлаштирилган материалларини ифодалаган) фотосуратлар, жадвал ва чизмаларга изоҳлар берилган бўлиши лозим: расмнинг номланиши / рақами берилган файл, унга берилган шарҳлар (ким, нима тасвирланган, қаерда ва ҳ.к.) каби маълумотлар бўлиши;

- рўйхатдаги файлларнинг номланиши / рақами фотосуратларнинг номланиши/ рақамига мос келиши;

- барча манбалар мақоланинг ички қисмида рақамланган ҳавола тарзида берилиши керак. Матндаги ҳаволалар квадрат қавс ичида (масалан, М.Баратов [7], [9]) келтирилиши шарт.

Муаллифларга эслатма:

- “Жамият ва бошқарув” журнали йилига 4 марта чоп этилади;
- мақолалар тахририятга антиплагиат-ҳисобот билан биргаликда тақдим этилиши шарт;
- муаллифлар келтирилган маълумотлар, иқтибослар, ҳаволалар ва библиографик ҳаволаларнинг аниқлиги учун тўлиқ жавобгардир;

- этика нуқтаи назардан тахририятга тақдим этилган материаллар илгари бошқа нашрларда чоп этилган ёки бошқа нашрларда кўриб чиқилаётган бўлмаслиги керак. Шунинг учун муаллиф тахририятга ушбу шаклда нашр этиш учун тақдим этган материални барча ҳаммуаллифлар ва иш бажарилган ташкилот номидан кафолатланиши керак;

- нашрга қабул қилинган мақолани журнал тахририятининг ёзма розилигисиз уларни бошқа тилларга таржима қилиб такроран чоп этмасликни кафолатлаши керак;

- илмий нашрнинг жорий сониди муаллифнинг фақат 1 та мақоласи чоп этилади ва унда муаллифлар уч нафардан ошмаслиги лозим;

- тахририят мақолаларни қисқартириш, тўғрилаш ва таҳрир қилиш ҳуқуқига эга;

- журнал юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган қўлёзмаларни қайтариш ҳуқуқига эга. Тахририятга тақдим этилган мақолаларнинг чоп этилиши ёки этилмаслиги ҳақидаги қарорни Таҳрир ҳайъати қабул қилади;

- тахририят муаллифни фақат нашр қилиш бўйича хулоса ҳақида хабардор қилади. Нашр қилиниши рад этилган ҳолларда тахририят назарий мунозараларга киришмайди.

Мақолаларни jurnal95@dba.uz электрон почтаси орқали юбориш мумкин.

Мурожаат учун телефон: +998 71 232 60 76